

ДД
Б-24


ШАЙХ ОИЗ
АЛ-ҚАРНИЙ



МАҲЗУН БЎЛМА



ШАЙХ ОИЗ
АЛ-ҚАРНИЙ



МАҲЗУН
БЎЛМА

Иккинчи нашри

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2020

УЎК 28
КБК 86.38
Қ-24

*Куръони карим оятларининг таржима ва
изоҳлари муаллифи:
Шайх Алоуддин МАНСУР*

*Араб тилидан
Захириддин МАНСУР таржимаси*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 19.06.2018 йил 3412-сонли
хуносаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9943-25-734-4

© Захириддин Мансур, 2019, 2020
© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2019, 2020

293 №

Заншота Акм

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ислом оламининг навқирон уламоларидан доктор Оиз ал-Қарнийнинг «Маҳзун бўлма» («Ла таҳзан») китоби ниҳоят фойдали бир мавзудан баҳс этгани сабабли ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди ва қайта-қайта, бир неча миллион нусхада нашр қилинди. Китобда мусанниф Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифдан иқтибослар ва саҳобаю тобеинлар ҳаётларидан ибратли лавҳалар келтириш билан ҳамда ўта таъсирли ҳикматларни мисол қилиб, ўқувчини маҳзун бўлмасликка – инсонлиги учун, мўмин-мусулмонлиги учун, бениҳоя Мехрибон Оллоҳнинг бандаси, энг Буюк Инсон, севикли Пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уммати бўлишдек улуғ саодатга эга бўлгани учун севиниб, шукроналар айтиб, баҳтиёр ҳаёт кечиришга даъват қиласи. Жозиб тил ва гўзал услуг билинганинг ушбу асарни ўқиб, олган роҳатларимизни, Сиз азиз диндошларимиз билан баҳам кўриш ниятида, «Маҳзун бўлма» китобининг бир жузъини фарзанди аржумандимиз Захириддин таржимасида эътиборингизга тақдим қилинмоқда. Оллоҳ барчамизга ҳаёти дунёда ҳам, Охират диёрида ҳам маҳзун бўлмаслик баҳтини ато этсин.

Шайх Алоуддин МАНСУР

Ё, ОЛЛОХ!

Осмонлар ва Ердаги (барча) жонзот (Унга мұх-
тождир ва бор тилак-мақсадларини Ёлғиз) **Үндан**
сүрар. У Зот ҳар куни иш-амалдадир. (Ар-Роҳман су-
раси, 29-оят)

Шамол әсіб, мавжлар қутуриб, денгиз изтиробга
түшганида, кема аҳли нидө қылар: «Ё Оллох!».

Саҳрордаги ёлғиз одам адашса, отлиқ йүлдан оғса,
карвон аро йүлда қолса, нидө қылар: «Ё Оллох!».

Бошга мусибат тушиб, фалокат вақти кирса, бало-
офат бошланса, баҳтсизлик әгалари нидө қилурлар:
«Ё Оллох!».

Қоқылған әшик ёпилса, одамлар юзидан парда тор-
тилса, қичқиришар: «Ё Оллох!».

Йүллар тор бўлса, истаклар ниҳоя топиб, арқон узил-
са, нидө қилинар: «Ё Оллох!».

Агар сенга кенг ер торлик қилиб, дилинг юкни
кўтара олмай сиқилса, ҳайқиргин: «Ё Оллох!».

Чунки хуш сўз, холис дуо, ҳаққоний хитоб, беайб
кўз ёш ва ҳаяжонла қийналмоқ – Унга юксалур.

Саҳар пайти кафтлар, мұхтожлиқда қўллар, оғат
вақти кўзлар, баҳтсизликда илинж – Унга юзланур.

Унинг исми билан тиллар айланиб, ёрдам сўраб,
ҳамд ўқиб, нидө қилур. Унинг зикри билан қалблар
хотиржам, руҳлар оромда, туйғулар сокин, асаблар
тинч, ақл жойида, эътиқод мустаҳкамдир. **«Оллох**
бандаларига Мехрибондир». (Шўро сураси, 19-оят)

ОЛЛОҲ – Энг чиройли исм, гўзал ҳарфлар, ҳаққоний таъбир, бебаҳо калимадир. «Унинг учун бирон «тeng»ни билурмисиз?! (Йўқ, билмассиз!)».

Бойлик ва Боқийлик, Қувват ва Нусрат, Куч-Кудрат ва Ҳикмат – Унингдир. **«Бу Кунда подшоҳлик кимни кидир? Яккаю Ягона ва Ғолиб Зот – Оллоҳникидир!»** (Ғофир сураси, 16-оят)

Лутфу Иноят, Ёрдам ва Мадад, Дўстлик ва Муруват – Ундандир. **«Сизларга берилган барча нознеъматлар Ёғиз Оллоҳдандир!»**. (Наҳл сураси, 53-оят)

Оллоҳ Улуғлик ва Фазилат, Куч-Қувват ва Қадр Қиммат Эгасидир.

Оллоҳим, Ўзинг бизларга азоб ўрнига тасалли, қайғу мукофотига шодлик, хавф пайтида тинчлик бергин!

Оллоҳим, Ўзинг қалб аламини эътиқод қори билан юваб, руҳлар чўғини иймон суви билан ўчиргин!

Парвардигор, Ўзинг бедор қўзларга ором уйқусини, безовта нафсларга осудаликни бергин!

Парвардигор, бу ҳайрон кўзларни Ўз Нурингга, Йўлдан оғганни Тўғри Йўлингга ва У Йўлингдан бўйин товлаганларни Ўз Ҳидоятингга йўллагин!

Оллоҳим, Ўзинг барча ташвишларни субҳи содик нури билан йироқлаштири, фирром виждонни ҳақиқат қўшини билан узоқлаштири, ҳамда шайтон найрангларин Ўз аскарларинг кўмаги билан қайтаргин!

Оллоҳим, Ўзинг бизлардан ғам-андуҳларни кетказгин, нафсларимиздан безовталикни олиб ташлагин!

Барча хавфлардан Сенинг паноҳингга қочамиз. Ишонч ва таваккул, сўров ва ёрдам Сенгадир фақат. Бизнинг Хожамиз Сенсан! У Зот нақадар яхши Хожа ва нақадар яхши мададкордир!

Сен баҳтли бўл

Иймон ва солиҳ амал – мунис ҳаётингнинг тилсимидир, бас, унга талпингин.

Илм-маърифатни излагин ва таълим ол. Чунки билим ғамни кетказар.

Тавба қил, гуноҳлардан воз кеч, чунки гуноҳлар ҳаётингни барбод қиласар.

Куръон тиловат қил, мулоҳаза юрит ҳамда Оллоҳни кўп ва доим зикр қилгин.

Одамларга эҳсон қилишдан толиқмагин қалбинг шод бўлар.

Жасоратли бўл, журъатсиз, қўрқоқ бўлмагин, чунки жасорат қалб оромидир.

Қалбингни ҳасад, адоват ва ғилли-ғаш ҳамда барча иллатлардан пок тутгин.

Ортиқча назар, калом, эшитиш, уриниш, емак ва уйқуни тарқ этгин.

Фойдали иш билан банд бўлгин, ғам-қайғуларни унутасан.

Бугунинг ҳақида фикр юрит, ўтмиш ва кечмишни унут.

Сурат, ризқу-рўз ва саломатликда ўзингдан қуийдаги кимсага назар солгин.

Ёмон эҳтимолларга тайёр тур, бошга тушганида у билан муомала қилишни ўрган.

Зеҳн-заковатингни зулмат ортидаги бузук фикр-хаёллар оғушига ташлаб қўймагин.

Ғазабланма, сабр қил, ҳалим бўл, афв қил... умр қисқадир.

Неъмат тугаб, қачон интиқом вақти киришини кутмагин, Оллоҳга таваккул қилгин.

Муаммоларни ўз ҳолича қўйгин, уларни катталаштирма.

Ўзингни фитна ва жирканч ботқоғидан олиб қочгин.

Ҳаётни соддалаштири, хашаматни тарк этгин, чунки ортиқча айш бандилик, ўта танпарварлик руҳ азобидир.

Сен ҳақингда айтилган ёмон сўзлар ҳақида ўйлама, уларнинг сенга зиёни йўқ, айтгувчининг ўзига зиён.

Онгли бўл, неъмат, фазилат ва нажот ҳақида фикр юритгин.

Бирордан раҳмат кутмагин, эҳсонни фақат Оллоҳ учун қилгин.

Ўзинг учун фойдали лойиҳаларни белгилаб ол, шу ҳақида ўйлаб, у билан машғул бўлгин, ғам-қайғуларни унутасан.

Бугунги ишни эртага қолдирмагин. Фойдали илм ўрган, фойдали ишни қилгин.

Оллоҳнинг берган неъматлари ҳақида тафаккур қилгин, у ҳақида сўзла, Оллоҳга шукр қил. Оллоҳ сенга берган соғлик, мол-давлат, аҳли-оила ва иш-амал билан қаноатлан.

Яқин билан ҳам узоқ билан ҳам яхши муомалада бўлгин, айб-нуқсонлардан кўз юмгин.

Бадантарбия билан шуғуллан, сайд қил, саломатлигинг ҳақида ўйла, чунки соғлом танда соғлом ақл бўлади.

Оллоҳ таолога доимо афв-мағфират, яхши кайфият ва соғлик-омонлик сўраб дуо қилгин.

Кун бугундир

Тонг отгач, тунни кутмагин, яхши-ёмон ўтган кечаги қунни эмас, ҳали келиб улгурмаган эртани ҳам эмас, яшаётган бугунингни ўйлагин.

Күёши чарақлаган бу кун – сенинг кунинг, бир кунлик умр... Гёё бу кунда туғилиб, шу кунда ўладигандек, бугунги ҳаётингни бугун учун бағишиларин. Шундагина сенинг ҳаётинг ўтмиш ғам-ташвишлари, келажакнинг хатарнок шарпаларига тўқнаш келмайди.

Барча ижод, меҳнатларингни бугунинг учун сарфлагин.

Бу кунда хушуъ билан намоз ўқигин, тадаббур билан Куръон тиловат қил, бугунинг ҳақида мушоҳада юрит, хусни хулқли бўлгин, қазойи қадарга рози бўл, ўзгаларга манфаат етказ.

Бу кунда соат, дақиқаларни йилларга, сонияларни ойларга айлантиргин, бу кунда яхшиликни экиб, гўзаллик ҳосилини йиғиб олгин, гуноҳлардан мағфират сўра, Парвардигорни зикр қил, риҳлат тадоригини кўр, бу кунни хурсандчилик билан ўтказгин, ризқу рўзга, Оллоҳ таоло сенга берган неъматларга рози бўлгин. «**Бас, сенга ато этган нарсамни олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!**». (Аъроф сураси, 144-оят). Бу кунни қайғу ҳасратсиз, гина-ҳасадсиз ўтказгин.

Ушбу сўзларни қалбинг ойнасига ёзиб қўйгин:

КУН БУГУНИНГДИР!

Агар сен шу нарсаларни жиддий, қатъий иРОДА билан тасдиқласанг, ўз нафсингни «мен фақат шу кун учун яшайман» иборасига буйсундирасан ва ўша пайтда ўз борлигингни бино қилишга, иқтидорингни ривожлантиришга бу кунингни ҳар бир лаҳзасидан фойдаланасан ва дейсан: Бу кунда сўзимни ўнглайман, ёмон, фаҳш сўзларни сўзламайман, ғийбат қилмайман, бу кун ўз уйимни тартибга келтираман, бу кунда жисмим тозалигига, юриш-туришимга эътибор бераман.

Бу кунда қалбимга фазилат уругини экаман, унибўсгач, ундан кибр-ҳаво, ҳасад, риё, ёмон гумондан иборат ёмон илдизларни тиконли шохлари билан бирга юлиб ташлайман.

Бу кунда бошқаларга манфаат етказиш умидида бўламан, ўзгаларга яхшилик қиласман, касал ҳолидан хабар оламан, муҳтож, мазлумларга ёрдам бераман, олимни сийлайман, кичикни иззат, каттани хурмат қиласман.

Ўтган нарса ўтиб кетди, қуёш каби ботди. Эй ўтмиш, энди сен учун қўзёши тўкиб қайғураётганимни кўрмайсан, чунки сен бизни тарк этдинг, бизлардан узоқлашдинг ва агадул-абад қайтиб келмайсан.

Эй келажак, сен ғайб оламидасан, бас, мен ҳавои орзулар билан ҳамкорлик қиласман ва ҳаётдаги бугунимни хаёлдаги эртага алишмайман, ўз нафсимни тасавурга сотмайман, келажак учун шошилмайман, чунки эртанги кун ҳали йўқдир, ҳали яратилмаган, ҳали тилга олгулик бир нарса эмасдир.

Кун бугунингдир, бу сўз ҳаётни гўзал суратда кўришни истаган инсон учун саодат луғатида энг гўзал сўздир.

Келажак келгунга қадар, уни ўз ҳолига қўй

«Оллоҳнинг фармони (яъни, Қиёмат) келиб қолди. Бас, сизлар уни шоштирмай қўяқолинглар». (Наҳл сураси, 1-оят). Воқеа-ҳодисаларга шошилмагин, ахир ҳомила ой-куни етмай дунёга келишини, мевалар пишмай терилишини истайсанми? Ҳали-ҳозир эрта йўқдир, мавжуд эмас, унинг на бир таъми ва на

бир ранги бор, бас шундай экан, нега бизлар нафсларимизни у билан машғул қиласми, унинг мусибатларидан хавфсираймиз, унга эътибор қиласми? Ахир бизлар келажакнинг яхши ё ёмонлигига йўлиқамизми-йўқми билмаймиз. Энг муҳими – келажак ғайб оламидир, бас, унга етмай туриб, кўприк қуришга шошилмайлик, ким билади, эҳтимол у кўприкка етмай туриб тўхтармиз ёки бизлар етмай туриб кўприк вайрон бўлар ёки у ердан салом берган ҳолда ўтармиз.

Келажак ҳақида фикр юритиб, ғайб китобини очишга, сўнгра унинг ташвишларига ўралашиб қолишга зеҳн учун имконият яратиб бериш шаръян ман этилгандир, чунки келажак – чексиз орзудир, у ақл томонидан ҳам маломатланур, чунки келажак ҳақида пуч орзуарга берилиш таназзулга дучор қилур.

Бу оламда келажакда очлик, яланғочлик, касаллик, фақирлик ва мусибатларни кутиб яшаётганлар оз эмас, буларнинг барчаси шайтон мактабининг дастурларидир: «**Шайтон сизларни** (агар инфоқ-эҳсон қилсангиз) **камбағал бўлиб қолишингиздан қўрқитади ва фаҳш ишларга буюради. Оллоҳ сизларга йўз тарафидан мағфират ва фазлу карам** (бойлик) **ваъда қилади. Оллоҳ** (фазлу карами) **Кенг ва Билгувчидир.**» (Бақара сураси, 268-оят)

Ана у кўзёш тўкаётганлар эртага оч-наҳор бўладилар, бир йил ўтиб дардга йўлиқадилар, бу дунё ҳам қачондир бир кун ўз ниҳоясига етади. Жони Оллоҳнинг қўлида бўлган кимса, йўқ нарсага гаров боғламаслиги лозимдир, қачон ўлишини билмаган кимса мағқудликка – ҳали дунёга келмаган нарсага машғул бўлмаслиги керак.

Келажак келгунига қадар уни тарк этгин, қачон бостириб киришлигини кутмагин, чунки сенинг машғулотинг бу кундир.

Ҳали қуёши чиқмаган, нури кўринмаган кунда бериш учун ғамни қарз қилиб олганларга ажаб...

Чексиз орзудан ҳазир бўлгин!

Ноҳақ танқидга қандай муносабатда бўласан?

Тубан, беақл кимсалар Холиқ Розик бўлган жала ва аълони, бирон шериги бўлмаган Ёлғиз Оллоҳни ҳақорат қилдилар-у, энди мен, сен, биз хатокорлар, гуноҳкор бандалар улардан нимани кутяпмиз ўзи?

Сен ўз ҳаётингда модомики хайру саховат, бунёдкорлик, фидокорлик билан кўзга кўринар, гуллабяшнар экансан, шак-шубҳасиз аччиқ бўхтон, ёмонлашларга, ҳеч тинчимайдиган тишли-тирноқли тўқнашувларга дуч келаверасан.

Улар токи сен «Ерга (кириб кетадиган) бирон тешик ёки осмонга (чиқиб кетадиган) бирон нарвон истаб – топиб», қочиб кетмагунинггача сенга тинчлик беришмайди, аммо сен ўшалар орасида яшар экансан, сенга ёмонлик қилишларига, кўзингдан қонли ёшлар оқизишларига, ётоғингда ҳам тинч қўймасликларига кўз тутавергин.

Ерда ўтирган одам йиқилмайди, одамлар ўлик итга тегмайдилар, лекин улар ғазабланурлар, чунки сен улардан ё илм ё адаб ёки мол-давлат борасида юқорисан, демак, сен уларнинг наздида то бу хислатларингдан, Оллоҳнинг сенга берган неъматларидан, мақтовга лойик сифатларингдан ажраб, улар каби аҳмок, баҳтсиз,

тугаган мирқуруқлар, беақл-бефаҳмлар қаторига тушиб қолмагунинггача кечириб бўлмас гуноҳкорсан гўё. Улар аниқ шуни хоҳлайдилар. Бас, сен уларнинг сўз ва танқидларига, бўҳтон ва ҳақоратларига Уҳуд тоғининг саботи каби, саботли бўлгин; ўзининг мавжудлигини, боқий қудратини исботлаш учун ҳар қандай дўл-довул остида қолса ҳам мардона турадиган ҳайбатли харсанг тош каби бўлиб олгин. Агар сен уларнинг гапига қулоқ тутсанг, ундан таъсирланадиган бўлсанг, уларнинг ҳаётинг, умрингни кир-бахтсиз қилишдек жирканч орзуларини рўёбга чиқарган бўласан, балки сен уларни чиройли тарзда кечиргин, улардан юз ўғир, уларнинг макр-ҳийлаларига сиқилмагин, чунки уларнинг тубан танқидлари сенинг таржимаи ҳолингда хурматга лойик саҳифа бўлиб қолади.

Сен уларнинг оғизларини ёпишга, тилларини боғлашга қодир эмассан, лекин сен уларнинг аҳмоқлигига бепарво бўлишга, уларнинг сўзларини тингламасликка қодирсан: «**Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!**» деб айтинг!. (Оли Имрон сураси, 119-оят). Сен ўз фазилатларингни яна ҳам оширишинг, янада ўзингни тўғри тутишинг билан уларнинг оғизларига қалампир уруғини солиб қўйган бўласан. Демак сен, агар барчага бирдек манзур, маҳбуб бўлишни, айбизз кўринишни истасанг – узун ва ушалмас орзуни умид қилибсан.

Бирордан раҳмат кутмагин

Оллоҳ таоло мени зикр қилсин, деб бандаларини яратди, шукр қилсин, деб уларга ризқ берди. Аммо кўплар Оллоҳдан бошқага қул бўлдилар, бошқаларга шукр қилдилар, нонкўрлик, жафокашлик табиати ун-

дай тубан нафсларга ғолиб келди. Бас, улар сенинг эҳсонингни кўра олмасалар, яхшиликларингдан тонсалар, балки сен уларга яхшилик қилганинг эвазига улар сенга душманлик қилсалар, яширин адоват ўқини отсалар, ларзага тушма: «**Улар (мунофиқлар) фақат Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари уларни ўз Фазлу Карами билан бой-бадавлат қилиб қўйгани учунгина (шу-кроналар айтиш ўрнига Оллоҳ ва Унинг Пайғамбарини) ёмон кўрдилар, холос**». (Тавба сураси, 74-оят).

Одамзот тарихига назар ташласанг, ибратли во-қеаларни кўрасан: ота фарзандини тарбиялади, еди-риб-ичирди, одоб, таълим берди, боласининг ороми учун, тунни бедор ўтказди, боласининг тўқлиги учун очликка рози бўлди, унингроҳати учун мاشаққат чекди... фарзанд улғайиб, мўйлаби сабза уриб, билаклари кучга тўлгач, ўз отасига қолағон ит каби ташланиб, унга илтифот кўрсатмай, беписанд бўлиб, падари бузрукворига оқ бўлди...

Тубан табиатли, иродаси парчаланган кимсаларга қилган яхшиликлари ёниб кетган кишилар хотиржам бўлсинлар ва хазиналари туганмас Зот даргоҳида оладиган ажру савобларини хуш-хурсанд ҳолда кутсинлар.

Ушбу ўтли нидо ҳаргиз сени яхшиликни тарк қилишга, бошқаларга эҳсон қилмасликка чорламас, балки ўша қилган яхшилик, эҳсонингга одамлар томонидан тониш, ношукурлик келиши мумкин экани хусусида огоҳлантирап. Бас, сен уларнинг бундай нон-кўрликларидан ғамга тушма!

Яхшиликни Оллоҳнинг Юзи учун қилгин, чунки сен ҳар ҳолатда зафар топурсан, бас, сенга пасткашларнинг беписандликлари, нонкўрларнинг таъналари зарар қилмас, Оллоҳга ҳамд айтгин, чунки сен эҳсонкорсан,

зоро, баланд қўл паст қўлдан яхшироқдир: «(Улар айтурлар): «**Биз сизларни Ёлғиз Оллоҳнинг Юзидан таомлантиурмиз. Сизлардан (бу ишимиз учун) бирон мукофот ва миннатдорчилик истамасмиз – кутмасмиз».**

Кўп онгли-ақлли кишилар ҳам оломоннинг нонкўрлик табиатидан ғофилдирлар. Гўё улар ушбу табақа хусусида келган Буюк Ваҳийни эшитишмагандек: «**Қачон инсон зотига бирон зиён – мусибат етса, ётган ҳолида ҳам, ўтириб ҳам Бизга дуо-илтижо қилур. Энди қачонки Биз ундан зиён-мусибатини кеткизсак, гўё (ҳеч қачон) ўзига етган бало-мусибатдан Бизга дуо-илтижо қилмагандек (юз ўгириб) кетур**». (Юнус сураси, 12-оят)

Бир аҳмоққа қалам совға қилсанг, у ўша қалам билан сен ҳақингда ҳажв ёзса; ёки муҳтож бўлганида суянсин, мол-ҳолга қараашда ишлатсин, деб асо ҳадя қилсанг, у ўша асо билан бошингни ёрса, ҳайрон бўлмагин, чунки нонкўрлик кафанига ўралиб олган кимсалар Яратган Буюк Парвардигорнинг сонсаноқсиз неъматларигаки ношукрлик қилганларидан кейин, сен билан мен – гуноҳкор бандаларга нима қилишлари мумкин?!

Замонасоз бўлмагин

Ўзганинг ўзлигини ўзлаштирма, бошқалар ичida сингиб йўқолма. Бу туганмас азобдир. Кўплар ўзгалар ўзлигини ўзлаштириш учун ўзларини, овозларини, ҳаракату сўзларини, ҳатто ўз қобилият ва шарт-шароитларини унутиб юборадилар. Бу эса кулфат-машаққатдир, куйишдир, ўзликни йўқотишдир.



Одам Атодан охирги зурриётига қадар икки инсон бир суратда бўлмаган, бас уларнинг хулқ-атворлари қандай бир бўлсин?

Сенга ўхшаш инсон аввал бўлмаган, кейин ҳам бўлмайди. Сен Зайд каби ҳам Амр каби ҳам эмассан, бас, нафсингни тақлид ғорига ташламагин.

Ўз ҳайъат, табиатингга боққин: «**Ҳамма одамлар ўз сувларини билдилар**». (Аъроф сураси, 160-оят) «**Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор**». (Бақара сураси, 148-оят)

Яралганингча ҳаёт кечиргин, овоз-оҳангингни, юриш-туришингни ўзгартирма, нафсингни илҳом билан тарбия қил, ўз истиқлонингни нобуд этмагин.

Сенинг ўзингга хос ранг-рўйинг бор, биз сени ўшандай кўришни истаймиз, чунки сен шундай яратилгансан, бизлар сени шундай таниймиз. «**Бирор-танглар замонасоз бўлмасин**».

Инсоният ўз табиати билан наботот оламига ўхшайди, ширин, нордон, узун, қисқа... Агар сен анжир меваси бўлсанг, беҳига ўхшайман дема, чунки сенинг жамолинг ҳам қийматинг ҳам анжир мевасига лойикдир.

Рангимиз, тилимиз, иқтидоримиз ва қазоийи қадаримизнинг хилма-хиллиги Яратгувчининг мўъжизаларидан биридир, бас, У Зотнинг мўъжизасини инкор этма!

Қазо ва қадар

«**На Ерга ва ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул Маҳфузда битилган) бўлур**». (Ҳадид сураси, 22-оят)

Қалам қуриб, саҳифалар құтарилиб, буйруқ ба-жарилди, қазойи қадар ёзиб қўйилди. «**Бизга фақат Оллоҳ биз учун ёзиб қўган нарсагина етур**». (Тавба сураси, 51-оят)

Сенга етган нарса хато кетмас, хато кетгани – сенга етмас.

Агар шу ақида нафсингда ўрнашиб, қалбингда қарор топса, кулфат тухфага, мусибат мукофотга ва барча ҳодисалар ютуқ, шарафга айланади. «**Оллоҳ таоло бирор бандасига яхшиликни хоҳласа, ўша яхшилик унга етиб боради**». Бас, сен касалликдан, ўлим яқинлигидан, молиявий заардан, уйинг қуишидан изтиробга тушмагин, чунки тақдир шундай битилган, ихтиёр эса Оллоҳницидир. Бу мусибатлардан ажр ҳосилдир, гуноҳ каффоратдир. Мусибат аҳлининг бергувчи ва олгувчи, ризқни танг ва қенг қилгувчи бўлган Зотнинг қадарига сабр қилиб, ундан рози бўлишлари қандай гўзал. «**У Ўзи қиласиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (яъни, бандалар эса қиласиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар**». (Анбиё сураси, 23-оят)

Қазойи қадарга иймон келтирмагунингча – асабларинг тинчланмас, нафсинг безовталиги сокинлашмас, қалбинг васвасаси йироқ кетмас.

Қалам қуриди, бас, нафсинг ҳасратларга бормасин, девор тик туриши, сув тўкилмай туриши, бўрон турмаслиги, идиш синмаслиги – буларнинг барчаси сен ва менинг хоҳишимиз билан эмасдир, тақдирдаги нарса бўлади, қазо ўз хукмини ўтказади, пешонада ёзилгани бўлади. «**Бас, хоҳлаган киши иймон келтирсин, хоҳлаган кимса коғир бўлсин**». (Каҳф сураси, 29-оят)

Тақдир сени ўзининг ғазаб, норозилик ва ҳасрат аскарлари билан қуршаб олмай туриб, унга бўйин-сунгин, надомат ёмғири ёғмай туриб, қазони тан олгин. Хотиржам бўлгинки, барча чораларни қилиб битганингдан кейин ҳам сен эҳтиёт бўлган нарса бошингга тушади, чунки бу бўлиши керак бўлган нарсадир ва «Агар бундай қилганимда мана бундай бўлар эди демагин, балки: Оллоҳнинг тақдири экан, У Зот хоҳлаган нарса бўлади», деб айтгин.

«Албатта, ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир».

Эй инсон, билгинки, очлиқдан кейин тўқлик, чан-қоқдан кейин қониш, бедорликдан сўнг уйқу, дардан кейин соғлик бордир. Кун келади, йўқолган топилади, адашган ҳидоят топади, машаққат чекувчи ундан озод бўлади, зулмат тарқалади. **«Шояд Оллоҳ (мусулмонларга) ғалаба берса ёки йўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиласиган) бирон ишни келитириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар».** (Моида сураси, 52-оят)

Кечага тоғлар, водийлар узра субҳи содиқ чиқишининг хушхабарини бергин, ғам-қайғу эгасига нур тезлигида, кўз очиб юмгунча ёруғ кунлар келишини, Жабрланганларга эса лутфу иноят хушхабарини бергин...

Билгинки, бепоён сахро ортида соя-салқин, ям-яшил чаманзор бордир.

Арқон ўралаверса, тезда узилур.

Кўзёш билан бирга табассум, хавфдан кейин тинчлик, кўрқув ортида сакинат бордир.

Олов Иброҳимни куйдирмади, чунки Раббоний риоя-асраш «**Иброҳимга салқинлик ва омонлик** (дар-часини очиб қўйди)». (Анбиё сураси, 69-оят)

Денгиз Мусо Калимуллоҳни чўқтирмади, кучли со-диқ овоз деди: «**Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени** (нажот) **йўлига бошлар**». (Шуаро сураси, 62-оят)

Форда турган маъсум зот (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам) дўсти (Абу Бакр)ни Оллоҳ жалла ва аъло улар билан бирга эканлигини айтиб тинчлантири-ди, бас, шундан сўнг тинчлик, омонлик бўлди.

Ҳозирнинг ҳузурини кўзлаган, устларидағи шароит-нинг қули бўлиб қолган кимсалар фақат торлиқ, баҳт-сизлик-омадсизликнигина кўра оладилар холос, чунки улар фақат хона деворларига, ҳовли дарвозаларига қарайдилар. Огоҳ бўлсинлар, кўзларини, фикр жилов-ларини девор ортига ташласинлар.

Заифлиқдан сиқилмагин, чунки аҳвол ўзгармай бир ҳолда туриши амри маҳолдир. Фаровонликни кутишилик ибодатнинг афзалидир, кунлар ўзгарувчандир. Замон ўзгарур, кечалар оғироёқ, ғайбга парда тортилгандир, Ҳикматли зот эса: «...У Зот ҳар куни иш-амалдадир». «...Эҳтимол Оллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қилас». (Талоқ сураси, 1-оят). «Албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир. Албатта, ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир». (Шарҳ сураси, 5-6-оятлар)

Аччиқ лимондан ширин шарбат тайёрла

Заковат ва қобилияят эгаси зиённи фойдага айлантиради, қўрқоқ жоҳил эса бир мусибатни икки мусибатга айлантиради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан ҳайдалдилар, Мадинада эса бутун тарихнинг қулоқ ва кўзини әгаллаган бир буюк давлат барпо қилдилар.

Зинданда ушлаб, қамчиланганд Аҳмад ибн Ҳанбал суннат имоми бўлди, Ибн Таймийя қамоқдан олим ҳолида чиқди, эски бир қудуқ қаърига ташланган Сарахсий фиқҳ илми ҳақида йигирма жилд китоб ёзди, тўшакка михланиб қолган Ибн Асийр «Жомиъул усул, Ал бидоя ван-ниҳоя» китобини тасниф этди, Бағдоддан ҳайдалган ибнул Жавзий етти қироатни ўрганди, Молик ибнур Рийбга ўлим соати яқинлашганида бутун оламга, ўзининг Аббосийлар давлатининг шоирларининг девонлари билан тенглаша оладиган гўзал ва машхур қасидаларини юборди.

Агар сенга баҳтсизлик ҳамла қилса, бошқа томонга қараб олгин, агар сенга бирор лимон суви тўла идиш берса, сен ўша сувга шакар солгин, агар сенга бирор илонни берса, унинг қимматбаҳо терисини шилиб олиб, қолганини улоқтиргин, агар сенга чаён ниш урса, билгинки, у илон заҳрига қарши зардобдир.

Ёки музтар – ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиласиган Зотми?!

Қайғу эгаси илтижо қиласиган, жабрланувчи инсон ёрдам сўрайдиган, бутун коинотга паноҳгоҳ бўлган барча маҳлуқотга сўраганини берадиган, унинг зикри билан тиллар айланадиган, дилларни танҳо илоҳи бўлган Зот ким? Албатта, у Ёлғиз Оллоҳдир.

У Зотга қаттиқлик ва фаровонликда, яхши-ёмон кунларда дуо қилмоқ, оғат вақти ёрдам сўраб, ўзимизни У Зотнинг эшигининг остонасига ташлаб, тавба қиласиган ҳолимизда йиғлаб, зорланиб, сўрашимиз сенинг, менинг, биз бандаларнинг ҳаққимиздир. Ўша

пайтда У Зотнинг ёрдам-мадади келур, шодлик келур ва эшик очилиши осон бўлур: «**Ёки музтар - ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида** (дуосини) **ижобат қиласидиган Зотми?!**». (Намл сураси, 62-оят). У Зот ғарқ бўлганни қутқарур, йўқолганни қайтарур, дардмандга даво, мазлумга ёрдам берур, адашганни ҳидоятлар ва барча ғам-андуҳдан халос этар: «**Қачон улар кемага минсалар, (ғарқ бўлишдан қўрқиб) Оллоҳга, У Зот учун динни холис қилган ҳолларида** (яъни, чин ихлос билан) **дуо-илтижо қилурлар**». (Анкабут сураси, 65-оят)

Мен сенга ғам-қайғуларни кетказадиган дуоларни ўргатмоқчимасман, балки юзингни бурмоқчиман, токи сен ҳам муножот ва нидолар, дуо-илтижолар қилгин. Агар Уни топсанг – барча нарсани топибсан, агар Унга бўлган иймонни йўқотсанг, – барча нарсани йўқотибсан. Албатта, Парвардигорингга дуо қилишингнинг ўзи алоҳида бир ибодат, сен сўраган нарсани берилишидан баландроқ бўлган буюк тоатdir.

Дуо илмини яхши билган банда ғам-қайғу чекмасликка, беқарор бўлмасликка лойиқ кишиидир.

Оллоҳ таолонинг арқонидан бошқа арқон узилур, У зотнинг эшигидан бошқаси ёпилур, У Зот яқин, дуоларни эшигувчи ва музтар-ночорнинг дуо-илтижоларини ижобат қилгувчи Зотdir. Кучли ва Беҳожат, Улуғ ва Ёлғиз бўлган Зот сен фақир, муҳтож бандасига: «**Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларга** (қилган дуоларингизни) **мустажоб қилурман**», деб амр қилди.

Бошингга фалокатлар тушиб, баҳтсизлик келганида, Оллоҳни зикр қил, унинг исмини айтиб хитоб қил, ундан ёрдам-мадад сўрагин, ҳурлик тожига эга бўлишлик учун пешонангни саждага қўй, нажот нишо-

шини олиш учун бурнингни бандалик тупроғига ургин, қўлингни чўз, кафтиңгни кўтар, тилиңгни айлантири, сўрайвергин, Оллоҳнинг эшигини қоқ, эшик очилишини кутгин, Унинг исми билан сўрагин, У Зот томонига ўтгин, «Унга бутунлай берилиб, (чин ихлос билан бандалик қилинг)!», шундан сўнг сен баҳтли ва нажот топган бўласан.

Уйинг сенга кенг бўлсин!

Шаръий суннатга мувофиқ узлат – ёмонлик ва унинг аҳлидан, бекорчи хўжалардан, бошвоқсиз беҳудагўйлардан узоқ бўлишингдир. Шунда тарқоқ фикрлиаринг жамланади, ором ва хотиржамлик топасан, яхнинг ҳикмат дурларини инъом қилади, кўзинг маърифат бўстонларида яйрайди.

Яхшилик ва тоатдан тўсадиган барча нарсалардани узлат қилиш қалб табиблари тажриба қилган ва муваффақият қозонган қимматли дори-малҳамдирки, мен ҳам сенга шуни тавсия қиласман. Ёмонлик ва лафздан ҳамда оломондан узлат қилишлик фикрни ўнглишдир, ор-номусни тиклашдир, тавба ва ибратнинг туғилиш байрамидир. Одамлар орасида бўлиш, тўпланиш, агар намозларда, жумаларда, илм мажлислирида ва савобли ишлардаги ҳамкорликда бўлса, мақталур. Аммо беҳуда-бекорчилик мажлисларидан ҳазир бўлгин, ўзингни узоқ тутгин, хатоларингти қайғургин, тилингга эҳтиёт бўл, уйинг сенга кенг бўлсин. Жоҳиллар билан ҳаммажлис бўлиш ўзликка қарши аёвсиз жангдир ва нафсингнинг хотиржамлик дунёсига хатарли таҳдиддир. Чунки сен мишишлар устунлари билан, ёлғон-яшиқ тарқатувчилар билан ва фитна, баҳтсизлик, бало-офтатларни тарғиб қилувчиларнинг усталари билан бирга ўтирасан,

ўлим соатинг етиб келгунига қадар ҳар куни етти марта ўласан: «**Агар улар (яъни, ўша мунофиқлар) сизларнинг орангизда (жиходга) чиққанларида ҳам сизларга фақат ортиқча зиён бўлган ва ўраталарингизда сизларни фитнага солиш учун югуриб-елиб юрган бўлур эдилар**». (Тавба сураси, 47-оят)

Менинг бирдан-бир мақсадим шудир, аҳволингга назар ташлагин, яхши гап ва яхши ишдан бошқасига аралашмагин, ана шунда қалбинг ўзингга қайтганини, вақтинг зое бўлмаётганини, умринг бекор кетмаётганини, тилинг ғийбатдан, қалбинг изтиробдан, қулоғинг беҳаё гаплардан, нафсинг ёмон гумондан холи эканлигини биласан.

Ким тажриба қилса, англаб етади, аммо ким ваҳму жаҳолат отига минса, авом-оломонга аралашиб кетса, камдан-кам омон қолади.

Эваз-ажр Оллоҳдандир.

Оллоҳ таоло сени бирор нарсадан маҳрум қилса, сен сабр қилсанг ва бошингга тушган мана шу мусибатдан савоб умид қилсанг, У Зот сенга ўша нарсадан яхшироғини эваз қилиб беради. «**Кимни икки азиз нарсаси (кўзи) ни олсам, ўшанинг ўрнига жаннатни эваз қилиб бераман**». ... «**Кимдан бу дунёдаги чин дўстини тортиб олсам, йўқотган инсон сабр қилса, жаннатни унга эваз қилиб бераман**». Ким ўз фарзандини йўқотса ва сабр қилса ўша инсон учун охиратда шараф уйи қурилади. Бошқа нарсаларни ҳам шу тариқа қиёслаб кўргин, чунки бу ибратли мисолдир.

Бошингга тушган мусибатга афсус чекма, чунки уни тақдир қилган Зотнинг хузурида жаннат, савоб, эваз ва ажри азим бордир.

Оллоҳнинг авлиёлари бўлмиш мусибат эгаларига Фирдавс жаннатида нидо қилинур: «(Оллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) **сабр-тоқат қилиб ўтганларнгиз сабабли** (энди бу жаннатларда) **сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши!**». (Раъд сураси, 24-оят)

Мусибатнинг ажр-савоби ва унинг ўрнини қоплайдиган яхшилик ҳақида фикр юритмоғимиз даркор: «**Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот** (мағфират) **ва раҳмат бордир. Ана ўшалар Ҳақ йўлни топгувчилардир**». (Бақара сураси, 157-оят). Мусибат эгаларига Охиратда ана шундай яхшиликлар, гўзал хушхабар бордир.

Дунёнинг умри қисқа, унинг хазиналари арзимасдир, **Охират яхшироқ ва боқийроқдир**. Бу дунёда кимга мусибат етса, У дунёда мукофотланар, бу дунёда мешаққат чеккан – У дунёда роҳат топар. Аммо бу дунёга ёпишиб, унга ошиқ бўлганлар, унга суянгандар, ана ўша дунёнинг насибаларидан маҳрум бўлишдан, роҳатлари тугаб қолишидан қаттиқ изтиробга тушурлар, чунки улар шу дунёнигина дейдилар, шунинг учун уларга бу дунё мусибатлари катта кўринади, чунки улар оёқларини остига қарайдилар холос, шунинг учун улар фақат арzon ва аҳамиятсиз, ўткинчи дунёнигина кўрадилар холос.

Иймон ҳаёт демакдир

Иймон бойлигидан, ишонч сармоясидан қашшоқ бўлган инсон ҳақиқий бахтсиздир. Улар умрбод хорлик ва бахтсизликда ҳаёт кечирадилар: «**Ким Менинг Эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта, унинг учун танг – бахтсиз ҳаёт бўлур**». (Тоҳа сураси, 124-оят)

Оламлар Эгаси, Парвардигори бўлмиш Оллоҳга иймон келтиromoқгина нафсни баҳтли қилади, поклайди, уни фараҳбаҳш онларга етказади, ундан бекарорлик, баҳтсизликни кетказади.

Иймонсиз ҳаётнинг таъми йўқдир.

Динсиз кимсалар, агар иймонга келмасалар, ҳаётларидағи ноҳақлик кишанларидан, зулматлардан, алдовлардан қутулиш учун топган энг «афзал» йўллари ўз-ўзини ўлдиришдир! Иймонсиз ҳаёт нақадар баҳтсиз, Оллоҳ Йўлидан четга чиқувчилар гирифтор бўлган мангу қарғиш нақадар мудҳиш! **«Ва биз худди аввал бошда унга (яъни, Оллоҳнинг оятларига) иймон келтирмаганлари каби уларнинг дил ва қўзларини айлантириб қўюрмиз ва ўз тугёнларида адашибулоқиб юрган ҳолларида тарк қилурмиз».** (Анъом сураси, 110-оят).

Асрлар давомида, узоқ синовдан сўнг, бут-санамлар бидъат-хурофот, куфр-динсизлик лаънат, элчи-пайғамбарлар рост, Оллоҳ таоло Ҳақ, мулк ҳам ҳамд ҳам Унинг учун ва У Зот барча нарсага қодир эканлигига ақллар етгач, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб иймон келтиromoқлик ва мана шунга қаноат қилмоқлик вақти келди.

Саодатинг, роҳатинг ва хотиржамлигинг, иймонингни кучли ё заифлиги, илиқ ё совуқлиги миқдорига қараб бўлади. **«Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган энг чиройли амаллари сабабли бериладиган ажр-савоблар билан мукофотлаймиз».** (Наҳл сураси, 97-оят).

Бу гўзал ҳаёт Парвардигорнинг ваъдаси сабабли нафслар ором-осойишталиктопишидир, мўминларнинг

қалблари Яратгувчини севганлари сабабли саботли-барқарор бўлишидир, уларнинг диллари оғишдан – бузилишдан пок бўлишидир, асаблари ҳар қандай ҳодисалар олдида сокин – хотиржам қола олишидир. Улар Оллоҳни Парвардигор деб, Исломни дин деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбар ва элчи деб билганлари сабабли қалблари қазойи-қадар тушган пайтида хотиржамдир, тақдир тақозосига розидир.

Асалини ол, уясини бузма

Юмшоқлик бор иш – гўзал безакли, акси – хунук ва уятлидир. Юмшоқсўзлилик, ширин табассум, хуш-калом – буларнинг барчаси баҳтлиларнинг кийими, мўминнинг сифати. Улар, гўё гулларга уларни синдири-май оҳиста қўнадиган, тоза нарсани тановул қилиб, тоза маҳсулот берадиган, жонзот – асалари кабидир. Оллоҳ таоло юмшоқ бўлиш учун берган неъматини қаттиққўллик учун бермагандир.

Одамлардан шундайлари борки, уларнинг келиши-дан бўйинлар эгилади, уларнинг чиқишига кўзлар ти-килади, уларга қалблар салом йўллаб, руҳлар кузатар. Бунга сабаб – улар сўзларида ҳам, олди-берди савдо-ларида ҳам, учрашув ва хайрлашувларида ҳам суюкли бўлганликлариdir.

Дўст орттириш фақат аслзода, яхшиларнинг қўли-дан келадиган фандир. Улар мудом одамлар томони-дан ёруғ юз билан кутиб олинадилар. Улар келганла-рида барча хурсанд, дўст кетганида – ортларидан қўмсаш, дуойи хайр. Уларнинг бундай гўзал ахлоқ дас-турларининг номи: «**Сиз** (ҳар қандай ёмонликни) энг

**гүзал сўзлар билан даф қилинг! (Шунда) бандоғ
сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса
қайноқ-садик дўст каби бўлиб қолур». (Фуссилат
сураси, 34-оят)**

Улар ўзларининг жўшқин хайриҳоҳликлари, ҳалим-
ликлари ва пок кечиримлиликлари билан ҳар қандай
гина-кудуратларни кетказадилар. Улар ёмонликлар-
ни унутиб, яхшиликларни эслайдилар, ёмон сўзлар
уларниң қулоқларига ўрнашмайди, балки унга
яқинлашмай, қайтиб келмас бўлиб, узоқларда қолиб
кетади. Улар роҳатдадирлар, одамлар улардан тинч,
мусулмонлар ҳам саломатдир: «Мусулмон шундай
кишики, мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан
саломатдирлар, мўмин шундай кишики, одамлар
унга қонларини ҳам молларини ҳам ишонадилар».
«Оллоҳ менга мендан узилганга уланишни, менга
зулм қилганини афв қилишни, мени маҳрум қилганга
эҳсон қилишни буюрди».

«(У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда ин-
фоқ-эҳсон қиласидиган, ғазабларини ичларига юта-
диган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв
этадиган кишилардир». (Оли-Имрон сураси, 134-
оят). Уларга хотиржамлик, сакинат ва тинчликдан
иборат нақд савоб хушхабарини бергин. Яна улар-
га Мағфиратли бўлган Парвардигорга қўшни бўлиб,
жаннатларда ва дарёлар устида бўлишдек улкан
Охират савобини ҳам хушхабар қилгин: «Албатта,
тақводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (усти)да,
Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда
бўлурлар». (Қамар сураси, 55-оят)

Огоҳ бўлингизким, Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур

Ростгўйлик Оллоҳнинг ҳабибидир, сидқидиллик қалбларни ювгувчи совундир. Тажриба эса хужжатdir.

Одил раҳбар ўз қўл остидагиларни алдамайди. Оллоҳни зикр қилишдек қалбни равshan қилувчи, буюк ажрга лойиқ бирор иш йўқдир: «**Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман**». (Бақара сураси, 152-оят). Зикр Оллоҳнинг ердаги жаннатидир, унга кириши истамаган одам Охират жаннатига ҳам кира олмайди. Зикр кишини руҳоний касаллик, мashaққат ва изтироблардан озод этади. Зикр нажотга этиш учун энг осон йўлдир. Шифо топиш учун сен Ваҳий девонлари ни (Қуръони карим ва ҳадиси шарифни) мутолаа қил, кунларингда зикр малҳамини синааб кўр.

У Зотнинг зикри билан хавф, беоромлик ва ғамқайғу булутлари тарқалади, ташвиш, хафалик тоғи сурилади.

Оллоҳни зикр қилгувчиларнингроҳатда яшашлари ажабланарли ҳол эмас, бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир, лекин таажжуб, У Зотни зикр қилишдан ғофил бўлган бандалар қандай хотиржам яшар эканлар. Улар жонсиз ўликлардир. Ва улар қачон қайта тирилишларини ҳам сезмайдилар.

Эй бедорликдан шикоят қилаётган, аламдан йиғлаётган, ҳодисалардан фожия ясаётган инсон, Оллоҳнинг муқаддас исми билан У Зотга зорлангин: «**Унинг учун бирон «тeng»ни билурмисиз?!** (Йўқ, билмасиз!)». (Марям сураси, 65-оят)

У Зотни қанча кўп зикр қилсанг – хотиранг кенгаяди, қалбинг таскин топади, нафсинг баҳтиёр, дилинг

яйрайди, чунки У Зотни зикр қилишда У Зотга таваккүл қилиш, Унга ишониш, суюниш, унга қайтиш, Ундан кенгликтин кутиш бордир. Дуо қилсанг У Зот яқиндир, нидо қилсанг эшитар, сўрасанг жавоб берар. Бас, Унга зорлан, бўйин эг, сажда қилгин. Тавҳид, сано, мадҳ, дуо ва истиғфор айтиб, У Зотнинг муборак исмини тилингда такрорла. Шунда У Зотнинг куч-қудрати билан саодат, тинчлик, суурор ва шодликни топасан: «**Бас, Оллоҳ уларга ҳам бу дунё савобини (ғалаба ва молдавлатни) ва ҳам Охиратдаги гўзал ажрни (жаннатни) ато қилди. Оллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади.**» (Оли Имрон сураси, 148-оят)

«**Ёки улар одамларга (яъни, Муҳаммад алайҳис-саломга) Оллоҳ ўз фазлу карамидан берган нарсага (яъни, пайғамбарликка) ҳасад қиляптиларми?**»

Ҳасад суякни кемирувчи тузли таом кабидир. Ҳасад жисмга фасод уруғини сочувчи тузалмас касалликдир.

Дерларким, ҳасадгўйда роҳат йўқдир, у мазлум кийимидағи золимдир, дўст кўйлагидаги душмандир.

Дерларким, Худо ҳасаднинг хайрини берган, мунча адолатли бўлмаса, дастлаб ҳасадгўйнинг ўзини ўлдирди-я!

Бошқаларга муруват қилишдан аввал ўзимизга муруват қилишни истаб, ўзимни ҳам, сени ҳам ҳасад қилишдан қайтараман, чунки бизлар ҳасад қилиш билан вужудимизга ғамни таом қилиб берамиз, қайғуни қонимизга сингдирамиз ва уйқуларимизни бошқаларга тақсимлаб берамиз.

Ҳасадгўй оловни ёқиб, сўнгра ўзи унга тушиб ёнади.

Кирлик кадар ва ғам-ташвиш, роҳат ва гўзал ҳаётни барбод қиладиган ҳасаднинг касалманд болалариридир.

Ҳасадгўйнинг офати, у қазои қадар билан баҳслашади, Яратгувчига адолат борасида тухмат қиласиди, шариатга одобсизлик қиласиди, тўғри йўлдаги инсонга тескари чиқади.

Эҳ, бу ҳасад қандай дардки, унга чалинган одамга ажр йўқ, қандай балоки, унга мубтало бўлганга савоб йўқ! Ҳасадгўй то ўлгунича, ёки одамларга берилган неъматлар йўқ бўлмагунича, ўзининг ёғига ўзи қовурилаверади!

Барча билан келишиш мумкин, аммо ҳасадгўй билан, то сенга берилган Оллоҳнинг неъматларидан ажрамасанг, қобилияtingдан маҳрум бўлмасанг ва фазилатларингни йўқотмасанг, у сен билан ҳеч қачон келишмайди. Ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қиласийлик, чунки у соғлом жисмга ўз заҳрини солмагунича тинчимайдиган заҳарли қора илон кабидир.

Ҳасад балосидан сақлангин. Оллоҳдан ҳасадгўйнинг ҳасадидан паноҳ сўрагин, чунки у сенинг ҳар бир босган қадамингни кузатиб турибди: «Шакшубҳасиз, Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчиидир». (Вал-фажр сураси, 14-оят)

Ҳаётни ўз ҳолича қабул қил

Дунёнинг аҳволи берадиган лаззатлари кирли, маشاққатлари кўп, юзи хўмрайган, тинимсиз ўзгариб турувчиидир. У нопоклик билан ўралган, баҳтсизлик бўтқасиدير. Сен эса у томондан доим меҳнат-машаққатдасан.

Ота-онанг, жуфти ҳалолинг, дўстинг, ҳурматли инсон, уй-жой, касб-хунар барчасида бирор кирликни топасан, баъзан улар сени хафа қиласидилар. Бас, сен тўла-тўкис

нажот топишинг учун уларнинг ўша ёмонликлари-нинг ўтини яхшиликларининг суви билан ўчиргин.

Оллоҳ таоло бу дунёни қарама-қаршилик, икки хиллик, икки тараф ва икки хил фикр, яхши ва ёмон, солиҳ ва фасод, шодлик ва қайғудан иборат қилиб яратди, соғ яхшилик, шодлик барчасини жаннатда, ёмонлик қайғуни эса дўзахда тўплади. Ҳадисда келур: «Дунё лаънатлангандир. Ундаги Оллоҳнинг зикридан ва у билан бирга бўлган нарсалардан, олимдан ва илм истагувчидан бошқа барча нарса лаънатлангандир».

Борингга яша, бехуда хаёл билан машғул бўлма, улгуги-ибрат оламида парвоз қил, дунёни ўз ҳолича қабул қил, ўзинг билан келиш, ўзлигингни бил. Эҳтимол, унда баъзан софликни тополмассан, комилликка етолмассан. Зотан софлик, тўла баркамоллик ҳар кимда топилмас, ҳар ким бундай сифатга эга бўлмас.

Сенга жуфти ҳалолинг ҳам етук – комил бўлолмас. «Мўмин мўминани (эр аёlinи) ёмон кўрмасин. Чунки у томонидан бирон хулқни ёқтирмаса, бошқа рози бўладиган хулқлари бор».

Демак, ўзимизни ўнглаб, бир-биримизга яқин, кечиримли бўлмоқ, муяссар бўлганини олиб, қўлдан кеймаганини ташламоқ, баъзи нарсалардан аҳён-аҳён кўз юмиб, қадамни тўғри босмоқ ва ҳар нарсага эътибор бериб ўзимизни қийнайвермаслигимиз мақсадга мувофиқ ишдир.

Мусибат аҳлини кўриб ибрат ол

Ўнг ва сўл томонингга қарасанг, қайғу эгаларини кўрасан, ҳар ҳовлида фарёд, ҳар ёноқда кўзёш, ҳар во-дийда Бану Саъдлар бордир.

Қанча мусибатлар бўлса, шунча сабрлилар ҳам бордир, мусибат фақат сенга келмайди, балки сенинг мусибатинг бошқаларга қараганда оздир. Неча йил тўшакка михланиб, оғриқнинг зўридан ўнгу сўлига ағдарилиб фарёд чекаётган касаллар қанча.

Неча йиллар қуёшлини кўрмай, зиндан бўлмасидан бошқа жойни билмайдиган маҳбуслар қанча.

Умларининг энг яшнаган, ёшлик даврларида жигар парчаларини йўқотган эркак ва аёллар қанча.

Бахтсизлар, қарзга ботганлар, турли балоларга дучор бўлганлар қанча.

Бас, сен ана шулардан ибрат олмоқлигининг ва аниқ билмоқлигининг керакки, бу ҳаёт мўмин учун қамоқ ва қайғулар ҳовлисиdir.

Қанча қасрлар кунни ўз эгалари билан тўлиб-тошган холда бошласа, кечага бориб ҳувиллиб қолмоқда-ку! Қанча тўқис-тугал, баданлари соппа-соғ, бой-бадавлат, серфарзанд оиласлар саноқли кунларда камбағалликка, ўлимга, тирқираб йўқ бўлишга, турли дарду ситамларга дучор бўлмоқда-ку! «...Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) мисоллар келтирган эдик (лекин сизлар бу кўрган-билганларингиздан ибрат олмадинглар. Ҳақ Йўлга юрмадинглар)». (ИброХим сураси, 45-оят)

Демак, сен нафсингни худди жиловланган тую чўкишга ўргатилганидек, бало мусибатларга кўнишни ўргатишинг лозим. Бошингга тушган бало-мусибатни атрофингдагиларнинг мусибатларига, бу замон чарх-палагида сендан аввал ўтиб кетганларнинг балолари-га солиштириб кўргин! Шунда сенинг уларга нисбатан тинчлик-офиятда эканинг, сенга етса бор-йўғи игна-

нинг учидек бало етгани аён бўлади. Бас, сен Оллоҳ таолога лутфу карами учун ҳамду сано айт, сенга берганига шукр қил, олиб қўйганидан савоб кут – атрофингдагилардан ибрат ол!

Сен учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда намуна бордир, дарҳақиқат, У Зотнинг бошларига туяниг ичак-чавоқларини ташлашди, оёқлари тирналди, юзи ёрилди, қамал қилинганларида, дараҳт баргларини ейиш даражасида оч қолди, Маккадан ҳайдалди, тишлари синди, завжайи шарифаларининг обрўлари топталди, етмиш саҳобаси ўлдирилди, ҳаётлик чоғларида ўғли ва бир неча қизларини йўқотди, очликдан қоринларига тош боғлади, У Зотга шоир, коҳин, мажнун, ёлғончи, деб тухмат тошлари отилди, лекин Оллоҳ таоло у зотни йўзи асрари. Буларнинг барчаси кўрмаслик мумкин бўлмаган балолар эди, тенгсиз Илоҳий имтиҳон эди. У зотдан аввал Закариё ўлдирилди, Яхё сўйилди, Мусо қувилди, Иброҳим Халиуллоҳ ўтга ташланди, саҳобаларнинг пешволари – Умар ўз қонига бўялди, Усмонга суиқасд қилинди, Алига найза санчилди, қанчадан-қанча улуғ инсонлар қамчиланди, ахёрлар зинданбанд, тақводорлар кишанбанд этилди: «Ёки (эй мўминлар), **сизлардан илгари ўтган зотлар мисоли – ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми?** Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто Пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Оллоҳнинг ёрдами келади?!» дейишган эди». (Бақара сураси, 214-оят)

Намоз... намоз...

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта, Оллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир». (Бақара сураси, 153-оят)

Агар сенга хавф ҳужум қилиб, қайғу куршаб олса, дарҳол намозга тургин – руҳинг ором топади, чунки намоз Оллоҳнинг изни билан ғам-қайғуларни кетказишга ва ташвиш парчаларини қувиб солишга кафилдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бирор иш ташвишга солса, муаззинлариға: **«Эй Билол, намозга чақир, бизни роҳатлантири!»**, дер эдилар. Намоз – у зотнинг кўз қувончи, шодлик, саодати эди.

Мен аввал ўтган буюк инсонлар ҳаётини ўқиб-ўргансам, уларга балолар юзланиб, оғир аҳволда қолишиганида, хушуъ – шикаста нафс билан намозга берилишар ва шунда уларга ўз қувват иродалари қайтиб келар эди.

Бошлар учиб, жонлар қилич остида қолганида, кўркув ва даҳшат вақтида ҳам хавф намозини ўқиши буюрилди. Бас, қалбни мустаҳкам-сокин қилувчи энг буюк нарса намоздир.

Албатта, турли касалликлардан боши чиқмаётган авлод энг аввал масжидга ўрганмоғи, Парвардигорини рози қилиш, жонини доимий азобдан сақлаш учун пешонасини саждага қўймоғи керак. Акс ҳолда, кўзёш қовоғини куйдириб, қайғу-ғам асабларини парчалайди, ана шундай тоқатсиз пайтда намоз унга хотиржамликни беради, ёрдам қўлини чўзади.

Агар фикр қилсак, бир кечада кундуздаги беш вақт намоз, Оллоҳ таолонинг бизларга берган улуғ неъматла-

ридан эканлигини англаймиз, ахир у гуноҳларимизга каффоратгина бўлиб қолмай, Парвардигор хузурида даражаларимизни ҳам кўтаради, бундан ташқари ғам-ташвишларимиз, дардларимизнинг ҳам давосидир. Намоз қалбларимизни иймоннинг тоза нури билан тўлдиради, дилларимизга таскин беради. Аммо мас-жиддан қочганлар, намозни тарк этганларга эса ғам устига ғам, ташвиш устига ташвиш, баҳтсизлик устига баҳтсизлик: **«Коғир бўлган кимсалар учун эса ҳалокат бўлур ва (Оллоҳ) уларнинг амалларини зое кетказур».** (Муҳаммад сураси, 8-оят)

«Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши Ишончли Вакилдир!».

Ишни Оллоҳга топшириб, Унга таваккул қилиб, ваъ-дасига ишониб, ҳукмига рози бўлиш ва чиройли умид билан У Зотдан кенгликни кутиш – иймоннинг энг буюк самараларидан ва мўминнинг улуғ сифатларидандир. Банда оқибатни чиройли бўлишига ишонганида, ҳар бир ишида Парвардигорига суюнганида, Оллоҳ таоло унга боқиб турганини, Унинг Ўзи кифоя қилишини, қувват ва ёрдам берувчи дўст эканини кўради.

Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланганларида: **«Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши Ишончли Вакилдир!»** – дедилар, Оллоҳ таоло оловни Иброҳимга тичлик ва салқинлик қилди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг асҳобларига кофирлар ўз лашкарлари билан таҳдид қилганида айтдилар: **«Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши ишончли вакилдир!»** – дедилар. Бас, (у юришдан) бирон ноҳушлик етмай Оллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Оллоҳнинг ризолигини истадилар. Оллоҳ эса улуғ



фазлу марҳамат Соҳибидир». (Оли Имрон сураси, 173-174-оятлар).

Инсон барча ҳодисалар, қулфатларга қарши туриб, улар билан кураша олмайди, чунки у заиф, ожиз қилиб яратилган, лекин Оллоҳ таолога таваккул қилиб, Унга ишонса, ишларини У Зотга топширсагина бундай мусибатларни енга олиши мумкин, акс ҳолда, бало-офат ўраб олган пайтда бу фақир, ҳақир банданинг қўлидан ҳеч нарса келмайди:

«...Агар мўмин бўлсанглар, Ёлғиз Оллоҳгагина суянинглар!».

Эй ўз нафсига насиҳат қилишни истаган кимса, сени ҳалокатлардан қутқариб, бало-машаққатлардан озод этиши учун Кучли, Беҳожат, мустаҳкам Кувват Эгаси бўлган Зотга таваккул қил ва «**Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя.** У Зот энг яхши Ишончли Вакилдир!» сўзини ўз шиоринг қилиб олгин. Молдунёйинг озайиб, қарзинг қўпайса, ҳеч нарса тополмай ҳолинг танг бўлса, нидо қилгин: «**Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя.** У Зот энг яхши Ишончли Вакилдир!». Душмандан қўрқсанг, золимнинг зулми ёки мусибат остида қолсанг, нидо қил: «**Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи Кифоя.** У Зот энг яхши Ишончли Вакилдир!». «Парвардигорингизнинг Ўзи етарли Етакчи ва Ёрдамчидир».

Айтинг: «Ерни айланиб сайру саёҳат қилинглар...»

Турли диёрларга сафар қилиш, ер юзида айланиб саёҳатларга чиқиш, турли-туман боғу бўстонларни кўриш, табиат саҳифасига гўзал мўъжизаларни ёзган

қалам құдратини күрмөқ учун коинот китобларига назар ташламоқлик, қалбни шод қилас, ғам-қайғу булутларини кетказар.

Ташқарига чиқ, атрофингдаги нарсалар ҳақида фикр юрит, тоғлар ошгин, водийлар узра юр, дарахтларга тирмаш, шаффоф сувдан тотгин, ясмин шоҳини ҳидла, ана шу пайтда саодат осмонида сузиб юрган сайроқи қүш каби ўз руҳингни эркин, шодон ҳис қиласан. Ташқарига чиқ, кўзингдан қора пардани олиб ташла, сўнгра Оллоҳнинг кенг ерида зикр, тасбех айтиб юр.

Қаттол бекорчилик, тор хонада қамалиб олишлик ўз-ўзини ҳалок қилишлиkdir. Уйинг бутун олам дегани эмас, сен ҳам одамларнинг ҳаммаси эмассан, бас, қайғу олдида бош эгмоқ нечун? Кўз-қулоғинг, қалбингга мурожаат қил: «(Эй мўминлар), **хоҳ енгил, хоҳ оғир ҳолингизда** (яъни, хоҳ ёш, хоҳ кекса, ҳолларингизда, истасангиз-истамасангиз жиҳодга) **чиқингиз...**». (Тавба сураси, 41-оят)

Келгин, Куръонни ана у анҳорлар, дарахтзорлар орасида, муҳаббат хутбаларини тиловат қилаётган қушлар орасида, тоғ-тошлардан тушиб қандай етиб келгани ҳақида қисса сўйлаётган сувлар орасида ўқигин.

Бу ернинг йўлларида сафар-саёҳатлар қилиш, нафси изтиробда қолиб, тор хонаси зулматга айланган кимсага табиблар тавсия қилган фойдали ишдир. Кел, баҳтли шод бўлиш, фикр ва тадаббур қилиш учун биргаликда сафар қилайлик: «**Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам** Оллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва Ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «**Парвардигоро, бу** (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айби-



дан) Поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асрагил!. (Оли Имрон сураси, 191-оят)

Чиройли сабр

Сабр билан безанмоқ буюк инсонларнинг сифатлари дандир. Улар қўнгилсиз ишларни бағрикенглик, мустаҳкам ирова ва матонат билан қабул қила оладилар.

Ахир сабрдан бошқа яна нима қилишимиз мумкин?

Бизнинг олдимиизда сабрдан бўлак ечим борми ўзи?

Аввалги ўтган улуғлар гўё мусибатлар, кулфатлар мусобақа қиласиган майдон каби эдилар, бир кулфатдан кутулсалар, иккинчиси келар эди, уларнинг қалқони сабр, совутлари эса Оллоҳга бўлган ишончлари эди.

Улуғлар шундай қилишади, мусибатларни енгиб, оғат-балоларни ерпарчин қила оладилар.

Касал бўлган Абу Бакрнинг олдига келган кишилар сўрашди: – Табиб айтдирайликми? Абу Бакр: – Табиб мени кўрди, – деди. Улар: – Табиб нима деди? – дейишди. У зот: – **У, албатта, Мен истаган нарсамни амалга оширгувчиман**, деди, – деб жавоб бердилар.

Сабр-тоқат қил! Ёлғиз Оллоҳ (ёрдами) **билингина сабр қила олурсан**. Ёруғ кунларга, гўзал оқибатга ишонгувчи, ажр истаб, гуноҳларини ўчирилишига рағбат қилгувчи инсон каби сабр қилгин. Йўлингни сўқмоқлар зулматда қолдириб, мусибатлар бостириб келса ҳам, сабр қилгин. Чунки ғалаба сабр биландир, шодлик қайғу биландир ва албатта, қийинчилик билан сингиллик бордир.

Бу дунёдан ўтган буюкларнинг сийратларини ўқиб, уларнинг сабр-тоқатли, чидам-бардошли эканликлари ни кўриб ҳайратда қолдим. Гўё улар тоғ бўлсалар мусибатлар уларнинг бошларига майда сув томчилариdek тушар эди. Кулфат вақти қисқа вақтдир, яқинда шодлик тонги отиб, фараҳбахш онлар келиб, ғалаба асри бошлангач, уларнинг юзларида қуёш порлагай. Уларнинг ҳар бири ёлғиз сабр қилибгина қолмади, балки балоларга қарши курашди, мусибатлар қаршисида тиз чўкмай, «қани, кучингни кўрсат ва мени қандай сабрли эканимни кўргин» дея олди.

Ер шарини бошингга кўтариб олмагин

Бир тўп одамлар бор, ухлаб ётганларида ҳам «жаҳон уруш»ини кўрадилар. «Уруш» тиниши билан ошқозон ғамига тушадилар, ё қон босимининг юқорилигидан ёки қанд касалларидан нолиб юрадилар. Юз берган ҳар қандай ҳодиса уларнинг шикоятига сабаб бўлаверади. Улар ҳали нархлар кўтарилиб кетганидан ғазабланадилар, ҳали ёғингарчилик бўлмаётганидан нолийдилар, ҳали ишчиларнинг ойлик маошлари камлигидан сиқиладилар. Хуллас, улар доим бесаранжом, беором. **«Улар (юраксизликлари сабабли) ҳар бир қичқириқ овозни устларига (тушаётган бало-офат деб) гумон қиласдилар».** (Мунофиқун сураси, 4-оят)

Сенга насиҳатим, бу куррайи заминни ёлғиз бошингга кўтарма, ҳодисаларни ичинингга эмас, ерга ташлагин. Баъзи инсонларнинг қалби худди миш-миш хабарларни ютиб оладиган булувлар каби арзимас нарсаларга ҳам сиқилишади барча нарсага изтиробга тушишади, бундай қалб ўз эгасини аниқ вайрон қиласди.



Ибрат ва мавъизалар ҳақиқат устидаги кишиларнинг иймонларига иймонни зиёда қилса, зилзилалар турли ҳодисалар беқарор инсонларнинг хавфларига хавфни зиёда қилади.

Бўрон-довул олдида фақат шижоатли қалбина тура олади, чунки жасур паҳлавонлар қалби кенг ва собит, иймони мустаҳкам, асаблари хотиржам бўлади. Аммо қўрқоқлар миш-миш, ваҳму-жаҳолат қиличи билан ўз жонларини ҳар куни неча маротабалаб қурбон қилурлар.

Агар барқарор ҳаётни истасанг, ишларга тоқат ва шижоат билан юзлангин, (Охиратга) **ишонмайдиган кимсалар Сизни ҳаргиз бетоқат қилмасинлар. Уларнинг макру ҳийлаларидан сиқилманг ҳам!** Барча ҳодисаларга бардошли бўл, танглик шамолига бош эгма, тушкунликка тушма, буларнинг барини заиф қалблар эгасига отгин, ундай заиф қалбларни кунлар қанчалар мағлуб қилган: «...Сиз уларнинг ҳатто мушкиклардан ҳам ҳаётга (яшашга) очкўзроқ кишилар эканини қўрасиз...». (Бақара сураси, 96-оят). Дунё мешақатларига бўйин эгмайдиган кишиларга эса (Оллоҳ таоло доимо мададкордир.

«Бас, У Зот уларнинг дилларидаги нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди...». (Фатҳ сураси, 18-оят)

Арзимас нарсалар сени синдирмасин!

Қанча ғам-ташвишга ботиб юрадиган кимсалар борки, сабабини суриштирсанг айтишга ҳам арзимас нарса бўлиб чиқади. Мунофиқларни кўр, нақадар ҳиммати паст, мақсадсиз кимсалар улар! Мана уларнинг сўз-

лари: «**Бу иссиқда урушга чиқманглар**», дедилар». (Тавба сураси, 81-оят). «**Уларнинг орасида: «Менга (жангдан қолиш учун) изи бергин, мени фитнага - балога солмагин»**, дейдиган кимсалар ҳам бор эди». (Тавба сураси, 49-оят). «**Улардан (мунофиқлардан) яна бир гуруҳ эса «Уйларимиз очиқ-сочиқ (қолган эди)», деб Пайғамбардан изн сўрардилар**». (Аҳзоб сураси, 13-оят). «**Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида (кофирлар) томонга шошаётгандарини кўрасиз**». (Моида сураси, 52-оят). «**Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган (яъни, эътиқодлари заиф бўлган) кимсалар: «Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар», дея бошладилар**». (Аҳзоб сураси, 12-оят)

Нақадар ноумид бу шўртумшуқлар! Нақадар баҳтсиз улар!

Уларнинг ғамлари қорин, овқат, иморат, қасрлардир. Улар кўзларини мисол самосига қаратмайдилар, фазилат юлдузларига боқмайдилар. Уларнинг ҳар бирини ғами – минган оти, кийим-кечаги, майшати. Одамларнинг кўпчилигини кузатсанг, эрта-кеч аёлидан, фарзандидан ёки яқин бир кишисидан шикоят қилаётганини, ёхуд жон қулоги билан ножӯя сўзларни тинглаётганини, ё бўлмаса арзимас мансаб-лавозим ортидан тушганини қўрасан. Булар ўша инсонларнинг фожиасидир. Уларнинг бирор бир олий мақсадлари, вақтларини сарфлайдиган фойдали ишлари йўқдир. Айтганларидек, идишнинг суви тўкилса, ўрнини ҳаво эгаллайди. Демак, сен ўзинг ташвишини тортиб юрган нарсанг ҳақида бир ўйлаб кўр, ўша нарса сенинг чеккан машаққатларингга арзийдими? Чунки сен унинг

учун гўшту қонингни, роҳат-оромингни ва вақтингни бердинг. Бу савдоингда зиён тортиб юрмагин тағин! Руҳшунос олимлар дейдилар: «Сен ҳар бир нарса учун маъқул ҳад-чегара белгилаб олгин». Бас, сен ҳар бир масалада унинг ҳажмига, вазнига ва қадрига қараб иш тутгин.

Саҳобаларнинг ғам-ташвишлари дарахт тагида берган байъатларига вафо қилиш эди. Бас, улар Оллоҳнинг ризосига етишди. Лекин улар билан бирга бўлган бир киши эса туси билан овора бўлиб, байъатдан маҳрум бўлди, бас, арзимас ишларни ташла, у билан машғул бўлма, шунда ташвиш кетиб, шодхуррамлик келади.

Оллоҳнинг тақсимиға рози бўл – энг бой инсон бўласан

Бу ҳақда аввал айтиб ўтган бўлсак ҳам, тушунарлироқ бўлсин, деб шуларга баъзи бир қўшимчалар қилмоқчиман:

Сенга берилган мол-давлат, бола-чақа, уй-жой ва бошқа неъматларга қаноат қилмоқлигинг лозим, бу менинг эмас Куръони Каримнинг сўзидир: «...Бас, сенга ато этган нарсамни олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!». (Аъроф сураси, 144-оят)

Салаф солиҳларнинг кўпларининг гўзал иморатлари, от-уловлари ва хизматкорлари бўлмаган, шу билан бирга улар ўз ҳаётларида яхши из қолдирдилар, бахтиёр ҳолда ҳаёт кечирдилар, чунки улар Оллоҳ таоло ўзларига берган яхшиликларни Оллоҳ йўлига йўналтирилар ва умрларига, вақтларига баракотлар берилди. Яна бошқа бир одамлар бор эдикси, уларга мол-давлат, бола-чақа неъматлари берилди ва улар-

нинг бахтсиз бўлишларига мана шулар сабаб бўлди, чунки улар тўғри фитратдан, ҳақ йўлдан тойдилар бу эса ҳамма нарсаҳи ҳам мол-дунё белгиламаслигига очиқ ҳужжатдир.

Агар саодатни истасанг, Оллоҳ яратган суратингга, оиласвий аҳволингга, фаҳму фаросатинг, даромадингга рози бўлгин. Айрим аҳли зуҳд мураббийлар ҳатто «сен ўзингнинг турмуш аҳволингдан пастроғига рози бўлиб яшагин», деб тарбия беришади.

Куйида айтмоқчи бўлганларимиз – нурга тўлган буюк инсонлардирки, улар ўзларининг ўта камтар дунёвий насибаларига рози бўлиб ўтдилар.

Ўз замонасининг буюк олими бўлган Ато ибн Рабоҳ жингалак соч, пучук бурун, қорача, фалаж дардига мубтало бўлган, озод қилинган қул эди.

Аҳнаф ибн Қайс барча арабнинг ҳалим кишиси, жисми ориқ, бели ва оёғи букилган, заифқомат киши эдилар.

Аъмаш мухаддис олим, озод қилинган қул, кўзи хира, йиртиқ тўн, факирона ҳаёт кечирав эдилар.

Буюк пайғамбарлар, Оллоҳнинг уларга салоту саломи бўлсин, уларнинг деярли барчаси чўпон бўлишган. Довуд темирчи, Закариё дурадгор, Идрис тикувчи бўлиб, барчалари башарият орасидан танлаб олинган инсонлар эдилар.

Демак, сенинг ҳақиқий қийматинг зеҳну заковатингдир, солиҳ амалларингдир, етқизган фойданг ва чиройли хулқингдир. Бас, сен чиройли, бой-бадавлат бўлмасанг ҳам, ғамгин бўлма, Оллоҳ берган қисматга рози бўл.

Ўзингга эни осмонлар ва Ерга баробар бўлган жанинатни эслатгин.

Оч-наҳор қолиб, маҳзун бўлсанг, дард чексанг, жабр тортсанг, зулим кўрсанг – нафсингга Оллоҳнинг неъматларини эслатгин, агар сен мана шу ақидага амал қилсанг, зиёнларинг фойдага, бало-офтатлар – ҳадяларга айланади.

Ақлли инсонлар Охират учун амал қиласилар, чунки Охират диёри яхшироқ ва боқийроқdir. Аҳмоқлар эса бу дунёни мангу қароргоҳлари, орзуларининг чўққиси, деб биладилар, шунинг учун ҳам улар мусибатлар келса дод-вой қиласилар, ҳодисалар пайтида надомат чекурлар. Улар фақат ўзларининг арзимас ва аҳамиятсиз бўлган ҳаётларини ўйлайдилар, фақат фоний дунёни кўзлайдилар. Охират ҳақида тафаккур қиласилар, унинг учун амал қиласилар. Демак, улар хурсандчиликлари тугаб, фараҳбахш онлари ниҳоя топишини истамайдилар. Агар уларнинг қалбларидан қоплаб олган занг, кўзларидан жаҳолат пардаси очилса эди, ўзларига мангу диёр, унинг неъматлари, ҳовли ва қасрлари ҳақида сўзлаган ва у жаннатни васф этгувчи ваҳий хитобларини эшитган бўлар эдилар. Зеро, Оллоҳ ҳаққи, Охират диёри эътибор ҳаракат ва интилишга лойиқ бўлган боқий ҳовлидир.

Аҳли жаннатларнинг сифатлари ҳақида узоқроқ мулоҳаза юритиб кўрганмизми? Улар у ерда касал, ғамгин бўлмайдилар, ўлмайдилар, ёшликлари тугамайди, кийимлари эскирмайди, улар таши ичкаридан, ичи эса ташқаридан кўринадиган хоналарда бўладилар. У жойда кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган ноз-неъматлар бордир, у жойда бирон инсон учун қўрқув-хатар йўқ, унинг бир дараҳтининг сояси остидан отлиқ одам юз йилда кесиб ўтолмайди, ундаги чодирларнинг баландлиги олтмиш милга (120 километрга) баробар,

анҳорлари доимий оқувчи, қасрлари баланд, мевалари яқин, унинг оқар булоқлари, баланд сўрилари, (булоқ бўйига) қуиб қўйилган қадаҳлар, тизиб қўйилган ёстиқлар, тўшалган гиламлари бордир. Шодлик, қувонч, завқлари бир олам, бўйлари таралган, уни сифатлашга тиллар ожизлик қилади. Барча орзулар ўша жойда рўёбга чиқар. Бас, нега биз шулар ҳақида фикр қилмаяпмиз, зикр қилмаяпмиз?!

Ана ўша диёрга боришни ўйлаган, унинг учун амал қилган одамга мусибат оғир келмайди, қайғу эгаларининг қўзлари порлайди, фақир қалблар шодланади.

Бас, эй фақирлик, муҳтожлик, мусибат эгалари, Оллоҳга қўшни бўлиб, Унинг жаннатида яшашни истасангиз, солиҳ амал қилингиз: «(Оллоҳ Йўлида меҳнатмашаққатларга) **сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли** (энди бу жаннатларда) **сизларга тинчлик осойишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши!**». (Раъд сураси, 24-оят)

Шунингдек, (яъни, Тўғри Йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун бошқа ўрта (адолатли) бир миллат қилдик.

Адолат ҳам ақлий ҳам шаръий матлабдир, ҳаддан ошиш, жафокашлик, сусткашлик адолат эмасдир.

Ким саодатни истаса, ўз ҳиссиёт ва туйғуларини живоловлаб, розилик ё ғазаб ҳолатида ҳам, шодлик ё қайғу вақтида ҳам адолатли бўлмоғи керак. Чунки воқеаҳодисалар билан муомала қилишда хатога йўл қўйиш ва ҳаддан ошиш ўз-ўзига зулм қилиш демакдир. Ўрта адолатли бўлиш нақадар яхши. Чунки шариат тарози билан тушган, ҳаёт адолат устига қурилган. Ҳаво-нафсига эргашган, ҳиссиётларига таслим бўлган одам машаққат



чекур ва ана шу пайтда ҳодисалар унга катта кўринур, кўз ўнгини зулмат қоплаб олур ҳамда унинг қалбида бошқаларга нисбатан гина-кудурат ва нафратдан иборат даҳшатли жанг юзага келади, чунки у ваҳм ва хаёл билан яшайди, ҳаммани ўзига қарши деб ўйлайди. Гўё ҳамма уни йўқ қилишга тил биритириб олгандай. Шунинг учун ҳам бундай кимсалар доим хавф, ғам-қайғудан иборат қора булут остида ҳаёт кечиради.

Ёлғон-яшиқ миш-мишлар тарқатиш ҳам шаръян ман қилинган, ҳам инсоний табиат ҳазар қиладиган қусурларданdir. Маънавият ва Раббоний эътиқоддан маҳрум кимсаларгина бундай тубан ишларга бериладилар. «**Улар (юраксизликлари сабабли) ҳар бир қичқириқ-овозни устларига (тушаётган бирон балоофат, деб) гумон қиладилар. Улар душмандирлар!**». (Мунофиқун сураси, 4-оят)

Сен қалбингни ўз ўрнига ўткизгин, чунки қалбинг кўрқаётган кўп нарса бўлмайдиган ишдир, ўзинг эса бошламоқчи бўлган ишингда рўй бериш мумкин бўлган энг ёмон эҳтимолларни ўрганиб, унинг келишига тайёр бўлиб тур, ана шунда ўша эҳтимоллар бошга тушмай туриб, қалбни кемирувчи ҳар турли нотўғри фол очишлардан кутуласан.

Эй ақли расо, огоҳ инсон! Ҳар нарсага ўз ҳажмини бергин. Ҳодиса, ҳолат ва муомалаларни катталаштирма, балки ҳар ишда ўртача, адолатли бўлгин, сохта хаёл, алдовчи саробга эргашмагин, ҳадисдаги яхши кўриш ва ёмон кўриш мезонини тингла: «**Дўстингни ўртача яхши кўр, эҳтимол у бир сен ёмон кўрган кимсага айланар, душманингни ҳам ўртача ёмон кўр, эҳтимол у бир кун дўстингга айланар**». «**Эҳтимол, Оллоҳ сизлар билан (Макка кофирлари орасидаги) сизлар душман-**

лашиб юрган кимсалар ўртасида – (уларни ҳам иймон ва Исломга муваффақ қилиш билан) – бир дўстликни пайдо қилиб қўяр. Оллоҳ (барча ишга) Қодирдир. Оллоҳ Мағфиратли, Мехрибондир». (Мумтаҳана сураси, 7-оят)

Шариат ғам-қайғу чекишигга буюрмайди

Ояти каримада қайғудан қайтариленган: «(Эй мўминлар, куфрга қарши курашда) сустлашмангиз ва (Уҳуд жангидаги мағлубият сабабли) устида ғамгин **бўлманг!**». (Оли Имрон сураси, 139-оят). «Уларнинг (иймонсизликлари) устида ғамгин ҳам бўлманг!». (Ҳижр сураси, 88-оят). «**Ғамгин бўлма, албатта, Оллоҳ биз билан биргадир**». (Тавба сураси, 40-оят). «...Ҳеч қандай хавфу хатар йўқдир ва улар ғамгин **бўлмаслар**». (Аҳқоф сураси, 13-оят)

Зотан қайғу истак оловини ўчирап, ғайрат руҳини сўндирап ва кўнгилни совутар, у ҳаёт жисмини фалаж қилгувчи дарддир.

Чунки қайғу фаолиятдан тўхтатар, ҳаракатдан тў-сарп, қайғудан қалбга фойда йўқдир. Банда ғам остида юрган йўлидан тўхташи шайтон суйган ишдир. Оллоҳ таоло айтади: «(Яхудий ва мунофиқларнинг) ўзаро шивир-шивирлари фақат шайтон томонидан **бўлиб, иймон келтирган зотлар** (у сабабли) ғамгин **бўлишлари учундир**». (Мужодала сураси, 10-оят). Рашуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч кишидан иккитаси шивир-шивир қилишиб, учинчилари четда қолдирилишидан қайтарганлар, чунки бу ўша учинчи кишини ранжитади.

Мўминнинг ғам чекиши матлуб иш эмасдир, чунки қайғу нафсга озор етказар. Мусулмондан ғам-қайғуга

таслим бўлмаслиқ, балки шаръий воситалар орқали у билан курашиш талаб қилинади.

Қайғунинг фойдаси йўқдир. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайғудан паноҳ сўраб дуо қилганлар: «Оллоҳим, мен сендан ғамдан ва қайғудан паноҳ сўрайман». Чунки қайғуриш-хафалик ғамнинг яқинидир. У иккисининг ўртасидаги фарқ шуки, киши истамаган-суймаган бирон нарса қўнглига келиши, агар келажак ҳақида бўлса ғам-ташвишга сабаб бўлади, агар у ўтмиш ҳақида бўлса қайғу-хафаликка сабаб бўлади. Уларнинг ҳар иккиси қалб ҳаракатини сустлаштиради, мақсадга путур етказади.

Қайғу ҳаётни кир қилиб, турмушни ташвишга айлантиради. У руҳ учун заҳарли зардобдир. У руҳга bemadorlik, baxtsizlik va sarosimani meros қилиб beradi va уни gўzallik-jamol oлдида bemajol қилиб kўяди. Shundan sўнг у Olloҳ taолo яратган chirойni ҳис қила olmайдi ҳаёт қувончларидан baxra olmай, mashъumlik, ҳасрат, alam sharobini қултумlab ichadi.

Toat қила olmай, gunoхга botib, xatoga йўл қўйганида, қайғурmoқлик uning ҳаётiga ҳидоят kириб ke-laётganiдан dalolatdir va bu maқtovga savor bўlgan қайғudir.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг saҳih ҳадисларининг далолат қилишича, Olloҳ taolо bандасига мусибат berar экан, уни gunoхlariiga kafforat қiladi. Ammo bu istash kerak bўlgan maқom emasdir, яъни shariat unga undab, buyorgan bўlса ҳам, banda қайғу chekmoқ ibodat, deb tushunib қolmasligi kerak. Agar u ibodat bўlganiда Rasuуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётларини қайғу билан boғlar, vaqtларини қайғу учун sарфлар эдилар, lekin u zot юzlari tabas-

сум қилувчи, қалби рози, доимий шодон ҳаёт кечиргандар.

У зот қандай ҳам маҳзун бўлсинлар, ахир Оллоҳ таоло у зотни дунё учун ғам чекишдан сақлаган, коғирларнинг қилаётган ишларидан қайғуга ботишдан қайтарган, аввалу охир гуноҳларини кечирган, у зот қандай ғам чексинлар. Ғам-қайғу у зотнинг қалбларига қандай йўл олсин, ваҳоланки, у зотнинг қалблари зикр билан банд, ҳалоллик билан ўралган, Раббоний Ҳидоят билан тўлиб-тошган, Оллоҳнинг ҳақ ваъдасига хотиржам, Унинг ҳукмлари, ишларига рози бўлса. У зот табассум қилганларида тишлари ярқирап эди. У зот «кулиб ўлдирувчи», деб сифатланганлар. У зотга Оллоҳнинг салоту саломи бўлсин!

Ким Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарихига назар ташласа, ҳаётларини ўрганса, у зотнинг изтироб, ғам-ташвишни рад этувчи, ноҳақликни йўқотиш, нафсларни шак-шубҳа, гумон, ширк, ҳайронликдан озод этиш ва у нафсни ҳалокат жарлигидан кутқариш учун келган зот эканлигини билади. Оллоҳ таоло бандаларига қанчалар карамли зот.

«Оллоҳ таоло ҳар бир ғамгин қалбни севади», ҳадисининг, ровийси ҳам саҳиҳлиги ҳам маълум эмас. Ислом дини, шариат бунга қаршидир. Бу ҳадисдан агар у саҳиҳ бўлса, мақсад шуки, қайғу – Оллоҳ таоло бандасига имтиҳон учун берган мусибатлардан бири, мана шу мусибатга сабр қилган, имтиҳонга бардош қилган бандани У Зот суяр.

Қайғу ҳақида шеърлар ёзиб, шариат ҳам шунга буюрган, деб айтгувчилар хато қилишади, шариат бундан қайтарган, бунга қарши турган, балки шариат Оллоҳ таолонинг раҳмати ва фазл-марҳаматига эришишлиқ-

ка, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туширилган Куръонга амал қилишга, Оллоҳ таолонинг ҳидоятига хурсанд бўлишга ҳамда осмондан авлиёларнинг қалбига туширган мана бундай муборак яхшиликларидан қалби шод бўлишига буюрган.

«Оллоҳ таоло бир бандасини яхши кўрса, унинг қалбига мунг-қайғу солиб қўяди, агар бирор бандасини ёмон кўрса, унинг қалбини ўйин-кулгу билан банд қилиб қўяди», деган иборани баъзилар Тавротда айтилган дейишади. Бунинг ўз маъноси бор – мўмин банда гуноҳларига ғам чекади, фосиқ эса парвойи фалак, ўйнаб-кулиб юраверади. Солих зотларнинг қалблари яхшиликларга эриша олмай, олий даражаларга ета олмаётганларидан, гуноҳга ботаётганларидан ғамга ботса, осийларнинг қайғуси дунёга, унинг шаҳватлари, лаззатларига эриша олмаётганлари учун бўлади. У осийларнинг ғам-ташвишлари фақат дунё учундир.

Оллоҳ таолонинг пайғамбари Исроил (Яъқуб) алайҳиссалом ҳақида туширган оятида: «...**Ғам-алам ютавериб, у зотнинг кўзлари оқарди** (ожиз бўлиб қолди)». (Юсуф сураси, 84-оят) дейилади. Бу оятда ўз боласи, ҳабибини йўқотган отанинг аҳволидан хабар берилган. Оллоҳ таоло Яъқуб билан ўғли Юсуфни ажратиб имтиҳон қилганидек, яна бир ўғли Биняминни йўқотишлиқ билан яна бир бор имтиҳон қилди. Бу, инсон ҳасрат чекиши керак дегани эмас, унга ундан, буюриш ҳам эмас, балки бизларга қайғудан паноҳ сўраш буюрилди, чунки ғам-қайғу қора булат, зулматли кечадир ва эзгу ишлар сари интилган одамнинг йўлидаги тўсиқ-ғовдир.

Хурсанд бўл, қалбинг очиқ бўлсин, Оллоҳдан У Зотнинг Ўзи рози бўладиган яхши ҳаётни, соғ зехн-

фаросатни сўра, чунки булар нақд бўлган неъматлардир.

Машойихлар дерлар: «Дунёда ҳам жаннат бордир, унга кирмаганлар Охират жаннатига ҳам кира олмайдилар».

Ёлғиз сўрагувчимиз бўлган Оллоҳ таоло қалбларимизни иймон нури билан мунаввар қилисин, дилларимизни Ўзининг тўғри Йўлига йўлласин ва бизларни торлик ва хорлик дунёсидан кутқарсин!

Хуроса

Кел, Оллоҳ таоло барчамизниң қалбларимиздан ғам-қайғуни йироқ қилиши учун биргаликда У Зотга дуо қиласайлик:

Буюк ва Ҳалим, Улуғ Арш, осмон ва Ернинг Парвардигори бўлган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Эй Тирик ва Барҳаёт бўлган Зот, Сендан ўзга илоҳ йўқдир, Сенинг Раҳматинг-ла, Сендан ёрдам сўраймиз.

Оллоҳим! Сенинг Раҳматингдан умидвормиз, бизларни бир лаҳза ҳам ўз ҳолимизга ташлаб қўймагин, барча ишларимизни Ўзинг ўнглагин. Сендан ўзга илоҳ йўқдир.

Тирик ва Барҳаёт бўлган, Ёлғиз Оллоҳга истиффор айтаман ва унга тавба қиласман.

«Ҳеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй Пок Парвардигор, дарҳақиқат, мен (ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим».

Оллоҳим! Мен қулингман, қулингни, чўрингни фарзандиман, ҳаётим Сенинг Қўлингдадир, ҳукминг ўтгувчиdir, тақдиринг адолатлиdir. Ўзингни номлаган барча исмларинг билан, Китобингда

нозил қилганларинг билан, бандаларингдан бирортасига ўргатганларинг билан, Ўз хузурингдағайб илмига битганларинг билан Қуръонни қалбимнинг баҳори, дилимнинг суури қилишингни, ғамимни кетказиб, қайғудан халос этишингни сўрайман.

Оллоҳим! Сендан ғам-қайғудан, ожизлик, дангасаликдан, баҳиллик, қўрқоқлиқдан, қарзга ботишдан, кишиларга мағлуб бўлиб қолишдан паноҳ сўрайман.

«Бизга ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши ва Ишончли Вакилдир!».

Табассум қил

Табассум – мўътадил кулгу, ғамлар шифоси, қайғулар малҳамиди. Руҳни шод, қалбнинг қувончга тўлишида кулгининг ажиб бир қуввати бор. Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтадилар: «Мен қалбим тўлгунича куламан».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳён-аҳёнда кулганларида озиқ тишлиари кўринар эди. Бу нафс дардини тушунувчи оқилларнинг кулгусидир ва ўша дарднинг давосидир.

Кулгу – шодлик, роҳат, хушкайфият чўққиси.

Кулгуни кўпайтирилмайди: «Кўп кулмагин, чунки бу қалбни ўлдирап». Кулгуда ўртача бўлиш афзал: «Биродарингга табассум қилмоқлигинг ҳам садақадир». «(Сулаймон) унинг сўзидан кулиб-табассум қилди». (Намл сураси, 19-оят). Истеҳзо, масхара кулгуси эмас: «Энди қачонки у Бизнинг оят мўъжизаларимизни уларга келтиргач, багогоҳ улар у (мўъжиза)лар устидан кула бошладилар». (Зухруф

сураси, 47-оят) Аҳли жаннатнинг неъматларидан бири – кулгу: «Энди бу (Қиёмат) кунида иймон келтирган зотлар коғирлардан кулурлар». (Мутафифин сураси, 34-оят). Араблар тишлар оқи кўрингудек кулгини мақташган ва буни инсоннинг қалби кенглигидан, табиати саховатлилигидан, деб санашган. Ҳулқининг гўзаллиги ва зеҳни комиллигига далил қилишган.

Дарҳақиқат, Ислом – ақидалар, ибодатлар, ахлоқларнинг барчасида ўртачалик, мўътадиллик устига қурилган.

Маъюслик ва тунд аҳвол – нафс ноласининг, ақл ғалаёнининг, хулқ-автор хиралашганинг аломати.

Аҳмад Амин ўзининг «Файзул Хотир» китобида айтади: «Ҳаётга табассум билан боқадиганлар баҳтиёр бўлибгина қолмай, балки бирор бир иш қилишга, масъулиятни кўтара олишга, қийин аҳволларни енгиб ўтишга ва ўzlари учун ҳам, одамлар учун ҳам фойдали бўлган ишларни амалга оширишга ўzlарида бир куч топадилар.

Агар менга қўп мол-давлат, катта мансаб ёки табассум қилувчи нафс, шулардан бирини танлаш ихтиёри берилганида, ҳеч иккиланмай иккинчисини – табассум қилувчи нафсни танлар эдим. Тунд одамга мол-давлат ярашмайди, маъюслик билан катта мансаб тўғри келмайди. Қалби тор ва танг ҳолда худди дўстининг жанозасидан келаётгандек турган тунд қиёфадаги инсонга ҳаётнинг ҳеч қандай қизифи йўқдир. Уйи жаҳаннамга айланган маъюс аёлнинг жамолидан кўра, гўзал бўлмаса ҳам уйи жаннат бўлган аёл минг марта афзалдир.

Гул табассум қилур, боғлар табассум қилур, денгиз, анҳорлар, осмон, юлдузлар, қушлар буларнинг барчаси табассум қилур.

Инсон, агар унга бирор бир тама, ёмонлик ё худбинлик рўпара келмаса, унинг асли табиати табасумдан иборатдир. Аксинча бўлган инсон хушоҳанг табиатнинг оҳангини бузади, гўзалликни кўра олмайди, ҳақиқатни билмайди. Ҳар бир инсон дунёга ўз иш-амали, фикрлашининг ўлчами билан баҳо беради, агар иш яхши бўлиб, фикр тўғри келса, унинг учун дунё манзаралари тоза, покиза, дунёнинг ўзи ҳам асли яратилгандек гўзал бўлиб кўринади. Агар акси бўлсанчи, у ҳолда, гўё унинг манзаралари хиралашиб, ойналари қорая бошлайди ва ҳар бир нарсани ана шундай қоралиқдан иборат деб билади.

Баъзи бир инсонлар ҳар бир нарсадан баҳтсизликни келтириб чиқаришса, баъзилар барча нарсадан саодатни барпо қиласидар.

Бу аёл фақат хато ишни кўради, бу кун қора кун бўлди, чунки бугун лаган синди, ошпаз таомни шўр қилиб кўйди.

Бу киши эшитган ҳар бир гапдан, арзимас бир ишдан (у ишни ўзи қиласими ёки бошқаси), олинган фойдадан, ёки ўзи кутаётгандек фойда бўлмаслигидан, барчасидан ёмон таъвил ясайди, унинг назарида барча нарса қорадек ва уни атрофидагиларга ҳам қора қилиб кўрсатади. Улар ёмонликни кўпиртиришга ўзларида куч топган одамлардир, улар оддий уруғдан дарахт ясайдилар, уларда яхшилик учун куч йўқ, ўзларига берилган неъматга, гарчи кўп бўлса ҳам хурсанд бўлмайдилар, ўзларига етган бу неъматдан бошқаларга инфоқ-эҳсон қиласидилар.

Ҳаёт – ўрганадиган фан. Инсон уйига мол-дунё тўплашидан кўра ҳаётига гул, райҳон, муҳаббат кўчачатини ўтқазмоқлиги яхшироқдир.

Раҳмат, муҳаббат, гўзалликни тараққий эттириш ўрнига бутун куч-ҳаракат мол-дунё тўплашга қаратилган ҳаёт қанақа ҳаёт бўлди?

Аксар инсонлар ҳаёт гўзалликларини кўриш учун кўзларини каттароқ очмайдилар, улар кўзларини динор, дирҳамлар учун очадилар. Сердаҳт боғлар, гўзал гулзорлар, булоқлар, сайроқи қушлар олдидан ўтадилар-у, уларга эътибор бермайдилар, улар у ерларга пул учун кириб, пул учун чиқадилар. Улар пулни баҳтли ҳаёт кечириш воситаси деб биладилар ва саодатли ҳаётларини ўша пул учун сотадилар, бизларга кўзлар гўзалликни кўриш учун берилган, бизлар эса уларни мол-дунёга қарашга одатлантирдик.

Умидсизлик нафсни ҳам юзни ҳам тунд қиёфага киргизади. Агар табассум қилишни истасанг – умидсизликка қарши курашгин. Бу дамлар барчамиз учун қулий фурсатдир, бизлар учун нажот эшиги очилгандир, бас ақлингни орзуладар эшигини очишликка, келажакдан фақат яхшиликни кутишга одатлантир.

Агар сен ўзингни кичик ишлар учун яратилганман, деб эътиқод қилсанг, ҳаётингда фақат кичик нарсаларга эришасан. Агар сен ўзингни буюк ишлар учун яратилганман, деб билсанг – ўзингда барча тўсиқ-ғовларни енгиб ўтиб, кенг майдонга, олий мақсадларга эриширадиган бир кучни топасан. Бу гапимизнинг тасдиқи моддий ҳаётимизда ҳам яққол кўринади: юз метрга югуриш мусобақасига қатнашган одам ўша маррага етгандан сўнг чарчоқни ҳис қиласди, тўрт юз метрга югуришни қасд қилса, юз, икки юз метрга етганида ҳам чарчоқни билмайди. Руҳинг ҳам сенга мақсадингга яраша ҳимматни беради.

Нафсни зулмат исканжасида қолдириб, уни тунд қиёфага айлантирадиган нарса – умидсизлик, орзу қила олмаслик, фақат ёмонликни кўриб яшашлик, одамлар айбини исташ ва фақат бу оламнинг ёмонликлари ҳақида жаврайвериш.

Инсон ўзининг табиий иқтидорини ўстириш, уни билимдон қилиш, уни қўли очиқлик, бағрикенгликка одатлантириб, у ҳаракат қиласётган эзгу мақсадлари имкони борича инсонларга яхшилик қилишининг омили эканлигини ва нафси нурни, муҳаббат ва эзгуликни таратадиган қуёш бўлишини, қалби меҳрга, яхшилик ва инсонийликка ҳамда у билан алоқадор барчага ёрдам бериш учун хайриҳоҳликка тўла бўлишини ўргатгани каби муваффақиятни бошқа бирор нарсада топмайди.

Табассум қилувчи нафс қийинчиликни кўрганида, унга ғолиб бўлишдан лаззат топади, унга қараб ҳам, у билан қурашаётганида ҳам, унга ғолиб бўлганида ҳам табассум қилади. Тунд қиёфа нафс эса қийинчиликни кўрганида, ортига қараб қочади, ҳимматини паст санийди ва «агар, кошки» каби сўзларни қўллай бошлайди. Уни бу аҳволга солган замон эмас, балки унинг хулқатвори, тарбиясидир. У ҳаётда нажот топишни истайди, у ҳар йўлда пойлаб турувчи шерларни кутади, осмон олтин ёғдиришини, ердан хазиналар ёрилиб чиқишини кутади.

Ҳаётдаги қийинчиликлар мутаносиб ишлардир. Кичик бўлган нафс олдида ҳар нарса жудаям қийин, буюк нафс олдида эса бирор нарса қийинчилик туғдирмайди. Буюк нафс қийинчилик қанча қўп бўлмасин буюклиги ошиб бораверади. Заиф нафс эса ундан қочишига уринади. Қийинчилик худди қопағон ит кабидир, агар у сени ундан қўрқаётганингни, орtingга қайтмоқчи эканли-

гингни сезиб қолса, хуриб, ортингдан чопади. Аммо сени унга истеҳзо билан қараб, унга эътибор ҳам бермаётганингни билса, йўлни сенга бўшатиб беради ва сендан кўрқиб, ўралиб олади.

Нафсни паст, шаъни кичик, қиймати оз, деб билиш, у нафсни ҳалок қилади. Ундей ҳалок бўлган нафсдан катта ишлар содир бўлмайди, ундан яхшиликлар куттилмайди. Мана шундай нафсини арзимас санаган инсон ўзига бўлган ишончни, иймонининг қувватини йўқотади, бирор ишга киришмоқчи бўлса, ўз қобилиятига, ишни охирига етказишига шубҳа билан қарайди ва охир-оқибат сусткашлиқ қилиб мақсад қилган иши амалга ошмайди.

Нафсга ишонмоқ катта фазилатдирки, ундей нафс ҳаётнинг нажот устунидир.

Нафс билан разил саналган ғурурнинг орасида катта фарқ бордир. Ғурур нафснинг хаёлга, қалбаки бўлган шуҳратга интилишидир.

Ўзига юқлатилган мастьулиятни кўтаришлиқда қобилиятига суюниб, ўз иқтидор ва истеъдодларини намоён этмоқлиги ўша инсоннинг ўз нафсига бўлган ишончининг белгисидир.

Бизлар табассум, хушчақчақлик, қалби кенглик, саховат, рух мулойимлиги, гапга кўнадиган, ройиш, муқобил бўлишга нақадар муҳтожмиз.

Хулоса

Маҳзун бўлма! Чунки сен кеча ғам чекишини тажриба қилиб кўрдинг, бирор фойда бергани йўқ. Ўғлинг сувга ғарқ бўлди, қайғурдинг, ўғлинг нажот топдими? Отанг ўлди, қайғурдинг, тирилдими? Тижоратингда

зиён кўрганингда қайғурдинг, ўша зиёnlаринг фойдага айландими?

Маҳзун бўлма! Чунки сен бир мусибатга қайғурганингда мусибатлар қўпайди. Фақирликдан нолиб, муваффақиятсизликка учрадинг, душманларингни сен ҳақингда айтган гапларидан хафа бўлиб, уларга ёрдам бердинг, ёмон иш бўлишидан хавотирда эдинг, у иш содир бўлмади.

Маҳзун бўлма! Чунки сен бу билан кенг ҳовлига, гўзал аёлга, мол-давлатга, катта лавозимга, аслзода фарзандларга эришмайсан.

Маҳзун бўлма! Чунки у сенга зилол сувни аччиқ, атиргулни заққум, боғларни қақраган саҳрога ва ҳётни тоқат қилиб бўлмас зиндонга айлантиради.

Маҳзун бўлма! Чунки сени икки қўзинг, икки қулоғинг, икки лаб ва икки оёқ-қўлинг, тилинг, довюрагинг бор, тинчлик, омонлик бор, бутун баданинг соғ-саломатдир. «Бас, (эй инсонлар ва жинлар) Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?!» (Раҳмон сураси, 13-оят).

Маҳзун бўлма! Чунки сенинг ўз эътиқод қилган дининг, яшайдиган уйинг, ейдиган нонинг, ичадиган сувинг, киядиган кийиминг, турмуш ўртоғинг бор. Бас, ғам-аламдан не фойда?!

Аlam неъмати

Озор-алам ҳар доим ҳам таъна, зулм, истибодод остида қолмай, баъзан инсонга яхшиликни ҳам олиб келади.

Албатта, жўшқин дуо алам билан бирга келади, сидқидилдан айтилган тасбех алам ёнида келади, то-

либи илмга таҳсил вақтида етган озорлар, талаби илм мاشаққатларини күтариши унинг билимдон олим бўлишида ўз самарасини беради. Чунки у илм бошида куйиб, унинг ниҳоясида ёришади.

Шоир ўзининг айтмоқчи бўлган гаплариниifo-да қилиш вақтидаги қийналиши мақтовга лойик таъсирли бўлган адабиётни натижа қилиб беради, чунки унинг қалби, асаблари олов бўлиб ёнди ва шунинг на-тижасида туйғуларни титратди, дилларни жунбушга келтирди.

Агар толиби илм роҳат-фароғатда яшаб, танглик азобини, алам доғини тотмас экан у дангаса, сўлғин ва мадорсиз бўлади.

Агар шоир аччик алам тотмас экан, ғусса чекмас экан, унинг қасидалари сифатсиз гаплар, кўпик сўзлар юумига айланади. Чунки унинг шеърлари дилидан эмас тилидан чиқади, сўзларни талаффуз қиласр экан, қалби у билан бирга яшамайди.

Рисолат тонгида, Ислом бағрида, пайғамбарлик бошида яшаган мўминларнинг иймонлари буюк, қалблари пок, лаҗжаси соф, илми дарё эди. Улар очлик, фәқирлик, ҳайдалиш, озор, қувғин ва сургун аламлари-да, дўстлардан, кўнгил яқинлардан ажралиш озорлари-да, жароҳат, зулм азобларида яшадилар, улар ҳақиқий соф, танланган, поклик белгиси, улуғлик нишонаси, фидокорлик рамзи бўлган инсонлардир. «Зеро Оллоҳ йўлида уларга бирон ташниалиқ, мешаққат, очлик етса ва коғирларни ғазаблантирадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта, улар учун бу ишлари сабабли яхши амал ёзилур. Зотан, Оллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг амалларини зое қилмас». (Тавба сураси, 120-оят)

Бас, аламдан жазавага тушмагин, мاشаққатдан кўркма, чунки баъзан улар сенга қувват ва матонат бўлади. Чунки сен қалбинг порлаб, ғам-андуҳдан йироқ бўлиб яшамоғинг – туйғуларинг кучсиз-маънносиз, ғайратинг сўнган ҳолда яшашдан яхшироқдир. «...Лекин Оллоҳ чиқишлигини истамай, уларни дангаса қилиб қўйди ва уларга (ўзларидан бўлган кимсалар тарафидан): «Қолганлар (яъни аёллар, ёш болалар, ожиз-нотавон кишилар) билан бирга ўтираверинглар», дейилди». (Тавба сураси, 46-оят)

Ёниб сўзлаётган воизнинг сўзлари қалб тубига етиб боради, рух қаърига шўнғийди, чунки у алам билан яшади. «...Бас, У Зот уларнинг дилларидағи нарса (садоқат ва вафо)ни билиб, уларга сакинат-ором туширди ва уларни (Хайбар жангиде эришиладиган) яқин ғалаба ва ўзлари(гина) оладиган кўпдан-кўп ўлжалар билан мукофотлади». (Фатҳ сураси, 18–19-оятлар)

Мен кўп шоирларнинг девонларини ўқидим, аммо уларда на бир ҳаёт ва на бир рухни кўрдим, чунки улар ўз сўзларини мешаққат чекмай айтдилар, сўзларни қийналмай тартибга солдилар ва бу сўзлар худди қор парчаси, тупроқ уюмига ўхшаб қолди.

Кўп асарларни эшитгувчининг бир тукини ҳам титрата олмаслигини, қалбини ларзага келтиролмаслигини кўрдим, бунга сабаб улар ўз сўзларини шиддат, изтироб, алам ва қийинчиликсиз айтганликларидир: «...Улар оғизларида кўнгилларида бўлмаган нарсани гапирмоқдалар...» (Оли Имрон сураси, 167-оят)

Агар сўзларинг бошқаларга таъсирли бўлишини истасанг, аввал унинг чўғида ўзинг ёниб қўр, таъсир-

ланиб кўр. «...Энди қачонки Биз унинг устидан сув-ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли-туман гўзал (наботот) жуфтларини ундирур». (Ҳаж сураси, 5-оят)

Маърифат неъмати

«Ва билмаган нарсаларингизни билдири. Оллоҳ-нинг сизга қилган фазлу марҳамати улуғ бўлди». (Нисо сураси, 113-оят)

Жаҳолат – қалбни ўлдирав, ҳаётни қурбон қилар, умрни ўчирав. **«Албатта, Мен сенга жоҳил-нодонлардан бўлмасликни буюраман».** (Худ сураси, 46-оят)

Илм – кўзнинг нури, руҳнинг ҳаёти. **«Ахир аввал ўлик (кофир) бўлган, сўнгра Биз уни (Ҳақ йўлга ҳидоят қилиш билан) тирилтириб, унга одамлар орасига ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни (иймонни) бериб қўйганимиз бир киши – зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?!».** (Анъом сураси, 122-оят)

Илм ортидан шодлик, хурсандчилик келади, чунки илм зулматни ёритади, орзуга етказади, беркилган пардани очади.

Нафс янгиликка интилади. Жаҳолат эса зерикиш ва қайғудан иборатdir, у ажибликдан йироқ, ёқимли бўлмаган ҳаётdir – кеча бугундек, бугун – эртадек.

Саодатни истасанг, илм изла, маърифат изла, фойда ҳосил қил, ғам-андух, қайғулардан нажот топасан. **«...ва айтинг: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин».** (Тоҳа сураси, 114-оят). **«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Сиз ўзингизга нозил бўладиган Куръонни барча мавжудотни) яратган Зот бўлмиш Парвар-**

дигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг!». (Алақ сураси, 1-оят). «Оллоҳ таоло қайси бандасига яхшиликни истаса, уни динда фақиҳ – англовчи қилиб қўяди».

Маърифатдан йироқ кимса мол-дунёси, обрў-эътибори билан фахрланмасин, бундай одамнинг ҳаёти тўкис эмас, ўтаётган умри комил эмасдир. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), ахир Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса аниқ ҳақиқат эканини биладиган – иймон келтирадиган киши (кўнгил кўзи) кўр кимсага ўхшайдими?». (Раъд сураси, 19-оят)

Маърифат шарафдир, маърифат-ла нафс шодон, қалб тоза, ақл заковатлидир. «Ахир Парвардигори томонидан аниқ-равшан Ҳужжатга (яъни, Қуръонга) эга бўлган киши (яъни Расулуллоҳ алайҳиссалом ва мўминлар), қилган ёмон амали ўзига чиройли кўрсатиб қўйилган ва ҳавоий нафсига эргашган (коғир) кимсалар каби бўлурми?!». (Муҳаммад сураси, 14-оят)

Сурур фани

Қалб суури, унинг тинч-осойишталиги улуғ неъматdir. Чунки бунда зеҳн барқарорлиги, юксак самарадорлик ва руҳ шодлиги бордир.

Дерларким, сурур – ўрганиладиган фан, уни қўлга киритган, ундан фойдаланган одам ҳаёт гўзаллиги, яшаш сууридан ва туганмас неъматдан баҳра олган бўлади. Бунинг учун ўша инсондан сабр-тоқат, ҳеч қандай довул-бўронга эътибор бермаслик, воқеа-ҳодисотлардан ҳаяжонга тушмаслик, арзимас ишларга безовта бўлмаслик талаб қилинади.

Қалб қанча кучли ва соф бўлса, нафс ҳам шунча ёришиб боради.

Руҳий тушкунлик, қарши курашишдан ожизлик ва безовта нафс ғам-қайғу, ташвишларнинг қўним жойидир, нафсини сабр-тоқатга ўргатган инсондан безовталик кетади, танглик енгиллашади.

Савиянинг пастлиги, билимнинг саёзлилиги, нафсга бўлган ғамхўрлик, бутун олам ва ундағи бор нарсаларни унутиш хурсандчиликнинг рақиблари дидир. Оллоҳ таоло душманларини мана бундай: «...жонларининг ғамига тушиб қолдилар...», деб сифатлайди». (Оли Имрон сураси, 154-оят)

Ана у ақли қосирлар коинотни ўзини қўрадилар, бошқа нарсалар ҳақида фикр юритмайдилар, бошқаларга эътибор бермайдилар.

Мен, сен, барчамиз жароҳатларни унутиш, ғамандуҳлардан йироқ бўлиш учун нафсимизга бўлган эътиборни камайтиришимиз мақсадга мувофиқ ишдир, шунда икки нарсага - ўзимиз ва ўзгаларни баҳтиёр бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳар ёнга алангламаслик учун ўз мафкурангни эҳтиётлаб, уни жиловлашинг сурур фанининг қоидалари дандир. Агар сен ўз мафкурангни ўз ҳолига ташлаб қўйсанг, ҳаддан ошади, сенга қайғу бўғчасини тутқизади ва сенга туғилганингдан бошлаб юпанч китобини ўқийди.

Мафкура қўлдан чиқса - мажруҳ мозийни қайтаради, хавотирли келажакни олиб келиб, таянчларингни ларзага солиб, вужудингни титратади, туйғуларингни куйдиради. Бас, ўз мафкурангни фойдали амалларни тўпловчи таважжуҳ жилови билан жиловла. «Ва

ўлмайдиган Тирик Зотга таваккул қилинг...». (Фурқон сураси, 58-оят)

Ҳаётга ўз баҳосини бериб, уни ўз ўрнига қўймоқлик ҳам сурур фанининг қоидаларидандир. Ҳаёт дилхушликдир, у фақат ундан юз ўгиришликка лойиқдир, чунки у ҳижрон онаси, фожиалар доясидир, у бахтсизликни олиб келур. Бас, шундай экан, бундай сифат эгасига эътибор бериш, унинг мусибатларига ғам чекишдан не наф?

Унинг соғлиги кирлиқдир, у ёмғирсиз чақмоқдир, унинг ваъдалари саҳродағи сароб кабидир, унинг мавлуди мағкуддир, саййиди ҳасадлидир, унинг мулоимлигидан қўрқилур, унинг ошиғи хиёнат қиличи билан ўлдирилур.

Бу ҳаёти дунё ҳасрату нола, ғам-ташвишга арзимас.

Ҳақиқат шуки, сен ўз ҳаётингдан қайғу-ҳасратни олиб ташлолмайсан, чунки ҳаёт шундай яратилган: «**Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик**». (Балад сураси, 4-оят). «**Дарҳақиқат, Биз инсонни** (вояга етганидан сўнг Шариат таклифлари билан) **имтиҳон қилгувчи бўлган ҳолимиизда** (дастлаб яралишида оталик ва оналик сувларидан) **аралаш бўлган нутфадан яратдик**». (Инсон сураси, 2-оят). «**(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигинизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир**». (Мулк сураси, 2-оят). Бу айтганларимиздан мақсад – ғам-андухдан имкон қадар йироқ бўлишдир, ундан бутунлай узилиш эса фақат жаннати наъийм эгаларигагина хосдир, улар айтадилар: «**Бизлардан ғам-қайғуни кетказган Зот – Оллоҳга ҳамду сано бўлсин**». (Фотир сураси, 34-оят). Демак, ғилли-ғаш каби ғам-ҳасратдан

ҳам фақат жаннат эгаларигина халос бўлишлари мумкин экан: «...**кўнгилларидан** (бир-бирларига нисбатан бўлган) **ғиллу ғашликларни тортиб олурмиз...**». (Аъроф сураси, 43-оят)

Дунёning аҳволини, унинг сифатларини таниган одам у дунёning тўсиқлари, жафокашлиги, хиёнат-корлигини кечиради ва булар унинг табиати, хулқатворига хос эканлигини англайди.

Бас, шундай экан, фаросатли инсон дунёning ғамташвишларига таслим бўлиб, унга ёрдам бермаслиги ва имкон қадар мана бундай нохушликларнинг олдини олмоғи керак. «(Эй мўминлар), улар(га қарши жанг қилиш) учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан сизлар Оллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган - Оллоҳ биладиган бошқа бирорларни ҳам қўрқувга солурсизлар». (Анфол сураси, 60-оят). «Ҳамда Оллоҳ Йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли сусткашлик - заифлик қилмаганлар ва (кофириларга) бўйин эгмаганлар. Оллоҳ мана шундай сабр қилгувчиларни севади». (Оли Имрон сураси, 146-оят)

Хуноса

Қайғурма! Агар сен фақир бўлсанг, бошқалар қарздордир, агар сен бирор уловга эга бўлмасанг, бошқалар оёқлари чўлоқ ҳолдадирлар, агар сен бир фарзандингни йўқотган бўлсанг, бошқалар бир вақтнинг ўзида бир неча фарзандларини йўқотганлар.

Қайғурма! Чунки сен мусулмонсан, Оллоҳга, Расулига, фаришталарига, Қиёмат кунига, қазойи-қадарнинг яхшию ёмонига иймон келтиргансан. Улар эса Парвар-

дигорга кофир бўлдилар, элчиларни ёлғончи қилдилар, Китобларга тескари чиқдилар, Қиёмат кунини инкор этдилар, қазойи-қадарга ишонмадилар.

Қайғурма! Гуноҳ қилсанг – тавба қил, гуноҳинг учун истиғфор айт, хато қилсанг – тӯғрила. Раҳмат – кенг, эшик – очик, мағфират – сероб, тавба мақбулдир.

Қайғурма! Акс ҳолда асабларинг осойишталигини бузиб, вужудингни, қалбингни қийнайсан, ўрнингни безовта, туниングни бедор қиласан.

Ҳиссиётларни жиловлаш

Икки сабаб – ўта шодлик ва чексиз алам пайтида ҳиссиётлар авж олиб, туйғулар бўрон отади. Ҳадисда: «*Мен икки аҳмоқона, нотўғри овоз қилишдан қайтарилдим, бири – неъмат келганда, иккинчиси – мусибат пайтида*», дейилган. «Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсизлар ва (Оллоҳ) сизларга ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмагайсизлар». (Ҳадид сураси, 23-оят)

Улкан мусибатлар ва шод-хуррамлик онларида ўз туйғуларига эрк бермаган инсон сабр-сабот марташибасига, барқарорлик манзилатига ҳақлидир, уларроҳат саодатига етадилар, нафсга ғолиблик лаззатини тотадилар. Оллоҳ жалла ва аъло инсонни **мағрур ва мақтанчоқ**, деб сифатлади, қачон унга ёмонлик (камбағаллик-кулфат) етиб қолса, у ўта бесабрлик қилгувчидир. Қачон унга яхшилик (бойлик, саломатлик) етса, у ўта ман қилгувчи-бахилдир. **Фақат намоз ўқигувчи зотлар** улар кулфат ва шодликда ўртамиёнадирлар, фаровонликда шукр қилурлар, бало вақтида сабр қилурлар.

Түйгулари ҳаяжонга берилган инсон мاشаққатга йүлиқур, ҳолдан тояр, алам ютиб, бедор ўтар, ғазабланса түйғулари зўраяр, ғазабдан кўпирав, қўрқиб, қўрқитар, яширин нарсалар юзага чиқар, олов аланга олар, ҳаддидан ошар. Шод пайтида ҳаяжонланар, енгилтак бўлиб, шодлик гирдобида ўзини унутар, қадрини туширав. Ўзи ёмон кўрган одамни бошқаларга ҳам ёмонлайди, унинг яхшиликларини унутади, фазилатларини ўчиради. Бирорни яхши кўрса, унга хурмат нишонини тортиқ қиласди, уни камолот чўққисига олиб чиқади.

Салафи солиҳлар шундай деганлар: «Яхши кўрган инсонингни ўта қаттиқ суймагин, эҳтимол бир кун ёмон кўриб қоларсан. Ёмон кўрганингдан ҳам қаттиқ ғазабнок бўлма, эҳтимол бир кун ҳабибингга айланар».

Ҳиссиётларига, ақлига эга бўлган, ҳар нарсаларни тарозуга солиб, ҳар нарса учун ўлчов қилган инсон ҳақни кўради, тўғри йўлни билади, ҳақиқат устида бўлади: **«Дарҳақиқат, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб, (шунингдек) одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон – тарози туширдик».** (Ҳадид сураси, 25-оят)

Ислом – Тўғри Йўл, адолатли шариат ва муқаддас дин каби фазилат, ахлоқ ва одоб мезони билан ҳам келгандир: **«Шунингдек, (яъни Тўғри Йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик».** (Бақара сураси, 143-оят). Ислом адолат аҳкомлардаги каби ўрнак-намунада ҳам матлабдир. Чунки дин оятларни тўғри айтиш, хукмларда, сўзларда,

иш-ҳаракат, ахлоқларда адолат устига қурилгандир: «Парвардигорингизнинг Сўзлари сидку адолатда комил бўлди». (Анъом сураси, 115-оят)

Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан баҳтли саҳобалар

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларга Раббоний даъват билан келди. У зотнинг катта мол-дунёси, хазинаю дафинаси, боғу бўйтонлари ёки ҳашаматли қасрлари йўқ эди. Саҳобалар Ерда (яъни Маккада) озчилик ва заиф бечора бўлган ҳолларида, одамлар (яъни, Макка мушриклари) уларни талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтларида қашшоқликда ҳаёт кечираётганларига, оғир мاشаққатда эканликларига қарамай, у Зотга байъат қилиш учун кела бошладилар. Шу билан бирга уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари ортиб борарди.

Маҳалла ичидა қамал қилиндилар, ризқлари танг бўлди, шаънлари топталди, қариндошларидан душманликлар кўрдилар, одамлар томонидан озор кўрдилар, лекин шунга қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари камаймади.

Айримларини қайноқ кумларда судрадилар, бошқалари саҳроларга ташланди, баъзиларини азоблашда, қийноқларга солишда кофирлар турли-туман усубларни ўйлаб топишди, лекин улар У Зотни бор вужудлари билан севавердилар.

Ватанлари, аҳли оиласлари, мол-давлатлари тортиб олинди, ёшлиқ йигитлик даврлари, умрнинг беғубор дамлари ўтган манзилларидан қувилдилар, лекин улар

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бор вужудлари билан севавердилар.

Улар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даъватлари сабабли турли балоларга дучор қилиндилар, қаттиқ зилзила – ларзаларга гирифтор қилиндилар, кўзлар тиниб, юраклар бўғизларга тиқилиб қолган вақтларида Оллоҳ ҳақида (турли ёмон) гумонларга ҳам бордилар. Лекин улар ҳамон Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бор вужудлари билан севавердилар.

Уларнинг беғубор ёшлик чоғлари ялтираган қиличларга кўндаланг қилинди. Бошлари узра яланғочланган қиличлар худди дарахтнинг қуюқ шохларини эслатарди.

Улар жангга кетар эканлар, ўлимга худди сайрсаёҳатга, байрамга кетаётгандек кетар эдилар.

Бирлари бирор вазифа билан юборилар эканлар, ўз уйига қайтиб келмасликларини билган ҳолларида ўз вазифаларини адо этар эдилар. Бирлари муҳим топшириқ билан кетар эканлар, бу умрининг сўнгги онлари эканлигини билар ва розилик билан кетар эдилар. Чунки улар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бор вужудлари билан севар эдилар.

Лекин, нега улар У Зотни бунчалик севар, у Зотнинг рисолати билан бахтиёр, у Зотнинг йўллари билан хотиржам, у Зотнинг келишидан хурсанд эдилар, нега у Зотга эргашиб бахтига мұяссар бўлганлари учун ҳар қандай ғам-алам, машаққатни унутдилар?

Чунки улар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда барча эзгулик, шодлик маъноларини, барча ҳақиқат аломатларини кўрдилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг қалб ташналигини ўз меҳри



билин қондирди. Дилларининг оловини ўз ҳадислари билан совутди, руҳларини ўз рисолати билан кўтарди.

Уларнинг қалбларига ризолик сувини сочди, бас, улар у Зотнинг даъвати йўлида аламларни ҳисобга олмадилар. Уларнинг нафсларига ишончни солди ва бу уларга ҳар қандай жароҳат, ғам-ташвишни унуттириди.

Уларнинг қалбларига ўз ҳидояти билан сайқал берди, дилларини ўз йўли билан нурга тўлдирди, елкаларидан жоҳилиятнинг оғир юкини, аввал ўтган бутпарастлик гуноҳларини, ширк, залолат қолдиқларини олиб ташлади.

Руҳларидаги гина-адоват ўтини ўчириди, туйғуларига ишонч сувини қуиди, бас, уларнинг нафслари ором олди, қалблари хотиржам бўлди, асаблари тинчланди.

Улар У Зот билан бирга ҳаёт лаззатини, У Зот яқинлигига дўстликни, У Зот даргоҳида розиликни, У Зотга эргашишда тинчликни, У Зотнинг амрига бўйин сунишда нажотни, У Зотга эргашишда бойликни топишиди.

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз Сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Оллоҳнинг раҳмати-жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик». (Анбиё сураси, 107-оят). «Албатта, Сиз (ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида) Тўғри Йўлга етаклайсиз». (Шўро сураси, 52-оят). «...ва Ўз изну иродаси билан уларни зулматлардан нурга чиқарур». (Моида сураси, 16-оят). «У (Оллоҳ) омийлар (яъни аҳли Китоб бўлмаган илмсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Қуръон) оятларини тиловат қиласидиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) по-

клайдиган ҳамда уларга Китоб - Қуръон ва ҳикмат - ҳадисни ўргатадиган бир Пайғамбарни (яъни, Муҳаммад алайҳиссаломни) юборган Зотдир. Шакшубҳасиз, улар (ўзларига Пайғамбар келишидан) илгари очиқ залолатда эдилар». (Жумъа сураси, 2-оят). «...ҳамда улардан юкларини ва устларидағи кишаларини олиб ташлайди (яъни Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, машаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон ва енгилларини келтиради)». (Аъроф сураси, 157-оят). «**Эй мўминлар, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага** (яъни Ҳақ Динга) даъват қиласр экан, уни қабул қилинглар...». (Анфол сураси, 24-оят). «**Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган (пайт)ларингизда, У Зот сизларни ундан халос қиласди**». (Оли Имрон сураси, 103-оят)

Улар ўз Имомлари ва ўзлари яхши кўрган инсон билан ҳақиқий баҳтиёр эдилар ва баҳтли бўлишга ҳақли эдилар.

Оллоҳим, ақлларни йўлдан оғиш кишанидан озод этган, нафсларни адашиш баҳтсизлигидан қутқарган зотга салоту саломинг бўлсин! Саҳобалардан, улуғлардан уларнинг қилган меҳнатлари ва эзгу ишларининг мукофоти учун рози бўлгин!

Ҳаётингдан зерикишни олиб ташла

Умрини ёлғиз сўқмоқларда ўтказаётган инсон машиққатга лойиқдир, чунки нафс бетоқатдир. Инсоннинг табиати бир хилликдан зерикади, шунинг учун Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло замон билан макон, таом билан ичимлик ва барча маҳлукотларни турли хил яратган; кеча ва кундуз, текислик ва тоғ, оқ ва қора, иссиқ

ва совуқ, илиқ ва салқин, ширин ва аччиқ. Оллоҳ таоло буларни йўз китобида ҳам айтган: «**Унинг қорнидан алвон рангли ичимлик – асал чиқур. Унда одамлар учун шифо бордир**». (Наҳл сураси, 69-оят). «...ва шохлаб кетган-шохламаган хурмолар бўлиб...». (Раъд сураси, 4-оят). «...(барглари) бир-бирига ўхшаган ва (мевалари эса) ўхшамаган ...». (Анъом сураси, 141-оят). «...Яна тоғлар орасида ҳам оқ, қизил – ранго-ранг йўл(ли тоғлар) ҳам, тим қора (тоғлар) ҳам бордир...». (Фотир сураси, 27-оят). «...ва Оллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турамиз...». (Оли Имрон сураси, 140-оят)

Бану Исроил бир хил таомдан зериқдилар: «...**Биз бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз...**». (Бақара сураси, 61-оят). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қуръонни бир гал ўтириб, бир гал туриб ва яна бир гал юриб ўқиди ва «нафс – зерикувчидир», деди. «...**Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Оллоҳни эслайдилар....**». (Оли Имрон сураси, 191-оят)

Ибодатларда ҳам навланиш бордир; қалбий, қовлий, амалий, молиявий ибодатлар; намоз, закот, рўза, ҳаж, жиҳод. Намоз қиём, рукуъ, сажда, қаъдадан иборатdir.

Безовталикни тарқ қил

Қайғурма! Парвардигор айтар: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **Биз Сизнинг қалбингизни** (иймон ва Қуръон нури билан) **кенг, мунаvvар қилиб қўймадикми?**». (Шарҳ сураси, 1-оят). Бу оят ҳақни кўтарган, нурни кўрган, ҳидоятни йўл тутганларнинг

барчасига омдир. «Ахир Оллоҳ кўқсини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир Нур – Ҳидоят устида бўлган киши (куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми)?! Бас, диллари Оллоҳни эслашдан қотиб қолган (яъни, Оллоҳни эслашни тарк қилган) кимсаларга ҳалокат бўлғай!...». (Зумар сураси, 22-оят). Демак, ҳақ – қалбларни ёритар, ноҳақлик эса уни тошбағир қиласди. Бу дин – ғоядир, унга фақат тўғри йўлни танлаган инсон ета олади. «Ғамгин бўлма, албатта, Оллоҳ биз билан биргадир». (Тавба сураси, 40-оят). Бу сўзни Оллоҳнинг риоятига, лутфу-иноятига ишонган ҳар бир инсон айтади. «У кимсалар: «Албатта, Оллоҳ бизга бирон пайғамбар то бир қурбонлик атаб, уни (осмондан тушган) олов еб (яъни, ёндириб) кетмагунча унга иймон келтирмаслигимизни буюрган», дедилар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом) айтинг: «Муҳаққақки, мендан илгари сизларга кўп пайғамбарлар очиқ ҳужжатларни ва сизлар айтган нарсани (яъни, қурбонликларни) келтирсанлар. Энди, агар шу айтган гапларингиз рост бўлса, нима учун уларни ўлдирган эдинглар?!». (Оли Имрон сураси, 183-оят). Унинг кифояти сенга етар, унинг бошқаришлиги сени ҳимоя қилас. «Эй Пайғамбар, Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Оллоҳнинг ўзи кифоядир». (Анфол сураси, 64-оят)

Шу йўлни ушлаган ҳар кимса зафар топади. «Ва ўлмайдиган Тирик Зотга таваккул қилинг...». (Фурқон сураси, 58-оят)

У Зотдан ўзгаси ҳаёт бўлмаган ўлиқдир, боқий бўлмаган кетгувчи, азиз бўлмаган хордир. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, бу даъват йўлида Сизга ет-



ган озор-азиятларга) сабр-тоқат қилинг! Ёлғиз Оллоҳ (ёрдами) билангина сабр қила олурсиз. Уларнинг (яъни, мушрикларнинг динга кирмаганиклари) устида маҳзун бўлманг! Уларнинг макру ҳийлаларидан сиқилманг ҳам! Зотан, Оллоҳ тақводор бўлган ва чиройли амаллар қилгувчи зотлар билан биргадир». (Наҳл сураси, 127–128-оятлар). «(Эй мўминлар), куфрга қарши курашда (сустлашмангиз) ва (Ухуд жангидаги мағлубият сабабли) ғамгин бўлмангиз! Агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангиз – сизлар устун бўлгувчидирсизлар». (Оли Имрон сураси, 139-оят). «Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Агар сизлар билан урушсалар, кетларига қараб қочадилар. Сўнгра уларга (ҳеч ким томонидан) ёрдам берилмайди». (Оли Имрон сураси, 111-оят). «Оллоҳ (Лавҳул-Маҳфузга): «Шак-шубҳасиз, Мен ўз пайғамбарларим билан бирга ғолиб бўлурман», деб ёзиб қўйгандир. Албатта, Оллоҳ – Кучли, Кудратлидир». (Мужодала сураси, 21-оят). «Албатта, Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (Қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз». (Фоғир сураси, 51-оят)

Бу аҳдга хилоф қилинmas, бу ваъда асло кечикмас.

«Мен ўз ишимни Оллоҳга топшиурман. Зеро, Оллоҳ бандаларини Кўриб тургувчидир. Бас, Оллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрҳийлаларидан сақлади...». (Фоғир сураси, 44–45-оятлар). «Мўминлар Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзигагина таваккул қилсинлар – суюнсинлар!». (Оли Имрон сураси, 160-оят)

Қайғурма! Ҳаётинг бу кундир, бас, нега бир кунлик ҳаётингда ғам чекиб, ғазаб отига минасан?

Машойихлар дерлар: «Тонгга кирсанг, тунни кутма, тунга етсанг – тонгни кутма».

Яъни, бугунинг ҳудудида яша, мозийни унут, келажакка шошилма. Шоир айтганидек:

Ўтган ўтди, келажак ғойибdir, билгин.

Шу соатлар фойдадир, қулоққа илгин.

Ўтмиш билан ўралашиб, уни эслаб, ҳозир ва ўтган мусибатларни чайнаш – аҳмоқликнинг бир навидир.

Хитой мақолида айтилади: Кўприкдан унга етмай туриб ўтмагин!

Яъни ҳодисаларнинг ғам-ташвишларини бошдан ўтказмай туриб, унга шошилмагин.

Салафлардан бири айтади: «Эй одам боласи, Сенинг ихтиёрингда уч кун бордир; кечаги кун ўтди, эрта ҳали келгани йўқ, бугун эса Оллоҳдан қўрққин.

Ўтмиш ва келажак ташвишларини елкасига кўтарған одам қандай ҳаёт кечиради, ўтган ишларни ўйлашдан роҳат йўқдир, аксинча, ўтмиш воқеасини хотирлаш инсонга азоб беради, бундай аламдан фойда йўқдир.

Тонгга кирсанг, тунни кутма, тунга етсанг – тонгни кутма. Яъни хаёлотни қисқартир, ажалини кут, яхши амал қил. Бугунги ташвишни эртанги кун учун қолдирма, хулқингни чиройли тутиб, соғлик учун эътибор қаратиб, ўзгалар билан муомалангни ислоҳ қилган ҳолда барча ҳаракатингни бугунинг учун қил.

Хуноса

Қайғурма! Қазо қайғудан фориғдир, Қадар воқиъдир, қаламлар қуриган, саҳифалар ёпилган, барча иш

мангу барқарордир. Қайғу воқедаги нарсани олдинга ҳам ортга ҳам силжита олмас, унга на қўшимча қилар ва на камайтирас.

Қайғурма! Бу билан сен замон тўхташини, қуёш тутилиб, соат миллари ортга қайтишини, ортга юришиликни, ҳатто анҳор тескари оқишини истамоқдасан.

Қайғурма! Қайғу ҳавони бузувчи, сувни ағдариб, осмонни ўзгартирган, ям-яшил бўстон ичидаги зилол чашмаларни лойқа қилган бўрон шамоли кабидир гўё.

Қайғурма! Маҳзунлик тентак анҳор кабидир, бир денгиздан тушиб, иккинчи денгизга қуйилур. Қайғу худди ўзи тўқиган нарсасини пишиқ-пухта бўлганидан сўнг парча-парча қилиб бузиб-чуватиб ташлаган хотинга ўхшайди. У тешик халтани пулловчи кабидир, у бармоқлари билан сувга ёзган котиб кабидир.

Қайғурма! Зеро роҳат ва саодатинг сенинг ҳақиқий умрингдир, бас, бу кунингни қайғуга берма, тунларингни ғамга улашма, соатларингни ташвиш учун тақсимлаб берма, бу соатларни ҳаётингни зое қилиш учун исроф қилма, чунки Оллоҳ исрофгарларни хушламас.

Тавбанг қабулидан хушнуд бўл

Буюк Парвардигорингнинг Сўзи дилингни шод, ғам-андуҳлардан фориғ қилмайдими, сенга саодат баҳш этмайдими: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлманг! Албатта, Оллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, **Унинг Ўзигина Мағфиратли, Мехрибондир**». (Зумар сураси,

53-оят). У Зот, хусусан, хато ва маъсиятларда чекдан чиққан кимсаларнинг қалбларига умид бахш этиб, уларнинг руҳларини йўзига яқин олиб «Эй бандаларим!», деб хитоб қилди. Уларни Оллоҳнинг мағфиратидан ноумид бўлишдан қайтарди ҳамда уларга Оллоҳ тавба қилган ҳар бир бандасининг каттаю кичик барча гуноҳлари кечиришлигининг хушхабарини берди.

Ахир Оллоҳ таолонинг қўйидаги сўзидан хурсанд бўлмайсанми?: «(У тақвадор зотлар) қачон бирон-бир фаҳш-гуноҳ қилиб қўйсалар ёки (қандайдир нолойик иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Оллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират - кечирим сўрайдиган - ҳар қандай гуноҳни Ёлғиз Оллоҳгина мағфират қилур - билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир». (Оли Имрон сураси, 135-оят). «Ким бирон бир ёмон иш қилса ёки (Оллоҳнинг буйруқларига итоат этмасдан) ўз жонига жабр қилса, сўнгра Оллоҳдан мағфират сўраса, Оллоҳни Мағфират қилгувчи ва Мехрибон эканини топар - кўрар». (Нисо сураси, 110-оят). «Агар сизлар манъ этилган гуноҳларнинг (Оллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, бирорни ноҳақ ўлдириш каби) катталаридан сақлансангиз, қилган (кичик) гуноҳларингизни ўчиurmиз ва сизларни улуғ манзил - жаннатга киритurmиз». (Нисо сураси, 31-оят). «Агар улар (шайтондан хукм сўраб боришлари билан) жонларига жабр қилган пайтларида дарҳол сизнинг олдингизга келиб, Оллоҳдан мағфират сўраганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун мағфират сўраганида эди, Оллоҳнинг тавбаларни Қабул қилгувчи, Мехрибон эканлигини топган бўлур эдилар». (Нисо сураси, 64-оят). «Ва Мен

тавба қилган ҳамда иймон келтириб, яхши амаллар қилган, сўнгра Тўғри Йўлга юрган кишиларни Мағфират қилгувчидирман». (Тоҳа сураси, 82-оят)

Мусо бир жонни ўлдирганида, У Зот деди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин. Бас, (Оллоҳ) уни мағфират қилди». (Қасос сураси, 16-оят)

Довуд алайҳиссалом тавба қилганидан сўнг деди: «Бас, Биз унинг ўша (хатоси)ни мағфират қилдик. Шак-шубҳасиз, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат (яъни, жаннат) бордир». (Сод сураси, 25-оят)

Оллоҳ қанчалар Раҳмлидир ва Буюkdir, ҳатто У Зот Оллоҳучта дегувчиларга ҳам Ўз раҳмат ва мағфиратини дариф тутмади: «Оллоҳ – Учтанинг (яъни Оллоҳ, Марям, Ийсонинг) биридир, деган кимсалар ҳам аниқ коғир бўлдилар. Чунки Ягона Илоҳдан (Оллоҳдан) бошқа бирон илоҳ йўқдир. Агар улар айтиётган гапларидан тўхтамасалар, албатта, улардан коғир бўлган кимсаларни аламли азоб ушлайди. Ахир улар Оллоҳга тавба қилиб, У Зотдан мағфират қилишини сўрамайдиларми?! Оллоҳ Мағфиратли, Мехрибон-ку!». (Моида сураси, 73–74-оятлар)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «*Оллоҳ таборака ва таоло айтар:* «Эй одам боласи, модомики сен Менга дуо қилиб, Мендан умидвор бўлар экансан, ҳеч бир парвосиз барча гуноҳларингни кечираман. Эй одам боласи, агар гуноҳларинг осмон булутлари қадар етиб, сўнгра Мендан мағфират сўрасанг, ҳеч бир парвосиз мағфират қиласман. Эй одам боласи, агар бутун заминни хатоларга қўмиб ташлаб, сўнгра Менинг

хузуримда Менга ширк келтирмай рўбарў бўлсанг, ҳеч бир парвосиз ўша замин узра гуноҳларингни кечираман».

«Саҳиҳул-Бухорий»да ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «*Албатта, Оллоҳ таоло кундузда гуноҳ қилганлар тавба қилишлари учун тун пайтида, тунда гуноҳ қилганлар тавба қилишлари учун кундуз пайтида қўлини чўзар, то қуёш мағрибдан чиққунга қадар шу ҳол давом этади*».

Ҳадиси Қудсийда айтилади: «*Эй бандам, сизлар кечаю кундуз гуноҳ қиласизлар, Мен эса барча гуноҳларни кечиурман, бас, Мендан мағфират сўранглар – мағфират қилурман*».

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, агар сизлар гуноҳ қилмасангизлар, Оллоҳ таоло сизларни кеткизиб, бошқа гуноҳ қиладиган қавмни келтирур, улар гуноҳ қилиб, Оллоҳдан мағфират сўрашар, У Зот уларни мағфират қилар*».

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, агар сизлар гуноҳ қилмаганларингизда, сизларнинг устингизда гуноҳдан ҳам қаттиқроқ нарса – ўздан фахрланиш балосидан қўрқкан бўлар эдим*».

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Барчангиз хато қилурсизлар, хатокорларнинг яхиси эса тавба қилгувчилариdir*».

«*Устида таому ичимлиги ортилган туюсини саҳрода йўқотиб, ортидан истаб, топа олмай ноумид бўлиб ухлаб қолган, сўнгра уйқудан уйғониб туюси олдида турганини қўриб, қаттиқ хурсанд*

**бўлганидан Оллоҳум Сен бандамсан, мен Парвар-
дигорингман, деб хато айтиб юборган одамнинг
шодлиги қай даражада бўлса, Оллоҳ таоло ҳам йўз
бандаси тавба қилганда ундан ҳам кўпроқ хурсанд
бўлади».**

Яна бир саҳиҳ ҳадисда айтилади: «Гуноҳ қилган
банда айтади: «Оллоҳум, гуноҳимни кечир, зеро,
гуноҳларни Сендан ўзгаси кечмас». Сўнгра иккин-
чи бор гуноҳ қилиб дер: «Оллоҳум, гуноҳимни ке-
чир, зеро, гуноҳларни Сендан ўзгаси кечирмас». Сўнгра учинчи бор гуноҳ қилиб айтади: «Оллоҳум,
гуноҳимни кечир, зеро Ёлғиз Ўзинг гуноҳларни кечи-
рурсан». Шунда Оллоҳ азза ва жалла айтади: «Бан-
дам гуноҳлар билан жазолайдиган, шу билан бирга
гуноҳларни кечиргувчи Парвардигори борлигини
билди, бандам истаганини қилсан». Яъни, модомики
Менга тавба қилиб, истиғфор айтар, афсусланар экан –
Мен уни кечиурман.

Ҳар бир нарса Қазо ва Қадар биландир

Ҳар бир нарса Қазо ва Қадар биландир, бу ҳар
бир мусулмоннинг, ҳидоят Элчиси издошларининг
эътиқодидир. Коинотдаги ҳар бир нарса фақат Оллоҳ-
нинг илми, изни ва тақдирни билан бўлур.

**«На Ерга ва ўзларингизга бирон мусибат етмас,
магар (етса), Биз уни пайдо қилишимиздан илгари
Китобда (Лавхул-Маҳфузда битилган) бўлар. Албатта,
бу Оллоҳга осондир».** (Ҳадид сураси, 22-оят)

**«Албатта, Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов би-
лан яратдик».** (Қамар сураси, 49-оят)

**«Албатта, Биз сизларни хавфу хатар, очлик, молу
жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарса-**

лар билан имтиҳон қиласи. (Эй Мұхаммад алайхис-салом), бирор мусибат келганды: «Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта, биз У Зотга қайтгув-чиларми.

з», дейдиган сабрли кишиларга хушхабар беринг!». (Бақара сураси, 155-156-оятлар)

Ҳадисда айтилади: «*Мўминнинг иши ажойиб, барча нарса унга яхшиликдири – хурсанд бўлганда шукр қиласа ўзига яхши, қийинчиликда сабр қиласа, бу ҳам унга фойда, бундай имконият фақат мўминда бордир*».

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Сўрасанг, Оллоҳдан сўра, У Зотдан ёрдам тила ва билгинки, агар бутун уммат жамланиб сенга фойда бермоқчи бўлсалар, бунинг уддасидан чиқа олмаслар, фақат Оллоҳ сенга ёзган нарсагина бўлур. Агар бутун уммат сенга зарар етказмоқчи бўлсалар – етказа олмаслар, фақат Оллоҳнинг ёзгани бўлур. Қаламлар кўтарилди, саҳифалар қуриди*».

Яна бир саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Сенга етгани хато кетмас, хато кетгани сенга етмас*».

Ҳадисда айтилади: «*Эй Абу Хурайра, қалам сен ўйлиқадиган нарсаларни ёзиб, қуриб ҳам бўлди*».

Бошқа бир ҳадисда айтилади: «*Сенга фойдали бўлган нарсаларга интилгин, Оллоҳдан ёрдам сўра, ожиз қолма, агар шундай қилганимда бундай бўлар эди, дема. Балки, Оллоҳнинг тақдиди, У Зот ўзи хоҳлаган ишни қиласи, деб айтгин*».

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Оллоҳ бандасига қазо қилган нарса у банда учун яхшиликдири*».

Шайхул Ислом Ибн Таймийядан гуноҳнинг бандага фойдаси борми, деб сўралди, шунда у зот: «Фойдаси бор, яъни ўша гуноҳи учун надомат чекиб, тавба қилиш,

мағфират сўраш ва хокисор бўлиш инсон учун фойдадир», деб жавоб бердилар.

«(Зотан,) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сизлар учун ёмон бўлган нарсанни яхши кўришингиз мумкин. Оллоҳ билур, сизлар билмассиз». (Бақара сураси, 216-оят)

Кенглик кутгин

Термизий ривоят қилган ҳадисда айтилади: «*Кенгликни кутиш ибодатларнинг афзалидир*».

Ғамгинларнинг тонги отур, бас, тонгни кутгин, кенгликларни очгувчининг очиб юборишига кўз тутгин.

Араблар айтилади: «Арқон таранглашса – узилади». Бунинг маъноси, ишлар қийинлашса, унинг чорасини кутгин.

«Ким Оллоҳдан қўрқса (яъни юқорида мазкур бўлган талоқ қилиш қонун-қоидаларига Оллоҳдан қўрққани учун риоя этса), У Зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур». (Талоқ сураси, 2-оят) **«Ким Оллоҳдан қўрқса, (Оллоҳ) унинг ишини осон қилур».** (Талоқ сураси, 4-оят)

Саҳих ҳадисда айтилади: «*Мен банданинг хаёлидаман, бандам Мен ҳақимда истагандек гумон қилсин*». **«Ким Оллоҳдан қўрқса, (Оллоҳ) унинг ёмонлик-гуноҳларини ўчирур ва унинг ажр-мукофотини улуғ қилур».** (Талоқ сураси, 5-оят)

«Албатта, Мен бандамнинг гумонидадирман, бас, бандам Менга хоҳлаган гумонини қилсин».

«Ҳар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндиқ – пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз – ғалабамиз ке-

либ, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди». (Юсуф сураси, 110-оят)

«Бас, албатта, ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир. Албатта, ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир». (Шарҳ сураси, 5–6-оятлар). Баъзи муфассирлар айтадилар, баъзилар бу гапни ҳадис ҳам дейишади: «Бир қийинчилик икки енгилликни енга олмайди».

«...эҳтимол Оллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қиласар». (Талоқ сураси, 1-оят)

«...Огоҳ бўлингизким, Оллоҳнинг ёрдами яқиндир». (Бақара сураси, 214-оят)

Саҳих ҳадисда айтилади: «*Билгинки, ғалаба сабр билан, кенглик танглик билан биргадир.*

Хуносас

Маҳзун бўлма! Хазинангдаги мол-давлат, баланд қасрлар, гулзор бўстонлар агар сенда хафалик, ноумидлик бўлса, ғам-андуҳингни ошираси оширадики, камайтиrmайди.

Маҳзун бўлма! У ҳолда табобат гиёҳи, дорихона доғилари, табиб қўрсатмаси сени баҳтли қила олмайди. Чунки сен қайғуни қалбингга жойлаштиридинг, уни кўзингга тўшадинг, қалбингга ёйдинг, жисмингни у билан ёпдинг.

Маҳзун бўлма! Чунки сен дуо қилишга, ўзингни Парвардигорнинг остонасига ташлашга қодирсан, подшоҳлар Подшоҳининг эшиги олдида маскан тута оласан, сенинг ихтиёрингда кечанинг охирги қисми бор, сенинг олдингда пешонангни саждага қўйиш соатлари бордир.

Маҳзун бўлма! Чунки Оллоҳ таоло сен учун Ери ва ундаги бор нарсани яратди, сен учун гўзал боғларни ўстирди, у боғларда (ўсимлик, мевалардан) ҳар турли гўзал жуфтларни, тизилган (мевали) новдалари бўлган баланд хурмоларни ундириб-ўстиради, ялтироқ юлдузларни, анҳору булоқларни сен учун яратиб қўйди-ку, нега ғамгин бўласан?!

Маҳзун бўлма! Чунки сен зилол сувларни ичяпсан, ҳаводан эркин нафас оляпсан, оёқларинг саломат ҳолда юриб, кечалари тинч-ором оляпсан.

Истиғфорни кўп айт

«Мен дедимки: «Парвардигорингиз (Оллоҳ)дан мағфират сўранглар, албатта, У ўта Мағфиратли бўлган Зотдир. (Шунда) У Зот устларингизга осмондан ёмғир қўйдирур. Ва сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўйтонлар (ато) қилур ва сизларга оқар дарёлар (ато) қилур». (Нуҳ сураси, 10-11-12-оятлар)

Истиғфорни кўп айт, шунда кенглик, хотиржамлик, ҳалол ризқ, солиҳ фарзанд ва мўл-кўл баракотни топасан.

«(Оллоҳ сизларга амр қилурки), Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнгра Унинг йўзига тавба қилинглар, шунда (У) сизларни маълум муддатгача (ажалларингиз етгунича) чиройли мато - фойдаланиш билан фойдалантирур ва ҳар бир яхшилик соҳибига яхшилик (яъни ажр-мукофот) берур». (Худ сураси, 3-оят)

Ҳадисда айтилади: **«Ким истиғфорни кўп айтса, Оллоҳ таоло унинг учун ҳар қандай ғамдан қуту-**

лиш, ҳар қандай сиқилишидан чиқиш йўлини кўрсатур».

Саййидул истиғфорни тилингдан қўйма: «*Оллоҳим, Сен Парвардигоримсан, Сендан ўзга илоҳ йўқдир, Сен мени яратгансан, Мен Сенинг қулингман. Имконим борича аҳду ваъдамда тураман. Қилган ишларимнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ сўрайман, неъматларингга қуллук қиласман, гуноҳларимга тавба қиласман, мени кечир, чунки фақат Сенгина гуноҳларни кечиурсан».*

Оллоҳни доим зикр қил

«...Огоҳ бўлингизким, Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур». (Раъд сураси, 28-оят)

«...Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман....». (Бақара сураси, 52-оят)

«...Оллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Оллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар...». (Аҳзоб сураси, 35-оят)

«...Эй мўминлар, Оллоҳни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч У Зотни поклаб, тасбех айтинглар!». (Аҳзоб сураси, 41–42-оятлар)

«Эй мўминлар, на мол-дунёларингиз ва на бола-чақаларингиз сизларни Оллоҳнинг зикридан (яъни, Оллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиритириб қўй-масин!...». (Мунофиқун сураси, 9-оят)

«Ва бирон нарса ҳақида: «Мен, албатта, бу ишни эртага қилгувчиман», дея кўрманг, магар «иншооллоҳ – Оллоҳ хоҳласа», (денг! Бу сўзни айтишни) унутиб қолдирган вақтингизда (ёдингизга тушиши билан) Парвардигорингизни зикр қилинг (яъни, «иншооллоҳ», денг)...». (Каҳф сураси, 23–24-оятлар)

«...Ва (тонгда уйқудан) турган пайтингизда Парвардигорингизда ҳамду сано айтиш билан (У Зотни барча айб-нуқсондан) покланг! Шунингдек, кечадан (бўлган соатларда) ҳам у Зотга тасбеҳ айтинг!. (Ваттур сураси, 48–49-оятлар)

«Эй мўминлар, (сизлар билан жанг қилаётган коғир) жамоатга рўбарў бўлганингизда саботли бўлингиз ва доимо Оллоҳни ёд этинг, шояд нажот то-пурсизлар». (Анфол сураси, 45-оят)

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Парвардигорини зикр қилгувчи билан бунинг аксининг мисоли худди тирик билан ўлик кабидир*».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «*Ёлғиз ҳолда қолганлар ўзиб кетдилар*», деди. Саҳобалар: «Улар кимлар, ё Расулуллоҳ? – деб сўрашди. Шунда у зот: «*Улар Оллоҳни кўп зикр қилгувчи эркак ва аёллардир*», – деб жавоб берди.

Яна бир саҳиҳ ҳадисда айтилади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига қарата: «*Сизларга энг афзал, Подшоҳинглар олдида энг пок, сизлар учун олтин-кумуши инфоқ қилишдан ҳам яхшироқ, душманга йўлиқиб, газот қилишдан ҳам афзалроқ бўлган амални айтайми? – дедилар, саҳобалар: «Ҳа, ё Расулуллоҳ», – дейишди. У зот: «*Бу Оллоҳни зикр қилишдир*», – деб жавоб берди.*

Яна бир ҳадисда: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига келиб: «Эй Расулуллоҳ, Ислом буюрган амаллар менга кўплик қиляпти, ёшим ҳам катта, шунинг учун мен маҳкам ушлашим керак бўлган ишни айтинг», – деди. Шунда у зот: «*Тилинг доим Оллоҳнинг зикри билан нам бўлсин*», – деди.

Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлма

«Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Оллоҳнинг раҳматидан фақат коғир қавмгина ноумид бўлур». (Юсуф сураси, 87-оят)

«Ҳар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлғончи қилиндиқ – пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз – галабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аммо) жиноятчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас!» (Юсуф сураси, 110-оят)

«Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғам-ғуссадан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз». (Анбиё сураси, 88-оят)

«...ва сизлар Оллоҳ ҳақида (турли ёмон) гумонлар қила бошлаган эдинглар . Ана ўша жойда мўминлар (яна бир бор) имтиҳон қилиндилаr ва (бу даҳшатдан) қаттиқ ларзага тушдилар». (Аҳзоб сураси, 10-11-оятлар)

Сенга ёмонлик қилганни кечир

Одамларга адоват билан қарайдиган, улардан қасос – ўч олиш ўтида ўртанадиган кимса ўта қиймат тўлов тўлайди. У ғазаб ўтида ёнар экан, жисми-жони қовурилади, қалби ўртанади, асаблари қақшайди, роҳат-фароғатидан айрилади. Демак, у шак-шубҳасиз зиён кўргувчидир. Бунинг давосини эса бизга Оллоҳ таоло ушбу оятларида хабар берган:

«...ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир...». (Оли Имрон сураси, 134-оят).

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), афв – марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгириング!». (Аъроф сураси, 199-оят)

«...Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-садик дўст каби бўлиб қолур». (Фуссилат сураси, 34-оят)

Сенга кўп неъматлар берилди

Оллоҳнинг улуғ неъматлари, буюк яхшиликлари ҳақида ўйлаб, бу неъматларга шукр қил ҳамда сенга Оллоҳнинг жуда кўп яхшиликлари берилган эканлигини билгин.

«Агар сизлар Оллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмайсизлар...». (Наҳл сураси, 18-оят)

«...ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (яъни моддий, маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?!». (Луқмон сураси, 20-оят)

«Сизларга берилган барча ноз-неъматлар Ёлғиз Оллоҳдандир». (Наҳл сураси, 53-оят)

«Ахир Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?! Ва Биз уни икки баландликка (яъни яхшилик ёки ёмонлик довонларини ошиб ўтишга) йўллаб қўйдик-ку!». (Балад сураси, 8-9-10-оятлар)

Оллоҳнинг неъматлари пайдар-пай эканлигини кўргин: ҳаёт, соғлик, кўз, қулоқ, кўл ва оёқ неъматлари,

сув, ҳаво, озиқ-овқат неъматлари, булардан ҳам энг бу-юги Раббоний Ҳидоят бўлмиш Ислом неъматидир.

Дедилар: «Миллиард доллар учун икки кўзинг, қулоғинг, оёқ-қўлинг, юрагингдан кеча оласанми? Сенинг шукрини адо қила олмаётган қанчалар кўп давлатинг бор!».

Дунё ғам чекишга арзимас

Арзимас ишларга эътиборсиз бўлиш саодатнинг давомли бўлишига асосдир. Зеро, олийҳиммат инсон Охират учун ғам чекар.

Салафлардан бири биродарига насиҳат қилди: «Фаминг фақат Оллоҳ азза ва жаллага йўлиқиши, Охират ва Оллоҳнинг ҳузурида туриш бўлсин: **«Ўша Кунда сизлар (ҳисоб-китоб учун Оллоҳга) кўндаланг қилинурсизлар – сизларнинг ғамига тушив қолмас»**. (Ал-Ҳааққа сураси, 18-оят)

Дунё ғамлари Охират ғамидан пастдир, чунки ҳаётнинг ғами, мансаб, лавозим, олтин-кумуш, фарзанд, мол-давлат, обрў-эътибор, қасрлардан иборатдир.

Оллоҳ азза ва жалла мунофиқ душманларини сифатлаб айтади: **«Бошқа бир тоифа (яъни мунофиқлар) эса Оллоҳ ҳақида нотўғри, динсизларча бадгумон қилиб, ўз жонларининг ғамига тушив қолдилар»**.

(Оли Имрон сураси, 154-оят)

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарахт тагида одамларнинг байъатларини қабул қилар эканлар, мунофиқлардан бири ўзининг қизил туясини қидириб, шерикларининг орасидан чиқиб кетди ва шерикларига: **«Туюмни топишим сизларнинг байъатингиздан яхшироқдир»**, деди. Бу ҳақда ҳадисда айтилади:

«Қизил туя эгасидан бошқа барчангиз мағфират қилинурсизлар».

Мунофиқларни ўз нафси қизиқтириди. Улар дўстла-рига: «Бу иссиқда урушга чиқманглар», дедилар». Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтди: «Агар улар англай ол-салар, жаҳаннам оташи янада иссиқроқдир». (Тавба сураси, 81-оят)

Қайғурма, ғамни тарқ қил

Мўмин учун роҳатпарастлик – ғофиллик, бўш ўти-риш – кушанда, бекорчилик – танбаллик. Бекорчи ва ишёқмаслар энг қўп ғам-ташвиш чекурлар. Ҳар хил ви-сир-висирлар, турли-туман миш-мишлар тарқатиш эса жиддий, фойдали амаллардан қуруқ қолган кимсалар-нинг насибалиридир.

Бас, шундай экан ҳаракатда бардавом бўл, излан, вақтингдан фойдалан, бир дақиқа вақтингни ҳам бекор ўткизма, чунки бекор ўтган кун сенга ғам-қайғу, ҳаяжон ва васвасаларни олиб келади ва сен шайтон ўйинлари учун майдонга айланасан.

Парвардигорингдан савоб умид қил

Амални холис Оллоҳ учун қилгин, бирордан раҳмат кутма, бирорга эҳсон қилиб, эвазига ундан пасткашлик кўрсанг – ғам чекма, қилган яхшилигингни қўп санама, ажр-мукофотни Ёлғиз Оллоҳдан кутгин.

«...ҳамда Парвардигорларидан фазлу марҳамат ва ризолик тилаб Байтул-Ҳаромни (Каъбани) мақсад қилиб кетаётган кишиларга (қарши жанг қилишни ҳалол қилиб олмангиз!)...». (Моида сураси, 2-оят)

«Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман...». (Шуаро сураси, 109-оят)

«Айтинг: «Мен сизлардан сўраган бор ажру мукофот ўзларингизга бўлсин (яъни, мен сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамасман)...». (Сабаъ сураси, 47-оят)

«У (тақводор зот) ҳузурида - зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. (Яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўtkазиб қўйган яхшилиги ни қайтариш учун хайр-саҳоват кўrsатмайди)». (Валлайл сураси, 19-оят)

«(Улар айтурлар): «Биз сизларни Ёлғиз Оллоҳ нинг Юзидан таомлантиurmиз. Сизлардан (бу ишимиз учун) бирон мукофот ва миннатдорчилик истамасмиз - кутмасмиз». (Инсон сураси, 9-оят)

Яккаю Ёлғиз Зот учун амал қил, барча яхшиликларни, жазо ва мукофотни У Зотнинг Ўзи берур, ғазабланувчи ҳам рози бўлгувчи ҳам Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ўзидир.

Кандаҳорда қатл қилинган шаҳидлар ҳақида Умар саҳобалардан: «Улар кимлар?, - деб сўраганида бир қанча номларни зикр қилдилар ва: «Бошқа сиз танимайдиган кишилар», - дедилар. Шунда Умарнинг кўзлари ёшланди ва деди: «Лекин Оллоҳ уларни танийди!»

Солиҳлардан бири кўзи ожиз, еб тўймас бир кимсага таом берганида, унинг аҳли: «Бу аъмо нимани еганини ҳам билмайди», - дедилар. Шунда ҳалиги солиҳ зот айтди: «Лекин Оллоҳ билур», - деди. Бас, модомики Оллоҳ устингда хабардор экан, қилган эзгу-яхшиликларингни билиб турар экан, одамлардан раҳмат кутиб нима қиласан?

Маломатчининг маломати, қораловчининг дашноми

«Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар...». (Оли-Имрон сураси, 111-оят)

«...Уларнинг (яъни, мушрикларнинг динга кирмаганликлари) устида маҳзун бўлманг! Уларнинг макру ҳийлаларидан сиқилманг ҳам!...». (Наҳл сураси, 127-оят)

«Сиз коғирлар ва мунофиқларга бўйинсунманг ва уларнинг озор-азиятларига парво қилманг, ҳамда Оллоҳга таваккул қилинг! Оллоҳнинг йози етарли Вакил – Ҳомий». (Аҳзоб сураси, 48-оят)

«...Бас, Оллоҳ (Мусони) улар айтган айблардан поклади...». (Аҳзоб сураси, 69-оят)

Байт:

Тўлиб-тошган чуқур дарёга бола отган тош кор қилас.

Ҳасан ривоят қиласиди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Менга асҳобларим ҳақида ёмон сўз айтманглар, чунки мен сизларнинг олдингизга соғлом қалб билан чиқишни истайман».**

«Қўлинг калта» эканлигидан ғам чекма, чунки бунда саломатлик бордир

Инсон жисмонан ҳузур-ҳаловат кўрган сари руҳияти хасталашади. Бунинг аксида эса саломатлик бордир, дунёдан юз ўгириш Оллоҳ таоло йози истаган бандаларига берган нақдроҳатдир: **«Шак-шубҳасиз, Биз йўзимиз бу Ерга ва ундаги бор жонзотга меросхўр**

бўлурмиз (яъни, барча жонзот ўтар, Ёлғиз Бизгина қолурмиз)...». (Марям сураси, 40-оят)

Дунё – совуқ сув, иссиқ нон ва бошингдаги соябондан иборат.

Дунё событ эътиқодли, даъватларида содик, зиммасидаги вазифаларининг уҳдасидан чиқувчи кишиларни азиз қилур.

Келажакдаги нарсалардан маҳзун бўлма

Тавротда мана бу сўзлар ёзилган: «Содир бўлишидан қўрқиб турилган нарсаларнинг қўпи амалга ошмайди».

Яъни, Одамлар хавотирланадиган кўп нарса асли бўлмайдиган нарсалардир. Зеро, хаёлдаги ваҳм кўз кўрган ҳодисалардан кўпроқдир.

Агар келажак бирон ҳодиса ё мусибат ҳақида эшитиб қолсанг, шошма, ўзингни бос, қайғурма, чунки кўп хабар, миш-мишлар аслида йўқ бўлиб чиқади. Агар Қадарни ўзгартиргувчи бирор бўлганида ҳамма уни излаган бўлар эди, лекин қани у?

«...Мен ўз ишимни Оллоҳга топшиурман. Зеро, Оллоҳ бандаларини Кўриб тургувчидир. Бас, Оллоҳ у (иймон келтирган киши)ни уларнинг ёмон макрҳийлаларидан сақлади...». (Фоғир сураси, 44–45-оятлар)

Ҳасадгўйлар танқиди

Сен уларнинг ҳасад ва танқидларига сабр қилсанг – ажр оласан. Қоловерса, уларнинг танқиди сенинг қийматингни оширади. Зеро, қадрсиз одамга ҳасад қилмайдилар.

Мусо алайҳиссалом одамлар мени ёмонлашдан тилларини тийсинлар, деб Парвардигорига илтижо қилганида Оллоҳ таоло айтди: «Эй Мусо, сен сўраган нарсани ҳатто Мен Ўзим учун ҳам қилмаганман. Улар Мени сўкиб, ҳақорат қилсалар ҳам уларни йўқ қилмайман, ризқларини ҳам беравераман».

Саҳих ҳадисда Расулуллоҳ sollаллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар: *Оллоҳ таоло деди:* «Одам боласи Мени сўкиб, ҳақоратлар қилди. Ваҳоланки, унинг бунга ҳаққи йўқ эди. Мени сўкиб, маломат қилишига келсак, у замонни сўкади, замон эса - Менман. Кеча-кундузни ўзим истагандек айлантириб турман. Мени ҳақорат қилганига келсак, у худонинг хотини ва боласи бор, деди. Менинг эса хотиним ҳам, болам ҳам йўқдир».

Албатта, сен одамларнинг тилларини сенинг обўйингни тўкишдан тийишга қодир эмассан, лекин сен яхшилик қилишга, уларнинг сўзларидан, танқидларидан юз ўгиришга қодирсан-ку!

Ғарб адиларидан бирининг айтгани бор: «Сен тўғри ишни қилгин-да, сўнgra ҳар қандай пасткаш танқиддан юз ўғир».

Фойдали тажрибалардан: «Сени жароҳатлайдиган сўзга, ё мақола, ё шеърга жавоб қилма! Чунки танқидни кўтара олиш - айбларни яшириш, ҳалимлик - азизлик, сукут душманларни енгар, кечириш - савоб ва шраф. Сен ҳақингда танқидни ўқиганларнинг ярми уни унутдилар, қолган ярми уни ўқигани ҳам йўқ. Бошқалар эса сен ёзадиган раддиянинг сабабини ҳам, масала нима ҳақида эканини ҳам билмайдилар»... Бас, раддия бериш билан ўзинг уни қўзғаб, чуқурлаштиришингнинг нима кераги бор!

Хукамолардан бири шундай дейди: «Одамлар ўзларининг бир бурда нонларини исташ билан шу қадар машғулларки, дунёда сен билан мен борлигимиздан ҳам бехабарлар, шак-шубҳа йўқки, энди улар ташналикларини қондириш учун бир қултум сув топиш билан овора бўлиб, сен билан мени дунёдан ўтиб кетганимизни ҳам билмай қолаверадилар».

Арпа унидан бўлган нон ва хотиржамлиги бор уй турли-туман ноз-неъматлар билан тўла, лекин беҳаловат, бесаранжом уйдан яхшироқдир.

Хулоса

Қайғурма! Касал тузалади, мусибат кетади, гуноҳ кечирилади, қарз тўланади, маҳбус озод бўлади, келаjak келади, осий тавба қиласи, фақир бой бўлади.

Қайғурма! Ахир қора булат қандай тарқалганини, қоронғу тун ниҳоясига етганини, қучли шамол қандай тин олганини, бўрон қандай тўхтаганини кўрмадингми? Демак, оғир қунларнинг ортидан фаровонлик, кенглик ва яхши ҳаёт бордир.

Қайғурма! Чунки қуюқ соя қуёш алангасини ўчиради, тоза сув иссиқдаги ташналиknи совутади, иссиқ нон қаттиқ очликни тўйдиради, бедор ҳолда изтироб чекиш ортида лаззатли ором бордир, дард аламларини соғлик лаззати кеткизур, бунинг учун сен бир оз сабр қилмоғинг ва бир лаҳза кутишинг даркор.

Қайғурма! Буюк қудрат нуфузи, қазонинг, албатта, воқе бўлиши, қадарнинг узил-кесиллиги олдида табиблар ҳайрон, ҳакимлар, уламолар ожиз, ҳийлалар мағлубдир.

Ўзинг учун Оллоҳ сен учун ихтиёр қилган нарсани ихтиёр қил

Оллоҳ сени тик турадиган қилиб қўйган бўлса – тур, ўтқазиб қўйган бўлса – ўтири, муҳтожлиқда сабр қил, беҳожатликда шукр қил. Бу «**Оллоҳни Парвардигор, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбар, деб билдим**», калималарининг лозимотлариданdir.

«Ўзинг учун ҳар турли тадбирларни қилаверма, қанча тадбиркорлар ҳалок бўлиб кетдилар. Биз (яъни Оллоҳ таоло) қилган хукмга рози бўлавер, чунки Биз сенга ўзингдан ҳам яқинроқмиз».

Одамларнинг ишларига кўз тутма

Улар на зарар ва на фойда, на мамот ва на ҳаёт – қайта тирилиш, на савоб ва на жазо беришга эгадирлар.

Иброҳим ибн Адҳам айтади: «Бизларнинг айшу мишишатимизни ўтган подшоҳлар кўрсалар эди, албатта, бизлар билан талашган бўлар эдилар.

Ибн Таймия айтади: «Қалбдан, агар аҳли жаннат бизнинг ҳолатимизда бўлсалар, албатта, гўзал ҳаёт кечиурулар», деган сўзлар ўтади.

Яна у зот айтади: «Қалбда Оллоҳ субҳонаҳу ва таолони зикр қилиш, у Зотга яқин бўлишидан суюнган ҳолда куйлаб рақс тушгувчи ҳолатлар бўлади».

Ибн Таймия қамоққа кириб, соқчи қамоқ эшигини қулфлаган пайтида ушбу оятни ўқиди: «...Сўнг улар (билин мўминларнинг) ўртасига дарвозали бир девор урилурки, унинг ичида раҳмат – жаннат, ташқарисида – олдида эса азоб – дўзах бўлур». (Ҳадид сураси, 13-оят)

Яна у киши қамоқда эканлар, айтдилар: «Душманларим менга нима ҳам қила олар эдилар. Қалбимда жаннат орзуси, қаерда бўлсам у ҳам ўзим билан бирга, ўлдирилсан шахид бўлурман, юртимдан сургун мен учун саёҳат, қамоқ эса мен учун хилват жойдир».

Дерлар: «Оллоҳни йўқотган кимса нимани топиши, Оллоҳни топган эса нимани йўқотиши мумкин? Бу икки иш ҳеч қачон баробар бўлмас! Ким Оллоҳни топса – барча нарсани топибди, ким Оллоҳни йўқотса – барча нарсани йўқотибди».

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «*Оллоҳни поклайман, Оллоҳга ҳамд бўлсин, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, «Оллоҳ Буюк» каби сўзларни айтишим мен учун қуёши порлаган дунёдан яхшироқдир*».

Салафлардан бири бадавлат одамлар, уларнинг қасрлари, мол-давлатлари ҳақида гапириб айтади: «Биз ҳам еяпмиз улар ҳам емоқдалар, ичяпмиз – ичмоқдалар, кўряпмиз – кўрмоқдалар, аммо биз ҳисоб бермаймиз, улар ҳисоб беришар. **«Мана, бизнинг ҳузуримизга сизларни аввал-бошда қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз...»**. (Анъом сураси. 94-оят)

«**«Албатта, Оллоҳ Ўз Пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳақрост қилди...»**. (Фатҳ сураси, 27-оят).

«...**Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар**», дея бошладилар». (Аҳзоб сураси, 12-оят)

Ҳаётинг фикру ўйингга қараб қурилади. Агар фикру ниятинг яхши бўлса – баҳтли ҳаёт, ёмон бўлса – баҳтсиз ҳаёт.

Дерлар: «Агар ялангоёқ бўлсанг, оёғи кесилганларга қара, шунда Оллоҳ таолога сенга оёқ неъматини бергани учун ҳамдлар айтасан».

Одамларга яхшилик қил

Инсонларга яхшилик қилиш саодатнинг равон йўлариданdir.

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Оллоҳ таоло Қиёмат кунида бандасини ҳисоб-китоб қилар экан айтади:* «Эй одам боласи, оч қолган эдим, Менга таом бермадинг». Банда сўрайди: «Сенга қандай таом берман, ахир Сен бутун оламларнинг Парвардигори бўлсанг?» Оллоҳ айтади: «Эсингдан чиқдими, фалон бандам оч-наҳор қолган эди, агар уни таомлантирганингда, бунинг савобини бугун – Менинг хузуримда олар эдинг. Эй одам боласи, чанқаган эдим, сув бермадинг». Банда айтади: «Бундай қила олмас эдим, ахир Сен бутун оламлар Парвардигори бўлсанг». Оллоҳ таоло айтади: «Ёдингдан чиқдими, фалон бандам чанқаган эди, агар унга сув берганингда, бунинг савобини бугун – Менинг хузуримда олар эдинг. Эй одам боласи, касал эдим, йўқламадинг». Банда айтади: «Қандай йўқлайин? Ваҳоланки, Сен бутун оламларнинг Парвардигори бўлсанг! «Эсингдами, фалон бандам бетоб эди, ундан ҳол-аҳвол сўраб бормадинг, агар шундай қилганингда – Мени унинг хузурида топар эдинг».

Эътибор қилинг, Оллоҳ таоло охирги жумлада аввалги иккитасидан фарқли равишда **Мени унинг хузурида топар эдинг**, деди. Чунки Оллоҳ таоло синиқ қалб эгалари билан биргадир. Бир ҳадисда: «**Ҳар бир тирик жонда ажр бордир**», дейилган. Оллоҳ таоло бир

бузук аёлни чанқаган итга сув бергани учун жаннатга киргизди. Энди инсонга таом, сув бериб, ундан тангликни кеткизиб, хафалигини аритган одам, албатта, мукофотланмай қолмас.

Ҳадис «Ортиқча зоди-роҳиласи мол-давлати бор одам йўқларга берсин, кимни ортиқча улови бўлса, улови йўқларга берсин».

Ибнул Муборакнинг яхудий қўшниси бор эди. У зот ўз фарзандларидан ҳам аввал мана шу қўшнисига таом берар, унга янги кийимлар олиб берар эди. Одамлар яхудийга уйини сотишини сўрашди. Яхудий уйнинг нархи икки минг динор эканлигини айтди ва бунга изоҳ бериб деди: «Минг динор уйим учун, қолган минги Ибн Муборакка қўшни бўлганинг учун». Бу гапни Ибн Муборак эшишиб, Оллоҳим, Ўзинг уни Исломга ҳидоят қилгин, деб дуо қилди ва у Оллоҳнинг иродаси билан Исломга кирди.

Ибн Муборак карвон билан ҳаж қилиш учун йўлга чиқдилар, йўлда ахлатхонадан бир ўлик қарғани олиб кетаётган аёлни қўриб, ортидан ҳолатни билиш учун одам юборди. Аёл: «Уч кундан бери энди мана шу қарғани топдик», – деди. Бу гапни эшиктган Ибнул Муборак кўзига ёш олди ва карвондаги бор мол-мулкни ўша қишлоққа тарқатиб юборди ва шу йили ҳаж қилмай уйига қайтди. Ва тушида: «Ҳажинг қабул бўлиши, саъйинг мукофотланиши, гуноҳинг мағфират қилиниши муборак», деяётган кишини кўрди. «...ҳамда, гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини кўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қилурлар...». (Ҳашр сураси, 9-оят)

Яхши ишни қанча кўп қилинмасин, унга афсус чекилмайди, аммо хатолар қанча кам бўлса ҳам, унга афсус чекилур.

Агар қулоғингга ножӯя сўз чалинса...

Асримиз уламоларидан бири айтади: «Танқиддан ўта таъсирланадиган ҳиссиётли кишилар ноҳақ, ноурин танқид олдида қулоқларига қўрғошин қуйиб олишлари керак».

Дедилар: «Ҳасаднинг мукофотини Оллоҳнинг Ўзи берсин, нақадарadolатли у! Бошлаб ҳасадгўйнинг ўзини ўлдиради-я!»

Али розияллоҳу анху айтади: «Ажал – мустаҳкам қалъадир».

Хукамолардан бири айтади: «Кўрқоқ бир неча бор ўлади, ботир бир марта ўлади».

Агар Оллоҳ таоло бирор бандасига танглик пайтида яхшиликни истаса, унга худди Ухуд жангига Толҳа розияллоҳу анхуга берганидек ором уйқусини бера-ди, ўшанда ором ва роҳатда бўлган Толҳанинг қўлидан қиличи бир неча бор тушиб кетган эди. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг, «**Сизлар биз учун фақат икки яхшилик** (яъни ё шаҳид бўлишимиз ёки ғалаба қилишимиз)дан бирини кутмоқдасиз. Биз эса **сизлар учун Оллоҳ сизларга Ўз даргоҳидан ёки бизнинг қўлими** билан бир азоб етказишни кутмоқдамиз. Бас, **сизлар ҳам кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутгувчимиз**». (Тавба сураси, 52-оят)

«Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан аниқ белгилаб ёзилган муддатда ўлади».

Изоҳ: Ушбу сўзни шундай тушунмоқ лозим: қўрқоқлик умрни узайтиrmайди, шижаат эса уни қисқартиrmайди. Ҳар қандай тадбир-эҳтиёткорлик Оллоҳнинг қазо ва қадарини ўзгартиrmайди. Бас, нима сабабдан Ҳақ Йўлдаги курашдан қочмоқчи бўласиз?!

«Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан аниқ белгилаб-ёзиб қўйилган муддатда ўлади. Ким дунё савобини истаса, унга-да, истаган нарсасини бе-турмиз. Ким Охират савобини истаса, унга-да, истаган нарсасини берурмиз. Ва шукр қилғувчиларни муносиб мукофотлаймиз». (Оли Имрон сураси, 145-оят)

Абу Бакр розияллоҳу анҳу айтади: «Ўлимни сўрайверганларинг сари – сизларга ҳаёт берилаверади.

Хуолоса

Махзун бўлма! Оллоҳ сени ҳимоя қилур, фаришталар сенинг учун Оллоҳдан мағфират сўрашар, мўминлар ҳар намозларида – дуоларида сени эслашар, Пайғамбар соллоллоҳу алайҳи ва саллам шафоат қиласар, Куръон сенга яхши ваъдаларни берар, булардан ҳам энг буюги – Энг Мехрибон Зотнинг раҳмати бордир.

Махзун бўлма! Чунки яхшиликнинг савоби ўн барабардан етти юз баробаргача ва ундан ҳам кўпdir. Ёмонликнинг жазоси, агар Оллоҳ гуноҳдан ўтиб, уни кечмаса – бир барабардир, зеро, Оллоҳнинг карами мисли йўқdir, Унинг Олижаноблигига ҳеч бир нарса тенг эмас.

Махзун бўлма! Чунки сен Тавҳид толиби ва Қибла аҳлидансан, сенда Оллоҳга, Унинг Расули соллоллоҳу алайҳи ва салламга асл муҳаббат бордир, сен гуноҳ қилсанг – афсус чекасан, чиройли амал қилсанг – севи-насан, сенда ўзинг билмайдиган кўп яхшиликлар бордир.

Махзун бўлма! Чунки сен кенг ва танг, бойлик ва фақирлик вақтида ҳам яхшилик устидадирсан.

«Мўминнинг иши қизиқ – унинг барча иши ўзи учун яхшилик. Бу фақат мўминга берилган неъматдир, агар унга хурсандлик етса ва унга шукр қиласа – ўзи учун яхшилик бўлур, агар унга хафалик етса ва унга сабр қиласа, хафалик ҳам унинг учун яхшиликдир».

Мусибатга сабр қилиш, мashaққатни кўтариш нажот ва саодатнинг йўлидир.

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, бу даъват йўлида Сизга етган озор-азиятларга) сабр-тоқат қилинг! Ёлғиз Оллоҳ (ёрдами) билангина сабр қила олурсиз...». (Наҳл сураси, 127-оят)

«...Энди (менинг ишим) чиройли сабр қилмоқдир. Сизлар сўзлаётган бу нарса (айрилиқ-мусибат) устида мадад сўраладиган Зот Ёлғиз Оллоҳдир». (Юсуф сураси 18-оят)

«Бас, (эй Муҳаммад алайҳиссалом, кофирларнинг озор-азиятларига) чиройли сабр билан сабр-тоқат қилинг!». (Маориж сураси, 5-оят)

«(Оллоҳ йўлида меҳнат-машаққатларга) сабр-тоқат қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу жаннатларда) сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай...». (Раъд сураси, 24-оят)

«...ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр қил!...». (Луқмон сураси, 17-оят)

«Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш – жиҳод учун) белингиз боғлиқ (ҳолда ҳозир) бўлиб турингиз!...». (Оли-Имрон сураси, 200-оят)

Умар розияллоҳу анҳу айтади: «Сабр билан гўзал ҳаётга етдик».

Мусибат пайтида аҳли суннат учун уч йўл бор: сабр, дуо ва кенгликни кутиш.

Ҳадис: «*Оллоҳдан ҳам сабрлироқ бирор йўқдир, коғирлар Оллоҳнинг аёли, боласи бор, дейшиши, Оллоҳ эса уларни кечириб, уларга ризқ бераверди*».

Улуғлика орзу билан, уйқудаги туш билан эмас қатъият ва матонат билан етилади.

**Одамларнинг муомаласидан қайғурма,
уларнинг Холиқقا бўлган муомаласига қара!**

Аҳмад ўзининг «Зухд» номли китобида Оллоҳ таолонинг қуийдаги сўзларини келтиради: «Эй одам боласи, ишларинг қизиқ – Сени Мен яратдим, Мендан бошқага ибодат қилдинг, сенга Мен ризқ бердим, ўзгага шукр қилдинг, Мен сендан беҳожат ҳолимда сени севинтирмоқчи бўламан, сен эса Менга мухтож ҳолингда Менга ёмон кўриниш ҳаракатидасан. Яхшиликларим сенга тушган сари сен томондан Менга ёмонликлар кўтарилиур!».

Исо алайҳиссаломнинг сийратларида зикр қилинishiча, у зот ўттиз нафар bemorni, жуда кўп кўзи ожизларни даволади, сўнгра... улар Исога душманга айланишиди.

Ризқ танглигидан қайғурма!

Чунки Раззоқ – Ягона, У бандаларига ризқ берар, У шунга кафилдир. «*Осмонда эса сизларнинг ризқу рўзларингиз* (яъни Ерда мўл ҳосил бўлишига сабаб бўлгувчи ёмғир) *ва сизларга ваъда қилинаётган нарса* (яъни жанннат) *бордир*». (Ваз-зариёт сураси, 22-оят)

**«Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи
Оллоҳнинг зиммасидадир...».** (Худ сураси, 6-оят)

Бас, Раззоқ Оллоҳнинг Ўзи экан, нима учун башар тилёғламалик қиласи, нега ризқни деб ўзи каби бир одамга нафсини хор қиласи? «Оллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, бас, уни ушлаб-тўсиб қолгувчи бўлмас ва нени ушлаб қолса, бас, У Зот (ушлаб қолгани)дан сўнг у (нарсани бандаларга) бирон юборгувчи бўлмас. У қудрат ва ҳикмат Эгасидир». (Фотир сураси, 2-оят)

Мусибатларни енгувчи сабаблар:

1. Ажр-савобни Ёлғиз Оллоҳдан қутмоқлик. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Менинг иймон келтирган бандаларимга айтинг: «Парвардигорингиздан қўрқингиз! Бу дунёда чиройли амал қилган зотлар учун (Охиратда) чиройли (оқибат – жаннат) бордир. Оллоҳнинг Ери кенгdir. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур». (Зумар сураси, 10-оят)

2. Ўзи каби мусибат эгаларига назар ташламоқ.

Ўнг ва сўл томонингга қарасанг, фақат мусибатланган, имтиҳон қилинганларни топасан.

Ҳар водийда бану Саъдлар бордир.

3. Бу бошқа мусибатлардан енгилроқ эканини билиш.

4. Бу мусибат ўша банданинг динида эмас, дунёсида бўлганлиги.

5. Кенглик пайтларидан кўра танг ҳолатларда Оллоҳга таслим бўлиб, Унга бандалик қилиш.

6. Мусибатга ҳийла йўқдир. Мусибатларни кетказиш учун ҳийла қилишга уринма! Агар билсанг, мусибатларни кетказишнинг ҳийласи – ҳийла қилмаслик.

7. Ихтиёр – Оламларнинг Роббиси бўлмиш Оллоҳ учундир. «...(Зотан,) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтириласлигинги ва сизлар учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин...». (Бақара сураси, 216-оят)

Ўзганинг шахсиятига айланма!

«Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, яхши ишларга шошилинг!..» (Бақара сураси, 148-оят)

«У сизларни Ерда (ўтиб кетган ота-боболарингиздан кейин) халифа – ўринбосарлар қилиб қўйган ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан (ризқу рўз ва куч-куватда) юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган Зотдир». (Анъом сураси, 165-оят)

«...ҳамма одамлар ўз сувларини билдилар...». (Аъроф сураси, 160-оят)

Одамлар турли лаёқат, иқтидор, куч-ғайрат ва ҳунар соҳиблариdir. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам ўз асҳобларига уларнинг тоқат ва лаёқатларига мос вазифаларни тайинлашлари ҳам у Зотнинг буюклигининг намунасиdir. Али қозиликни, Муоз илмни, Убай Қуръонни, Зайд фароиз илмини, Холид жиҳодни, Ҳассон шеърни, Қайс ибн Собит эса нотиқликни эгаллади.

Ўзгага сингиб кетиш ўзликни йўқотишиdir, ўзгалир сифатларини ўзлаштириб олиш ўзни ўлдиришиdir.



Инсонларнинг сифатлари, иқтидорлари, тили, рангининг хилма-хиллиги ҳам Оллоҳ азза ва жалланинг мўъжизлариданdir. Абу Бакр ўзининг меҳрибонлиги, кўнгли юмшоқлиги билан умматга, миллатга манфат етказди. Умар ўзининг салобати билан Исломга ва Ислом аҳлига ёрдам берди. Сенга берилган неъматга рози бўлишлик ҳам бир неъматdir, бас бу неъматни ундириб-ўстир, ундан фойдалан. **«Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қilmайди...».** (Бақара сураси, 286-оят)

Бирорларга кўр-кўrona тақлид қилиш – ўздаги қобилиятни тириклай кўмиш, иродани синдириш, заковатни йўқотишидир.

Узлат улуғворлиги

Узлат, деб ёмонликдан узоқлашишни айтмоқчиман. Зеро, бунда хотиржамлик ва ғам-қайғудан узоқлашиш бордир.

Иbn Таймия айтади: «Банда ибодат қилиши, Оллоҳни зикр қилиши, Қуръон тиловат қилиши, ўз-ўзига ҳисоб бериши, дуо ва истиғфор айтиши ҳамда ёмонликлардан узоқ бўлиши учун узлат қилмоғи даркор».

Иbn Жавзий ўзининг «Сойдул хотир» китобида айтади: «Узлатдан яхшироқ роҳатни, азизликни, шарафни кўрмадим, ёмонликдан узоқ бўлишдан, обрўни, вақтни ғанимат билишдан, умрни ҳимоя қилишдан, ярамас, ичиқора, ҳасадгўйлардан йироқ юришдан, Охират ҳақида фикр қилиб, Оллоҳ азза ва жаллага йўлиқиши учун тайёргарлик кўришдан, тоатни ғанимат билиб, фойдали ишлар ҳақида тафаккур қилишдан яхшироғини кўрмадим», дейди.

Узлатнинг нақадар улуғворлигини Ёлғиз Оллоҳ билур. Узлат ақлни унумдор қиласди, фикр ҳосилини йигади, у билан қалб роҳатда, обрў саломат, ажр комилдир. Узлат қилган одам ёмонликдан қайтади, тоатибодатни ғанимат билади. Мехрибон Зотни эслайди, дилхушлик машғулотларидан юз ўгиради, фитналардан қочади, душман билан муроса қилишдан, ёвузнинг кўролмаслигидан, ҳасадгўйнинг ҳасадидан, зерикарли ишларга чидашдан, бировлар билан таънабозлик қилиб, кейин узр айтишдан, ҳақ талашишдан, аҳмоқقا сабр қилишдан қутулади.

Узлат – авратларни, уят сўзни, турли тойилишларни, хато ўйларни, бефаросатлик айбларини ёпмоқлик.

Узлат – яхшиликлар юзидағи парда, фазилат дурига садаф, улуғлик нишонасини яширгувчи гулкоса. Узлат китоб билан бўлса нақадар гўзал – умр узайиши, муддат кенгайиши, хилватдаги фаровонлик, ибодатга сафар, тафаккурга саёҳатdir!

Узлат қилган одам мушоҳада, кузатиш, тафаккур ва тадаббурни топади.

Узлатга чекинган одам маъноларга интилади, ноzik нукталарни эгаллайди, мақсадлар ҳақида тафаккур қиласди, фикр қасрини қуради, ақлинни шакллантиради.

Узлат чеккан одамнинг руҳи шодон, қалби осойишта бўлади, зеҳни фойдали илмларни овлайди – эгаллайди.

Узлатда ҳолингда сени Ёлғиз Оллоҳдан ўзгаси кўрмайди, сўзингни фақат Эшитгувчи ва Кўргувчи Зотгина эшигади.

Нур таратган, барча ярақлаб турган, ўзгаларга манфаат еткизувчи иқтидор эгалари, буюк билимдонлар, замон устунлари, тарихшунослар, фазилат эгалари, давр сарчашмалари, мажлисларнинг юлдузлари бу-

ларнинг барчаси ўзларининг улуғлик кўчатини узлат суви билан суворганлар, ҳатто у кўчатлар ўз новдасида тик турар ҳолатга етиб, (уларнинг) буюқлик дарахти униб-ўсиб, ҳар вақт Парвардигорларининг изни билан мева берди.

Дедилар: «Узлат узлатни истаган қиши учун иззатдир.

Бало-офатларга ғам чекма

Чунки бало-офатлар қалбни тетиклантиради, гуноҳларни ўчиради, кибрни синдиради, ғафлатни йўқ қилиб, огоҳликка сабаб бўлади, махлукларни меҳрибон қилиб қўяди, солиҳ зотларнинг дуосига сабаб бўлади. Буюк Зотга бўйсундиради, Танҳо Қаҳҳорга таслим қиласи.

Мусибатлар инсон учун нақд танқид ва огоҳлантирувчи, эслатгувчидир, сабр билан тавба-тазарру қилишдир, балолардан савоб умид қилишдир, Хожа хузурига бориш учун тайёргарликдир. Дунёга суюнишдан, ундан рози бўлишдан, ундан ором олишдан кутилишдир. Мусибат сабабли етадиган махфий лутфу карамлар янада улуғ, гуноҳ ва хатолар кечиб юборилиши янада буюк.

Хулоса

Қайғурма! Чунки қайғу ибодатингни заифлаштиради, жиҳоддан тўсади, омадсизликни мерос қилиб қолдиради, сени ёмон гумонга чақиради, сени бадбинликка ташлаб қўяди.

Қайғурма! Қайғу – безовталик руҳий касалликларнинг асоси, асаб касалининг, емирилиш, васваса, изтиробнинг омилидир.

Қайғурма! Сенинг Қуръонинг бор, сенда зикр, дуо, намоз, садақа, яхшилик қилиш, фойдали ишни амалга ошириш имкони бор.

Қайғурма! Бекорчи ҳолатда қайғу учун таслим бўлмагин! Намоз ўқи, тасбех айт, Қуръон тиловат қил, ёзгин, иш қил, қиблага юзлан, улуғларни зиёрат қил, мuloҳаза юрит.

«(Эй инсонлар), Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман...». (Фоғир сураси, 60-оят).

«(Эй мўминлар), сизлар Парвардигорингизга та-зарру билан ичингизда (махфий) дуо-илтижо қи-линг! Зотан, у ҳаддан ошувчи кимсаларни (яъни, эл кўзига кўрсатиш учун риёкорлик қилувчиларни) сев-мас». (Аъроф сураси, 55-оят)

«Бас, (эй мўминлар) гарчи кофирлар ёмон кўр-салар-да, Оллоҳга – У Зот учун Динни холис қилган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз!». (Фоғир сураси, 14-оят)

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «Оллоҳ, деб чорлангиз ёки Раҳмон – Мехрибон, деб чорлан-гиз. Қандай чорласангиз-да (жоиздир). Зоро, У Зот-нинг гўзал исмлари бордир». (Ал-Исро сураси, 110-оят)

Қайғурма ва саодатнинг мана бу қоидаларини ўрган:

1. Агар сен бугунинг чегарасида яшамасанг, зеҳ-нинг сочилади, ҳар ишда изтиробга тушасан, ғам-қайғуларинг кўпаяди. Тонгга кирсанг тунни кутма, тун-га кирсанг тонгни кутма.

2. Мозийни унут, ўтмиш учун қайғурмоқ аҳмоқлик ва мажнунлиқдир.
3. Келажак ҳақида бош қотирма, чунки у ғайб оламидир, келажак келгунга қадар у ҳақида ўйлашни тарқ қил.
4. Танқидга эътибор қилма, событқадам бўл. Билгинки, танқид сенинг қийматингни баҳолайди.
5. Оллоҳга иймон келтириш солиҳ амал, гўзал, баҳтли ҳаёт демакдир.
6. Ором, хотиржамлик, роҳатни истаган инсон Оллоҳни зикр қилсин.
7. Ҳар банда барча иш Қазо ва Қадар билан эканлигини билмоғи даркор.
8. Бирордан раҳмат кутма.
9. Нафсингни энг ёмон эҳтимолларни ҳам кўтара олишга ўргатгин.
10. Эҳтимол, ҳосил бўлган ишда сенга яхшилик бордир.
11. Қазонинг барчаси мусулмон учун яхшиликдир.
12. Неъматлар ҳақида фикр қил ва шукр қил.
13. Сен ўзингдаги нарса билан одамларнинг қўпидан устундирсан.
14. Ҳар икки соат оралиғида фаровон ҳаёт бордир.
15. Бало – дуога ундейди.
16. Мусибатлар ақл ва қалбнинг малҳамидир.
17. Албатта, қийинчилик билан енгиллик бордир.
18. Арзимас нарсалар сени синдириб қўймасин.
19. Парвардигорингнинг мағфирати кенгdir.
20. Ғазабланма... ғазабланма... ғазабланма.
21. Ҳаёт – нон, сув, соядан иборатdir, булардан бошқасига эътибор берма.

22. «Осмонда эса сизларнинг ризқу рўзларингиз (яъни Ерда мўл ҳосил бўлишига сабаб бўлгувчи ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (яъни жаннат) бордир». (Ваз-зариёт сураси, 22-оят)
23. Қўрқилган ишларни қўпи бўлмайди.
24. Сен учун мусибат эгаларида ўрнак бордир.
25. Оллоҳ таоло бир қавмни суйса уларни имтиҳон қиласди.
26. Қайғу дуоларини қўп айт.
27. Жиддий, фойдали ишни қил, бекорчиликни ташла.
28. Миш-мишлардан юз ўгир, уларга ишонма.
29. Душманлик, ўч олишга бўлган ташналигинг душманингдан кўра ўзингга – соғлигингга зарар.
30. Сенга етган барча мусибатлар гуноҳларинг учун каффоратдир.

Сенинг ихтиёрингда олти иш бор, бас, қайғуга не ҳожат?

«Танглиқдан кейинги кенглик» китобида айтилади: «Донишмандлардан бирининг бошига мусибат тушгач, уни кўргани келган дўстларига деди:

- Бетоблигимда олти нарса менга даво бўлди.
- Улар нима экан? – сўрашди.
- Оллоҳга ишондим, ҳар бир тақдир қилинган иш бўлиши муқаррар эканини билдим, имтиҳон қилингувчилар учун энг яхши нарса – сабр эканини англашим, ахир сабрдан бошқа нима ҳам қилолардим, бесабрлик менга фойда бермас, бундан ҳам ёмон аҳволга тушибим мумкин эди, ҳар икки соат орасида топилган фаровонлик қадрини билдим.

Бошингга мусибат келиб, мушкуллар тушса, йўлингни тўсиқлар тўсса – сабр қил

Сабр бесабрлиқдан, тушқунликка тушишдан яхшироқдир. Зеро, ихтиёрий равишда сабр қилмаслик – мажбуран сабр қилишга олиб келади.

Албатта, обрўсини сақлаган, номусли, ориятли инсонга қарашли ёғоч қулба ва кигиз ўтов, арпа нон, обрўсиз нопок кимсанинг гўзал қасридан, булбуллар сайраб турган боғ-бўстонидан азизроқ ва шарафлироқдир.

Бало-оғат касаллик кабидир, у бир кун тугайди, унинг ниҳоя топгунигача шошилишлик, бало кўпайиб, жиддийлашишига сабаб бўлади. Мусибатнинг ҳам бало-оғатнинг ҳам бир кун тугаши бордир, мусибат эгаси сабр қилмоғи, кенгликни кутиши, доимий дуода бўлмоғи даркор.

Хуноса

«Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг биродарини изланглар ва Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Оллоҳнинг раҳматидан фақат коғир қавмгина ноумид бўлур». (Юсуф сураси, 87-оят)

«У деди: «Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўлурлар». (Ҳижр сураси, 56-оят)

«...Сиз билмассиз, эҳтимол, Оллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қилас». (Талоқ сураси, 1-оят)

«(Эй мўминлар, гарчи) сизларга ёқмаса-да, (коғирларга қарши) жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан,) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани

ёқтирмаслигингиз ва сизлар учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Оллоҳ билур, сизлар билмассиз». (Бақара сураси, 216-оят)

«Оллоҳ бандаларига Мехрибондир...». (Шўро сураси, 19-оят)

«...Раҳматим – меҳрибонлигим эса ҳамма нарсадан кенгдир...». (Аъроф сураси, 156–157-оятлар)

«...Ғамгин бўлма, албатта, Оллоҳ биз билан биргадир». (Тавба сураси, 40-оят)

«Ўшанда сизлар Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда, У сизларга ижобат қилиб: «Мен сизларга кетма-кет келадиган минг фаришта билан мадад берурман», деди». (Анфол сураси, 9-оят)

«У (одамлар ёғин-сочиндан) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва йўз раҳмат баракотини кенг ёядиган Зотдир...». (Шўро сураси, 28-оят)

«...Дарҳақиқат, улар (яъни, мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва кўркув билан дуо-илтижо қиласар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар». (Анбиё сураси, 90-оят)

Китоб – энг яхши ҳамсуҳбат

Китоб мутолаасига киришиш, ўқишига берилиш, ақлни фойдали ишлар билан ўстириш банд қилиш саодат қалитидир.

Жоҳиз сенга қайғудан йироқ бўлишинг учун китоб мутолаа қилишни тавсия қилиб, айтади:

«Китоб – холис ҳамсуҳбат, алдамайдиган дўст, малол олмайдиган ҳамроҳ. Мол-дунёйинг уни қизиқтирамайдиган, ичингдаги нарсани хушомадгўйлик би-

лан чиқариб олмайдиган, макр билан муомала қилмайдиган, мунофиқларча алдамайдиган, ёлғон сўзлаб хийла қилмайдиган дўстdir.

Китобга қараганинг сари – фойдаланасан, роҳатинг кўпаяди, зеҳнингни ўткирлайди, тилингни равон, ифодангни кўркам, руҳингни тетик, қалбингни обод қиласди, сенга халқ хурматини, подшоҳлар садоқатини инъом этади.

Сен бирон зиён кўрмасдан, машаққат чекмасдан, ўргатувчилар эшиги олдида музтар бўлиб турмасдан, хулқда ҳам насл-насабда ҳам сенинг tengning бўлмаган кимсалар билан кўнгилсиз сухбатлар қурмасдан, аҳли дунёлар билан ҳамтовоқ бўлмасдан туриб, китоб ёрдамида одамлар оғзидан бир умр ўргана олмайдиган нарсани бир ойда ўргана билурсан.

Китоб сенга куну тун, уйда ҳам, сафарда ҳам итоат қиласди, унда уйқу касали йўқдир, у бедорликдан толмас, у агар муҳтож бўлсанг сени ҳайдамайдиган муаллимдир, агар ундан узилсанг, сендан ўз фойдаларини узмас, ундан четлансанг ҳам сенга итоатда бардавом бўлур, агар душманларингнинг ишлари юришиб қолса улар томонга оғиб кетмас, қачон сен у билан бирга бирон нарвонга ёки қандайдир арқонга осилсанг, яъни ҳар қандай машаққат билан етиладиган ишга киришсанг сен учун унинг ўзи етарли ёрдамчидир, у билан бўлсанг сенга ёлғизлик ваҳшати зиён қила олмас.

Айтайлик, китоб сени ҳеч бўлмаганда эшигинг олдида ўтган-кетганларга қараб ўтиришдан тўssa ҳам (аслида бундай ўтириш бемаъни гапларни гаплашувчи, беҳуда ишларга машғул бўлгувчи жоҳил, бекорчи кимсаларнинг одатидир) жуда катта фойда ва ўлжага эга бўлган ҳисобланасан.

Ибн Жұхайм шундай деган: мени бевақт мудроқ тутса (керагидан ортиқча ухлаш нақадар ёмон иш) ҳикмат китобларидан бирини қўлимга оламан шундан сўнг қалбимдан сергак тортаман ва йўқотган нарсамни топиб олгандай ҳузурланаман».

Китобларнинг энг улуғи, шарафлиси, юксаги эса: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, бу Куръон) Сизга унинг ёрдамида коғирларни (Оллоҳнинг азобидан) огоҳлантиришингиз учун ва мўминлар учун бир Эслатма бўлиб нозил қилинган Китобдир – бас, кўнглингизда у сабабли танглик (шубҳаланиш) бўлмасин!» (Аъроф сураси, 2-оят)

Ўқиш, мутолаанинг фойдалари

1. Васваса, ғам-аундуҳларни ҳайдайди.
2. Ноҳақликка тушишдан узоқ бўлади.
3. Бекорчилардан йироқ бўлади.
4. Тили бурро бўлади, қалом машқини олади, оҳанг қилиб сўзламайди, балоғат, фасоҳатга зеб бермайди.
5. Ақл ривожланади, зеҳн янгиланади, хотира куяяди.
6. Билимга бой бўлиб, ёдлаш, тушунчаси кўп бўлади.
7. Инсонлар тажрибаларини, улуғлар ҳикматларини, уламолар қашфиётларини ўзлаштиради.
8. Илмий малакасини оширади, ҳаёт ҳақидаги маданий онгинини оширади.
9. Иймони зиёда бўлади, хусусан Ислом дини ҳақидаги китобларни ўқигандা. Зеро, китоб – энг буюк насиҳатчи, ёмонликлардан қайтаргувчи ва яхши ишларга буюргувчидир.
10. Зеҳн паришонлигидан, қалб бўлиннишидан, вақт зое бўлишидан паноҳ топади.

11. Сўзни пухта тушунади, ифода услубини, ибора-нинг мақсадини, жумла тушунчасини, ҳикмат сирлари-ни англайди.

Хулоса

Бетоб бўлган Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)нинг ху-зурига келган кишилар: «Табиб чақиртирайликми?» – деб сўрашди. Абу Бакр: «Табиб мени кўрди», – деди. Улар: «Хўш, табиб нима деди?» – деб сўрашди. Шунда у зот жавоб берди: «Табиб айтдики: **«Албатта, мен хоҳлаган нарсамни қилурман».**

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) айтди: «Бизлар гўзал ҳаётга сабр билан эришдик».

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) айтди: «Сабр иймондандир, у худди жасаддаги бош кабидир, бош кесилса жисм ҳам кулайди». Сўнгра овозини баландлатиб: «Сабри йўқ одамнинг иймони йўқдир, сабр қоқилмайдиган чорпойдир», – деди.

Ҳасан айтади: «Сабр яхшилик хазиналаридан бири-дир, Оллоҳ таоло уни фақат ўзи яхши кўрган бандалари учунгина беради».

Умар ибн Абдул Азиз айтади: «Агар Оллоҳ тао-ло бандасига бир неъмат берса сўнг уни олиб ўрнига сабр неъматини берса, мана шу неъмат аввалгисидан яхшироқдир».

Сулаймон ибн ал-Қосим айтади: «Барча амалнинг савоби маълумдир, сабрнинг савоби эса беҳисоб-дир».

«...Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчи-ларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур». (Зумар сураси, 10-оят)

Қайғурма, чунки олдинда иккинчи бор түпланиш, иккинчи ҳаёт, иккинчи Кун бордир

Оллоҳ таоло у Кунда аввалу охирни түплайди, бу сўз қалбингни Оллоҳнинг адолатига хотиржам қилиб кўяди. Кимни бу дунёда мол-мулки тортиб олинса, у дунёда қайтариб олиб берилади, бу дунёда зулм қилинганга, у дунёда адолат қилинади, ким зулм қилса, у дунёда жазоланади.

Олмон файласуфи айтган эди: «Бу дунёning ҳаёт драмаси ҳеч қачон тўқис бўлмайди, иккинчи бор түпланиш ҳаёт бўлмоғи зарур, чунки бизлар бу дунёда золимни ҳам, мазлумни ҳам кўряпмиз лекин адолатни кўрмаяпмиз, ғолибни ҳам мағлубни ҳам кўряпмиз лекин интиқомни кўрмаяпмиз, демак, адолат қарор топадиган иккинчи бир олам бор».

Шайх Али Тантовий қўшимча қилиб айтади: «Бу ажнабий мана шу гапи билан Охират куни, Қиёмат борлигини эътироф этяпти».

«...Бу Кунда (ҳеч кимга) зулм қилинmas. Албатта, Оллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотdir». (Фоғир сураси, 17-оят)

Роберт Луис Стефансон ёзади: «Ҳар бир инсон кун давомида қанчалар машаққат чекмасин ўз вазифасини қилишга қодирдир, ҳар бир инсон тонгдан то қуёш ботгунига қадар баҳтли ҳаёт кечиришга қодирдир. Ҳаётнинг маъноси шудир».

Дерлар: «Ҳаётингда фақат бугунги кун бор, кеча ўтди, эрта эса ҳали келгани йўқ».

Франсуз файласуфи Мунтин айтган эди: «Менинг ҳаётим абадий раҳм қилинmas ёмон насибалар билан тўлиб тошди».

Мен айтаман: «Ана у олимлар қанчалар заковат ва маърифатга эга бўлмасинлар ўзларининг яратилиш ҳикматини билмайдилар, Оллоҳ таоло элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни юборган ҳидоят билан ҳидоятланмадилар. «(Эй Муҳаммад алайҳисса-лом), уларни қўяверинг, еб-ичиб, фойдаланиб қолсинглар, орзу-ҳавасларига машғул бўлаверсинглар. Бас, яқинда (бу қилмишларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар». (Ҳижр сураси, 3-оят)

Денсий айтади: «Тафаккур қил, бу кун қайтиб келмас».

Яшаётган бу кун охирги куни эканлигини ўйлаган инсон тавба, яхши амаллар қиласди, Парвардигорига итоат қилиш, элчисига эргашишда бор кучини сарфлайди.

Ўзингдан мана буларни сўра

Ўтмиш ва келажакнинг темир эшикларини ёп, бугуннинг дақиқалари билан яша!

1. Уфқ ортидаги сехрланган бўстон иштиёқида, келажакни деб бесаранжом бўлиб ҳозирги ҳаётимни ортга суряпманми?

2. Ўтмишда ўтган ва замон ўтиши билан эскирган нарсаларга бетоқатлик қилиш билан ҳозирги ҳаётимни аччиқ қиляпманми?

3. Тонгда уйғониб, олдиндаги йигирма тўрт соатдан унумли фойдаланиш режасини тузяпманми?

4. Бу ҳаётдан, яшаётган кунимнинг ҳар дақиқасидан манфаатланяпманми?

5. Бундай қилишни қачон бошлайман, бугунми, эртагами, ёки кейинги ҳафтадами?

6. Ўзингдан энг ёмон иш нима, деб сўра, сўнгра руҳингни ўша ёмонликка рўпара келиш ва уни кўтаришиликка тайёрлагин.

Хулоса

«...Ким Оллоҳдан қўрқса (яъни, юқорида мазкур бўлган талоқ қилиш қонун-қоидаларига Оллоҳдан қўрққани учун риоя этса), У Зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилур. Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур. Ким Оллоҳга таваккул қиласа, бас, (Оллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир...». (Талоқ сураси, 2-3-оятлар)

«...Оллоҳ танглик-камбағалликдан кейин енгиллик-бойликни ҳам (пайдо) қилур». (Талоқ сураси, 7-оят).

«Билгинки, сабр билан ғалаба, танглик билан кенглик ва албатта қийинчилик билан енгиллик бордир».

«Мен бандамнинг гумонидаман, бас, бандам хоҳлаганидек гумон қиласин».

«...Улар(нинг ёмонлиги)дан Сизга (эй Мухаммад алайҳиссалом), Оллоҳнинг Ўзи етарлидир. У Эшитгувчи, Билгувчиidir». (Бақара сураси, 137-оят)

«Ва ўлмайдиган Тирик Зотга таваккул қилинг...». (Фурқон сураси, 58-оят)

«...Шояд Оллоҳ (мусулмонларга) ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиласидиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар».

(Моида сураси, 52-оят)

«Яқин бўлгувчи (Қиёмат) яқин қолди. Унинг учун Оллоҳдан ўзга бирон очгувчи (қачон бўли-

шини билдиргувчи) йўқдир». (Ван-Нажм сураси, 57–58-оятлар)

Қайғу қувватни парчалайди, жисмни вайрон қилади

Тиббиёт бўйича Нобель мукофотининг совриндори доктор Кисес Карл айтади: «Безовталикка тўқнаш келмаган кишилар эрта ўладилар».

Мен айтаман: «Ҳар бир нарса қазо ва қадар биландир. Лекин буларнинг барчасидан келиб чиқадиган маъно шуки, жисмни вайрон қилувчи, вужудни кемирувчи нарсаларнинг асосий сабаби безовталиkdir ва бу тўғри гапдир».

«Қайғу ҳам йириингни қўзғатади».

Сендаги яра сен еган таом сабабли эмас, балки сени егувчи нарса сабаблидир.

Сенга қайғу асоратлари ҳақида айтаман:

Эдвер Будулский таълиф қилган «Безовталикни қўй, афзал ишлар томон юр» номли китобидан бир бўлаги менга таржима қилиб берилди. Сенга ўшандан баъзи сарлавҳаларни келтираман: «Безовталикнинг қалбга таъсири, қон босимига таъсири, ревматизм касаллигига сабаб бўлишидир».

Ишларни хотиржамлик билан қабул қил

Қора танлилар, хитойликлар юрак дардига камдан-кам чалинадилар. Чунки улар барча ишларни хотиржамлик билан қабул қиладилар.

Насиҳатни чиройли қабул қил

Андрей Мурув айтади: «Бизларга шахсий қизиқишиларимизга мувофиқ келган нарса, гүё ҳақиқатдек күринади, ўзгаси эса ғазабимизни қўзғатади».

Мен айтаман: «Насиҳат, танқидлар ҳам шундай, кўпинча, бизлар мақтовни яхши қўрамиз, гарчи мақтовга ҳақли бўлмасак-да, бундан завқланамиз, танқидни эса гарчи бунга лойиқ бўлсак-да, хушламаймиз. Бу катта айб ва буюк хатодир».

«Қачон улар Оллоҳ ва Унинг Пайғамбариға ўрталарида хукм чиқариш учун чорлансалар, багногоҳ улардан бир гуруҳи (Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурига келишдан) юз ўғиргувчиидир. Агар ҳақиқат улар (тараф)да бўлса (Пайғамбар алайҳиссалом олдилариға) бўйин эгиб келурлар». (Нур сураси, 48-оят)

Қарорни шижаот билан ушлаш – изтироб, безовталиқдан халос этади. «...Энди иш – жанг муқаррар бўлган вақтда эса, агар улар Оллоҳга (иймон келтириш ва Унинг жанг қилиш ҳақидаги амрига итоат этишда) содиқ-ростгўй бўлганларида, албатта, ўзлари учун яхшироқ бўлур эди». (Муҳаммад сураси, 20-21-оятлар)

**Ўйлаб, тараддуланиб қолма – амал қил,
ишла, бекорчиликдан воз кеч!**

Дедилар: «Ҳаёт арзимас бўлганлиги сабабли жуда ҳам қисқадир».

Араб ҳукамоларидан бири айтади: «Ҳаёт бизлар уни нафрат билан ўтказишимиздан ҳам қисқадир. «Ерда қанча йил турдинглар?» – деди (Оллоҳ). Улар айтди-

лар: «Бир кун ё ярим кун. Санаб тургувчи (фариштадардан) сўрагин». (Оллоҳ) деди: «Агар сизлар биладиган бўлсангиз (дунёда) жуда оз турдингиз (яъни, сизлар абадий, деб ўйлаган дунё, аслида жуда оз муддатдир). (Мўъминун сураси, 112-113-114-оятлар).

Колумбия мадрасасининг мударриси Ҳекс айтади, у ўз шиорларидан бирини ўзи учун нашида қилиб олган эди: «Қуёш остидаги ҳар бир иллатнинг давоси бордир, ёки умуман давоси топилмас. Агар унинг давоси бўлса, уни изла, агар топилмаса – унга эътибор берма!»

Саҳиҳ ҳадисда шундай дейилган: «*Оллоҳ таоло қандай дард берса унинг давосини ҳам берган. Буни билган билади, билмаган билмайди.*»

Мулойимлик тойилишдан сақлайди

Япониялик бир устоз шогирдларига айтди: «Мулойим одам мажнунтол кабидир. Қўпол, қаттиқ одам дуб ёғочи кабидир».

Ҳадисда айтилади: «*Мўмин гиёҳ кабидир. Шамол уни ўнгу сўлга эга олади.*»

Доно одам сув кабидир. У харсангга тўқнашмайди, балки унинг ўнг, сўл, уст ва остидан айланиб ўтади.

Ўтмиш қайтмайди

Улуғлардан бири сут тўла идишни ерга ташлаб айтди: «Тўкилган сутга куйинма».

Машойихлар дерлар: «Қийин иш сенга ёзилмайди».

Одам Мусо айлайҳиссаломга айтди: «Оллоҳ таоло мени яратишдан қирқ йил аввал тақдир қилиб ёзган нарса учун мени маломат қиляпсанми? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «*Одам* Му-

сога ғолиб бўлди, Одам Мусога ғолиб бўлди, Одам Мусога ғолиб бўлди».

Саодатни ўзингдан изла, теварак-атрофдан эмас

Инглиз шоири айтади: «Ақл ўз жойида туриб, ўзи ёлғиз жаннатни жаҳаннамга, жаҳаннамни эса жаннатга айлантира олади».

Хаёт қайғуга арзимас

Наполеон айтади: «Мен ўз ҳаётимда бир ҳафта бўлса ҳам баҳтли яшаганимни эслай олмайман».

Халифа Ҳишом ибн Абдул Малик айтади: «Мен садатли кунларимни санаб, ўн уч кун эканлигини билдим».

Ҳишомнинг отаси «уф» тортиб шундай дер эди: «Эх, кошки эди халифа бўлмаганимда».

Ибн Саммок ал-Воиз Ҳорун ар-Рашидни ҳузурига кирди. Ҳорун чанқаб, ичимлик беришларини сўради. Ибн Саммок:

– Эй амирул мўъминин, агар мана шу сувни ичишга қодир бўла олмасангиз, шунга эришиш учун салтанатингизни ярмидан кеча олармидингиз? – деди. Ҳорун:

– Ҳа, – деб жавоб берди. Сувни ичиб бўлгач, яна Ибн Саммок:

– Агар мана шу ичган сувингизни чиқаролмасангиз салтанатингизни ярмидан кеча олармидингиз? – деди. Ҳорун:

– Ҳа, – деб жавоб берди. Ибн Саммок:

– Бир пиёла сувга арзимаган подшоҳликни нима кераги бор? – деди.

Иймондан холи бўлган дунёning на қиймати, на вазни ва на маъноси бор.

Файласуф айтади: «Жисмимииздан касалликларни йўқотишга бўлган эътибордан кўра мафкурамиздан бузуқ хаёлларни олиб ташлашга кўпроқ эътибор бермоқ лозим».

Ажиб, Қуръонда жисмоний иллатлардан кўра фикрий иллатлардан кўп қайтаришган. **«Уларнинг дилларида мараз – иймонсизлик бор эди, бас, Оллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир».** (Бақара сураси, 10-оят)

Хадисда айтилади: **«Оллоҳим, мени Ўзингни тақдирингга рози қилдиргин, токи менга етгани хато кетмаслиги ва хато кетгани менга етмаслиигига амин бўлай».**

Хулоса

Маҳзун бўлма! Чунки қайғу сенга ўтмиш ташвиши ни олиб келади, келажакдан хавфлантиради, бугунги қунингни баракасини кетказади.

Маҳзун бўлма! Чунки уни деб қалб сиқиласди, юз тундлашади, руҳинг сўнади, орзуласар ҳалок бўлади.

Мазхун бўлма! Чунки қайғу душманни хурсанд, дўстни хафа қиласди.

Маҳзун бўлма! Чунки қайғу қазо билан мунозара қиласди, муқаррар ишларни таҳликага солади, дўстга қарши чиқади, неъматга нонкўр бўлади.

Маҳзун бўлма! Чунки қайғу-ҳасрат кетган нарсани қайтара олмайди, ўликни тирилтира олмайди, Қадарга қарши тура олмайди ва бирон фойда етказа олмайди.

Маҳзун бўлма! Чунки қайғу шайтондандир.

Қаноат қил, тинчлан

Статистик маълумотларга кўра, Америкада хафақонлик касали биринчи рақамли қотил ҳисобланар экан. Иккинчи жаҳон уруши йиллари мобайнida уч юз минг америкалик аскарлар ўлдирилган бўлса, шу пайтнинг ўзида икки миллион инсон юрак касаллиги сабабли ҳаётдан кўз юмган. Шулардан бир миллиони хафақонлик ва асаб таранглигидан қазо топган.

Бир олимнинг айтгани бор: «Хафақонлик билан курашибни билмаган инсон бу дунёни эрта тарк этади».

Лекин ўлимнинг сабаби маълум – ажал белгилаб қўйилган.

«Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан, аниқ белгилаб ёзиб қўйилган муддатда ўлади». (Оли Имрон сураси, 145-оят)

Хитойликлар ёки қора танлиларнинг юрак дарди билан касалланиши кам учрайди, чунки улар ҳаётни енгил тарзда ўтказадилар.

Деҳқонларга қараганда табибларнинг юрак хуружидан вафот этишлари йигирма баробар кўп учрайди, чунки табиблар асаблари таранг ҳолда ҳаёт кечирадилар. **«Касалларни даволовчи табибнинг ўзи касал».**

Борига шукр қилиш ғамни кетказади

Ҳадис: «Бизлар фақат Парвардигоримизни рози қиласиган сўзни сўзлаймиз».

Оқибат, натижа сенинг фойдангга бўлиши учун тақдир сенга ҳужум қилганида унга таслим бўлиб, бўйинсунишинг вожиб ва муқаддас амалдир. Чунки сен

шундагина нақд бўлган баҳтсизлик офати, хонавайронлиқдан нажот топасан.

Демак, қадарга ишонишдан бошқа чора йўқ, агар сен ўз терингдан ажралиб, кийим бошингни тарк этсанг ҳам қадар ўз ҳукмини ўтказади.

Ҳар қандай қийинчилик, мусибатлардан холи бўлган хотиржам, барқарор, фаровон ҳаётгина буюк инсонларни дунёга келтиради, деб айтадиганлар адашадилар, аслида иш бунинг аксиdir.

Тарих шоҳид, буюклиқ, саодат ўз тизгинини поклигу нопоклик аралаш бўлган жамиятга топширганлар ва ана шу жамиятда ўз елкаларига масъулиятни кўтарган шахслар бунёд бўлган.

Муҳаммадий даъватнинг дастлабки кунларида Илоҳий Ҳидоят байроғини кўтарганлар қуллар, фақирлар, ожизлардан иборат эди. Бу Муқаддас даъватга қарши курашганларнинг кўпчилиги эса эътибор талаб, тантиқ, аслзода шахслардан ташкил топган эди. **«Қачон уларга (яъни, инсонларга) очик-равшан бўлган оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотларга: «Қайси гуруҳ яхшироқ мартаба жиҳатидан ва гўзалроқ мажлисда?» - дейдилар. (Яъни, бой-бадавлат мушриклар фақир ва мискин мўминларнинг устидан куладилар)».** (Марям сураси, 73-оят). **«Яна улар: «Бизларнинг мол-дунё ва болаларимиз - иймон келтирганлардан кўра кўпроқ, (бинобарин бизлар Оллоҳ назидада улардан обрўлироқмиз ва) бизлар азоблангувчи эмасдирмиз», дедилар».** (Сабаъ сураси, 35-оят). **«Бизларнинг орамизда ана ўшаларга Оллоҳ инъом қилган эмишми?» - дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон**

қилдик. Ахир шукр қилгувчиларни Оллоҳ яхшироқ билгувчи эмасми?!» (Анъом сураси, 53-оят). «Мутакаббир кимсалар эса: «Биз сизлар иймон келтирган динга кофирмиз», дейишди-да...». (Аъроф, 76-оят). «Яна улар: «Бу Қуръон икки қишлоқ(нинг бири)дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди», – дедилар».

Изоҳ: Икки қишлоқдан мурод – Макка ва Тоиф шаҳарлари. Мушриклар назарида, Макканинг улуғи ўша жойлик боёнлардан Валид ибн ал-Муғийра бўлса, Тоифнинг улуғи Урва ибн Масъуд ас-Сақафий номли бир бой эди. У мушриклар ҳам барча замонлардаги дунёга қул бўлган кимсалар каби улуғликни мол-давлат ва салтанат билан ўлчар эдилар. Шунинг учун улар: «Агар бу Қуръон ҳақ китоб бўлганида, Муҳаммадга ўхшаган бир етим ва камбағалга эмас, балки Валид ва Урва каби улуғ зотларга тушган бўлар эди», дедилар.

«(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайғамбарлик)ни ўшалар тақсимлайдиларми?! (Йўқ, асло ундоқ эмас!)». (Зуҳруф сураси, 31-32-оятлар)

Шу қаторда мен Антаранинг бир байтини эслаб ўтмоқчиман, у бу байт орқали инсоннинг қиймати унинг унсури, асл-насабида эмас, балки хулқи, жасоратида эканлигини айтган:

Кул бўлсамда карамла халқнинг подшоҳиман,
Рангим қора бўлса гар хулқнинг оппоғиман.

Кунлар ўткинчиидир

Аҳмад ибн Ҳанбал bemor бўлган Бақийя ибн Мухалладнинг зиёратига борди ва унга: «Эй Абу Абдураҳмон,

Оллоҳнинг савобидан хушнуд бўл, саломат кунда дард, дардман кунда соғлик йўқдир», деди.

Бунинг маъноси – саломатлик кунларида касаллик хаёлга келмайди ва инсоннинг иродаси кучаяди, орзуумидлари, интилиши кўпаяди. Қаттиқ дард тутганида эса саломатлик ёддан чиқади ва нафсни умидсизлик, ҳимматсизлик қоплади, ноумидлик хукмронлик қиласди.

Аслида И мом Аҳмаднинг сўзи Оллоҳ таолонинг бу оятидан олингандир: «**Қасамки, агар Биз инсон зотига Ўз томонимиздан раҳмат-марҳаматимизни тотдириб, сўнgra Ўзимиз уни тортиб олсак, у албатта ноумид ва ношукрлик қилиши шубҳасиздир.** Қасамки, агар унга бирон зиён-заҳмат етганидан кейин Биз ноз-неъматларни тотдириб қўйсак, албатта у: «**Барча ёмонликлар мендан нари кетди,** (энди ҳеч қачон қайтиб келмайди) дейди. **Дарҳақиқат, у мағрур ва мақтанчоқдир.** Магар (балоли кунларда) сабр қилиб, (сафоли кунларда шукроналик билан) яхши амаллар қиласидиган зотлар борки, ана ўшалар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бўлур». (Худ сураси, 9-10-11-оятлар)

Ҳофиз ибн Касир айтади: «Оллоҳ таоло мана бу ояти орқали инсоннинг мазмум сифатлари ҳақида хабар беради (Оллоҳ таолонинг мўмин бандалари бундай сифатлардан мустаснодир). Яъни, инсонга неъматдан сўнг мусибат келса, гўё илгари яхшилик кўрмагандек, кенглиқ кутмагандек уни умидсизлик, келажакка бўлган ишончсизлик куршаб олади, ўтмишни инкор этади.

Бало-офатдан кейинги неъмат ҳам уни шу кўйга солади ва дейди: «**Барча ёмонликлар мендан нари кетди...**». (Худ сураси, 10-оят)

Яъни, энди менга қайғу дард етмайди, деб хаёл қиласи. «...**Дарҳақиқат, у мағрур ва мақтанчоқдир**». (Худ сураси, 10-оят).

Яъни қўлидаги нарсадан фахрланади, ўзгага кек-каяди, калондимоғлик қиласи. «**Магар** (балоли қунларда) **сабр қилиб**, (сафоли қунларда шукроналик билан) яхши амаллар қиласидиган зотлар борки, ана ўшалар учун мағфират ва катта ажр-мукофот бўйлур».

(Худ сураси, 11-оят)

Дерларким, Сафар – ғамни кетказар.

Ҳатто жон талвасасида ҳам табассум қил

Абу Райҳон Беруний 78 йиллик умрини китоблар таснифига бағишилади. Ҳатто умрининг охирги дақиқаларигача ҳам қўлидан қалам, қўзидан илмий наزار, қалбидан тафаккур тушмади. Фақиҳ Абул Ҳасан Али ибн Исо айтади: «Абу Райҳоннинг ҳузурига кирганимда унга ўлим соатлари яқинлашган эди, юраги сиқилар, хириллар эди. Шу ҳолатда у мендан: «Тунов қуни мерос масаласида она томондан бўлган бувиларнинг ҳисоби ҳақида нима деган эдинг?» – деб сўради. Мен унга раҳмим келиб: «Шу ҳолда-я?» – деб сўрадим. У: «Эй биродар, мана шу масалани билиб бу дунёни тарк этишим, уни билмай кетишимдан яхши эмасми?» – деди. Мен унга сўраган нарсасини айтдим, айтгандаримни ёдлади ва менга баъзи бир омонат сўзларини айтди. Унинг ҳузуридан чиқиб кетар эканман, ичкаридан фарёдни эшитдим, бу хавотир булутларини вайрон қилган фарёд эди».

Умарул Форуқ жон талвасасига тушган, жароҳатидан қон оқаётган бир пайтда, дўйстларидан намози комил бўлдими-йўқми эканлиги ҳақида сўради.

Саъд ибн Рабийъ Ухуд жангидаги қонга бўялган ҳолида охирги нафасида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳволи ҳақида сўради. Бу дил событлиги, қалб ободлигидир.

Иброҳим ибн Жарроҳ айтади: «Абу Юсуф касал пайтида уни кўргани бордим ва уни хушсиз ҳолатда топдим, ҳушига келгач, мендан:

- Бу масала ҳақида нима дейсан? – деб сўради. Мен:
- Мана бундай ҳушидан кетган одам масаласими? – деб сўрадим. Сўнгра мендан сўради:
- Эй Иброҳим, шайтонга юриб тош отиш керакми ёки отда турибми?
- Отда туриб, – дедим.
- Нотўғри, – деди.
- Юриб отилади, – дедим.
- Буниси ҳам нотўғри, – деди.
- У ҳолда қайси бири афзал? – деб сўрадим.
- Модомики, Ақаба олдида тура олса, юрган ҳолда, тура олмаса, отда туриб отгани афзал, – деб жавоб берди. Унинг ҳузуридан чиқар эканман ҳовли эшигига етмай қичқириқни эшитдим. У вафот қилган эди. Оллоҳ уни йўз раҳматига олсин».

Асримиз адиларидан бири айтади: «Ана шундай, ўлим уларнинг бошларига ўз қайғу-ғуссалари билан қўнган, нафаси хириллаб, дили сиқилган, бехушлик уни ўраб олган бир пайтда, ҳушига келган биринчи лаҳзадаёқ, ўлим ундан сўнгги нафасларини олаётган вақтда ёнидагилардан ўрганиш ва ўзгаларга ҳам ўргатиш учун билмаган нарсалари ҳақида сўрайдилар».

Эй, Оллоҳ! Бунча ҳам илмни уларнинг қалбларига азиз қилмасанг, уларнинг ақл-хушларини илмга машғул қилмасанг, ҳатто улар ўлим билан тортишаётган

бир пайтда жондан азиз фарзандларини эмас илмни эслашди. Улар шунинг учун илм ва динда пешқадам бўлдилар. Оллоҳнинг уларга раҳмати бўлсин!

Ҳақир дунё

Машҳур олим Ибн Муборак айтади: «Мен учун амир Тоҳир ибн Ҳусайннинг қасридан Адий ибн Зайднинг ушбу қасидаси афзалдир:

Эй, замонни айблаётган кимса, сен ўзинг покмисан – комилмисан?!

Ёки қўлингда кунлар васиқаси борми ё мағрур-жоҳилмисан?»

Яъни, эй мусибат эгалари устидан кулгувчи инсон, сенга улар каби мусибат келмаслигига амин-мисан ёки кунлар сенга меҳнат-машаққатлардан саломат бўлишинг ҳақида қўлингга ишонч қофозини тутқаздими?

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Агар Оллоҳ таолонинг наздида, дунёнинг паشا қанотича қадри бўлганида, коғир бу дунёдан бир ҳўплам сув ҳам ичмаган бўлар эди*». Яъни дунё, Оллоҳнинг наздида, пашшанинг қанотидан ҳам ҳақирроқдир ва бу тўғридир. Бас, уни деб безовта бўлишдан не наф?

Сокинлик, ором билан ҳаёт кечириш келажагинг, аҳли оиласи тинчлиги ва саодати гаровидир. Бинобарин, саодат Оллоҳ таолога иймон келтириш, У Зотнинг қазойи қадарига рози бўлиб, қаноат, сабр қилишда жамланур.

Иймон қиймати

«Улар Сизга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Айтинг: «Сизлар менга мусулмон бўл-

ганларингизни миннат қилманглар. Балки агар (иймонингларда) содик бўлсангиз, (яъни, агар ростдан ҳам иймон келтирган бўлсангиз) Оллоҳ сизларни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур». (Хужурот сураси, 17-оят)

Фаросатли одамларгина англайдиган бир неъмат бордир – мусулмон инсон кофирга қараб, ўзидағи дини Исломда бўлишдек Оллоҳнинг неъматини эслаб, кофирни Парвардигорига осий бўлиб, унга исён қилиши, У Зотнинг оятларига кофир бўлиб, сифатларини инкор этиши. Холиқи, ризқ бергувчиси бўлмиш Зотга қарши бўлиб, элчию китобларини ёлғончи қилиши, буйруқларига бош эгмаслигини кўриб, ўша кофир каби эмаслигига Яратганга шукр қилади.

Эй инсон, билгинки, сен Парвардигорни Ёлғиз билган мусулмонсан. Оллоҳга, элчисига, Қиёмат Кунинга ишонасан, фарз ибодатларни баҳоли қудрат адо қиласан, булар бебаҳо бўлган, ҳеч нарса билан сотиб олиб бўлмайдиган неъматдир. «Ахир мўмин бўлган киши фосиқ-итоатсиз бўлган кимса каби бўлурми? (Йўқ), баробар бўлмаслар!» (Сажда сураси, 18-оят)

Баъзи муфассирларнинг таъкидлашларича, жаннат аҳлларининг неъматларидан бири дўзах аҳлларига қарашлари ва Парвардигорларига берган неъмати учун шукр айтишлариdir. «Зеро, ҳар бир нарсанинг қадри ўз зиддининг олдида билинур».

Хулоса

Ҳеч бир илоҳ йўқ Ёлғиз Оллоҳ бор. Комиллик сифатлари бўлмиш Илоҳиёт сифатлари билан танҳо бўлган Зот Ёлғиз Оллоҳ субҳонаху ва таоло маъбуди барҳақдир.



Юқоридаги калималарнинг руҳи ва сирри ушбулардир: саноси улуғ, исмлари муқаддас, номи баракотли, Буюклиқда тенги йўқ, ёлғиз Ўзи илоҳ бўлган Зот – Парвардигорни муҳаббат, улуғлаш, таъзим қилиш, қўрқув ва умид билан, таваккал, инобат, рағбат ва раҳбат ила ёлғиз, деб биламан. Ундан ўзгаси севилмас, Ундан ўзгасидан қўрқилмас, Ундан ўзгасидан умид ҳам қилинмас, ёлғиз Унга таваккул қилингай, Унга рағбат қилингай, Ундан қўрқилгай, Ёлғиз Унинг исми билан қасам ичилгай, Унга назр, Унга тавба қилингай, Унинг амрига итоат қилинур, Унга ҳисоб берилур, мусибат пайти Ундан ёрдам сўралур, илтижолар, саждалар Унга қилинур, Унинг учун ва Унинг исми ила қурбон қилинур. Буларнинг бари бир калимада жамланур: ибодатнинг барча нави билан ёлғиз Унга ибодат қилинур.

Модомики Исломни танир экансан, ғамгин бўлма

Исломни танимаган, унга эргашмаган инсон бебаҳт инсондир. Ислом ўз аҳли томонидан ташвиқот ва тарғибот ишларига муҳтождир. Ташвиқот ҳикматли ва юксак маданиятли бўлмоғи даркор. Чунки Ислом буюк воқеадир. Бинобарин; башарият саодати мана шу абадий ва барҳақ динга боғлиқдир. «**Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас, (унинг «дини» Оллоҳ хузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди...**». (Оли Имрон сураси, 85-оят)

Олмонияда бир машҳур мусулмон даъватчи яшар эди. Шаҳарга кираверишда жуда катта эълон тахтаси бўлиб, унга олмон тилида: «Сиз фалон ва фалон нарсани билмайсиз ҳали», деб ёзилган эди. Мазкур даъват-

чи тахтанинг ёнига худди ўша катталиқда бир лавҳа (тахта) тиклаб, унга: «Сиз Исломни билмайсиз ҳали. Агар ўрганмоқчи бўлсангиз, фалон рақамлар орқали бизга боғланинг», деб ёзиб кўйди. Қарабисизки, унга Олмониянинг барча шаҳару қишлоқларидан қўнғироқлар дарё бўлиб оқиб кела бошлади. Натижада, ўша даъватчининг таъсирида бир йил ичидага юз мингга яқин олмониялик эркагу аёл Исломни қабул қилди. Кейин у ерда масжид, мадраса ва Ислом маркази курди.

Айни пайтда, башарият ҳайрону хастадир. У ўз тинчлиги, хотиржамлигига қайта эга бўлиши учун мана бу буюк динга катта эҳтиёжи бордир. «...Сизларга Оллоҳ тарафидан Нур ва Очиқ Китоб келдики, Оллоҳ у сабабли Ўзининг ризолигига эргашган зотларни нажот - омонлик йўлларига ҳидоят қилур ва Ўз изну иродаси билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва уларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилур». (Моида сураси, 16-оят)

Улуғлардан бири айтади: Мен бу оламда Оллоҳдан ўзгага ибодат қиладиган бирон зот қолмаса керак, деб ўйлар эдим. Лекин: «...Бандаларим орасида шукр қилгувчи (зотлар жуда) оздир». (Сабаъ сураси, 13-оят). «(Эй Мухаммад алайҳиссалом), агар Сиз Ер юзида-ги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, улар Сизни Оллоҳнинг Йўлидан оздирурлар. (Зотан) улар фақат (ўзларини ҳақ, деб ўйлаган) гу-монларигагина эргашурлар ва улар фақат (ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам) алдайдилар, холос». (Анъом сураси, 116-оят). «Гарчи Сиз (барча одамларнинг иймон келтиришларини) жуда истасангиз-да, одамларнинг кўплари мўмин бўлмайдилар». (Юсуф сураси, 103-оят)

Уламолардан бирининг айтишича, сахрода яшайдиган суданлик бир мусулмон ўша пайтда инглизлар мустамлака қилган пойтахтга келди, шаҳар ўртасида британиялик бир кишини кўриб ёнидагилардан: «Бу ким?» – деб сўради. Улар бу киши кофир эканлигини айтишди. Ҳалиги мусулмон: «У кимга кофир бўлган?» – деди. Улар: «Оллоҳга», – деб жавоб беришди. Буни эшитган мусулмон: «Ахир Оллоҳга қандай кофир бўлади?» – деб, қорнини ушлаб, қусиб юборди. Шундан кейин ўз сахросига қайтиб кетди.

Инсонлар сийрати ва уларнинг таржимаи ҳолини ўқиган кишилар изчил ва событ масалалардан фойдаланган бўладилар. Шулардан айримлари:

1. Инсоннинг қиймати қилган чиройли амалида намоён бўлур. Бу Али ибн Абу Толибининг сўзлари. Маъноси: Инсоннинг қиймати унинг сурати ёки мансабида эмас балки, илми, одоби, ибодати, хулқидадир. «(Пайғамбар алайҳиссалом) ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўғирди». (Абаса сураси, 1-2-оятлар). «Шубҳасиз, озод мушриқдан – гарчи у сизга ёқса-да – иймонли кўл яхшироқдир». (Бақара сураси, 221-оят)

Инсоннинг мавқеи унинг ҳиммати, эътиборлилиги, саҳиyllиги ва фидоийлигига қараб белгиланади. Бино-барин, инсонга улуғлик беҳуда берилмайди.

Инсон Оллоҳнинг изни билан ўз тарихини ўзи яратади. Ўзининг сийрат саҳифаларини гўзал ёки қабиҳ ишлари билан ёзади. «Албатта, Биз Ўзимизгина ўликларни (Киёмат Кунида қайта) тирилтиurmиз ва уларнинг қилган ишларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб қўюрмиз...». (Ёсин сураси, 12-оят)



Инсон умри қисқадир, тезда ўз ниҳоясига етар, бас, мана шу қисқа умрни гуноҳ, ғам-андуҳлар билан ўтказма. «Улар у (Қиёмат соати)ни кўрадиган Кунда (бу дунёда) гўё биргина пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек (яъни, бир кун ҳам яшамагандек) бўлиб қолурлар!». (Ан-Назиат сураси, 46-оят). «Улар айтдилар: «Бир кун ё ярим кун. Санаб тургувчи (фаришталардан) сўрагин». (Мўминун сураси, 113-оят)

Саодат сабаблари

1. Солиҳ амал. «Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз...». (Наҳж сураси, 97-оят)

2. Яхши аёл. «...«Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин...». (Фурқон сураси, 74-оят)

3. Кенг уй. Ҳадис: «Оллоҳим мен учун ҳовлимни кенг қилгин».

4. Ҳалол, покиза касб. Ҳадис: «Оллоҳ покдомондир, покизаларни севар».

5. Ҳусни хулқ ва инсонлар меҳрини қозониш. «Яна мени қаерда бўлсанмай баракотли қилди...». (Марям сураси, 31-оят)

6. Қарздор бўлмаслик ва эҳсонни исроф қилмаслик. «Улар инфоқ-эҳсон қилган вақтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (балки эҳсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида – мўътадил бўлур». (Фурқон сураси, 67-оят). «(Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг! (ИсроФгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг!....». (Ал-ИсроФ сураси, 29-оят)

Саодатнинг баҳоси – шокир бўлган қалб, зокир тил, собир жисмдир.

Шукр, зикр ва сабр – бунда бордир кўп ажр

Ўз сир-асори, иш тадбирларини яширган бандада саодатлидир. Айтишларича, бир аъробийга сир айтиб, уни ошкор қилмаслиги эвазига ўн динор беришди. Бунинг уддасидан чиқа олмаган аъробий динор берган одамнинг олдига бориб, у айтган сирни ошкор қилмоқчилигини эвазига динорларини қайтариб беришини айтди. Чунки сир яшиromoқлик катта куч ва сабр талаб қилур. «... «Эй ўғилчам, бу тушингни оғанииларингга ҳаргиз айта кўрма...». (Юсуф сураси, 5-оят)

Инсоннинг заиф нуқталаридан бири одамларга ўзининг сирлар саҳифасини очмоқлигидир. Бу эски дарддир, башарият қонига сингиб кетган касалликдир. Нафс эса сирни ошкор қилишни, гап тарқатишни суряр. Зеро, ўз сирларини ошкор қилган инсон надомат, ғамғуссага ботмоғи айни ҳақиқатдир.

Ажалингдан аввал ҳаргиз ўлолмайсан

«...Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, илгари ҳам қила олмайдилар...». (Наҳл сураси, 61-оят)

Бу оят ажалидан аввал бир неча бор ўладиган қўрқоқларга қаноат беради. Бу оятни ўқиган ҳар бир инсон ортга ҳам, олдинга ҳам сурилмайдиган белгиланган бир ажал борлигини, бутун дунё аҳли тўпланганда ҳам уни тезлаштира олмаслигини ёки ортга сура олмаслигини англайди. Бу, ўз навбатида, инсонга хотир-

жамликни, сакинат, сабр ва саботни беради. «**Ва ҳар бир жон ўзи билан бирга** (уни маҳшаргоҳда) ҳайдагувчи (бир фаришта) ва (унинг қилиб ўтган амалларига) **гувоҳлик бергувчи** (бир фаришта) **бўлган ҳолда келади**». (Қоф сураси, 21-оят)

Билгинки, Оллоҳдан ўзгага боғланмоқ баҳтсизлиkdir. «...**Сўнг унинг учун Оллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади**». (Қасас сураси, 81-оят)

Заҳабийнинг йигирма уч жилдан иборат «Сияру аъламин нубало» номли китобида бир қанча машхур уламолар, халифалар, подшоҳлар, амирлар, вазирлар, зодагон ва шоирларнинг таржимаи ҳоллари зикр қилинган бўлиб, бу китобни ўқиган ҳар бир инсон икки муҳим ҳақиқатни тушуниб етади:

1. Оллоҳни қўйиб бутун умрини мол-давлат, болача, мансаб, касб-хунарга сарфлаган кимсани баҳшида этган инсонни Оллоҳ таоло ўша нарсаларга топшириб қўяди. Бу унинг баҳтсиз бўлишига, азоб тортишига, ҳасрат чекмоғига сабаб бўлади. «**Шак-шубҳасиз, (шайтонлар, Куръондан юз ўғирган кимсаларни Тўғри) Йўлдан тўсурлар, (аммо ўша шайтонларнинг етовидаги адашганлар эса) ўзларини ҳидоят топгувчилар, деб ҳисоблайдилар**». (Зухруф сураси, 37-оят). «...**ҳамда коғир бўлган кимсаларнинг сўзларини тубан қилиб қўйди. Оллоҳнинг Сўзигина энг юксак Сўздир**». (Тавба сураси, 40-оят)

«Эй Буюклик ва Карам соҳиби»

Хадисда айтилади: «**Эй Буюклик ва Карам соҳиби калимасини, айтиш билан завқ олинглар**». Яъни уни доим айтинглар. «Эй Абадий, Барҳаёт Зот», калимаси



ҳам шунингдекдир. Юқоридаги калималар Оллоҳ таолонинг исмлари бўлиб, агар У Зотга шу исмлар орқали дуо қилинса, дуоларни ижобат қиласди, сўраганга беради. Демак, банда кенглик, зафар ва нажот топмоқ учун шу исмлар орқали Парвардигорга хитоб қилмоғи, У Зотга нидо айламоғи даркордир.

Мусулмон инсоннинг ҳаётида уч кун бордир, у кунлар байрамдир гўё:

1. Фарз ибодатларни жамоат билан адо қилиб, гуноҳлардан саломат бўлган кун. «**Эй мўминлар, Оллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, Ҳақ Динга) даъват қиласар экан, уни қабул қилинглар...**». (Анфол сураси, 24-оят)

2. Гуноҳига тавба қилиб, маъсиятдан қутулиб, Парвардигорга қайтган кун.

3. Ва ниҳоят, Парвардигорига гўзал хотима ва мақбул амал билан йўлиққан кун. «...**Сўнгра (Оллоҳ) тавба қилишлари учун уларга тавба йўлини очди...**». (Тавба сураси, 118-оят)

Саҳобалар ҳақида ўқир эканман, уларнинг ҳаётида бошқалардан ажралиб турувчи беш фазилатни тушуниб етдим:

1. Уларнинг ҳаётида енгиллик, осонлик бор, такаллуф йўқ, ишларни оддий ҳолда олиб борар, ўта талабчанлик, чуқур кетмоқ ва қаттиқлик уларга ёт эди.

2. Уларнинг илм дарёси амалга муттасил, баракотли, мўл бўлиб, кам ҳам ортиқча ҳам эмас. Унда на бир ортиқча калом ва на мураккаблик бор эди. «...**Албатта, Оллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонлар кўркур...**». (Фотир сураси, 28-оят)

3. Улар учун қалб амаллари бадан амалларидан улуғроқ эди. Баъзи тобеъинлар зоҳирий нафл ибодат-

лар бобида улардан кўра анчайин ижтиҳодли бўлиб, саҳобалар нафл намоз, нафл рўза ибодатларини енгил тарзда ўтказсалар-да уларда ихлос, инобат, таваккул, муҳаббат, рағбат ва раҳбат, хушуъ бор эди.

4. Улар роҳат, саодат, хотиржамлик топғанлари сабаб, дунё матоларидан оз насибага эга бўлиб, унинг чиройи зийнатларидан юз ўғирган эдилар.

5. Улар жиҳодни муҳим санашар ҳатто уни ўзлари учун мақсад, нишон ва шиор қилиб олган эдилар. Улар жиҳод билан ўз ғам-андуҳларини унутар эдилар. Чунки унда зикр, амал, ва ҳаракат бордир.

Оллоҳ Йўлида жиҳод қилган инсон энг баҳтли, қалби очиқ, дили равшан инсондир. «**Бизнинг (Йўлимиз)да жиҳод қилган – курашган зотларни, албатта, ўз Йўлларимизга ҳидоят қилурмиз...**». (Анкабут сураси, 69-оят)

Қуръони каримда бир қанча ҳақиқатлар зикр қилинган бўлиб, улардан инсон саодатига боғлиқ баъзи бирларини келтириб ўтмоқчиман:

Оллоҳ ёрдам сўраган бандасига ёрдам беради. «**Эй мўминлар, агар сизлар Оллоҳга ёрдам берсанглар** (яъни Унинг Йўлида жиҳод қилсанглар), **У Зот ҳам сизларга ёрдам берур...**». (Муҳаммад сураси, 7-оят)

Сўраганга – беради. «**Менга дуо-илтижо қилинглар!** Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман...». (Фоғир сураси, 60-оят)

Мағфират сўраганни – мағфират қиласи. «**Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб кўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қилгин**». Бас, (Оллоҳ) уни мағфират қилди...». (Қасас сураси, 16-оят)

Тавбаларни қабул қиласи. «**У бандаларидан тавба-тазарруни қабул қиладиган, ёмонликларни афв**

этадиган ва қиласиган ишларингизни биладиган Зотдир». (Шўро сураси, 25-оят)

Ким Оллоҳга ўзини топширса, У Зот унга етарлидир. **«Ким Оллоҳга таваккул қилса, бас,** (Оллоҳнинг) **Ўзи унга етарлидир...».** (Талоқ сураси, 3-оят)

Уч қилмишнинг эгаларига Оллоҳ таоло жазони тезлаштиради, улар: Зулм. **«...Эй одамлар, бу тажовузингиз фақат ўзингизнинг зиёningизгадир...».** (Юнус сураси, 23-оят)

Ваъдани бузиш. **«...Энди ким (ўз қасамёдини) бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур...».** (Фатҳ сураси, 10-оят) Макр. **«...Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур...».** (Фотир сураси, 43-оят)

Албатта, золим инсон Оллоҳнинг дастидан қочиб қутула олмайди. **«Мана, улар золим бўлганликлари сабабли уйлари ҳувиллаб қолди!..».** (Намл сураси, 52-оят)

Солиҳ амалнинг самараси ҳам нақд, ҳам насиядир (яъни, дунёда ҳам Охиратда ҳам кўринур). Шубҳасиз, Оллоҳ таоло мағфиратли ва миннатдор бўлгувчи зотдир. **«Бас, Оллоҳ уларга ҳам бу дунё савобини (ғалаба ва мол-давлатни) ва ҳам Охиратдаги гўзал ажри (жаннат)ни ато қилди...».** (Оли Имрон сураси, 148-оят)

Ким унга итоат этса – Оллоҳ уни суяр. **«(Эй Мухаммад алайҳиссалом), айтинг: «Агар сизлар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар.** (Шунда) Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласди...».

(Оли Имрон сураси, 31-оят) Агар банда буни билса – баҳтиёр ва хурсанд бўлар. Чунки у ризқ: **«Зоро, Оллоҳнинг Ўзигина (барча ҳалойикقا) Ризқу рўз бергувчи, куч-қувват Соҳиби ва Кудратлидир».** (Ваззориёт сураси, 58-оят). Ва ёрдам

бергувчи: «Аслида ғалаба фақат қудрат ва ҳикмат Эгаси бўлган Оллоҳ ҳузуридан келур...». (Оли Имрон сураси, 126-оят). Мағфират қилгувчи: «Ва Мен тавба қилган ҳамда иймон келтириб яхши амаллар қилган, сўнгра Тўғри Йўлга юрган кишиларни Мағфират қилгувчи дирман». (Тоҳа сураси, 82-оят). Тавбаларни қабул этгувчи: «...Албатта, У Кечиримли, Мехрибондир...». (Бақара сураси, 54-оят). Дўстлари учун душманларидан ўч олгувчи: «...Зеро, Биз Интиқом олгувчи дирмиз». (Духон сураси, 16-оят). Парвардигор билан муомала қилмоқда. Бас, У Зот Энг Улуғ Зотдир: «...Унинг учун бирон «тенг»ни билурмисиз?! (Йўқ, билмассиз!)». (Марям сураси, 65-оят)

Шайх Абдураҳмон ибн Саъдийнинг (Оллоҳ у зотни ўз раҳматига олган бўлсин) «Бахтиёр ҳаёт кечирмоқ учун фойдали воситалар» номли китобида айтилади: «Банда Оллоҳ берган неъматларни кўра олиши ва ўша неъматларга сазовор бўлмаганлардан устун эканлигини билиши саодат сабабларидан биридир. Шунда у банда Оллоҳ унга қандай фазл кўргазганини ҳис қиласи.

Хулоса

Асмо бинти Умайсадан ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Огоҳ бўл, мен сенга қайғу пайтида айтиладиган сўзларни ўргатаман. У: «Оллоҳ Парвардигоримдир, У Зотга бирор нарсани шерик қилмасман», калимасидир».

Бошқа бир ҳадисда: «Кимнинг бошига ғам-андух, касаллик, қийинчилик тушса: Оллоҳ Парвардиго-

римдир, Унинг шериги йўқдир, деб айтсин, шунда ундан ғамлар тарқайди».

Қалбга қоп-қора, тўп-тўп булутларни келтирган бир қанча ишлар борки, агар шу ҳолга тушган инсон Парвардигори томон қочиб, ишини Унга топширса, Унга халқидан бирортасини шерик қилмай, ўзини Унинг оёғи остига ташласа, ғам-андуҳлари тарқайди. Аммо ким бунга бепарво қараса ҳайҳот, ҳайҳот!

Шоир айтганидек:

Йўқотсак-да мол-давлат, бойликларимиз,

Руҳимиз соғ бўлса – шудир кифоя.

Мол топилар, обру ҳам қайтар,

Оллоҳ ҳалокатдан қилса ҳимоя!

Ҳасадгўйдан қўрқсанг:

1. Зикр, дуолар билан бирга икки «қул аъзу»ни ўқи.
2. Ишларингни ундан яшири.
3. Ундан узоқ бўл.
4. Унинг озорини тийиш учун унга чиройли муомала қил. «...Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг!...». (Фуссилат сураси, 34-оят)

Хулқингни чиройли қил

Чиройли хулқ баҳт ва саодатдир. Ёмон хулқ фалокат ва баҳтсизликдир.

Ҳадис: «*Киши гўзал хулқи билан рўзадор ва кечалари ибодат қилгувчининг дараҷасига етур*». Ҳадис: «*Қиёмат кунида сизлардан менга яқин жойда турадиган ва энг суюкли бўлган кишини айтами? У гўзал хулқ эгасидир*». «Албатта, Сиз улуғ хулқ

устидадирсиз». (Қалам сураси, 4-оят). «Агар қўпол, қаттиқдил бўлганингизда эди, албатта улар атро-фингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар...». (Оли Имрон сураси, 159-оят). «...Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз...». (Бақара сураси, 83-оят)

Мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни сифатлаб айтади: **«Расулуллоҳнинг хулқи Қуръон эди».**

Кенг хулқ ва зукколик – Оллоҳ яхшиликни истаган киши учун нақд неъмат ва хузур-ҳаловатдир. Тезлик, қизиққонлик, жаҳл узоқ давом этувчи баҳтсизлик ва абадий азобдир.

Уйқусизлик давоси

Уйқусизлик дардига чалинган инсон нима қилиши керак?

1. Шариат белгилаган зикрларни айтсин. «...Огоҳ бўлингизким, Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур». (Раъд сураси, 28-оят)
2. Кундузги уйқуни тарқ қилиб, фақат зарур пайдагина ухласин.
3. Уйқу келгунича ёзиб, ўқисин.
4. Кундузи жисмни қийнайдиган фойдали ишни қилсин.
5. Қаҳва, чой каби ичимликларни кам истеъмол қилсин.

Гуноҳларнинг давом этавериши – тоат ҳаловатини, иймон самимиятини, саодат завқини кетказади.

Ибн Таймийя айтади: «Гуноҳлар қалбни тавҳид фазосида кезиб юришдан тўсади».

Маъсиятлар оқибати

1. Банда билан Парвардигори ўртасида парда тортилади. «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ўша (Қиёмат) Кунида Парвардигорларидан тўсилгувчиidlар. (Яъни, Парвардигорнинг дийдорига етиш уларга ҳеч насиб қилмагай)!» (Мутаффифин сураси, 156-оят)
2. Махлуқни Холиқдан узоқлаштиради. Кишининг феъли ёмон бўлса, гумонлари ҳам ёмонлашади.
3. Доимий қайғу.
4. Қалбда хавф ва изтироб бўлади.
5. Бахтсиз ҳаёт кечиради.
6. Қалбда зулм ва қўполлик томир уради.
7. Юзда тундлик ва қоралик пайдо бўлади.
8. Халқнинг қалбida унга қарши нафрат бўлади.
9. Ризқи тор бўлади.
10. Раҳмон ғазабланади, иймон камаяди, ғам-андухлар тушади.

Ризқ изла, очкўз бўлма

Оллоҳ лой ичидаги қуртга ҳам ризқ беради. «Ерда ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир...» (Худ сураси, 6-оят)

Ўз инидаги қушларга ҳам У Зот ризқ беради.

Сувдаги балиқни ҳам У Зот ризқлантиради.

Сен эса қуртдан, қушдан ёки балиқдан ақллироқсанку, бас, ўз ризқингга қайғурма.

Кўп одамларни Оллоҳ таолодан узоқлашганликлари сабаб уларга фақирлик, ғам-алам етганини кўрдим. Улар бой, ризқи кенг, саломат ҳолда эдилар, сўнгра улар Оллоҳнинг тоатидан юз ўгирилар, намозга бепарво бўлдилар, гуноҳи кабираларни қила бошлади-

лар. Бас, Оллоҳ улардан саломатликни, кенг ризқни тортиб олди ва уларни фақирлик, қайғу билан балога йўлиқтирди, улар бало – омадсизлик билан кун кечира бошладилар.

«Бизларни Тўғри Йўлга йўллагин...»

Ҳидоят сири

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга бир томонини қолдирган – Тўғри Йўлга эргашган кишиларгина саодатни топурлар. Тўғри Йўлнинг иккичи тарафи – жаннати-наъимдадир.

Тўғри Йўлни ушлаган инсон гўзал оқибатдан хотиржам бўлур, Парвардигорининг ваъдасидан кўнгли жойига тушиб, Мавлосининг қазосига рози бўлур, уни Тўғри Йўлга етакловчиси борлигини билур. У етакловчи бегуноҳ бир Зотки, **ўз ҳавоийи-ҳоҳиши билан сўзламас**, йўлдан озган кимсага эргашмас, унинг сўзлари халқ учун ҳужжатdir, унга шайтон васвасасидан паноҳ берилгандир. «**Унинг (яъни, ҳар инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчи (фаришталар) бўлиб, улар Оллоҳнинг амри билан уни сақлаб-муҳофаза қилиб турурлар...**». (Раъд сураси, 11-оят)

Банда ушбу Тўғри Йўлни тутгандагина саодат топади, чунки у ўзининг Оллоҳи борлигини, гўзал намуна (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам), қўлида китоб, қалбида нур, кўнглида бир воиз борлигини билади, у жаннати наим томон боради, тоат учун амал қиласиди, яхшиликка юради. **«Бу – Оллоҳнинг ҳидояти бўлиб, у билан бандаларидан йўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур...».** (Анъом сураси, 88-оят)

Покиза ҳаётни истаганлар қуиидаги үн чечакни ўзлари учун узиб олсинлар

1. Саҳарда истиғфор айтиб ўтирмоқ.
2. Тафаккур учун холи қолмоқ.
3. Яхшилар билан ҳаммажлис бўлмоқ.
4. Зикр қилмоқ.
5. Хушуъ билан икки ракат намоз ўқимоқ.
6. Тадаббур билан тиловат қилмоқ.
7. Қаттиқ иссиқ кунларида нафл рўзалар тутмоқ.

Ҳадис: «(Оллоҳ айтади: бандам) ўз таом, шароб, шаҳватини Мен учун тарқ қилди».

8. Садақани махфий қилиб бермоқ. Ҳадис: «Ўнг қўл берганни чап қўл билмасин».

9. Мусулмондан ғамни кетказмоқ. Ҳадис: «Мусулмондан ғамни кетказган инсонни Оллоҳ ҳам Қиёмат кунида ғамини кетказади».

10. Бу фоний дунёдан зуҳдлик билан (дунёдан юз ўгириб) ўтмоқ. «Ҳолбуки, Охират яхшироқ ва боқийроқдир». (Аъло сураси, 17-оят)

Нух ўғлининг мана бу сўзи унинг баҳтсиз бўлишига сабаб бўлди. «У (ўғли) деди: «Мең ўзимни сувдан сақлайдиган бирон тоғнинг устига чиқиб кетажакман»...». (Худ сураси, 43-оят). Агар у Еру осмон Парвардигори бўлмиш Оллоҳга таянганида, баҳтли ва азиз бўлар эди.

Намруднинг баҳтсизлиги, мен ҳам тирилтира ва ўлдира оламан, деб айтган сўзи эди. У ўзи учун лойик бўлмаган кийимни кийди, унга тўғри келмас сифатга эга бўлмоқчи бўлди бас, бу коғир довдираб қолди ва зиён тортгувчилардан бўлди. «Бас, Оллоҳ уни ҳам Охират, ҳам дунё азоби билан ушлади (яъни, дунёда

у денгизга ғарқ қилиб юборилди, Охиратда эса дўзах азобига дучор бўлур)». (Ан-Назиат сураси, 25-оят).

Саодат калити бир калимадир, миллат мероси – бир иборадир, нажот байроби бир жумладир, у калима, у ибора, у жумла: ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ – ҲЕЧ БИР ИЛОҲ ЙЎҚ ЁЛҒИЗ ОЛЛОҲ БОР, МУҲАММАД – ОЛЛОҲНИНГ ЭЛЧИСИДИР.

Ерда ушбу калималарни айтган инсоннинг саодати – осмонда унга «Рост сўзладинг» деб жавоб қилинишидир.

Ўша Сўзга амал қилган кишининг саодати эса ҳалокат, шармандалик, дўзахдан омонлигидир.

Бошқаларни ҳам ўша Сўзни айтишга даъват қилганларнинг саодати эса унга мадад берилмоғи ва унга шукр айтилмоғидир.

Ўша Сўзни севганинг баҳти эса азиз ва мукаррам бўлмоғидир.

Қул бўлган Билол ўша Сўзни айтиб, хурга айланди.

У сўзни тутилиб айта олмаган Абу Лаҳаб хору зор қул ҳолида ўлди. «...Кимни Оллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни (ҳеч ким) азиз қилгувчи бўлмас. Албатта, Оллоҳ ўзи хоҳлаган нарсани қилур».

У Сўз шундай бир малҳамки, бутун башариятни пок, Раббоний иймон чўққисига олиб чиқади.

Агар Охиратдан юз ўғирсанг – дунё учун севинма, чунки доимий азоб сенинг йўлингдадир, қуллик, баҳтсизлик сени кутмоқда.

Ёлғиз Мангу Зотдан юз буриб, фарзандинг учун севинма, чунки Ундан юз бурмоқ тўла мағлубият, чексиз зиён ва бениҳоя хорлик демакдир.

Ёмон амаллар қилиб мол-давлатинг билан хурсанд бўлма. Зеро, ёмон амалнинг охиривой бўлар, оқибат заюл топур, Охиратда эса унга лаънат бўлғай.

Бошга тушгувчи иш билан муомала ўрнат – кўнишкин

Бир киши туйнуқдан сакради, баногоҳ унинг чап қўлидаги узук туйнуқдаги қозиққа қадалиб қолди ва ўша қозиқ унинг бир бармоғини узиб олди. Ўша одам айтади: «Мен ўша воқеани эслаганимдагина қўлимда тўрт бармоқ борлиги, бир бармоқдан ажраб Қолганим ёдимга тушади. Ўзим бундан норози эмасман». **«Оллоҳ тақдир қилди, У Зот хоҳлаган нарса бўлади».**

Мен бир одамни биламан, касаллиги сабабли чап қўли елкасидан кесиб ташланган. Лекин у шунга қарамасдан узоқ яшади, оила қурди, фарзандлар кўрди. Гёё Оллоҳ унга фақат бир қўл бергандек машинасини ҳам, ишларини ҳам бемалол бошқаради. **«Оллоҳнинг сенга ёзган қисматига рози бўл, одамларнинг энг бойи бўласан».**

Воқеликка қўнишиб, иқлимга мослашишимиз бунча ҳам тез ва ажиб бўлмаса. Бундан эллик йил аввал ерга гилам сифатида хурмо бўйраси солинар, уй ичидаги бор бисотимиз бир меш сув, озгина сопол идиш, ёғоч товоқ, косалардан иборат бўлиб, шулар билан ҳам ҳаёт давом этаверар эди. Чунки бизлар шунга рози ва таслим бўлган эдик.

Куфадаги жоме масжидда икки қабила орасида фитна чиқди, ҳар икки томон қиличларни яланғочлашди, найзаларини қўлга олишди. Теварак-атроф ҳаяжонга тушди, шунда масжиддан бир киши ҳалим, ислоҳчи инсон деб танилган Аҳнаф ибн Қайсни излаб чиқиб кетди. Уни ўз уйида қўйларини соғаётган ҳолда топди, устидаги кийим ўн дирҳамлик ҳам эмас, жисми



ориқ эди. Ҳалиги одам уни воқеадан хабардор қилди, буни эшитган Аҳнафнинг бир туки ҳам қимирламади, изтиробга ҳам тушмади, чунки у бундай ҳодисаларни жуда кўп кўрган эди. Унинг биргина жавоби шу бўлди: «Иншооллоҳ ҳаммаси яхши бўлади». Сўнгра унга ифторлигини олиб келишди, дастурхондаги нарсалар бир бўлак қотган нон, ёғ, туз ва бир коса сувдан иборат эди. Бисмиллоҳни айтиб, таомланди ва Оллоҳга ҳамд айтди. Сўнгра: «Ироқнинг буғдойи, Шомнинг ёғи, Дажла дарёсининг суви, Марвнинг тузи, албатта, буларнинг барчаси улуғ неъматлардир», деди. Кейин кийимини кийиб, асосга таяниб, масжид томон шошмасдан юра бошлади. Одамлар у кишини кўриши билан бўйинлар эгилди, кўзлар қуяига боқди, сўзини тинглаш учун ҳаммаёқ сув қуягандек жимиб қолди. Шунда у йиғилгандарни сулҳга чақирди ва ўз уйларига тарқалишларини айтди. Шундан сўнг уларнинг ҳар бири бир сўз демай, ортларига қайтдилар, жанжал тинчиди, фитна босилди.

Қиссадан ҳисса шуки, буюклиқ ташқи қўриниш, гўзалликда эмас, моддий етишмовчилик баҳтсизлик белгиси эмасдир, шу билан бирга саодат ҳам нарсаларнинг кўплиги, бойлик билан белгиланмас.

Инсоннинг қиймати унинг истеъоди ва юксак сифатларидир. Инсоннинг вазни – обрўси унинг кийим-кечаги, сарой-қасрлари билан эмас балки, илми, ақл-идроки билан ўлчанади. «...Албатта, сизларнинг **Оллоҳ наздидаги ҳурматлироғингиз – тақводор-роғингиздир**». (Хужурот сураси, 13-оят)

Бунинг мавзуга алоқаси шундаки, саодат катта бойлик ҳам, баланд қаср ҳам, олтин-кумуш ҳам эмас, балки иймонли қалб демакдир. «**Бас, Сизни уларнинг молу дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин!..**»

(Тавба сураси, 55-оят). «(Эй Мұхаммад алайҳис-салом), айтинг: «Оллоҳнинг фазлу марҳамати (яъни Ислом) ва У Зотнинг раҳмат-мехрибонлиги (яъни Куръон) билан – мана шу (неъмат) билан шод-хуррам бўлсинлар. (Зеро), бу улар тўплайдиган молдунёларидан яхшироқдир». (Юнус сураси, 58-оят)

Мутахассис табиб менга акам Мұхаммаднинг қўли елкасидан узиб ташланиши лозимлиги ҳақида айтган кун, ҳаётимдаги энг хунук кунга айланиб қолди. Бу хабар қулоғимга худди замбарак ўқидек эшитилди. Лекин мен нафсимга мағлуб бўлмадим, руҳан Парвардигоримнинг мана бу Сўзига қайтдим: «(Бирон кимсага) бирон мусибат етмас, магар Оллоҳнинг изни-иродаси билангина (етур). Ким Оллоҳга иймон келтирса, У Зот унинг қалбини (Тўғри Йўлга) ҳидоят қилур...». (Тағобун сураси, 11-оят). «...(Эй Мұхаммад алайҳиссалом), бирор мусибат келганда: «Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта, биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган сабрли кишиларга хушхабар беринг!». (Бақара сураси, 155–156-оятлар)

Бирор бир ҳийла қўлимиздан келмас, ҳийла фақат иймон ва таслим бўлмоқлиқдир.

Хансо Наҳавийяга Қодисийя жангиди Оллоҳ йўлида бирданига тўрут ўғли ҳалок бўлгани хабари етганида, у саодатманд она нима қилди. У Оллоҳга ҳамд айтди, Парвардигорнинг қазосига, берган гўзал оқибатига, лутфу иноятига шукрлар айтди! Бу – иймоннинг қуримас чашмасидир. Ишончнинг туганмас жилвасидир. У каби шукр қилгувчилар ажрларга эришгай, дунё ва Охират саодатига етишгай. Агар шундай қилмаганида қўлидан нима ҳам келар эди. Фазабланар,

асабийлашар, қаршилик кўрсатар ортидан дунё-ю, Охиратнинг зиёнига эришар эди.

Шак-шубҳасиз, мусибатларнинг малҳами, машақ-қатларнинг давоси ушбу сўздир: **«Албатта, биз Оллоҳникимиз ва бизлар Унга қайтарилурмиз».**

Бунинг маъноси – Барчамиз Оллоҳникимиз, бизлар Унинг халқи ва мулкимиз, Унга қайтурмиз, Иш Унинг қўлидадир, бирор нарса бизнинг қўлимиздан келмас.

«...Барча нарса ҳалок бўлгувчиdir, магар Унинг Юзи – Ўзигина (мангутир)...». (Қасос сураси, 88-оят). **«(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир».** (Ар-Раҳмон сураси, 26-оят)

Агар фаразан сенга, уйингга ўт кетгани ё ўғлинг ўлгани, ёки молинг йўқолгани ҳақидаги даҳшатли хабар етса нима қиласан? Ҳозирданоқ ўзингни кўниktirginki, тақдирдан қочмоқ фойда бермас, қазодан қутулмоқ имконсиз ишdir. Бас, қазойи Қадарга таслим бўл, мусибатни кўтар, ажр касб эт, чунки сенинг олдингда бундан бошқа чора йўқdir. Ҳа, айтганча, бошқа чора ҳам бор, лекин мен сени ундан қайtarурman, у эса ушбулардир: бўлган ишдан норози бўлиб сиқилиш, асабийлашиш, ғазаб, дод-вой қилиш, лекин булар билан нимага эришмоқчисан? У ҳолда Парвардигорнинг ғазабига, инсонлар нафратига дучор бўлурсан, балки бунда ажр кетар, гуноҳ эзар, йўқотган нарсанг сенга қайтmas, мусибат сендан кўтаришас, қатъий амр сендан кетmas.

Сен қайғурган нарса тез орада барҳам топар

Ўлим барчанинг – золимнинг ҳам мазлумнинг ҳам, кучсизу кучлининг ҳам, бойу камбағалнинг ҳам бошида бордир. Демак, сенинг ўлишинг ҳам одамлар учун ян-

гилик эмас, сендан аввал ҳам қанча умматлар ўтдилар, сендан кейин ҳам ўтурлар.

Ибн Батувтанинг зикр қилишича, шимолда бир мақбара бор экан. У ерга минглаган подшоҳлар дағн этилган бўлиб, ўша жойдаги бир лавҳга шу сўзлар ёзиб қўйилган экан:

«Қанча-қанча султонлар суюкларга айланди,
Буюк бошлар тупроққа тупроқ бўлиб жойланди».

Лекин ишнинг даҳшати инсоннинг ғафлатидир. У эртаю кеч ўзининг атрофида пайт пойлаб турган ўлим шарпасидан бехабар, мангу ва баҳтиёр яшайман деб ўйлади. Ҳар бир бошланган ишни муқаррар ниҳояси ҳам бўлишидан ғофил. «Эй инсонлар, Парвардиго-рингиздан қўрқингиз! Зеро, (Қиёмат) соати (олдидаги) зилзила улуғ – даҳшатли нарса». (Ҳаж сураси, 1-оят). «Одамларга ҳисоб-китоблари (яъни, Қиёмат соати) яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатда, (иймон келтириб, яхши амаллар қилишдан) юз ўгиргувчиidlар». (Анбиё сураси, 1-оят)

• Тушкунлик баҳтсизликнинг йўлидир

Тушкунлик Фарбни Шарқдан, бойни камбағалдан ажратмайди, балки бутун оламни ҳалок қиласди. У барчага теккан дарддир. Кўпинча, унинг ниҳояси ўз жонига қасд қилиш билан тугайди. Ўз жонига қасд қилиш ҳеч қандай давлатни, мансабни, номни тан олмайди, у фақат мўминлардан қўрқади. Баъзи рақамлар бу дарднинг қурбонларининг саноғи оламнинг ҳар тарафига икки юз миллионга етганлигини кўрсатса, статистик маълумотлар ер юзида ҳар ўн инсондан бири

мана шу хатарли касалликка чалинганлигини маълум қиласди.

Надоматлар бўлсинки, бу дард нафақат катталарга балки она қорнидаги ҳомилага ҳам қасд қилишгача етиб келгандир.

Тушкунлик – ҳалокат эшиги

Кўпгина машҳурлар, жумладан, фан соҳасида машҳур бўлган кимсаларни ҳам бу дард четлаб ўтмаган. Масалан, шоир Салоҳ Жоҳиннинг ўлимига агар ягона бўлмаса биринчи сабаб тушкунлик бўлган. Наполеон қувғин қилинганида мана шу дард сабабли вафот этганлиги тариҳдан маълумдир.

Бундан бир неча йил аввал ахборот марказларининг тарқатган хабарлари бутун дунё матбуотининг биринчи саҳифаларини эгаллади. Олмониялик бир аёл ўзининг уч нафар гўдакларини ўз қўли билан ўлдирди, бунга сабаб унинг тушкунлик дардига мубтало бўлганидир. Фарзандларини қаттиқ яхши кўрганлигидан уларга азоб, қийинчилик келишидан қўрқиб, уларга бундай азоблардан «роҳат» бериш мақсадида ўз жигарбандаларини кейин эса ўзини ўлдирган.

Бекорчилар яхши ишлар қилиб, одамларга фойда келтириб, касал ҳолидан хабар олиб, қабрларни зиёрат қилиб, масжидлар барпо қилиб, хайру саховат ишларида ҳамжиҳат бўлиб, дўстлар билан дийдорлашиб, уй-ҳовлиларни тартибга келтириб, фақир-ожизларга ёрдам бериб, ўзларининг bekorchiliq «касбларини» мана шундай ишлар учун бўшатиб беришлари айни муддаодир.

Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: «Ҳаётимдаги бор матлабим – қазо ва қадарга кўнишдан иборат».

Айтдиларки, икки чорпойдан қайси бирининг устида кетаётганимнинг фарқи йўқ. Камбағаллик устида бўлсам сабр қиласман, бойлик устида бўлсам – шукр.

Абу Зуайб ал-Ҳазлийнинг бир йилда саккиз ўғли вабо касали билан вафот этди. Шунда у Парвардигорининг қазосига таслим бўлди ва шуларни айтди:

Замон ишидан кўнглим бузилмас,
Сабрим қалбим учун таскин берар.
Тақдир ўз тирноғин санчганида,
Тақиб олган қайси тумор вафо қиласар.

Ибн Аббос кўзи ожиз бўлганида ўзига ўзи тасалли бериб деди:

Гарчи Оллоҳ кўзларимнинг нурин олса-да,
Қалбимдадир ўша нурлар, ўша кўзлар.
Қалбим хушёр, ақлим менинг расодир,
Оғзимдадир қилич каби кескир сўзлар.

Бу гарчи озгинаси кетса-да, инсонга берилган кўп неъматлар билан қаноат қилиш демакдир.

Урва ибн Зубайрнинг оёғи синган кунда ўғли вафот этди. Шунда Урва: Оллоҳим Сенга ҳамд бўлсин, олсанг бергувчи Ўзингсан, имтиҳон қилсанг саломат қилгувчи ҳам Ўзингдирсан. Менга тўрт аъзо бериб эдинг, бит-тасини қайтариб олдинг, тўрт фарзанд берган эдинг бирини олдинг. «**Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб** (дерлар): «(Оллоҳ Йўлида меҳнат-машаққатларга) **сабр-тоқат қилиб ўтганингиз сабабли** (энди бу жаннатларда) **сизларга тинчлик-осойишталик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши!**». (Раъд сураси, 23-24-оятлар)

Дурайднинг укаси Абдуллоҳ ибн Симма жангда ўлдирилди. Дурайд ўз укасини қўлидан келганича ҳимоя қилганини эслаб, ўзини ўзи овутди. Тақдир учун ҳийла қилиб бўлмаслигини англади.

Неча марта ўлимдан қўрқдик, лекин ўлмадик.

Неча марта шу нихоя деб ўйладик,

Кейин эса у янгитдан тикланиш,

Кувват, давомийлик эканлигин англадик.

Неча марта йўлимиз тор бўлди, арқонимиз узилди, юзимиизда уфқлар зулмат босди, кейин билсак, у ғалаба ва яхшилик бўлиб чиқди.

Неча марта йўлимиз қоронғулашди, кенг Ер бизга торлик қилиб қолди, кейин билсак, у эзгулик, фаровонлик экан.

Ином ибн Таймийя айтади: «Ла ҳавла ва ла қуввата»ни айтиш билан юклар енгиллашади, даҳшатлар тин олади, улуғликка етилади.

Эй банда, сен ҳам шу сўзларни айтгин! Зеро, у жаннат хазиналаридан бир хазинадир, роҳат йўлидир, қалб шодлигиdir.

Истиғфор – қулфларни очар

Ибн Таймийя айтади: «Менга бирор масала қийин бўлиб қолса, Оллоҳга минг марта ёки ундан кўпроқ ёки озроқ истиғфор айтаман, шунда Оллоҳ ўша қийин масала ечилишини осон қиласди.

Ҳадисда айтилишича: **«Оллоҳ бандасига ёзган ҳар бир қазо бандаси учун яхшилиkdir»**. Ибн Таймийядан сўралди: «Ҳатто маъсият ҳам яхшилик бўладими? У: «Ҳа, агар ундан кейин тавба, надомат, истиғфор ва хокисорлик – синиқлик бўлса», – деб жавоб берди.

Тарих гувоҳ бўлган улуғларга лолман. Улар мусибатларни, гўё раҳмат ёмғирларининг томчилариdek, хуш насим сасидек қабул қилгандар. Халқлар саййиди бўлган зот – Расулуллоҳ соллаллоҳу алаҳи васаллам ҳижрат йўлида юртидан қувилган, ҳайдалган ҳолда одамлар кўзидан беркиниб кетар экан, ортларидан қувиб келган Суроқага (етиб олгач, отининг оёқлари ерга ботиб қолган. Ўшанда Суроқа Оллоҳнинг қудратига тан бериб, ёмон ниятидан қайтиб, Исломга кирган) Кисро билагузугига эга бўлишини башорат берган.

Уҳуд жангига қатл ва жароҳатлардан кейин саҳобаларига: «**Парвардигоримга сано айтиш учун ортимда саф тортинглар**», деди. Бу, Сурайё юлдузини бўйсиндирувчи Набавий шижаат, тоғларни титратгувчи Набавий қатъийликдир.

Арабнинг ҳалим кишиларидан бўлмиш Қайс ибн Осим ал-Минқарий қавмига бир қиссани сўзлаб берар вақтида ёнига бир киши келиб: «Фалончининг фарзанди ўғлингни ўлдирди», – деди. Шунда у қиссанини давом эттираверди, ниҳоялагандан сўнг ҳалиги одамга: «Ўғлимни ювиб, кафланлантар, кейин менга ижозат берсанглар, жанозасини ўқиб келаман», – деди.

Саодатни яратувчилар

Термизий ривоят қилган ҳадисда айтилади: «*Ким ўз уйида хотиржам, тани саломат ҳолда тунни ўтказса, ўзининг бир кунлик емиши ҳам бўлса дунё тўлалигича уники бўлибди*».

Маъноси: озиқ-овқати, ётадиган тинч жойи бор одам – энг гўзал саодатга, катта яхшиликларга ва кўп

инсонлар мана шундай саодатга эгадирлар, лекин улар буни билмайдилар, ҳис этмайдилар.

Оллоҳ субҳонаху ва таоло Ўз Расулига айтади: «**Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим**». (Моида сураси, 3-оят). Қайси неъмат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга комил бўлган эди? Озиқовқатми, қасрларми ёки олтин-кумуш неъматими? Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг ҳеч қайсисига эга эмас эдилар-ку? У зот шифтлари хурмо дарахтининг шохларидан қилинган, лойдан курилган биргина хонада ҳаёт кечирар эдилар. Очликни даф қиласар, деб икки тошни қорнига боғлаб олар, хурмо дарахтининг барглари тўлдирилган ёстиқقا суюниб ўтирасар эдилар. У зот ўзларининг совутларини бир яхудийга ўттиз соъ арпа учун гаровга бердилар.

Мансаб кулфати

Мансаб – ҳаёт машаққатларидан бири.

Мансаб солиғи жуда қимматдир. У обрўни, соғлиқни, роҳатни кетказар.

Хўп, дунё барча нарсалар билан сенга келди, дейлик, сен қаерга кетмоқчисан, фонийликками? «**Буюклик ва қарам Соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг Юзи – Ўзигина боқий мангу қолур**». (Ар-Роҳман сураси, 27-оят)

Улуғлардан бири ўз ўғлига насиҳат қилиб деди: «**Ўғлим, ҳеч қачон бош бўлишга интилма, чунки бош кўп оғриқ азобини чекур**».

Яъни, ҳар доим энг бошида, марказда бўлишликка муҳаббат қўймагин, чунки зарба ва ҳақоратларнинг барчаси ана ўша пешқадамларга тегур.

Намозга келинглар!

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиши билан (Мендан) мадад сўранглар!». (Бақара сураси, 153-оят).

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бирор бир иш ташвишга солса, дарҳол намозга шошилар эдилар.

У зот муаззинлари Билолга: «Бизларни намоз билан роҳатлантири», дер эдилар.

Яна у зот: **«Намоз мен учун кўзим шодлиги қилинди»**, дедилар.

Қалб сиқилса, иш қийинлашса, макр кўпайса, масжидга шошил, намоз ўқи. Кунларни зулмат қопласа, кечалар ихтилофга ботса, дўстлар бегоналашса ўзинга намозни лозим тут.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр, Аҳзоб жанглари каби муҳим, буюк ишларда қалбларини намоз билан ёзар эдилар.

Ибн Асокир ва Иб Қоййим айтадилар: «Солиҳ қишилардан бири Шом шаҳрининг йўлларидан бирида қароқчига йўлиқди, қароқчи уни ўлдиришга шай бўлганини кўрган солиҳ banda ундан икки ракаъат намоз ўқиб олиш учун изн сўради. Изн берилгач, туриб намоз бошлади ва Оллоҳ таолонинг: **«Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиласиган ва (унинг) мушкулини осон қиласиган ҳамда сизларни Ернинг халифа-эгалари қиласиган Зотми?!».** (Намл сураси, 62-оят), оятини уч бор такрорлаб ўқиди. Шунда осмондан бир фаришта қуроли билан тушиб, ҳалиги қароқчини ўлдирди ва: «Мен мана бу оятнинг вакилиман», – деб айтди. **«Аҳли-умматингизни намоз ўқишига буюринг ва ўзингиз**



ҳам (намоз ўқишида) чидамли бўлинг!..». (Тоҳа сураси, 132-оят). «...Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур...». (Анкабут сураси, 45-оят). «...Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди». (Нисо сураси, 103-оят)

Куръон – Муборак Китоб

Оллоҳнинг Китобини диққат-эътибор ва тафаккур билан ўқимоқ, саодат ва қалб шодлигининг сабабла-ридандир. Оллоҳ таоло Ўз Китобини қалбларга ҳидоят, нур ва шифо, деб сифатлаган ҳамда унга раҳмат деб таъриф берган: «Эй инсонлар, сизларга Парвардиго-рингиз томонидан панд-насиҳат, дилларингизда-ги (бузуқ эътиқодлардан иборат) нарсаларга шифо ва мўминларга ҳидоят ва раҳмат (яъни, Куръон) келди». (Юнус сураси, 57-оят). «Ахир улар Куръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Балки дилларида қулфлари бордир, (шунинг учун у дилларга Куръон нури етмаётгандир)?!». (Муҳаммад сураси, 24-оят). «Ахир улар Куръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Оллоҳдан бошқа бирор томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?!» (Нисо сураси, 82-оят). «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, ушбу Куръон барча одамлар) оятлари-ни тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма – ибрат олишлари учун Биз Сизга нозил қилган бир муборак Китобдир». (Сод сураси, 29-оят)

Улуғлардан бири айтди: «Руҳимда Оллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган бир ғамни ҳис қилдим ва Куръонни олиб ўқий бошладим, шунда, багогоҳ мен ҳис қилган ғам аста мендан йироқлаша бошлади, Оллоҳ менга

ўша ғам ўрнига суур ва шодликни алмаштириди. «Ал-батта, бу Қуръон энг Түгри Йўлга ҳидоят қилур...». (Ал-Исро сураси, 9-оят). «(Эй Мұхаммад алайхиссалом), шундай қилиб (худди аввалги пайғамбарларга ваҳий қилганимиздек) **Биз Ўз амримиз билан Сизга Рухни - Куръонни ваҳий қилдик**».

И з о ҳ: Бу ўринда Оллоҳ таоло томонидан Қуръони карим «Рух» деб аталишига сабаб, жасад жон билан тирик бўлгани каби Диннинг руҳи жони Қуръондир. (Зухруф сураси, 52-оят)

Амирликдан дурадгорликкача

Халифанинг ўғли амир Али ибн ал-Маъмун ал-Аббосий ҳашаматли қасрда ҳаёт кечирап, мол-дунёси ҳам етарлича эди. У кунларнинг бирида қасрининг айвонига чиқиб, атрофни томоша қиласа экан, балоғоҳ, кун бўйи меҳнат қилаётган бир ишчига кўзи тушиб қолди. У чошгоҳ вақтида Дажла дарёсининг соҳилида икки ракат намоз ўқир, қуёш ботгач, ўз аҳли-оиласига қайтар эди. Бир кун амир уни чақиритириб, шу ҳақда сўраганида, у қарамоғида онаси, икки синглиси ва аёли борлигини, шуларни деб кун бўйи меҳнат қилишини, ишлаб топгани кунлик емишига етишини, ўзи эса ҳар куни рўза тутишини айтди. Амир ундан: «Бирор нарсадан етишмовчилигинг борми?» – деб сўради. Шунда у: «Оллоҳга шукр, ҳеч қандай камчилигим йўқ», деб жавоб берди. Амир шу кундан эътиборан қасрни, амирликни тарқ этди, Оллоҳга муҳаббат қўйди ва боши оққан тарафга кетди. Бир неча йилдан сўнг Хуросон томонда дурадгорчилик қилаётгани, кейин эса ўша жойда вафот этгани маълум бўлди. Чунки у амирликда топмаган баҳтни мана шу оддий бир касбда топган

эди. «Ҳидоят топган – Тўғри Йўлга юрган зотларга эса (Оллоҳ) яна ҳидоятни зиёда қилур ва тақво ато этур, (яъни, уларга ҳаромдан парҳез қилиш йўлларини кўрсатур)». (Муҳаммад сураси, 17-оят)

Бу ҳолат менга асҳоби Каҳф қисссасини эслатади. Улар ҳам подшоҳ билан қасрда яшар эдилар, лекин улар у ерда торлик, тарқоқлик, изтироб борлигини сездилар. Зеро, куфр қасрларни маскан тутар. Улар қасрдан кетар ҷоғларида бир-бирларига дедилар: «(Йигитлар!) Модомики, сизлар улардан (мушриклардан) ва Оллоҳдан ўзга – улар сиғинаётган нарсалардан четланган – юз ўтирган экансизлар, энди (Ёлғиз Парвардигорингиз – Оллоҳнинг Ўзига ибодат қилиш учун) ғорга паноҳ топиб борингиз. Парвардигорингиз сизларга Ўз раҳмат-марҳаматини кенг – сероб қилур ва сизларнинг ишларингизни ўнглар». (Каҳф сураси, 16-оят)

Аҳмоқлар билан лаҳзалар

«Рисола» номли мажаллада Зайётнинг коммунистлар ҳақида айтган ажиб сўzlари – гўзал мақоласи чоп этилган. Воқеа бундай бўлган: Коммунистлар ўз фазо кемаларини ойга чиқаради, ортга қайтгач, кемадаги тадқиқотчилардан бири Россиянинг «Правда» номли газетасида бир мақола чоп этади, унда шундай дейилади: «Бизлар осмонга қўтариilar эканмиз, у ерда ҳеч қандай илоҳни, жаннат, дўзах ёки фаришталарни кўрмадик». Буларни ўқиган Зайёт бир мақола ёзиб, ўша мақолада шу сўзларни айтади: «Сизлар қип-қизил аҳмоқ экансизлар-ку, сизлар осмонда Парвардигорни «Ўз Аршида ўтирганини кўрамиз», деб ўйлаганмидинглар ёки жаннатда оху кўз ҳурларни ипак матоларга бурканган ҳолда юришини кўрмоқчимидинг-

лар, балки Кавсар булоғини шилдираган овозини әшитмоқчи, дүзахда азобланаётганларнинг бўйини ҳидламоқчимидингиз. Агар шундай ўйлаган бўлсанглар, бу ҳаётингизда қаттиқ зиён тортурсизлар. Мен сизларнинг бундай залолат ва ҳамоқатда эканингларга бошингларга қўниб олган дахрийлик, худосизлик қасалидан ўзгасини сабаб қилиб қўрсата олмайман. Албатта, худосизлик келажаги йўқ бир кундир, осмони йўқ ердир, хотимаси йўқ амалдир, натижаси йўқ саъй-ҳаракатдир». «Ёки Сиз уларнинг кўпларини (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар, деб ўйлайсизми?! (Ундоқ эмас, зеро), улар (Ҳақни англамасликларида) ҳеч нарса эмаслар, магар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Йўқ, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир!». (Фурқон сураси, 44-оят). «Уларнинг диллари бору - англай олмайдилар, кўзлари бору - кўра олмайдилар, қулоқлари бору - эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмликда чорвалардан ҳам) адашганроқдирлар. Ана ўшалар ғафлатда қолган кимсалардир». (Аъроф сураси, 179-оят). «...Кимни Оллоҳ хор қилиб қўйса, бас, уни (ҳеч ким) азиз қилгувчи бўлмас...». (Ҳаж сураси, 18-оят). «Коғир бўлган кимсаларнинг қилган амаллари эса сахродаги саробга ўхшайди. Ташна одам уни сув деб ўйлар, то қачон унинг олдига келгач, ҳеч нарса эмаслигини кўрур ва Оллоҳни унинг (яъни, қилган амалининг) олдида топур. Бас, У Зот унинг ҳисобкитобини комил қилур. Оллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчиidir». (Нур сураси, 39-оят). «Парвардигорларига коғир бўлган кимсалар қилган амалларининг мисоли худди бўронли кунда қаттиқ ша-

мол учирив кетган қулга ўхшайди – улар қилган амалларидан бирон фойдага эга бўйлмайдилар. Бу узоқ – қаттиқ йўлдан озишдир». (Иброҳим сураси, 18-оят)

Худосизлик – мафкурага берилган қақшатқич зарбадир. Уларнинг қилиқлари гўё ақлсиз гўдаклар оламини эслатади. Бу эса бутун тарих гувоҳ бўлган энг буюк хатодир. Оллоҳ таоло айтади: «...**Осмонлар ва Ернинг Яратувчиси бўлмиш Оллоҳ**(нинг борлиги ва бирлиги) **хусусида шак-шубҳа бўлиши мумкинми?!**» (Иброҳим сураси, 10-оят)

Яъни бу ишда шак-шубҳа йўқдир. Бу зоҳирдир. Ибн Таймийя айтади: «Яратгувчи бўлган Оллоҳни фақат Фиръавнгина инкор қилган эди. Ваҳоланки, у ичичидан Оллоҳнинг Ёлғиз Худо эканлигини тан олар эди. Мусо Фиръавнга деди: «(Мусо) деди: «(Эй Фиръавн), сен анави очиқ-равшан (мўъжизаларни) фақат осмонлар ва Ернинг Парвардигоригина ҳужжат қилиб нозил қилганини аниқ билурсан. Ҳеч шубҳа йўқки, эй Фиръавн, мен сени ҳалок қилингувчи, деб ўйламоқдаман». (Ал-Исро сураси, 102-оят). Фиръавн иш охирида қалbidаги нарсани ташқарига чиқарди: «Энди унга (Фиръавнга денгизда) ғарқ бўлиш (пайти) етганида эса, у деди: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар бани Исроил келтирган Зот – Оллоҳгина борлигига иймон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман – Оллоҳга бўйинсунувчилардандирман». (Юнус сураси, 90-оят)

Метин ирода

Бир мусулмон талаба Ғарб шаҳарларидан бири – Лондонда таҳсил олар, Британиядаги кофир оиласида

ижарада турар эди. Талаба диндор бўлиб, эрта тонгда уйғониб, сув жўмрагининг олдига бориб, сув совуқ бўлишига қарамай, таҳорат олар, сўнгра ўз хонасиға кириб, Парвардигорига рукуъ, саждалар қилиб, ҳамд, тасбеҳлар айтиб, намоз ўқир эди. Ўша хонадон эгаларидан бўлган бир кампир талабанинг хатти-ҳаракатларини кўп таъқиб қилди ва ниҳоят ундан нима қилаётгани ҳақида сўради.

– Диним менга шундай қилишни буюрган, – деди талаба. Шунда кампир:

– Ширин уйқунгни бузмай, шу ишингни кейинроқ-қа сурсанг бўлмайдими? – деди. Талаба бунга жавобан:

– Агар намозимни ўз вақтидан кечиктирсам, бу ибодатимни Парвардигорим мендан қабул қилмайди, – деди. Буни эшитган кампир бошини силкитиб:

– Ирода темирни ҳам синдирап экан, – деди.

Ҳа, у – иймон иродаси эди, ишонч қуввати эди, тавҳид ҳукмронлиги эди. Бу шундай иродаки, Фиръавнинг сеҳргарларига илҳом берди. Улар Фиръавн билан Мусо ўртасида жаҳон уруши кетаётган бир пайтда бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Оллоҳга иймон келтирдилар ва Фиръавнга шундай дедилар: **«Улар дедилар: «Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ ҳужжат-мўъжизаларни ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиласидиган ҳукмингни қилавер. Сен фақат мана шу ҳаёти дунёдагина ҳукм қилурсан».** (Тоҳа сураси, 72-оят).

Ҳабиб ибн Зайд Мусайлама каззобни тавҳидга даъват қилди. Мусайлама уни қилич билан чавақлай бошлади. Ҳабиб инграмади, фарёд ҳам урмади, тебранмади ҳам ва Парвардигорига шаҳид ҳолда йўлиқди.

«Оллоҳга ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар - ана ўшалар Парвардигорлари хузурида сиддиқлар (яъни жуда ростгўй зотлар) ва шаҳидлар (мақомида)дир. Улар учун (Охиратда) ажр-мукофотлари ва (Қиёмат кунида уларнинг йўлларини ёритиб борадиган) нурлари (бўлур)». (Ҳадид сураси, 19-оят)

Кечалари қиёмда бўлмоқ нафсни саодатли қилади, дилни ёритади.

Саҳиҳ ҳадисда айтилади: «*Тунда туриб, Оллоҳни эслаб, таҳорат олиб, намоз ўқиган банда руҳи пок, гайратли инсонга айланади*». «Улар кечадан озгина (Фурсатгина) кўз юмар эдилар». (Ваз-Зориёт сураси, 17-оят). «**Кечанинг** (бир қисмида) **уйғониб, ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўқинг!..**». (Ал-Исро сураси, 79-оят)

Тунги намоз тандаги дардни кеткизади, Абу Довуддан шу тўғрида саҳиҳ ҳадис ривоят қилинган: «**Эй Оллоҳнинг бандаси, сен тунда турса ҳам намоз ўқимайдиган кимсага ўхшама**». «**Тунда туриб намоз ўқиган банда яхши бандадир**».

Ўтган нарсаларга афсус чекма, бу ҳаётдаги ҳар бир нарса фонийдир, фақат Оллоҳнинг Юзигина абадийдир. «**Барча нарса ҳалок бўлгувчи**дир, магар Унинг Юзи - Ўзигина (мангудир)». (Қасас сураси, 88-оят). «(Ер) юзидаги барча жонзот фонийдир. Буюклик ва қарам Соҳиби бўлган Парвардигорингизнинг Юзи - Ўзигина боқий мангу қолур». (Ар-Роҳман сураси, 26-27-оятлар)

Йўқотган дунёсига афсус чеккан инсон, худди ўйинчоғини йўқотгани учун йиғлаётган гўдакка ўхшар.

Ҳақиқий мұхаббат

Бахтли бўлмоқ учун Оллоҳнинг яқини, ҳабиби бўлгин. Албатта, Оллоҳга бўлган муҳаббатни ўзларининг буюқ мақсад ва ғоясига айлантирган кишилар саодат-лидирлар.

Дерларким: «Инсонлар Оллоҳни севурлар, деган сўздан эмас, балки Оллоҳ бандаларини севур, сўзидан ажабланиш лозимдир. Оллоҳ бандаларини яратиб, уларга ризқ бериб, иноят қилиб, яна уларни яхши ҳам кўрар. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), айтинг: «Агар сизлар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. (Шунда) Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласди. Оллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, Мехрибондир». (Оли Имрон сураси, 31-оят)

Саҳобалардан бири «Ихлос» сурасини севиб ўқир, намозининг ҳар ракатида уни қайтарар, тили доим шу сура билан банд бўлар, у билан қалбини таъсирлантирадар, ўз ҳиссиётларини шу сурани тиловат қилиш билан уйғотар эди. Ана шу саҳобага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам деди: «**Бу ишиңг сени жаннатга олиб киради**».

Мажнунни Лайлого бўлган муҳаббати ўлдирган бўлса, Қорунни мол-дунёга, Фиръавнни мансабга бўлган муҳаббат ўлдирди. Ҳамза, Жаъфар, Ҳанзала эса Оллоҳга, Унинг Расулига бўлган муҳаббатлари сабаб ўлдирилдилар. Бу икки томон орасидаги масофа нақадар узоқ.

Ошиқликдан эҳтиёт бўл

Тасаввурга ошиқ бўлишдан ўзингни асра. Чунки у нақд қайғу, доимий аламдир. Шоирларнинг оҳ-воҳ-

ларидан, уларнинг ошиқликлари, ақлсизликларидан, хижрон азобларию васл ва фироқ шикоятларидан узоқ бўлиш – мусулмон кишининг саодатидир. Бундай мажнунларнинг қалби бўш бўлур. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), ҳавоий нафсини ўзига «иллоҳ» қилиб олган ва Оллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб, қулоқ ва қўнглини муҳрлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз?». (Жосия сураси, 23-оят)

Ишқ сабаблари:

1. Қалбнинг Оллоҳ субҳонаху ва таолога бўлган муҳаббатдан, зикрдан, шукр ва ибодатдан холилиги.
2. Кўзга эрк бермоқ. Зеро, кўз қалбга ғам-андуҳларни тортувчи даракчидир. «Қарамоқ шайтон ўқларидан бир ўқдир».
3. Оллоҳга дуо-илтижо қилишда ва нафл ибодатларда сусткашлик қилмоқ. «Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур». (Анкабут сураси, 45-оят)

Ишқнинг давоси эса ушбулардир:

1. Ибодат остонасига бош урмок.
2. Кўзни тийиш, авратни сақламоқ. «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!». (Нур сураси, 30-оят).
3. Қалби унга боғланган кимсанинг диёридан бош олиб кетмоқ.
4. Яхши амаллар билан машғул бўлмоқ.
5. Шаръий никоҳ: «Унинг оятларидан (яна бири) – У Зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Ал-

батта, бунда тафаккур қиласынан қавм үчүн оят-ибратлар бордир». (Рум сураси, 21-оят)

Түрт нарсадан сақланғын:

Түрт нарса қашшоқ турмушни, заиф хотирани, тор қалбни мерос қолдиради:

1. Оллоҳнинг қазойи қадарига норозилик билдириш.
2. Гуноҳ қилиб, тавба қилмаслик.
3. Инсонларга гина сақлаш, улардан ўч олишга интилмоқ ҳамда Оллоҳ бошқаларга берган фазлмарҳаматга ҳасад қилмоқ. Ҳадис: «Ҳасадчининг роҳати йўқдир».
4. Оллоҳнинг зикридан юз ўгирмоқ. «Ким Менинг Эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта, унинг учун танг – баҳтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни Қиёмат куни кўр ҳолда тирилтирурмиз». (Тоҳа сураси, 124-оят)

Тарихингни ўз қўлинг билан ёзгин

Шиддатли иссиқ пайтида, пешин намозидан бир соатча аввал Ҳарамда ўтирас эканман, ёши улуғ бир киши туриб, қўлларида икки идишни ушлаб, одамларга совуқ замзам сувини улаша бошлади, идиши бўшагач, яна тўлдириб келиб қолганларга берар эди, шундай қилиб бир жамоа одамларни замзам суви билан меҳмон қилгунча терга ботди. Одамлар эса ана шу мўйсафиднинг қўлидан замзамни ичишлик учун ўз навбатларини кутиб ўтирас эдилар. Мен бу ҳолатни кузатар эканман, бу ёши улуғ инсоннинг сабр-бардошига, одамларга яхшилик қилишни яхши кўришига, уларга

сув улашар чоғида юзидағи табассумдан ҳайратландим ва билдимки, яхшилик қилиш – Оллоҳ осон қилган кишиларга осон экан. Яна Оллоҳ Ўзининг эҳсондан иборат хазинасидан хоҳлаган бандаларига беришини, оз бўлса-да Оллоҳнинг бандаларига яхшиликни истаб, уларга ёмонликни рано кўрмайдиган, танлаб олинган инсонларнинг қўлларида йўз фазилатларини жорий қилиб қўйишини англадим.

Абу Бакр ҳижрат пайтида Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиш учун жонини хатарга кўйди.

Умар одамлар ширин уйқудалик пайтида шаҳар айланиб, халқининг ҳолидан хабар олди. Қаттиқ қаҳатчилик йилида одамларни тўйдирish учун очликдан эгилиб-букилди.

Ҳотам меҳмонларни тўйдирish учун ўзи оч ҳолда тонг оттирди.

Абу Убайда мусулмон аскарларнинг роҳати учун тунни бедор ўтказди.

Абу Толҳа Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиш учун ўзини ўққа тутди.

Ибнул Муборак рўзадор ҳолида одамларга таом улашди.

Улар юлдуз, балки ундан-да аъло,
Ёришган тонг каби гўзал бир маъно.

Гўзал ҳаёт тушунчаси

Инглиз адилларидан бири айтади: «Сен турмада – темир панжара ортида туриб, уфққа тикилиб, чўнтағингдан бир гул олиб, ҳидлаб, табассум қилишга

қодирсан. Шу билан бирга сен қасрда – кимхоб, ипак матоларга ўралган ҳолда жаҳл қилиб, ғазабланиб, уй-ингдан, ахли-оилангдан зарда қилиб чиқиб кетишга ҳам қодирдирсан».

Демак саодат замон ёки маконга эмас, балки иймонга, қалбга, ҳисоб-китоб Эгасига тоат қилишга боғлиқ экан.

Қалб – Парвардигор назар қиладиган жой. Агар ўша жойга иймон ўрнашса – саодат қайта жонланади. Рух нафсларни қувонч-шодликка тўлдиради.

Аҳмад ибн Ҳанбал саодатли ҳаёт кечирди. Унинг ўз қўли билан тиккан, оқ рангли, ямалган кийими бўлиб, унинг оёқ кийими ўн етти йил давомида йиртилиб ямалган эди. Лойдан қурилган уч хонали уйида яшар, ейиш учун топгани ёғ билан бир бўлак нон эди. Бир ойда бир марта гўшт ер, аксар кунларда рўза тутар эди. Бир ҳадисни ўрганиш учун дунёни айланиб чиқар эди. Лекин у зот роҳат, тинчлик, сакинат ва хотиржамликни топган эди. Чунки у событқадам, олийҳиммат, натижадан боҳабар, савоб истовчи, ажр изловчи, Охират учун ишлаган, жаннат талабгори бўлган зот эди.

Аммо унинг замонидаги «дунёга ҳоким бўлган» халифалар – Маъмун, Восик, Муътасим, Мутаваккиларнинг қасрлари, олтин-кумушлари, аскар, туғ-байроқлари, нишонлари, ер-мулклари, истаган нарсалари муҳайё бўлишига қарамасдан улар ғам-ташвишда, алам билан, хавотирликда, қўзғолон, шовқин-сурон, ғала-ғовурда ҳаёт кечирдилар. Ҳатто уларнинг баъзилари ўлим мастикларида Оллоҳ берган имкониятлардан фойдаланмай, ўтказган кунларини эслаб оҳурдилар.

**«Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим
бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана
шундай ушлар. Унинг ушлаши –
азоби аламли ва қаттиқ»**

Банданинг бахтсизлиги, оёғи тойилиши, обрўси тушишига сабаб, унинг Оллоҳ бандаларига қилган зулми, уларнинг ҳақларини ейиши, бечораҳолларга зуғум қилмоқлигидир.

Хукамолардан бири деди: «Сенга қарши Оллоҳдан ўзга ёрдамчи топа олмаган кимсадан қўрққин».

Дарҳақиқат, тарих бизларга зулмнинг оқибатлари қандай кечиши ҳақида тирик мисолларни қолдирган:

Омир ибн Туфайл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳийла қилиб, у зотга нисбатан хоинликни режалаштирган бир пайтда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни дуоибад қилди ва Оллоҳ унга томоқ бези дардини берди, у ўша дарди билан аламдан қичқириганча ўлди.

Урайд ибн Қайс Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озор бериб, у зотга суиқасд қилиш тадбирида қатнашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қарғади ва Оллоҳ чақмоқ юбориб, уни туси билан ёндириб юборди.

Ҳажжож Сайд ибн Жубайрни ўлдиришидан бир оз аввал Сайд уни шундай деб дуоибад қилди: «Оллоҳим, Ҳажжожни мендан кейин бирортасига ҳукмрон қилмагин». Шундан сўнг унинг қўлида чипқон яраси пайдо бўлди, кейин у бутун баданига тарқади ва ҳўкиз каби ўкириб, ачинарли ҳолда ўлди.

Суфёни Саврий Абу Жаъфар ал-Мансурдан қўрқиб, ундан беркинди. Абу Жаъфар Маккани – Ҳарамни кўзлаб йўлга чиқди. Ҳарам ичкарисида турган Суфён Каъба пўшти ортига беркиниб, Оллоҳ азза ва жалладан Абу Жаъфар унинг уйига кирмаслигини сўраб дуо қилди. Абу Жаъфар Маккага кираверишдаги Маймун кудуғи олдида жон берди.

Аҳмад ибн абу Довуд ал-Қозий ал-Мұтазилий Аҳмад ибн Ҳанбалга озор беришда иштирок этганлиги сабаб Аҳмад ибн Ҳанбал уни дуоибад қилди ва Оллоҳ унга фалаж дардини берди. У золим айтади: Агар танамнинг бир томонига пашша қўнгудек бўлса, Қиёмат қойим бўлгандек туйилади менга, агар қолган ярмини қайчи билан қийиб ташласалар ҳам ҳеч нарсани сезмайман.

Ерда энг кўп зулм, бузғунчилик қилганлардан бири Абдуносир қўмондонларидан Салоҳ Наср бўлиб, ўндан ортиқ узоқ давом этадиган, аламли дардга мубтало бўлди ва ҳайтинга бир неча йилини баҳтсизликда ўтказди. Табиблар унга ҳеч қандай даво топа олишмади, ҳатто у ўзи хизматини қилган доҳийларининг қамоқҳоналарида маҳбус ҳолатда вафот этди.

«Улар юртларида ҳадларидан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азобофатни ёғдирди!». (Фажр сураси, 11-12-13-оятлар)

Хурсоннинг солиҳ кишиларидан бирининг пули ўғирланди. Солиҳ кишини йиғлаётганини кўрган Фузайл, йиғлама, деб уни овутди. Шунда ҳалиги солиҳ бандада: «Оллоҳ мана бу ўғри билан иккимизни Қиёмат куни

жамлайди. Ўша Кунда ана у ўғрига раҳмат бўлсин, деб йиғлаяпман», деди.

Йўқ бўлувчи шуҳрат

Ҳақиқий саодат доимий ва комил бўлганидир. Унинг давомийлиги дунёда ҳам Охиратда ҳам, гайбу шаҳодатда, бугун ва эртанги кунда бўлса, комиллиги эса уни ҳеч қандай омадсизлик заҳарлай олмаслиги, унинг яхшиликдан иборат юзи бирор бир норозилик сабаб тимдаланмаслигидир.

Ироқ подшоҳи Нўймон ибн Мунзир дараҳт остида хордиқ чиқарганча шароб ичиб ўтирас экан, ўша ерда турган ҳакимлардан бўлган Адий ибн Зайд унга бир сўз билан насиҳат қилмоқчи бўлиб деди: «Шоҳим, мана бу дараҳт нима деяётганини биласизми?». Подшоҳ: «Нима деяпти?» – деб сўради. Адий шундай жавоб бе-рибди: У:

«Қанча карвон олдимиизда бир муддат тўхтаб,
Зилол сувга шароб қўшиб ичдилар.
Ҳолати ўзгарувчан, бевафо замон
Ўйинларин кўриб, қочиб кетдилар».

Буларни эшитган Нўймоннинг тинчи бузилди, ароқни тарқ этди ва ўлгунича қайғу-ҳасратда ўтди.

Руминия президенти йигирма икки йил ҳукмронлик қилди. Унинг хос соқчиларининг сони етмиш мингта эди. Охир-оқибат халқ унинг қасрини ўраб олди ва уни, аскарларини майда-майда қилиб парчалаб ташладилар. Дунёси ҳам, Охирати ҳам кетди.

Ҳукмдорлардан яна бири салтанатга ҳам, молдавлатга ҳам эга бўлди, аммо халқининг бошига турфа хил азобларни солди, уларга хорлик косасини тут-

ди. Сўнгра Оллоҳ таоло унга баҳтсизлик аламини тотдирди. У ўз шаҳаридан, аҳли-оиласидан, салтанатидан қувилди, бирор бир бошпана ҳам топа олмай баҳтсиз ҳолда ўлди, ҳатто унинг халқи уни ўз шаҳрига дағн эттирмадилар.

«Касал бўлган вақтимда Унинг ўзи менга шифо берур»

Бир олим айтади: «Заарларни камайтиromoқ фойдаларни кўпайтиришдан яхшироқдир». Яна айтади: «Қийин ишдан дангасалик қилишни ва тўйиб ебичишликни тарқ этиш билан саломатчилик давом этур».

Хукамолардан бири айтади: «Соғлиқни истаган кимса яхшилаб нонушта қилсин, покиза таом есин, сувни ташна бўлганда ва кам ичсин, кечки овқатдан сўнг юрсин, ҳожатга бормай туриб ухлашга ётмасин, овқатлангандан сўнг ҳаммомга кирмасин, ёзда бир марта ҳаммом қилиш қишдагидан ўн маротаба яхшидир.

Ҳорис айтади: «Боқийликни истаган киши – асли инсонга боқийлик йўқдир – эрта туриб, кеч ухласин, енгил кийинсин, аёллар билан яқинлашишни камайтирсин».

Тўрт нарса жисмни касал қиласи: «Кўп гап, кўп уйқу, кўп ейиш, кўп аёлларга яқин бўлмоқ». Кўп гап мия илигини камайтиради ва уни заифлаштиради, қаришни тезлаштиради. Кўп уйқу юзни сарғайтиради, қалбни кўр қиласи, кўзни қуригади. Кўп ейиш дангаса қиласи, кўполликни, оғир дардни келтириб чиқаради. Аёлларга кўп яқинлик қилиш танани кучдан қолдиради, заифлаштиради, бадан намлигини қуригади, асабларни бўшаштиради.

Тўрт нарса баданни вайрон қилади – ғам, қайғу, очлик, бедорлик.

Тўрт нарса кўзни қувонтиради – майсаларга, оқар сувга, маҳбубага ва меваларга қарамоқ.

Тўрт нарсада кўзни зулмат босади – ялангоёқ юришлик, югуриш, кўп йиғлаш, нозик чизилган чизиқقا қараш.

Тўрт нарса жисмни кучли қилади – юмшоқ кийим кийиш, иссиқ-совуқлиги ўртача бўлган ҳаммом қабул қилиш, ширин ва ёғли таом ейиш, ширин ҳидни ҳидлаш.

Тўрт нарса юзни қуритади ва унинг сувини, шўхшодонлигини кеткизади – ёлғон сўзлаш, сурбетлик, кераксиз нарсани сўрайвериш, бузуқлик қилиш.

Тўрт нарса юзнинг гўзаллигини оширади – муруват, вафо, карам, тақво.

Тўрт нарса нафрат, ғазабни келтиради – кибр, ҳасад, ёлғон, чақимчилик.

Тўрт нарса ризқни кўпайтиради – кечалари туриш, саҳарларда истиғфорни кўп айтмоқ, садақа бериш, куннинг аввалида ҳам, охирида ҳам Оллоҳни зикр қилмоқ.

Тўрт нарса ризқни камайтиради – тонгда ухлаш, кам нафл намоз ўқимоқ, дангасалик, хиёнат.

Тўрт нарса фаҳм ва зеҳнга зарар қилади – ҳўл меваларни кўп ейишлик, чалқанча ётиб ухлаш, ғам ва қайғу.

Тўрт нарса фаҳмни зиёда қилади – қалбнинг кераксиз нарсалардан холилиги, емак-ичмакдан роҳат олишни камайтириш, ширин, ёғли таомларни тановул қилиш, бадандаги оғир, ошиқча нарсаларни чиқариб ташлаш.

Уч лавҳа

Заковатли инсонлардан бири ўз ишхонасининг де-ворига уч лавҳа осиб қўйди. Улардан бирига: «**Кун бу-гунингдир**», деб ёзилган. Яъни бугунинг ҳудудида ҳаёт кечир. Иккинчисига: «**Фикр қил, шукр қил**», деб ёзилган. Яъни Оллоҳнинг сенга берган неъматла-ри ҳақида фикр қил ва Унга шукр қил. Учинчисига эса: «**Ғазабланма**», деб ёзилган эди.

Бу уч насиҳат саодатнинг энг яқин ва осон йўлини кўрсатур. Сен ҳам ҳар куни унга қўзинг тушиши учун буларни кундалигиннга ёзиб қўйгин.

Сенинг қийматинг – иймон ва гўзал хулқинг

Бу киши фақир, камбағал эди. Устида увадаси чиқ-қан эски кийим, қорни оч, ялангоёқ, насл-насаби ҳам номаълум, унинг на обрўси, на мол-давлати, на аҳли-оиласи бор. Бошпана учун уйи ҳам, жиҳоз-анжоми ҳам йўқ. Подалар билан бирга умумий бўлган ҳовуздан ҳовучлаб сув олиб ичар, масжидда тонг оттирап эди. Ёстиғи, билаклари, тўшаги чўлу биёбон эди. Лекин у Парвардигорини зикр қиласар, У Зотнинг Китобини тиловат қиласар, намоз ва жиҳодларда биринчи саф-дан қолмас эди. Кунларнинг бирада у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнидан ўтиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз ис-мини айтиб чақириб, деди: «Эй Жулайб, уйланмайсанми?» У: «Ё Расулуллоҳ, менга ким ҳам тегади, мол-давлатим, обрўйим бўлмаса», – деди. Сўнгра иккинчи марта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан

рўбарў келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги савонни берди, у ҳам аввалги жавобни қайтарди. Учинчи марта ҳам шу ҳол такрор бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Жулайб, фалончи Ансорийнинг олдига бориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сизга салом айтди, менга қизингизни беришингизни сўради, деб айтгин», – деди. Бу Ансорий улуғ, хурматга сазовор оиласдан эди. Жулайб ана шу Ансорийнинг уйига бориб, дарвозасини тақиллатди ва уй эгасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзларни айтди. Ансорий унга: «Мендан ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтгин», – деди. Ва: «Сенинг ҳеч нарсанг бўлмаса, қандай қилиб сенга қизимни бераман?» – деди. Ансорийнинг аёли ҳам эрини гапини маъқуллади. Аммо уларнинг қизи Жулайбнинг гапини, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг топшириғини эшитиб, отасига деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг истакларини қайтармоқчимисизлар?! Йўқ, жоним қўлида бўлган зотга қасам (мен розиман)».

Муборак никоҳ, муборак зурриёт, Оллоҳдан қўрқиши ва Унинг ризолиги асосига қурилган обод хонадон ҳосил бўлди. Нидо қилувчи жиҳодга чақирганида Жулайб жангга ҳозир бўлди, ўз қўли билан етмиш кофирни ўлдирди, сўнгра ўзи ҳам Оллоҳнинг йўлида шаҳид бўлди. Парвардигоридан, Унинг элчиси Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи ва салламдан ҳамда ўзи ушланган йўлидан рози бўлган ҳолда тупроққа бош қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жангда ўлган курбонларни йўқотганида саҳобалар у зотга уларнинг исмларини айтишди ва гап орасида Жулайбнинг номи-

ни айтишни унудиши, чунки у таниқли, машхур эмас эди. Лекин Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жулайбни унумаган эди. У зот: «Лекин мен Жулайбни йўқотдим», деди.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни тупроққа беланган ҳолда топиб, юзидан чанг-тупроқни қоқиб: «Етмиш коғирни ўлдириб, ўзинг ҳам ўлдирилдинг. Сен – мендандирсан, мен эса сендан. Сен – мендандирсан, мен эса сендан. Сен – мендандирсан, мен эса сендан», деди. Мана бу Пайғамбар нишони Жулайб учун энг яхши туҳфа ва мукофот эди.

Жулайбнинг қиймати – унинг иймони, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унга бўлган муҳаббати ва ўзининг тутган йўли эди.

Унинг йўқчиллиги, камбағаллиги буюк шарафдан, улкан ажрдан қолдира олмади. Ҷарҳақиқат, у шаҳодат, ризо, икки дунё саодатига эга бўлган эди.

Оллоҳ бандаларига Мехрибондир

Риёз шаҳрида яшовчилардан бири мана бу воқеани айтиб берди:

Бу воқеа ҳижрий 1376 йили бўлиб ўтган. Жубайл аҳлидан бўлган денгизчилар денгиздан балиқ овламоқчи бўлиб, уч кеча-қундуз туриб бирорта ҳам балиқ овлай олмадилар. Ваҳоланки, улар беш вақт намозни канда қилишмас эди. Уларнинг ёнида яна бир жамоа бўлиб, улар намоз ўқишмас, пешоналари сажда кўрмаган эди, лекин улар денгиздан истаганча балиқни овлашар эди. Бу ҳолатни кўрган намозхон жамоа: «Субҳоналлоҳ, бизлар намозни вақтида адо қилсак ҳам бирорта балиқ овлай олмадик, анавилар эса намоз ўқимасалар ҳам овлари бароридан келяпти»,

дейишди ва шайтон уларга намозни ўқимасликни васваса қилди. Бас, улар бомдодни ўқимадилар, сўнгра пешинни, кейин асрни. Аср намозидан сўнг денгизга келиб, балиқ овладилар. Қорнини ёришиб, ичидан қимматбаҳо дурни топдилар. Улардан бири дурни олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб: «Субҳоналлоҳ, Оллоҳга итоат қилиб топмаган нарсани Унга осий бўлиб топдик, мана бундай бебаҳо нарсага эга бўлдик. Бу ерда бир сир борга ўхшайди», деди ва дурни денгизга отиб юбориб ҳамроҳларига деди: «Оллоҳ бунинг эвазига бошқа нарса берар. Оллоҳ номига қасамки, буни олмаймиз, чунки бизлар унга намозни тарк этганимиздан сўнг эришдик. Юринглар, бу жойдан кетамиз». Улар уч милча юриб тўхтадилар ва ўша жойга чодир тикиб, денгизга иккинчи марта тўр ташладилар ва тўрга илинган балиқни олиб қорнини ёришганида, унинг ичидан ҳалиги дур чиқди. Шунда барчалари: «Бизларга ҳалол ризқ берган Оллоҳга ҳамд бўлсин!», дедилар. Улар бунга намоз бошлаб, Оллоҳни зикр қилиб, Унга истиғфор айтганларидан сўнг эришдилар. Улар дурни ўзлари билан олиб қолдилар.

Қаранг, бир оз аввал – гуноҳкор пайтларида топгандар ҳаром ризқ эди. Оллоҳга итоат қилган пайтларида эса топгандар ҳалол ризққа айланди.

Бу Оллоҳнинг лутфидир. Ким бирор нарсани Оллоҳ учун тарк этса, Оллоҳ унга ундан ҳам яхшироғини эваз қилиб беради.

«У (одамлар ёғин-сочиндан) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва йўз раҳмат-баракотини кенг ёядиган Зотdir».

Обид бандалардан бири бошидан ўтган бир воқеани ҳикоя қиласи:

У ўз аҳли-оиласи билан саҳрода яшар, доимо Оллоҳни зикр қилиб, Үнга қайтгувчи – обид банда эди. У айтади: «Идишларимиздаги сувимиз тугаб қолди. Яна сув захира қилиб қўяй, деб борсам, кўл ҳам қуриб қолган экан. Шундан сўнг ўнгу сўлдан сув излай бошладим, лекин бир томчи ҳам топа олмадим. Ташна эдик, фарзандларимиз ҳам сувга муҳтоҷ әдилар. Шунда мен бандалариға яқин, дуоларини ижобат қилгувчи бўлган қудратли Парвардигоримни зикр қилдим. Туриб таяммум қилдим, қиблага юзланиб, икки ракат намоз ўқидим, сўнгра қўлимни дуога очиб йиғладим, кўз ёшларим ёноқларимдан оқиб тушар эди. Ишонч ва умид билан Оллоҳдан сўрадим ва У Зотнинг ушбу оятини ўқидим: «У (одамлар ёғин-сочиндан) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳмат-баракотини кенг ёядиган Зотдир. У ҳамду сано Эгаси бўлган Дўстдир». (Шўро сураси, 28-оят).

Ўрнимдан турар пайтимда осмонда бирорта булут йўқ эди. Шунда, баногоҳ бир булут саҳродаги мен турган жойнинг рўпарасига келиб турди, сўнг ёмғир ёғди. Атрофимизда, ўнгу сўлимизда кўлмак ҳосил бўлди. Ичдик, ювениб, таҳорат олдик ва Оллоҳ субҳонаху ва таолога ҳамдлар ўқидик. Сўнгра мен турган жойнинг орқа томонига ўтиб, у ернинг қурғоқ ҳолда эканлигини кўрдим. Шунда Оллоҳ таоло у сувни менинг дуойим сабабли мен учун ёғдирганлигини англадим. У Зотга ҳамду сано айтдим.

Оллоҳ унга яхшироғини эваз қилиб берди

Ибн Ражаб ва ундан бошқалар ҳам мана бу воқеани ҳикоя қилишади:

Обид бандалардан бўлган бир киши Маккада экан чоғида ҳеч вақоси қолмагани сабабли оч-наҳор қолиб, ўлар ҳолатга етди. Макка кўчаларидан бирида айланиб юрар экан ногаҳон ерда ётган қимматбаҳо маржонни босиб олиб, оёғи тойилиб кетди. Уни чўнтағига солиб, ҳарамга кирди. Ҳарамда бир киши ана шу марジョン ҳақида гапирав эди. Марジョンни топиб олган киши айтади: «У одам марジョンнинг тузилишларини тўғри айтди, менга бирор бир суюнчи берар, деган ниятда унга марジョンни бердим. У эса ҳеч нарсага қарамай, бир дирҳам ҳам бермасдан марジョンни олиб кетди. Шунда мен: «Оллоҳим, мен топиб олган нарса – марジョンни Сен учун тарк қилдим, менга бундан ҳам яхшироғини бергин», деб дуо қилдим.

Шундан сўнг денгизга бориб қайиқقا ўтиредим. Кучли шамол эсиб қайиқ ағдарилди, мен эса бир ёғочга миниб, оролга етиб келдим, у ерда масжид бор экан. Одамлар у ерда намоз ўқишаётганини кўриб мен ҳам улар билан бирга намоз ўқидим. Кейин ўша ерда Қуръон саҳифаларидан бир нечтасини топиб ўқий бошладим. Орол аҳли мендан: «Сен Қуръон ўқишни биласанми? – деб сўрашди. Мен: «Ха», – деб жавоб бердим. Улар: «Бизнинг фарзандларимизга ҳам Қуръон ўргатмайсанми?», – дейишди. Шундан сўнг мен уларнинг фарзандларига маош эвазига Қуръон ўқита бошладим. Хаттотлигимни кўришгач, фарзандларига хаттотликни ўргатишими сўрашди, маош эвазига уларга хаттотликни ҳам ўргата бошладим.

Орол аҳли менга: «Бу ерда яхши бир кишининг қизи борлигини, ота-онасидан эрта ажраганлигини ва уни ўз никоҳимга олишимни сўрашди. Мен розилик билдириб, унга уйландим. Тўй куни унинг олди-

га кирап эканман, бўйнида мен билган маржоннинг айни ўзини кўриб, ундан бу маржон ҳақида сўрадим. У кунларнинг бирида унинг отаси маржонни йўқотиб қўйганини, уни бир киши топиб олиб, унга топширганини, отаси ўша инсонни эслаб, намозда – сажда ҳолатида қизига ана шундай жуфти ҳалол беришини дуо қилиб сўраганини, айтиб берди. Унинг отаси айтган киши мен эдим».

Шундай қилиб маржон унга ҳалол ҳолда етиб келди, чунки у маржонни Оллоҳ учун тарк қилган эди, Оллоҳ унга ундан ҳам яхшироғини эваз қилиб берди.

Қимматли дақиқалар

Танувхий айтади: «Бағдод шаҳрининг вазирларидан бири бир кампир аёлнинг мулкига тажовуз қилди, унинг нарсаларини тортиб олиб, мол-мулкини мусодара қилиб юборди. Кампир унинг жабр-зулмидан шикоят қилиб, вазир олдига йиғлаб борди. Вазирнинг пинагини ҳам бузмаганини кўрган кампирнинг жаҳли чиқиб: «Мен сени дуоибад қиласман!», деди. Вазир истеҳзо билан кулиб деди: «Тун охирида ҳам дуоибад қилиш эсингдан чиқмасин!». У бу сўзларни жоҳиллиги ва мутакаббирлиги сабаб истеҳзо билан айтди. Кампир кетди, вазир айтганидек тун охирида ҳам уни дуоибад қилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай вазир ишидан четлатилди, мол-давлати тортиб олинди, ер-мулклари олиб қўйилди. Кейин одамларга қилган зулмлари сабаб таъзирини бериш мақсадида бозор ўртасида қамчиланди. Кампир собиқ вазирнинг ёнидан ўтиб кетар экан, унга қараб: «Тўғри айтган экансан, сен айтган туннинг охирги қисми энг яхши пайт экан», деди.

Туннинг охирги вақти бизнинг ҳаётимизда энг қимматли, вақтларимизнинг энг нафисидир. Парвардигор айтади: «**Сўровчи борми – ижобат қиласман, истиғфор айтганни мағфират қиласман, дуоларни қабул қиласман**».

Бир нечтамиз Абҳо шаҳридан Риёз шаҳрига учиш учун тайёрага ўтиридан. Ҳавога кўтарилиганимиздан сўнг тайёрамизда техник носозлик юзага келганлиги сабаб, Абҳо тайёрагоҳига қайта қўнишимиз кераклиги хабар қилинди. Қайтди. Имкон борича тайёрани тузатганларидан сўнг яна ҳавога кўтарилидик. Риёзга яқинлашганимизда тайёрамиз яна ўша носозлик сабаб ерга қўнишдан бош тортди ва бизларни Риёз осмонида тўла бир соат айлантириди. Неча марталаб ерга қўнишга ҳаракат қилиб, имкон қила олмади. Яна ҳавога кўтарилидик. Бу пайтда бизларни хавотир ўраб олган, аёллар йиғиси кўпая бошлаган, кўзёшлиар ёноқларга тушган эди. Бизлар ер билан осмон ўртасида кўз очиб юмишдан ҳам яқин турган ўлимни кутар эдик. Шунда мен барча нарсани эслаб, солиҳ амал каби эслашга арзигулик нарсани топмадим. Қалб Оллоҳ азза ва жаллага, Охират томонга отланар эди. Дунё кўзимизга арzon, бемаза бўлиб кўрина бошлаган эди. Бизлар дунёдан юз ўғирган эдик. Барчамиз шу сўзларни тилу дилимизда содиқ овоз билан такрорлар эдик: «**Шериги бўлмаган Ёлғиз Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. У барча нарсага Қодирдир**».

Ёши улуғ бир оқсоқол ўрнидан туриб Оллоҳга илтижо қилинглар, Унга дуо қилинглар, Ундан мағфират сўранглар, деб барчамизга хитоб қилди. Оллоҳ таоло

бундай инсонлар ҳақида йыл оятида айтади: «**Қачон улар кемага минсалар,** (ғарқ бўлишдан кўрқиб) **Оллоҳга, У Зот учун динни холис қилган ҳолларида** (яъни, чин ихлос билан) **дуо-илтижо қилурлар**». (Анкабут сураси, 65-оят)

Музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) **ижобат қиласидиган** Зотга дуолар қилдик, ҳеч қанча ўтмай ўн бир ё ўн иккинчи уринишда саломат ерга қўндик. Ерга қўнар эканмиз гўё қабрлардан қайтиб чиққандек эдик. Кўнгиллар ўз жойига келган, кўзёшлиар қуриган, юзларда табассум кўрина бошлаган эди. Оллоҳнинг лутфи қанчалар буюк».

«Қасийм» жаридаси мана бу воқеани ҳикоя қиласиди:

Бир ёш йигит сафар қилмоқчи бўлиб, онасига тайёра фалон соатда жўнашини, ўша вақтда уни уйғотиб қўйишини айтиб, ухлашга ётди. Онаизор эса об-ҳаво маълумотларидан бугун шамол туришини, ҳаво булатли эканлигини эшитган сабаб (у ерларда қумли бўронлар бўлар эди) ўғлини бундай ҳавода сафарга чиқишини истамаган, ёлғиз фарзандига раҳми келган она ўғлини уйғотмади, фавқулодда ҳодиса бўлишидан қўрқди, чунки бундай ҳавода сафар қилиб бўлмас эди. Сафар вақти ўтиб, тайёра учиб кетганига ишонч ҳосил қилгач, ўғлини уйғотиш учун ёнига борди ва уни ўз тўшагида ўлган ҳолатда топди. **«Айтинг: «Сизлар қочаётган бу ўлим, албатта, сизларга йўлиқкувчи дир. Сўнгра сизлар ғайбу шаҳодатни** (яъни, барча яширин ва ошкора нарса-амалларни) **Билгувчи** (Оллоҳ)га қайтариурсизлар. Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур!». (Жумъа сураси, 8-оят)

Баъзида жисм бир дард сабабли бошқа бир дардан фориғ бўлади

Бир киши фалаж дардига мубтало бўлиб, тўшакка михланиб қолди. Бир неча йилни зерикиш, умидсизлик, муваффақиятсизлик билан ўтказди. Табиблар уни даволашдан ожиз эканликларини унинг аҳли-оиласига ҳам тушунтирилар.

Кунларнинг бирида уйнинг шифтидан бир чаён тушиб кела бошлади. Бемор эса жойидан силжий олмас эди. Чаён bemornинг тепасига келиб, унинг бошига бир қанча зарба берди, бир неча бор нишурди. Шу онда фавқулодда ҳолат рўй берди – bemornинг оёқ учидан бошлаб бошигача бўлган танаси жонланди, унинг аъзоларида ҳаёт бошланаётган эди. Унинг жисмининг ҳар тарафида шифо, соғайишлик сайр қилиб юрар эди. Бемор бир сесканиб, гайратга кирди, аввал икки оёғида турди, кейин хонасида юра бошлади, кейин ўзи эшикни очиб, аҳли-оиласининг олдига келди. Улар кўзларига ишонмадилар, чақмоқ урган каби эсанкираб қолишиди. Кейин бўлган воқеадан хабар тошиди.

Табибларга шу ҳақида айтганимда, улар буни тасдиқлашди ва чаён вужудида заҳарли зардоб мавжуд бўлиб, кимёвий суюқлик вазифасини ўташини ва ўша суюқлик билан фалаж дарди муолажа қилинишини айтдилар.

Бу bemornи мана шу алфозда даволаган Зот нақадар Покдир.

Ҳар бир дардни ўз давоси билан туширган, бандаларига Мехрибон бўлган Зот нақадар Улуғдир.

Авлиёлар каромати

Тобеинлардан саналмиш, обид, зоҳид инсон – Сила ибн Ашим Оллоҳнинг йўлида жиҳод қилмоқ учун шимол тарафга йўлга чиқди. Кеч тушгач, намоз ўқиш учун бир ўрмонга кирди, дарахт ораларига юриб таҳорат олиб, намоз ўқий бошлади. Бу пайтда уни ваҳший бир шер таъқиб қиласар, намозда турган Силага тобора яқинлашиб келар, унинг атрофини айланар эди. Сила ибодатни давом эттирас, намозини бузмас эди. Икки ракатдан сўнг салом бериб, шерга қараб: «Агар мени ўлдиришга буюрилган бўлсанг – мени егин, агар ундан бўлмаса – мени холи қолдир. Парвардигоримга муножот қилмоқчиман», деди. Шундан сўнг шер думини ли-киллатганча у жойни тарк этди.

Имом Бухорий ўзининг саҳиҳ ҳадислар тўпламида мана бу воқеани ҳикоя қиласди: «Бани Исроилдан бўлган киши бир одамдан минг динор қарз беришини сўради.

- Гувоҳинг борми?» – деб сўради у.
- Гувоҳим – Оллоҳ», – деди.
- Тўғри айтдинг, Оллоҳ гувоҳликка кифоя қилур.
- Вакилинг борми?
- Вакилим Оллоҳ, – деб жавоб берди.
- Оллоҳ вакилликка кифоя қилур», – деди ва унга минг динорни берди. Бир муддатни белгилаб, ваъдалашишгач, қарзни олган одам қайтиб кетди. Бу икки – қарз берувчи ва қарз олувчининг ўртасида бир дарё бор эди. Ваъдалашилган вақт етиб келгач, қарз олган одам қарзларини эгасига қайтариш учун ҳақдорнинг олдига бормоқчи бўлиб, дарёнинг у томонига ўтиш учун қирғоқда қайиқ келишини кутиб турди, лекин кеч ту-

шиб, анча вақт ўтишига қарамасдан дарёда ҳеч қандай қайиқ кўринмади. Шунда у Парвардигорига муножот қилиб: «Оллоҳим, қўлимдаги пулларнинг эгаси гувоҳ сўраганида ҳам, вакил сўраганида ҳам Сени кўрсатган эдим. Оллоҳим, бу мактубимни унга етказгин», деди ва бир ёғочни олиб, уни ўйиб, ичига пулларни жойлаштируди, ёнига ёзган мактубини ҳам қўйиб қўйди, сўнгра ёғочни дарёга отиб юборди. Бу ёғоч Оллоҳнинг изни ва лутфи-инояти билан сувда сузиб кетди. Худди ана шу пайтда ўша пулларнинг эгаси ҳам ваъдага биноан дарё ёқасида – қарздорни кутиб турган эди. У ерда ҳеч ким йўқлигини кўргач ортига қайтмоқчи бўлиб, ўзича: «Ҳеч бўлмаса уйимга ўтин оламан, деб турган пайтда олдига бир ёғоч сузиб келди, у ёғочни уйига олиб кетди. Уйга келиб, ёғочни ёргач, ичидан унинг пуллари ва бир парча мактуб чиқди.

Чунки гувоҳ бўлган Оллоҳ қарздорга ёрдам берган, вакил бўлган Оллоҳ ўз ваколатини адо қилган эди. У Зот нақадар Буюқдир. **«...Бас, мўминлар Ёлғиз Оллоҳга таваккул қиласинлар – суюнсинлар!».** (Тағобун сураси, 13-оят).

Чўғ устида ҳам Оллоҳдан рози бўлмоқ

Бани Абсдан бўлган киши адашган туясини излаб чиқиб, уч кун йўқ бўлиб кетди. У бадавлат кишилардан бўлиб, Оллоҳ унга бола-чақа, чорванинг ҳар туридан етарлича ато этган эди. Унинг аҳли-оиласи ҳам, молдавлати ҳам Бани Абс диёридаги анҳор ёқасидаги кенг-бепоёнликда жойлашган бўлиб, тўкин-сочинликда, тинч-хотиржам ҳаёт кечирав эдилар. Уларнинг ҳеч қайиси бошларига мусибатлар тушишини, ҳодисалар

уларни ҳам четлаб ўтмаслигини хаёлларига ҳам келтиришмас эди.

Тун. Барча бойликлар ерда уюлиб ётар. Оила бошлиғи түя излаб кетгани бўйича қайтиб келмаган, каттаю кичик ширин уйқуда эди. Тун охирлаб қолган пайтда Оллоҳ таоло уларнинг устига тоғу тошни тупроқ каби оқизувчи селни юбориб, уларнинг барчасини ҳалок қилди, уйларни ичидаги мол-дунёлари билан вайрон қилди. Уларнинг руҳлари сув оқимида таналарини тарқ этди, улар гўё аввал бўлмаган каби эдилар, улар тилларда айтилувчи достонларга айланган эдилар, холос.

Уч кундан кейин водийга қайтган ота у ерда ҳеч кимни, на бир жилғани, на бир тирик жонни топа олмади. Гўё у жой теп-текис бўлиб қолган эди. Ё, Оллоҳ! Бу қандай фалокат! На аёли, фарзандлари, на мол-давлати, на кийим-кечаги бор! Бу қандай мусибат!

Бундан ҳам ёмони кейин рўй берди, унинг туяларидан бири қочиб кетди, уни тутишга муваффақ бўлиб, думидан ушлаганида түя оёғи билан унинг юзига тепди ва кўзларини кўр қилиб қўйди. У бирор бир киши уни бирор бошпанага етаклаб олиб бориб қўйишини сўраб, сахрода бир ўзи қичқирар эди. Бир оз вақтдан сўнг бир йўловчи овозини эшитиб, унинг олдига келди ва уни Дамашқ ҳалифаси Валид ибн Абдул Маликнинг ҳузурига олиб бориб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Халифа ундан: «Аҳволинг қандай», – деб сўради. Шунда у: «Оллоҳдан розиман», – деб жавоб берди.

Қалбида тавҳид ўрнашган бу мусулмон инсон айтиган сўз буюк сўз эди. Бу воқеа келажак учун насиҳат ва ибрат бўлиб қолди.

Не кўргизсанг – ўшани кўурсан

Бизларнинг ҳолимиз қизик! Ўзгаларни ҳалим бўлишларини талаб қиласмиз, ўзимиз эса ғазабланаверамиз. Уларни сахий бўлишларини истаймиз, ўзимиз баҳиллик қиласверамиз. Уларни биродарлик ҳақларига вафо қилишларини хоҳлаймиз, ўзимиз эса буни адо қилмаймиз.

Бизнинг саодатимиз Холиқимиз ва Унинг маҳлуқотининг ҳақларини бажариш билан комил бўлади. Ҳа, аввал Оллоҳни кейин инсонларнинг ҳақларини. Сўзни айтиш, унга жило бериш, унга нақш солиш осон, аммо мақтовга лойиқ сифатлар, чиройли амаллар билан гўзал намуна сифатида уни адо қилиш ўта мушкулдир. «Одамларни яхшиликка чорлаб, ўзларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, ўзларингиз Китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми?». (Бақара сураси, 44-оят)

Яхшиликка буюриб, ўзи унга амал қиласмаган, ёмонликдан қайтариб, ўзи қайтмаган кимса (саҳиҳ ҳадисда айтилганидек) Қиёмат куни дўзахга ташланади, худди эшак ўз қозиги атрофида арқонини тортиб айланганидек, бу кимса ҳам дўзахда ичаклари чувалган ҳолда айланади. Дўзах аҳли ундан бу ҳақда сўрашганида, у: «Мен сизларни яхшиликка буюриб, ўзим унга амал қиласмас эдим. Сизларни ёмонликдан қайтариб, ўзим ундан қайтмас эдим», деб жавоб беради.

Тақвосиз ўзгага тақвони айтар У қандай табибдир ўзи-ку касал

Салафлардан бири одамларга садақа қилишни буюрмоқчи бўлса, аввал ўзи шу амални қилиб, сўнгра

бошқаларга ҳам шундай қилишни буюрар, улар ҳам бунга ўз хоҳишилари билан бўйсунишар эди.

Роҳат жаннатдадир

Аҳмад ибн Ҳанбалдан қачон роҳат бўлиши ҳақида сўралганида у: «Жаннатга оёғингни қўйишингнинг ўзи роҳатдир», деб жавоб берди.

Жаннатдан аввал роҳат йўқдир. Бу дунёдаги нарслар ташвиш-безовталиқ, фитна, турли ҳодисалар, мусибатлар, баҳтсизликлар, касаллик, ғам-андух, алам ва умидсизликдан иборатдир.

Салаф уламоларидан бири бўлган Масруқ намозда сажда қилган ҳолатда ухлаб қолди. Шунда унинг дўстлари: «Озгина дам олгин», – дейишиди. Масруқ: «Шундай дам олишни истадим», – деб жавоб берди.

Тарки вожиб эвазига нақд роҳатни истовчилар, нақд азобни истабдилар.

Албатта, роҳат солиҳ амал, керакли фойда, Оллоҳга яқинлаштирувчи нарса ҳамда вақтнинг самарасидадир.

Албатта, кофирлар ўз насиба ва роҳатларига шу дунёда эришишни истайдилар, шунинг учун улар айтадилар: **«Парвардигоро, бизларга (ваъда қилинган азобдан иборат) насибамизни ҳисоб-китоб Кунидан илгариёқ (яъни, шу ҳаёти дунёдаёқ) тезроқ келтира қолгин».** (Сод сураси, 16-оят)

Баъзи муфассирлар бу оятни шундай тафсир қиладилар, яъни, кофирлар яхшилиқ ва ризқдан иборат насибаларини Қиёмат кунидан аввал берилишини хоҳлайдилар.

«Албатта, ана у (кофир)лар нақд (дунё)ни сурлар...». (Инсон сураси, 27-оят). Улар эрта, келажак ҳақида фикр юритмайдилар, шунинг учун ҳам улар бу-

гун, эрта, амал, натижа, бошланиш ва ниҳоя борасида зиён топурлар.

Ҳаёт шундай яратилган, унинг хотимаси фанодир, у кир ичимликдир, тинмаган лойқа аралашмадир, неъмат ва нафратдир, кенглик ва торлиқдир, бойлик ва фақириликдир.

Уларнинг ниҳояси будир: «**Сўнгра (бандалар) ҳақиқий Ҳожалари – Оллоҳга қайтурлар. Огоҳ бўлингизким, ҳукм қилиш Унинг Ўзигагина хосдир ва Ужуда тез ҳисоб-китоб қилгувчиидир**». (Анъом сураси, 62-оят)

Кийимини мулойимлик билан ечган одам уни саломат ҳолда бўлишини кафолатлаган бўлади, аксинча, уни куч билан тортиб, улоқтирган кимса кейин унинг тугмаси узилганидан, йиртилганидан шикоят қиласи.

Ҳаётимиз мурувватга муҳтождир.

Турклар анҳор устига бино қилинган ёғоч қўприк олдига: «Аста-аста», деган сўзни ёзиб қўйишиди. Демак, секин ўтган одам қўприкдан тушиб кетмайди, шошилган эса анҳор тубига тушиб кетмоққа лойиқдир.

Чумчуқ асалари каби мулойим эмасдир. Ҳадисда айтилади: «**Мўмин асаларига ўхшайди, хушбўй нарсани ейди, хушбўй маҳсулот беради, бирор бир дараҳт шохига қўнса уни синдирмайди**».

Гул асаларини ўзига қўнганини сезмайди. У гул моддаларига асталик билан қўниб, ўз мақсадига осонлик билан эришади. Чумчуқ асаларига қараганда бе-сўнақайроқ бўлганлиги сабабли сунбулаларга қўнаётганини бошқаларга билдириб қўяди. Қаттиқ тушади, қалтис сакрайди.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан кетмайди. Ҳинд рассомларидан бири лавҳга гўзал санъат асарини чизди, унинг

қисқача баёни: чумчуқ буғдой бошоғига қўнган, бу бошоқ донга тўлган бўлиб, айни яшнаган, қад кўтарган пайти эди. Подшоҳ бу суратни сарой деворига илиб қўйди. Одамлар подшоҳни бу сурат билан табриклишар, рассомнинг санъатига таҳсиллар айтишар эди. Шу пайт одамлар орасига номаълум, фақирона бир киши келиб қўшилди, сурат олдига туриб, унинг хато чизилганини айтди. Одамлар унинг гапидан сўнг шовқин кўтаришди. Чунки у бир ўзи бошқаларга хилоф чиқаётган эди. Подшоҳ уни мулойимлик билан хузурига чорлаб, деди: «Нима демоқчисан?» У: «Бу суратнинг чизилишида хатолик, намойишида янгишлик бор», – деди. Подшоҳ: «Нима учун?» – деб сўради. У: «Рассом чумчуқни бошоқ устида турганлигини тасвирлаб, бошоқнинг ўзини тўғри – чўзилган ҳолатда турганча қолдирган, камчилик шу ерда. Буғдой бошоғига қўнган чумчуқ бошоқни эгиб, тебрантиради, чунки чумчуқ оғирдир, у мулойимликни билмайди», – деди. Подшоҳ: «Тўғри айтдинг», – деди. Одамлар ҳам подшоҳнинг сўзини маъқуллашди. Подшоҳ суратни девордан олди, рассомга берилган совға-саломлар ҳам тортиб олинди.

Табиблар беморни даволаётганда, амалиёт бажарышда мулойим бўлишни тавсия этадилар.

Мана бу ўз қўли билан тирноғини юлиб олса, мана буниси тишини синдирган, бошқасининг оғзидағи луқмаси томоғига тиқилиб қолган.

Салафлардан бирининг мана бу гапларини ўқидим: «Кишининг билимдонлиги унинг ўз уйига кириб-чиқишлиги, кийимларини кийиш-ешишлиги, уловига мишишлигидаги мулойимлигидадир».

Ишлардаги шошқалоқлик, енгилтаклик, нодонлик зарарли ҳосил олиб, манфаатдан қуруқ қолиш учун

етарлидир. Зеро, эзгулик мулойимлик устига бино қилинур. «**Мулойимлик қайси нарсада бўлса, уни зийнатлайди, йўқ бўлса уни айбдор қиласди**».

Муомаладаги мулойимлик сабаб рухлар бўйинсинур, қалблар эргашур, нафслар итоатгўй бўлур.

Инсоннинг мулойимлиги барча яхшиликнинг калитидир, ундай кишига осий нафслар таслим бўлур, ёвуз қалблар унга бўйинсинур.

Хуроса

Тоҳа Ҳусайн учинчи шахс тилидан ўзи ҳақида шу сўзларни айтади: «У ўзини инсон деб атар, инсонлар каби туғилиб, улар каби яшаяпман, улардек вақт, ҳаракатимни тақсимлаяпман, деб ўйлар эди. Лекин у бирортаси билан дўстона муносабатда бўлмаган, бирор нарсадан хотиржамлик топмаган эди. У билан инсонлар ўртасида парда бор эди, гўё у парданинг таши мамнуният, тинчлик бўлса, ичи норозилик, хавф-хатар, изтиробдан иборат эди. У на чек-чегараси, на белги аломати бўлмаган кимсасиз сахрода яшар, у ерда юриш учун йўл йўқ, ғоя-мақсади эса ниҳоясиз эди».

Бахтли бўлишинг учун

Иймон ғам-қайғуларни кетказар, иймон Оллоҳни Ёлғиз дегувчиларнинг шодлиги, обидларнинг тасаллисиidir.

Ўтган нарса ўтиб кетди, ўтмиш ўз ниҳоясига етди. Бас, у ҳақида ўйлама.

Битилган қазойи қадарга, тақсимланган ризқу рўзга рози бўлгин, хавотирни тарқ қил.

Огоҳ бўлгинки, Оллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олиб, гуноҳлар камаяр. Ғайбларни Билгувчи Зот рози бўлиб, ғам-қайғулар чекинар.

Бирордан раҳмат кутмагин, (барча ҳожатлар Ундан сўралгувчи) Кўзлангувчи, (бировга муҳтоҷ бўлмаган) Мангубининг савоби сенга кифоядир. Нонкўр, ҳасадгўйнинг адовати эса сенга зиён қилмас.

Тонг отгач, тунни кутмагин, бугунинг учун яшаб, бугуннинг ислоҳига киришгин.

Эртанг учун ғам чекма, чунки бугунинг ислоҳи – эртанг ислоҳидир.

Қалбингни ҳасад-адоватдан пок тутгин, ундан нафрат, жирканишни чиқариб ташлагин.

Ўзингни яхши одамларга яқин тутгин, ўз уйингдаги ишларга машғул бўлгин, одамларга камроқ аралашгин.

Китоб – энг яхши дўст. Бас, китоблар билан ҳамсұхбат бўлгин, илмни дўст тут, маърифатга ҳамроҳ бўй.

Коинот тартиб-интизомдан иборатdir, уй-жой, кийим-кечак, ўз вожиботларингда тартибга риоя қилгин.

Бадантарбия билан шуғуллан, дангасалик, мақсадсиз ҳаёт кечиришдан узоқ бўй ҳамда бекорчилик, ишсизликка нуқта қўй.

Тарихни ўрган, унинг ажойибот, ғаройиботлари ҳақида фикр юрит, улардан ўзинг учун фойда олгин.

Ҳаётингни янгилагин, яшаш услубларини, эскирган урф-одатларни ўзгартир.

Бадбинлик, омадсизлик ва маъюсликни тарғиб қилган китобларни ўқимагин.

Парвардигорингнинг мағфиарат дарёси кенг эканини, бандаларини афв қилиб, тавбаларини қабул эти-



шини ҳамда ёмонлик – гуноҳларни яхшилик, савобларга ўзгартиришини эслагин.

Парвардигорингга, У Зотнинг дин, ақл-идрок, куч-қудрат, кўз-қулоқ, ризқу рўз, ўғил-қиз каби сенга ато қилган саноқсиз неъматларига шукр қилгин.

Чунки, бу дунёда ўз ақлини, соғлиғини йўқотган, маҳбусликда кун кечираётган ёки фалаж дардига мубтало бўлган инсонлар ҳам бордир.

Куръон билан яшагин, уни ёд олгин, тиловат қилгин, тинглагин, тадаббур-тафаккур қилгин. Чунки Куръон ғам-қайғуларнинг энг яхши давосидир.

Оллоҳ таолога тавакқул қилгин, ишларни Унга топширгин, Унинг ҳукмига рози бўлгин, У Зотга мурожаат қилгин, ишонгин Унга. У Зот Ўзи сенга кифоя қилур.

Сенга зулм қилганни кечиргин, алоқа узган билан алоқа ўрнатгин, эҳсон қилгин, золимларга ҳалим бўлгин, шунда осуда ҳаёт кечирасан.

«Куч-қудрат ёлғиз Оллоҳга хосдир», сўзини такрор айтгин, бу сўзлар билан ахвол ўнгланур, юклар енгиллаб, Зул-Жалол рози бўлур.

Келажакка ишонч билан қарагин, ноумид бўлмагин, Парвардигоринг ҳақида чиройли тафаккур қил ва У Зотдан барча яхшиликларни кутгин.

Сен Оллоҳ таолонинг ихтиёрида эканлигиндан хурсанд бўлгин, чунки сен ғам-алам ёки шод-хуррамликтининг қайси бири сенга фойдали эканлигини билмайсан.

Бало-офат сени Оллоҳ таолога яқин қиласди, дуони ўргатади, сендан кибр, манманлик ва фахр туйғуларини кетказади.

Гумон-шубҳалардан, бузуқ фикр-хаёллардан узоқ бўлгин.

Дунё ғам-андух, ташвиш ва хавотирлик ҳовлисиdir.

Оллоҳ таоло сенга етган ғам-андух, очлик, фақирлик, касаллик, барча мусибатларнинг бадалига ажрмукофот беради.

Мусибат кўзларни очиб, қалбни уйғотади, нафсни тияди, қулликни эслатиб, савобни оширади. Фалокатни кутмагин, миш-мишларга ишонмагин, уйдирмаларга таслим бўлмагин.

Кўп содир бўлишидан қўрқилган нарсалар содир бўлmas, кўп эшитилган ёқимсиз нарсалар воқе бўлmas, Оллоҳнинг Ўзи кифоя қилгувчи, бошқариб тургувчи ва мадад бергувчидир.

Кўпол, гиначи ва ҳасадгўйлар билан мажлис қурма, чунки улар руҳ безгаги ва ғам-қайғу элчилари.

Намозни жамоат билан ўқишига қаттиқ эътибор бер, масжидда кўпроқ туришга ҳаракат қил, сурурга эришмоқ учун нафсингни намозга шошилишга одатлантир.

Гуноҳлардан сақлан, чунки гуноҳлар ғам-андухлар манбаи, фалокатлар сабабчиси, мусибат ва тангликлар эшигидир.

Ушбу: «Ҳеч илоҳ йўқ, магар Ўзинг бордирсан, эй Пок Парвардигор, дарҳақиқат, мен (Ўз жонимга) жабр қилгувчилардан бўлиб қолдим», оятини давомли айтгин. Чунки азиятларни кашф қилишда бу оянинг ажиб бир сири бордир ва у кулфатлар бартараф бўлиши ҳақида буюк хабардир.

Сен ҳақингда айтилган ёмон сўзлардан таъсиранма, чунки бу сўзлар сенга эмас, уни айтгувчининг ўзига озор берур.

Ҳасадгўй душманларингнинг сен ҳақингдаги қилган маломатлари сенинг қийматингни оширади холос,



чунки сен энди эслашга арзигулик кишига, эътиборли бир шахсга айландинг.

Сени ғийбат қилганлар, сенга ўз яхшиликлари ни ҳадя қилиб, гуноҳларингни тўкиб, сени машҳур қилурлар. Бу ҳам бир неъматдир.

Ибодатлардан ўзингни бездириб қўйма, суннатни лозим тут, тоат-ибодатда ўртача бўл, ғулув кетма.

Чин ихлос билан Парвардигорингнинг танҳо эканини тасдиқла, зеро, саодат соф тавҳид ва покиза ихлос миқдорига қараб белгиланур.

Қалби кучли, нафси событ, шижоатли бўл. Сенда ғайрат ва қатъийлик бордир. Бас, бўрон, миш-мишлар сени алдаб қўймасин.

Саҳоватпешаликни ўзингга лозим тут, зеро, сахий инсоннинг қалби шод бўлур. Бахилнинг қалбини эса торлик, зулмат қоплар, кўнглини ғулғула босур.

Ёмонликни энг гўзал сўзлар билан даф қил, инсонларга меҳрибонлик қил, адоватлар ўтини ўчир, душманнинг билан муроса қил, дўстларингни кўпайтири.

Ота-она дуоси энг буюк саодатдир. Уларнинг дуолари сен учун барча ёмонликлардан мустаҳкам қўрғон бўлиши учун уларга яхшилик қилиш билан уларнинг дуоларини ол.

Инсонларни борича қабул қил, хатоларини кечир ва билгинки, албатта бу хилма-хиллик инсонлар ва ҳаёт устидаги Оллоҳ белгилаган қонундир.

Оддий ҳаёт кечир, исроф ва дабдабадан узоқ бўл, чунки фаровонлашган сари рух тушовланиб бораверади.

Ишларни тақсимла, уларни бир вақтга жамлама, балки уларни шундай тартибга солгинки, кунинг яхши ўтиши учун унда роҳаттга ҳам вақт бўлсин.

Чидамлилик айблар учун қабрдир. Ҳалимлик хатоларнинг пардасидир. Олийжаноблик эса айбу нуқсонларни ёпувчи кенг кийимdir.

Бир нафас бўлса ҳам ёлғиз қолиб, ишларинг ҳақида мулоҳаза юрит, нафсингга бок, Охиратингни ўила, дунёйингни тузат.

Үйингдаги кутубхонанг сенинг мевазор бўстонинг, яшнаган гулбоғингдир. Ўша боғингдаги уламолар, хукамолар, адигу шоирлар билан суҳбатлашиб руҳан поклан.

Ҳалол ризқ изла, ҳаромдан, тиланчиликдан ҳазир бўл. Тижорат қил. Ўртача бўл. Зеро, тижорат мансабдан яхшироқдир.

Хашамни ёқтирувчи, истовчилар ёки бечоралар либосини эмас ўртачалик либосини кийгин. Кийим билан машҳурликни истама оддий одам бўл. Ғазабланма, зеро, ғазаб табиатни бузади, хулқни ўзгартиради, дўстликка рахна солади, қариндошдан алоқани уздиради.

Ҳаётингни янгила, бошқа оламлар, янги жой ва шаҳарларни кўрмоқ учун аҳён-аҳён сафар қил. Зеро, сафар фойдадир.

Инсонларга доим биринчи бўлиб салом бер, табассум билан қарши ол. Беписанд бўлма, шунда уларнинг қалбларига яқин, суюкли бўласан.

Одамларга суянома, ўзингга ишон, фаровонликдаги «дўст»ларга алданиб қолма ва билгинки, фақат Оллоҳ сен билан биргадир.

«Кейинрок» сўзини ишлатишдан, ишларни кечиктиришдан, вожиб амалларни ортга суришдан эҳтиёт бўл. Чунки бу муваффақиятсизлик, барбод бўлиш демакдир.

Қарор қабул қилишда тараддудга тушишни тарқ эт. Ҳар қандай ҳолатларда иккиланишдан узоқ бўл. Жазм эт. Журъатли бўл. Олдинга юр.

Умрингни соҳа, вазифа, ишлар орасида кўчиб юришилик билан зое қилма. Чунки бундай қилишинг сен ҳеч нарсада муваффақият қозона олмаслигинг белгисидир.

Солиҳ амаллар, мусибатланиш, тавба қилиш, мусулмонларнинг дуоси, Раҳмоннинг Раҳмати, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоати каби гуноҳларни ўчирувчи каффоратлардан хушнуд бўл.

Оз бўлса ҳам садақа беришни ўзингга лозим тут, чунки у хатоларни ўчиради, қалбни масур қиласди, ғамни кетказади, ризқни зиёда қиласди.

Йўлбошчинг – имоминг бўлган Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тақлид қил. Чунки у зот саодатга бошлар, муваффақиятни кўрсатар, зафар-нажот томон етаклар.

Саломатлик неъматини англамоқ учун шифохоналардаги bemорларни зиёрат қил. Ҳуррият неъматини билиш учун қамоқхоналарни бориб кўргин. Чунки сен ўзинг ҳам англаб етмайдиган неъматлар эгасидирсан.

Бағрикенг бўл, хотиржам ҳаёт кечириш учун сенга ёмонлик қилганларнинг узрини қабул эт. Интиқом олиш истагини тарқ эт.

Қайғу-ғазабинг билан душманингни шод этма, чунки бу улар истаган нарсадир, бас сен уларнинг ҳаётингни лойқалатишдек тубан мақсадларини амалга оширма.

Қалбингда гина-адоват, инсонларга бўлган нафрат каби ўтни ёқма, чунки бу давомли азобдир.

Мажлисларда сипо бўл, фақат яхшиликни сўзла ёки сукут қил, хушчақчақ бўл, ёнингдагиларни ҳурмат қил, уларни тингла, сўзларини бўлма.

Фақат жароҳатларга қўнадиган пашша каби бўлма, одамларнинг обрўсини тўкишдан сақлан, уларнинг хатоларидан шод бўлиб, қоқилишларидан қувонма.

Мўмин одам дунёнинг ўткинчи нарсалариға ғам чекиб, унга эътибор бермайди, унинг ҳалокатларидан кўрқмайди. Чунки дунё йўқ бўлувчи, арзимас, ҳақир ва фоний нарсадир.

Севги-муҳаббатдан юз ўгир, чунки у руҳни қийнар, қалбни дардга чалинтиар, сен Оллоҳга, Уни зикр қилишга, Унга итоат этишга шошилгин.

Ҳаромга қарамоқ ғам-андухни, қалбда жароҳатни мерос қолдиради. Кўзини ҳаром нарсалардан тийиб, Парвардигоридан кўрққан банда баҳтлидир.

Таомланиш тартибига амал қил, фойдали ва етарлисини тановул қил, ортиқча тўйишдан узоқ бўл, тўйган ҳолда уйқуга ётма.

Ҳодисалардан хавфсираган пайтда ёмон эҳтимолларни ҳисобга ол. Сўнгра буни кўтаришга ўзингни тайёрла. Шундагина сен роҳат-фароғатни топурсан.

Насронийларни тавбага чорлаган, тавба қилгувчиларга қўлини чўзган, юз жонни ўлдирган жиноятчини ҳам кечирган, ташна итни суғорган бузуқ аёлни мағфират қилган Раҳмоннинг Раҳмати ҳақида тафаккур қил.

Очликдан сўнг тўқлик, ташналиқ ортидан қониш, дардан кейин шифо, фақирликдан сўнг бойлик, қайғу кетидан шодлик алмашур. Бу ўз исботини топган қонундир.

«Шарҳ» сураси ҳақида тадаббур қил, мусибат пайтида ушбу сурани ёдга ол ва билгинки, бу сура тангликнинг энг яхши давосидир.

Қайғу дуоси ушбутир: **Буюк, Ҳалим Зот бўлмиш Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Буюк Арш Парвардигори бўлмиш Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Буюк Арш, осмон ва Ернинг Парвардигори бўлган Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир.**

Ғазабланма, ғазаб пайтида сукут сақла, шайтондан паноҳ сўра, турган жойингни ўзгартир, агар турган ҳолатда бўлсанг ўтири ва таҳорат ол, зикрни кўпайтири.

Ўтмиш ҳақида қайғурмоқ аҳмоқлик ва мажнунликдир. У тегирмон уни, ёғоч тўпони кабидир, у гўё ўликларни қабрлардан чиқармоқликдир.

Мусибат етган пайтида унинг ажрини ўйла ва бу мусибат бошқаларникидан енгилроқ эканлигини билгин ҳамда балолангандарга ҳамдардлик билдири.

Сенга ёқимсиз бўлган нарсалардаги яхшилик сенга ёқимли бўлган нарсалардаги яхшиликдан кўпроқдир. Сен оқибатларни билмассан. Бало ортида қанча неъматлар, ёвузлик ортида қанча эзгуликлар бордир.

Сени қайғу водийсига ташламай туриб, тасаввурингни жиловла, сўнгра сенга берилган ютуқлар, иқтидор ва неъматлар ҳақида ўйлашга ўтгин.

Намоз мусибатларни енгишда энг яхши кўмакчидир. У нафсни юксак чўққиларга олиб чиқур, рухни нур ва нажот фазосида сайд қилдирур.

Мева бергувчи яхши амал нафсни ёвуз инжиқликтан, гуноҳга олиб борувчи ғоялардан, ҳаромга интилишдан озод қилур.

Саодат бир дараҳт кабидирки, унинг суви, ўғити, ҳавоси ва зиёси Оллоҳга, Охират кунига иймон келтиримоқдир.

Комил одоб, соғлом дид, улуғ хулқ соҳиби бўлган инсон ўзини ҳам, атрофидаги инсонларни ҳам баҳтиёр қиласиди.

Қалбингга роҳат бер, чунки қалб ҳам чарчайди, малол олади. Унга турли услубларни қўлла, ҳикмат фанлари, маърифат навларини изла.

Илм – дилни ёритар, тасаввур онгингни кенгайти-
пар, нафс олдидаги уфқларни очиб, унинг ғам-ан-
духлари, қайғуларини кетказар.

Түсиқларни енгиб, қийинчиликлар устидан ғалаба
қозонмоқ саодатдир. Зеро, ҳеч қандай лаззат зафар лаз-
затига, ҳеч қандай шодлик ғалаба шодлигига тенг кела
олмайди.

Агар одамлар билан бирга баҳтли бўлишни иста-
санг, сенга қандай муомала қилишларини хоҳласанг,
уларга ҳам ўшандай муомала қилгин. Олди-сотдида
уларнинг нарсаларидан уриб қолма, уларнинг қадр-
қимматларини поймол қилма.

Маърифат, тажриба ва билим мол-давлат сармоя-
сидан буюкроқдир. Зеро мол-дунё учун шодланмоқ
ҳайвонийлик, маърифатдан шодланиш эса инсоний-
ликдир.

Эр-хотиндан бири ғазабланса иккинчиси сукут сақ-
ласин ва бир-бирларидан ўтганни кечирсин, зеро, ҳеч
бир кимса айдан холи эмасдир.

Келажакка яхши кўз билан қаровчи яхши улфат
сенинг мاشаққатларингни енгиллаштиради, сенга
умид эшигини очади. Бадбин кимса эса дунёни сенинг
кўзингга қора қилиб кўрсатади.

Оиласи, бошпанаси, соғлиги ва етарли моли бўлган
инсон баҳтли ҳаётга эгадир, бас, у Оллоҳга ҳамд айт-
син, неъматга қаноат қилсин, зеро булардан бошқаси
қайғудан бошқаси эмасдир.

Оллоҳ сендан рози бўлиши, атрофингдагилар сен-
дан миннатдор бўлишлари, ўзингдан кўнглинг тўқ
бўлиши ҳамда фойдали ишни амалга оширмоқлигинг
асл муваффақиятдир.

Таом қун саодатидир. Сафар ҳафта саодатидир. Уйланиш ой саодатидир. Мол-давлат йил саодатидир. Иймон икки дунё саодатидир.

Сен уйқу, емак, ичмак, никоҳ билан эмас балки, сен амал билан – буюклар учун қуёш янглиғ ёруғ ва юксак жой тайёрлаган амал билан баҳтли бўлурсан.

Билим олишга мұяссар бўлган инсон баҳтлидир. Чунки у олам боғларидан гул терур, дунё ажойиботларини кўрур, ҳар ҳил замон ва маконларнинг гувоҳига айланур.

Дўстлар билан дийдорлашмоқ ғамни кетказур. Беғубор қулгу роҳатдир. Шеър тингламоқ руҳга ором берурп.

Сен ўз қарашларинг билан ҳаётингга ранг берурсан. Сенинг ҳаётинг – тафаккуринг маҳсули. Бас, шундай экан, кўзингга «қора кўзойнак» тақмагин.

Ўзинг яхши кўрадиган инсонлар ҳақида ўйла. Ёмон кўрадиганинг кимсаларга ҳаётингдан бир лаҳза ҳам бермагин. Чунки улар сен ва сенинг қайғуларинг ҳақида хабардор эмаслар.

Агар фойдали иш билан машғул бўлсанг, асабларинг, нафсинг тинчланади, сени хотиржамлиқдан иборат бир файз қуршаб олади.

Оллоҳнинг бандалари орасида энг баҳтлилари яхшиликка қўл чўзадиган, дўстларга фазл кўрсатадиган ва буларнинг барчасига шукр қиласиганларидир.

Мавжуд соатдан фойдаланмай туриб, саодат сенга уфқдан боқишини ёки осмондан сенга ёмғир бўлиб ёғишини кутмагин.

Кечаги ташвишингни аритган Зот бугунги ҳамда эртанги қайғуларни аритишга қодирдир. Шундай экан ўша Зотга таваккал қил. Оллоҳ сен билан бирга бўлса,

кимдан күркәсан? У сендан юз ўгирса, кимдан умидвор бўласан?

Сурур нафсни жонлантиради, қалбни шодлантиради, аъзолар ўртасидаги мувозанатни сақлайди, қувват ато этади, ҳаётга ўз қийматини беради, умрга барака беради.

Бойлик, тинчлик, соғлик ва дин саодат тиргаклари-дир. Бас, қашшоқ, кўрқоқ, касал, кофир учун тинчлик йўқдир, балки улар баҳтсиздирлар.

Мўътадилликни билган саодатни англайди. Ўрта йўлни йўл тутган зафар қучади. Енгилини ушлаган муваффақиятга етади.

Танг аҳволга тушганингда, бошингга неча марта танглик тушгани ва Оллоҳ сени ундан қутқарганини эслагин. Ана шу пайтда – сени биринчисида қутқарган Зот кейингисида ҳам қутқаришини биласан.

Куръонни ёдлаб, Кеча(нинг аввалги ва охирги) вақтларида ҳамда кундуз(нинг аввалги ва охирги) тарафларида уни тиловат қилган инсон зерикиш, бекорчиликдан шикоят қилмас, чунки Куръон унинг ҳаётини саодатга тўлдирур.

Бирор ишни атрофлича ўрганмай туриб қарор қабул қијма. Оллоҳга истихора қил, ишончли одамлар билан маслаҳат қил. Агар муваффақият қозонсанг – нур устига нур. Акс ҳолда, надоматга ўрин йўқ.

Оқил одам дўстларини кўпайтириб, душманларини камайтиради. Битта дўстга бир йилда эришилади, душманга эса ҳар куни. Бас, Оллоҳ уни ўз халқига суюкли қилиб қўйган зотларга жаннат бўлсин.

Дунёвий истакларингга чегара қилгин, акс ҳолда, кўнглинг бўлинади, дилинг сиқилади, ҳаётинг нотинч бўлади, аҳволинг ёмонлашади.

Унга Оллоҳнинг неъматлари ёғилган инсон у неъматларни шукр айтиш билан боғлаб олмоғи, тоат-ибодат билан уни сақламоғи, давомли бўлиши учун тавозуъ билан унга риоя қилмоғи даркор.

Нафси тақво билан соғ бўлган, фикри иймон билан покиза бўлган, ахлоқи эзгулик билан сайқал топган инсон Оллоҳ ва одамлар муҳаббатига сазовор бўлур.

Лоқайд, дангаса кимса ҳақиқий маҳзунлик, мashaқ-қат эгасидир. Ҳаракат қилгувчи ишchan инсон эса қандай яшаш, қандай баҳтиёр бўлишни билур.

Аёл ҳар қанча мол-дунёга эга бўлиб, ҳар қандай мартабага сазовор бўлмасин, агар унинг эри – жуфти ҳалоли бўлмаса у барибир мискина, деб аталаверади.

Ёшлигингни ҳаракатга, вояга етган даврингни курашга, қариллик дамларингни тафаккурга сарфлашинг комил ҳаётдир.

Нафсингни хатокорликда айбла, ўзгани маломат қилма. Чунки ўзингнинг айбларингни тузатиш учун вақт етмайди, бас, ўзгани қўявергин.

Фаҳмларга жило бериб, қалбларни шод айлаб, нафси ошно қилиб, кўнгилни ёзгувчи, тафаккурни юксалтирувчи китоб ҳар қандай қасрлар, давру давронлардан гўзалроқдир.

Оллоҳдан афв ва саломатлик сўра, агар шу иккиси сенга берилган бўлса, демак сен барча яхшиликка эга бўлибсан, ҳар қандай ёмонликдан нажот топибсан ва барча саодатга эришибсан.

Бир дона оби нон, етти дона хурмо, бир бўйраси ва бир Куръон китоби бор хона етарлидир. Дунёга салом айтгин.

Унга ишониб, у билан роҳат оладиган, унга ҳасрат қила оладиган, қайғу вақтида сенга ҳамдард бўлиб,

сирларингни фош қилмайдиган дўстларинг яхши дўстлардир.

Ёмонликни унудиши – неъмат, неъматларни эслаш – эзгулик, инсонлар айбидан ғафлатда қолиш фазилат.

Афв интиқомдан лаззатлидир. Амал бекорчиликдан фойдалидир. Қаноат мол-давлатдан буюкроқдир. Соғлик бойлиқдан яхшироқдир.

Ёлғизлик ёмон сұхбатдошдан яхшироқдир. Яхши сұхбатдош ёлғизлиқдан яхшироқдир. Узлат ибодатдир. Тафаккур тоатдир.

Узлат фикрлар мамлакатидир. Кўп аралашмоқ ахмоқлиқдир. Ҳаммага ишонавериш ақлсизликдир.

Ёмон хулқ азобдир. Гина заҳардир. Фийбат разолатдир. Пайдар-пай тойилишлар мағлубиятдир.

Неъмат шукри интиқомни қайтарар. Гуноҳларни тарқ этмоқ қалблар ҳаётидир. Нафсга ғолиб келмоқ улуғларнинг топган лаззатидир.

Хотиржамликдаги топилган қуруқ нон, хавф-хатар пайтидаги асалдан лаззатлироқдир. Пардаси бор чодир, фитна уяси бўлган қасрдан яхшироқдир.

Илм шодлиги доимийдир. Улуғворлиги абадийдир. Шухрати боқийдир. Мол-давлат шодлиги эса ўтиб кетур, улуғворлиги завол топур, шухратининг ниҳояси бордир.

Дунёга севинмоқ гўдаклар севинчидир. Иймон учун севинмоқ олийжаноб инсонлар шодлигидир. Мол-дунёга хизмат қилмоқ хорликдир. Оллоҳ учун амал қилмоқ – шарафдир.

Фаолият азоби ёқимлидир. Муваффақият олдидағи мashaққат роҳатдир. Яхши амал сабабли пешонадан оқсан тер мушку анбар кабидир.

Тунги намоз кундузнинг гўзаллигидир. Одамларга эзгуликни исташлик, қалб поклигидан далолатдир. Кенгликни кутмоқ ибодатдир.

Жамоат билан намоз ўқиб, вожибни адо қилмоқ, мусулмонларни севмоқ, гуноҳларни тарк этиш ҳамда ҳалол емоқ дунё-ю Охират салоҳиятига эга бўлмоқдир.

Вақтни зое қилмоқ, тавбани кечиктирмоқ, одамларни ўзига душман қилмоқ, ота-онага оқ бўлмоқ, сирни ёймоқ аҳмоқликнинг аломатидир.

Ибодатни тарк этмоқ, гуноҳга мойил бўлмоқ, ёмон номга эга бўлмоқ, Оллоҳнинг макридан хотиржам бўлмоқ билан қалбнинг ўликлиги маълум бўлади.

Ўз уйида баҳтли бўлмаган бошқа жойда баҳтли бўла олмайди. Ўз аҳлига суюкли бўлмаганни бирор суймайди. Бугунги кунини зое қилган эртасини ҳам зое қиласди.

Оlamдаги энг афзал нарса содиқ иймон, ҳусни хулқ, соғлом ақл, саломат жисм, ҳалол ризқдир. Булардан бошқаси бекорчи машғулотдир.

Икки маҳфий бўлган неъмат бор: баданларнинг саломатлиги, ватан тинчлиги. Икки ошкора неъмат бор: чиройли мақтов ва солиҳ зурриёт.

Кувноқ қалб нафрат микроларини ўлдиради. Тақдирдан нолимайдиган нафс жирканч ҳашаротларни ҳайдайди.

Уйингга олиб борадиган йўлнинг хатари камроқдир. Баракаси кўп кун, яхши амал қилинган кундир. Энг шум замон, бирорга ёмонлик қилинган замондир.

Сени ҳақорат қилган инсон Парвардигорини ҳам ҳақорат қилибди. Оллоҳ бандаларини йўқдан бор қилди, банда эса ўз борлигидан шикоят қилди. У Зот оч бандаларини тўйдирди, бандалар эса ўзгага шукр

қилдилар. Оллоқ бандаларини хавфдан омон қилди, бандалар эса У Зотга қарши курашдилар.

Дунёдан юз ўгир – Оллоқ сени севар. Одамларга қарам бўлишдан юз ўгир одамлар сени севарлар. Озиға қаноат қил. Куръонга амал қил. Рихлат тадоригини кўр. Улуғ Зотдан қўрқ.

Ёқимсизнинг ҳаёти йўқ. Гуноҳкорнинг тинчи йўқ. Бузғунчини севгувчи йўқ. Ёлғончини мақтовчи йўқ. Хиёнаткорга ишонч йўқ.

Табассум саодат қалитидир. Мұҳаббат унинг эшигидир. Суур унинг боғидир. Иймон унинг нуридир. Тинчлик унинг қўрғонидир.

Соғлом инсон харсанг тош устида ҳам худди ипак кўрпада ётгандек дам олади. Арпа нонни ёғли патир каби ейди. Каталакдек кулбада Кисро қасрида яшагандек яшайди.

Бахил ё фақирдек ҳаёт кечиради ёки ўз фарзандларига хизматкор, мол-давлатига қўриқчи бўлган, одамларга ёқимсиз, Оллоҳдан узоқлашган ва бу оламда ёмон ном орттирган бой каби ўлади.

Фарзандлар ва соғлик мол-дунёдан яхшироқдир. Тинчлик уй-жойдан гўзалроқдир. Тажриба бойлиқдан қўймматлироқдир.

Шодлик пайтида шукр қил. Қайғу пайтида сабр қил. Жимлик пайтида фикр қил. Кўрганингдан ибрат ол, сўзинг зикр, ҳаётинг тоат, ўлиминг ором бўлсин.

Куш каби бўлгин. Унинг ризқи эртаю кеч келади. Эртаси учун ғам чекмайди. Бировга суюнмайди. Ҳеч кимга озор бермайди. Сояси енгил. Ҳаракати мулойимдир.

Одамларга кўп аралашганни одамлар хор қилурлар. Уларга бахиллик қилгандан нафратланурлар. Ҳалим-

лик қилганни улуғлайдилар. Сахийлик қилганни севурлар. Уларга муҳтоҷ бўлганни ёқтирмаслар.

Фалак айланаверади. Кечалар ҳомиладор. Кунлар ўзгарувчан. Бир ҳолатнинг давом этавериши амри маҳолдир. Раҳмон ҳар кун иш-амалдадир... бас, нега ғам чекасан?

Унга хор бўлганни азиз қилган, муҳтоҷ бўлганни беҳожат қилган, Ундан сўрамоқ шараф, Унга эгилмоқ юксаклик, Унга суюнмоқ етарли бўлган Зот – Оллоҳни поклайман.

Сенга ғам етиб, ҳолинг паришон бўлса, мол-давлатинг, аҳли-оиланг борасида фожиага дуч келсанг, умидсизликка тушма, Оллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қиласан.

«Бизга Ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи кифоя. У Зот энг яхши Ишончли Вакилдир»ни айтишни унутма. Зеро, у оловни ўчирап. Ғарқ бўлганни қутқарар. Йўлдан адашилмас. Ишончли аҳд унладир.

Эй қуш, сенга жаннат бўлсин: дарёдан сув ичасан, дарахтда яшайсан, меваларни ейсан, хатарни кутмайсан, жаҳаннамдан ўтмайсан. Сен шу ҳолатда башардан баҳтлидирсан.

Суур қарзга олинган лаҳзадир. Қайғу унинг кафоратидир. Ғазаб учқундир. Бекорчилик зиёндир. Ибодат тижоратдир.

Кечаги кун ўлди. Бугунги кун ўлиш арафасида. Эртанги кун ҳали туғилгани йўқ. Сен эса вақт фарзандидирсан, бас, сен у вақтни тоат учун сарфла, энг катта фойда бўлиб қайтади.

Дўстинг – қалам, ҳовузинг – сиёҳ, ҳамсуҳбатинг – китоб, мамлакатинг – уйинг, хазинанг – қувватинг. Бас, ўтган нарсага афсус чекма!

Кўпинча ишларнинг аввали сенга ёқмай, унинг охири сени хушнуд этади. Бу худди булутга ўхшайди, аввал чақмоқ чақиб, кейин майнин ёмғир ёғади.

Шифо учун етарли олти нарса: дин, илм, бойлик, одамийлик, афв ва саломатликдир.

Бефойда баҳсдан, беҳуда мажлисдан, нодон дўстдан узоқ бўл. Чунки суҳбатдош судровчидир, табиатинг таъсирланувчидир, кўзларинг ўғридир.

Чиройли тинглаш, суҳбатдош сўзини бўлмаслик, ширин сўзлаш, беозорлик билан безанмоқ, булярнинг барчаси ҳурлар кўкрагидаги нишондир.

Сенинг икки кўзинг, икки қулоғинг, икки оёғинг, икки қўлинг, тилинг, иймонинг, Куръонинг, хотиржамлигинг бордир. Шукр қани, эй инсон? «**Бас, (эй инсонлар ва жинлар), Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсизлар?!**». (Ар-Раҳмон сураси, 30-оят)

Карлик, соқовлик, кўрлиқдан саломатсан, мохов, мажнун эмассан, сил, саратон дардига чалинганинг йўқ. Раҳмонга шукр қилдингми?

Бизларнинг мусибатимиз, ҳозиримиздан ожиз қолиб, ўтмишимиз билан машғул бўлмоғимиз, бугуни мизга бепарво бўлиб, эртамиз учун ғам чекмоғимиздир. Ақл қаерда қолди, ҳикмат қани?

Одамларнинг сен ҳақингдаги қилган танқидларидан билгинки, сен эслашга арзигулик иш қилибсан, яна сен улардан илм, фаҳм, мол-давлат, мансаб ёки обрў жиҳатидан илғорсан.

Оқиллар бозорида сотиладиган энг арzon саодат беҳуда сўзни тарқ этмоқдир. Олимлар олдидаги энг қиммат мато сен одамларни, одамлар сени улфат тутмоқларидир.



Ғамдан узоқ бўл, у заҳардир, ожизлиқдан йироқ бўл, у ўлимдир. Дангасалиқдан узоқлаш, у муваффақиятсизлиқдир. Фикринг чигаллашмасин, у ёмон тадбирдир.

Ёмон қўшни ватансизлиқдан ёмонроқдир. Эзгулик қилмоқ шоҳона қасрлардан юксакроқдир. Гўзал мақтов улуғлиқдир.

Етакловчи дини, йўлловчи ақли, ҳимоя қилувчи насиби, зийнат берувчи ҳаёси бор инсон барча фазилатларни жамлабди.

Оллоҳ ихтилофни тарқ этиб, манманлиқдан йироқ, ёлғондан саломат, тақдирга рози, ҳasadдан йироқ бўлган кимсага бандаларининг қалбларини буриб қўяди.

Султонни қадрламаганни – дунёси кетар. Олимни қадрламаганни – дини кетар. Дўстни қадрламаганни – одамийлиги кетар. Оллоҳни қадрламаганни – дунё-ю, Охирати кетар.

Инсонлар сенга муҳтож бўлишлари неъматдир. Бас, бундан малол олма, акс ҳолда, бу неъмат адоватга айланади. Билгинки, ҳаётингдаги энг яхши кун – одамлар сени сўроқлашган кундир, сен уларни сўроқлаган эмас.

Уйқуга ётишдан аввал сенга ёмонлик қилганларни кечир. Қалбингни афв билан етти маротаба ювгин.

Илм ёлғизлиқда дўстдир, ғурбатда ҳамроҳдир, хилватда рақибдир. Илм тўғри йўлга йўллар. У қийинчиликда ёрдамчидир, ўлимдан кейинги захирадир.

Оллоҳдан юз ўгирмоқ, дунёга юзланмоқ – ғам-андух сабабидир. У мангу қамоқقا маҳкумдир. Унинг натириклигидан нишона бор, на унинг вафоти эълон қилинган.

Үз насибангни сукут билан изла. Зеро, камгап инсон ҳайбатли ва маҳбубдир, ҳамма бало тилдандир.

Ғамдан қочиб бир шаҳардан иккинчи шаҳарга сафар қилмоқ бефойдадир. Бир туйғудан иккинчисига кўча олишлик ҳақиқий шодликдир.

Нафси гўзал инсон тонгни софлик, кечани тантана билан кутиб олади, инсонларни азиз, тор кулбани баланд қаср деб билади.

Оллоҳ Ўзига итоат қилган бандаларининг қалбини тўқ-хотиржам қилгани У Зотнинг бандаларига қилган раҳматидир. Ўша хотиржамликнинг бир бўлагига бўлса ҳам эришган инсон ўзини дунё эгаси деб билиши мумкин.

Ўзидан ўзгача бўлишни истаган, қазодан норози, ризқига қаноатсиз, хулқи ёмон бўлган кимса энг баҳтсиз кимсадир.

Масжидни лозим тутган инсон мукаммал оятни англаш саодатини, содик дўстни, амалли илмни, кўз тутилган марҳаматни, фойдали сўзни ва самимий тавбани топади.

Рўзадорнинг таоми, тунлари бедорнинг уйқуси шириндир. Сахийнинг мақтовчиси, раҳбарнинг ҳасад-гўйи кўп бўлур.

Ёлғиз Оллоҳга банда бўлмоқ учун тасаввур, виждон, ақл ва жисмингнинг ҳар қандай хукмронлигидан озод ҳолда ҳаёт кечирмоқлигинг саодатдир.

Ислоҳ этиш учун ҳеч қандай йўл қолмаган ишни унугтган, инсонларнинг яхшилигини эслаб, ёмонликларини эсдан чиқарган киши баҳтлидир.

Ризқинг сенинг манзилингни сен уни жойини билгандан кўра яхшироқ билади. У орtingдан соя каби

қувиб юради. Бир сўз билан айтганда, ризқингни комил олмагунингча ўлолмайсан.

Пасткашга муҳтоҷ бўлган инсон ҳиссиз мискиндири. Кўпни оз санаган фақирдир. Ўз айбларини кўрмаган кўрдир.

Энг севган нарсасига етган инсон энг севмаган нарсаси бўлишини кутаверсин, фақатгина Оллоҳга қилинган ибодат бундан мустаснодир, унинг ниҳояси Оллоҳ ризоси ва жаннатга кирмоқдир.

Шодлик тинчликка муҳтоҷдир, мол-давлат садақага муҳтоҷдир, обрў-мартаба қўлловга муҳтоҷдир, улуғлик тавозуга муҳтоҷдир.

Фарзандлар бойлиқдан муҳимроқдир, гўзал хулқ мансабдан улуғроқдир, ғайрат тажрибадан баландроқдир, тақво мартабадан юқорироқдир.

Эшиганинг ҳар нарсага интилаверма, ҳар қандай дўстга суяноверма, аёл кишига сирингни очма, тинч деган жойга кетаверма.

Хилватсиз роҳатни, тоатсиз тинчликни, вафосиз муҳаббатни, ростгўйликсиз ишончни кўрмадим.

Кўпинча, бир луқма қўп луқмаларни тўсар, бир сўз қўп адоватга сабабчи бўлар, бир ёмонлик қўп яхшиликлар йўлини тўсар, бир боқиш қўп ҳасратларни олиб келар.

Севгинг қуллик, нафратинг зўрлик, ҳаётинг ишрат, эслашинг надомат, мақсадинг шон-шараф бўлмасин.

Ҳалимлигингни зиёда қилиб, гуноҳдан қайтарган, сенга илм, фахм-фаросат ато этган кун энг улуғ кундир.

Ҳаёт шундай фурсатки, унинг қадрини йўқотгандагина биласан. Саломатлик соғлом инсонларнинг бошидаги тожидирки, уни фақат дард эгаларигина кўрадилар.

Оқ бўлган ўғли, майдакаш аёли, озор берувчи қўшниси, зерикарли дўсти, гуноҳга буюрувчи нафси, эгаллаб олган ҳавойи-ҳоҳиши бўлган одам қандай бахтли бўлсин.

Парвардигоринг, нафсинг, кўзларинг, аёлинг ва меҳмонларингнинг сенда ҳақлари бордир, бас ҳақдорга ўз ҳаққини бергин.

Чиқаётган тонгга назар сол, чунки унда сен учун келажакка ишонч уйғотувчи, орзу-умидлар қалитини тутивчи жамол, улуғлик ва ёғду бордир.

Эрта тур ва зикр, Куръон тиловати, уни ёд олиш, мутолаа, ижод ва сайдан иборат ишларни бажар, чунки бу ишларда барака бордир.

Ўртacha бўл, бир тарафда тур, Холиқни рози қил, махлукқа раҳм қил, фарз ибодатни комил бажар, нафл ибодатни кўпайтири. Шунда тўғри йўлни топган бўласан.

Гўзал хотима, тўғри сўз, солиҳ амал, зулмдан узоқ бўлмоқ ҳақиқий баҳтдир.

Кўпинча, бир сўз неъматни тортиб олар, бир тойилиш хорликни келтирас, хилват лаззат берар, узлат чеккан азиз бўлар.

«Мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган инсон ҳақиқий мусулмондир. Одамлар ўз қон ва моллари борасида ундан хотиржам бўлган инсон ҳақиқий мўминдир. Оллоҳ қайтарган нарсадан қайтган киши ҳақиқий муҳожисурдир».

Мол-давлатингнинг яхиси сенга фойда бергани, илмингнинг улуғи сени юксак қилгани, уйингнинг яхиси сенга кенг бўлгани, дўстларингнинг яхиси эса сенга холис бўлганидир.

Ҳасадгўйинг йўқми, демак сенда яхшилик йўқ, дунёйинг йўқми, демак сенда гўзал хулқ йўқ, дининг йўқми, демак сенда эътиқод йўқ.

Яхши амалларингни эслаш билан ўзингни хурсанд қил, гуноҳингга тавба қилиш билан қалбингга роҳат бер, саховатларинг билан одамларни миннатдор қил.

Семизлик ғафлатдир, мечкайлик фаросатни кетказур, кўп уйқу муваффақиятсизлиkdir, кўп қулгу қалбни ўлдирур, васваса азобдир.

Севган инсонинг билан сафар қилишинг, ёмон кўрган нарсангдан узоқ бўлишинг, озор берадиган нарсадан саломат эканлигинг ва муваффақиятни эслашинг дунё лаззатларидандир.

Яхшилик ҳурни кул қиласар, эҳсон инсонни банди этар, ҳалимлик ёвни енгар, сабр чўғни ўчирап.

Эртанги ризқдан ташвишга тушар экансан, эртанинг келишига ким кафил бўла олади, кечаги бўлган иш сени қайғуга солар экан, ким сенга кечаги ишни қайта такрорлай олади.

Оз муваффақият кўп мол-давлатдан яхшидир, иззат билан ишдан кетиш хорлик билан бошлиқ бўлгандан яхшидир, танилмасдан тоат-ибодатда бўлиш гуноҳ билан машҳур бўлишдан яхшидир.

Қаноат қилгувчи подшоҳдир, исрофгар ақлсиздир, ғазаб қилувчи мажнундир, шошқалоқ енгилтақдир, ҳасадгўй золимдир.

Оллоҳни зикр қилмоқ Раҳмонни рози, инсонни баҳтили, шайтонни ноумид қилур, ғамни кетказур, тарозуни тўлдирур.

Умри узун, амали гўзал бўлган инсон баҳтилидир, мол-дунёси ҳам, хайру саховати ҳам кўп бўлган инсон омадлидир, илми зиёда бўлган сари тақвоси зиёда бўлган инсон баракотлидир.

Инсонлар ғамини еганнинг жазоси ўз ғамини унутмоғидир, мавлосига хизмат қилганинг мукофоти

одамлар унга хизмат қилмоғидир, дунёдан кечганинг мукофоти эса ризқи фаровон бўлмоғидир.

Саломат бўла туриб ҳеч бир неъматни оз санама, тавба қилмай туриб ҳеч бир гуноҳни арзимас деб билма, ихлос қилмай туриб ҳеч бир тоатни кўп деб ўйлама.

Ростгўйлик хотиржамлиқдир, ёлғон шубҳа-ҳадикдир, ҳаё ҳимоядир, илм ҳужжатдир, аниқ баён қилиш жамолдир, жим туриш ҳикматдир.

Зафар ҳаловати сабр аччиқликларини ўчирад, ғалаба лаззати саъй-ҳаракат қийинчилигини кетказар, амалнинг мустаҳкамлиги унинг машаққатини йўққа чиқарар.

Дунёдаги энг яхши нарса Оллоҳнинг муҳаббатидир, жаннатдаги энг гўзал нарса Оллоҳни кўришдир, китобларнинг энг фойдалиси Оллоҳнинг Китобидир, яралганларнинг яхиси Расулуллоҳ, соллоллоҳу алайҳи ва салламдир.

Ўтган кунидан ибрат олиб, нафсига назар ташланган, қабрига тайёргарлик кўриб, Оллоҳдан ҳам жаҳрий ҳам маҳфий қўрқиб турган инсон баҳтилеридир.

Очкўзлик хорликдир, тама хўрликдир, баҳиллик разилликдир, нуфузга интилиш хатодир, ғафлат эса тўсиқдир.

«Оллоҳни ёдга ол, У ҳам сени ёдга олур, Оллоҳни ёдга ол, ўз олдингда топасан, Оллоҳни кенглик пайтида танигин, У сени танглик пайтида танир, сўрасанг Оллоҳдан сўра, ёрдам тиласанг Оллоҳдан тила».

Кенглик пайтида танглик учун ҳозирлик кўриб олгин, молингни ҳолингга ҳимоя қилиб олгин, умрингни Парвардигорингга тоат қилиш билан ўтказгин.

Кўпинча, лаззат ҳасратни олиб келади, тойилиш хорликни қолдиради, маъсият неъматни тортиб олади, кулгу йифини олиб келади.

Неъматга шукр қилсанг қарор топади, ношукур бўлсанг қочиб кетади, дунёнинг севинчи ўткинчидир, яхшилиги алдовдир.

Саломатлик икки ўлжанинг биридир, таом озлиги жисм соғлиғи, гуноҳ озлиги руҳ соғлиғи, нафратдан узоқлик эса вақт соғлиғидир.

Аlam дақиқаси бир кун, лаззат куни бир дақиқадир, шодлик кечаси қисқа, қайғу куни узун ва оғирдир.

Бахтсизлик сенга неъматни эслатади, очлик таомни суюкли этади, қамоқ озодлик қийматини англатади, дард сенда саломатлик учун шавқ уйғотади.

Уч табибни ўзингга лозим тут: шодлик, роҳат, парҳез. Уч душмандан узоқ бўл: бадбинлик, ваҳима, умидсизлик.

Саҳар пайти тиз чўкиб, қўлингни чўз, қўзларингни бўшатгин ва: **Бизлар** хузурингга ўтмас матоларни олиб келдик. Аммо Сен, эй Буюк Зот, бизларга ўлчовларни тўла қилиб мукофотлар бергин, деб илтижо қил.

Дард-алам, мадорсизликдан саломат бўлмоқ неъматлардан биридир. Ташна бўлмагунингча сув ичма, очиқмагунингча таом ема, чарчамагунча ухлама.

Пухта ўйлаган орзу қилган нарсасига етар, яхшиликни орзу қилган зафардан роҳат олар, шошқалоқлик унумсизликдир, хаёлпарастлик қашшоқликдир.

Оллоҳ сен учун қилган нарсалардан рози бўл, У сенга раво кўрган ҳолатнинг завол топишини кутма, чунки У сени сендан кўра яхши билур, у Сенга ўз онангдан ҳам меҳрибонроқдир.

Истиғфор айтишда бардавом бўл, чунки кеча ва кундудза Оллоҳни иси бордир, эҳтимол ўша исдан сенга ҳам етар ва сени Қиёмат кунига қадар баҳтиёр этар.

Неъмат келганда шукур қилиб, бало келганда сабр қилган, гуноҳ ортидан истиғфор айтиб, ғазаб пайтида ҳалим бўлган ва ҳукм қиласа адолат қилган инсонга жаннат бўлсин.

Тил бийронлиги, ақл унумдорлиги, зеҳн мусаффолиги, қайғу кетиши, тажрибадан фойдаланмоқ ҳамда фазилатларни касб этмоқ ўқиш фойдалариданdir.

Қалб озуқаси ихлос, тавба, Оллоҳга қайтмоқ, У Зотга таваккал қилмоқ, Унинг ҳузуридаги нарсага рағбат қилмоқ, азобидан кўрқиб, Уни севмоқдир.

«Эй улуғлик ва икром Эгаси» сўзини айтишни ўзингга лозим тут. **«Эй тирик, барҳаёт Зот, Сенинг раҳматинг ила Сендан мадад сўрайман»** дуосини доим айт. Шунда кенглик, шодлик ва сакинатни топасан.

Сенга бирор озор берса дарҳол қазони эслагин, афвни, ҳалимлик ажрини, сабр савобини афзал билгин. У золим бўлса сен мазлумсан, демак сен насиба жиҳатидан баҳтлидирсан.

Қазоий қадар ижро бўлувчи, ажал белгиланган, ризқ ўлчаб қўйилган бўлса, бас недан хафалик? Касаллик, фақирлик, мусибат ўз ажри билан бирга келса, бас ғам-қайғуга не ҳожат?

Тақдир қилиб, мағфират этгувчи, айбларни тўсиб, ризқ берувчи, кўриб, эшигувчи бўлган, қўлида барча ишларнинг қалити бўлган Павардигори бор инсон нима учун ғам чекади.

Раҳмат кенгдир. Эшик очиқдир. Афв берилгандир. У Зот эрта-кеч ато қилур. Тавба мақбулдир. У Зотнинг ҳалимлиги буюқдир.

Китобдан кўра фойдали, қабрдан кўра ибратли, гуноҳдан кўра жирканчли, зоҳидликдан кўра шарафли, қаноатдан кўра беҳожатроқ нарса йўқдир.

Мубоҳ нарсаларнинг ҳам ошиқчаси худди ортиқча калом, таом, уйқу, ҳамма нарсага аралашавериш каби дилни сиқар, чунки у қайғу сабабчисидир.

«Эй Пайғамбар, Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Оллоҳнинг йўзи кифоядир». (Анфол сураси, 64-оят). Оллоҳ сизларга кифоя қиласар. У сизларни тўғри йўлга бошлар. Сизларни ҳимоя этар. Бас, қўрқманглар.

«(Эй Муҳаммад алайхис-салом), Биз Сизнинг қалбинизни (иймон ва Куръон нури билан) кенг-мунаввар қилиб қўймадикми?». (Шарҳ сураси, 1-оят). Ахир Оллоҳ уни бағри кенг, шодон, масрур, сокин, хотиржам ва умрбод хуррам этмадими?

«...Уларнинг макру ҳийлаларидан сиқилманг ҳам!». (Наҳъл сураси, 127-оят). Биз сизлар учун уларнинг макрларини тўсиш учун етарлидирмиз. Уларнинг озорларини қайтарумиз.

«(Эй мўминлар), куфрга қарши курашда (сустлашмангиз) ва (Ухуд жангидаги мағлубият сабабли) ғамгин бўлмангиз». (Оли Имрон сураси, 139-оят). Сустлашманглар ва маҳзун бўлманглар. Чунки сизлар ақида, шариат, услугуб, сийрат, таянч, асос, ахлоқ-одоб жиҳатдан олийдирсизлар.

«Албатта, Парвардигорингиз мағфирати кенг Зотдир». (Нажм сураси, 32-оят). У гуноҳларни афв қиласар, тавбаларни қабул этар, хатоларни оз санар, тойилишни кечирар, айбларни беркитар.

«...ва Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Оллоҳнинг раҳматидан фақат коғир қавмгина ноумид бўлур». (Юсуф сураси, 87-оят).

Унинг шодлиги яқин, лутфи нақд, мұяссар қилиши аниқ, карами кенг, фазли омдир.

«...ва У Зот меҳрибонларнинг Мехрибонроғидир». (Юсуф сураси, 64-оят). У шифо берар, саломат қилар, бандалари орасидан әлчиларини танлаб олар, бало-қазодан асрапар, хукмронлик қилар, айбларни беркитар, гуноҳларни мағфират этар, ҳалимлик қиласар, карам кўрсатар.

«...Агар мўмин бўлсанглар, Ёлғиз Оллоҳгагина суюнинглар!». (Моида сураси, 23-оят). Ишни Унга топшир, аҳволдан Унга шикоят қил, берганига рози, бошқарувидан хотиржам бўл.

«...Шояд Оллоҳ (мусулмонларга) ғалаба берса...». (Моида сураси, 52-оят). У Зот қулфларни очар, оғир ғамни кетказар, узун кечаларни йўқ қилар, дилни ёзар, аҳволни ўнглар.

«Сиз билмассиз, эҳтимол Оллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қиласар». (Талоқ сураси, 1-оят). Ғамни кетказар, ризқни берар, ишни осон қиласар, узоқни яқинлаштирасар.

«Бас, албатта, ҳар бир оғирлик, машаққат билан бирга бир енгиллик ҳам бордир». (Шарҳ сураси, 7-оят). Фақирлик олдида бойлик, дард олдида шифо, қайғу олдида шодлик, торлик олдида кенглик, маҳбусликдан сўнг эркинлик, очликдан сўнг тўймоқ бордир.

«...Оллоҳ танглил-камбағалликдан кейин енгиллик-бойликни ҳам (пайдо) қилур». (Талоқ сураси, 7-оят). Кишан ечилар, арқон узилар, эшик очилар, ёмғир ёғар, аҳвол ўнгланар.

«...Энди чиройли сабр қилмоқдир...». (Юсуф сураси, 18-оят). Бас, шундан сўнг аҳвол ўзгарар, нафс ором

топар, кўнгил очилар, иш осонлашар, тугун ечилар, машаққат ниҳоя топар.

«Ахир Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?!». (Балад сураси, 9-оят). У икки кўзи билан коинот китобини, гўзаллик дафтарини ўқийди, гўзал манзаралардан роҳатланади, ҳаёт қўргазмасида кўзлари яшнар.

«...тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?!». (Балад сураси, 9-оят). Нурли баён – Қуръон қироат қилур, ҳикматли ҳадис сўзлар, чиройли сўзлар айтур, қалбидаги нарсани таржима қилур.

«Қасамки, агар сизлар (Менинг берган неъматларимга) шукр қилсанглар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман...». (Иброҳим сураси, 7-оят). Бас, илм кўпаюр, фаҳм зиёдалашур, ризқ баракотли бўлур, ғалаба рўёбга чиқар, яхшиликлар бисёр бўлур.

«...ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (яъни, моддий-маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?!...». (Луқмон сураси, 20-оят). Динда ҳам, дунёда ҳам, аҳли-оила, мол-дунёда ҳам, истеъодод ва жисмоний аъзоларда ҳам, руҳоний жиҳодда ҳам ҳаммага ва ҳар бир кишига берди.

«...Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлманг!...». (Зумар сураси, 53-оят). Унинг эшиги беркилмас, пардаси тортилмас, хазинаси тугамас, фазли ниҳоя топмас, арқони узилмас.

«Оллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг». (Иброҳим сураси, 6-оят). Ўлик эдинглар, сизларга ҳаёт берди, адашган эдинглар, йзи ҳидоят берди, факир эдинглар, беҳожат қилди, оми эдинглар, илм ўргатди, заиф эдинглар, ғалаба берди.

«(Эй инсонлар), Парвардигорларингиз: «Менга дуо-илтижо қилинглар! Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман». (Фоғир сураси, 61-оят). Дардингизни Оллоҳга айтинглар, ҳожатингизни, мақсадингизни, ризқни Ундан сўранглар, аҳволингиздан Унга шикоят қилинглар.

«Оллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтоҷ эмасдир)». (Ихлос сураси, 2-оят). Бутун коинот Унга юзланур, махлуқотлар Уни кўзлар, тиллари турли, лаҳжалари хилма-хил бўлган халқ ўз ҳожатларини сўраб Унга дуо қилурлар.

«Бунга (яъни, Оллоҳ мўминларга ёрдам беришига, кофирларни эса ҳалок қилишига) сабаб, Оллоҳ иймон келтирган зотларнинг Дўсти – Ҳомийси эканлиги, кофирлар учун эса ҳеч қандай ҳомий йўқ эканлигидир». (Муҳаммад сураси, 11-оят). Уларга йўлни нурли қилиб, очиб берур, Ҳидоятни кўрсатур, залолатдан аспар, жаҳолатни кетказар.

Фитна тугуини кўтарма, ўзгаларни жосуслик билан кузатма, одамлар сен билан машғул деб ўйлама, барчалари фалакда сузиб юрур.

• «Хуш сўз – садақадир». Чунки дилни очар, қалбни баҳтиёр этар, жароҳатни битказар. Нафратни кетказар. Тинчликни эълон қилас.

«Биродаринг юзига табассум билан боқишинг садақадир». Чунки юз – китоб муқоваси, қалб ойнасидир. Виждон дастури, яхши аломатнинг бошидир.

«...бу Динда сизларга бирон ҳараж-танглик қилмади...». (Ҳаж сураси, 78-оят). Балки дин осонлик ва енгиллиқдир. Машаққатдан ҳимоядир. Кулфатдан узоқдир. Жабр-ситамдан омонлиқдир.

«...улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди (яъни, Ислом динидан аввалги динларда бўлган оғир, мاشаққатли ибодатларни олиб ташлаб, уларнинг ўрнига осон ва енгилларини келтиради)....». (Аъроф сураси, 157-оят). Улар бахтсизликдан сўнг яна бахтли бўлурлар. Машаққатдан сўнг роҳат олурлар. Хавфдан сўнг омон қолурлар. Қайғудан сўнг шод бўлурлар.

«Биз Сизни осон (Динга) муваффақ қилурмиз». (Аъло сураси, 8-оят). Бас, Парвардигорингга муҳаббат билан ибодат қилурсан. Хоҳиш билан итоат этурсан. Ишонч билан Унинг йўлида жиҳод қилурсан. Шунда топган азобларинг роҳатга, тотган «заҳарларинг» асалга айланади.

«Парвардигоро, агар унуган ёки хато қилган бўлсан, бизни азобингга гирифтор айлама!» Чунки бизлар гоҳ очкўзмиз, гоҳ ғофилмиз, гоҳ қайсармиз, гоҳ лоқайдмиз, афв айла ё Раб! Чунки бизлар гуноҳкор ва хатокормиз, аммо фазлу карамингдан умидвормиз, раҳматингга ташнамиз.

«Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама!». Чунки бизлар ожиз қулларингмиз, мискин бечоралармиз. Сен Ўзинг бизларга Сенга қандай дуо қилишни таълим бердинг. Энди дуоларимизни ижобат қил.

«Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!» Чунки бизлар ожиз қолиб, қалбларимиз ўтмаслашиб, нафсларимиз малолланиб қолади. Ўзинг бизларга осон қил.

«Бизларни афв эт». Чунки бизлар хатокормиз. Ёмонмиз, адашганмиз. Нуқсон-камчилик ҳаммаси бизда. Сен эса Сахий, Карим, Раҳмон, Раҳимсан.

«(Гуноҳларимизни) мағфират қил». Чунки гуноҳларни кечиргувчи ёлғиз Ўзингсан, айбларни яширгувчи ёлғиз Ўзингсан, айбдорга ҳалимлик қилгувчи ёлғиз Ўзингсан, гуноҳкорга марҳаматли Зот ёлғиз Ўзингсан.

«Ҳолимизга раҳм айла!». Чунки Сенинг раҳматинг ила баҳтиёр бўлурмиз, орзуларимизга етурмиз, амалларимиз қабул бўлур, аҳволимиз ўнгланар.

«Ўзинг Хожамизсан! Бас, бу коғир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!». (Бақара сураси, 286-оят).

«Мен, мاشаққат, иложсизлик, такаллуф, зўравонлик эмас балки фитрат, суннат, енгиллик ва мўътадиллик очиқ бўлган тўғри дин билан юборилдим».

«Ҳаддан ошишдан ҳазир бўлинглар!». Ҳеч нарса қўшмасдан, бидъатларга берилмасдан, осон, енгил, ўрта – адолатли бўлган суннатга эргашинглар.

«Менинг умматим – марҳаматга лойиқ кўрилган умматdir». Уни Парвардигорнинг Ўзи бошқарур, элчиси элчилар саййидидир, дини динларнинг яхшисидир, унинг уммати умматларнинг афзалидир, унинг шариати энг гўзал шариатdir.

«Оллоҳни Парвардигор, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни элчи, деб билган инсон иймон таъмини тотур». Бу уч нарса ризолик устунлари, нажот асослариdir.

Эй фақир банда, чиройли сабр қилгин, чунки сен мол-давлат жавобгарлигидан, бойликка қулликдан, дунё тўплаш мешаққатидан, уни қўриқлаб, унга хизмат қилишдан ҳамда Оллоҳнинг ҳузуридаги узун ҳисоб-китобдан саломатдирсан.

Эй қўзининг нурини йўқотган одам, қўзинг эвазига берилган жаннатдан хушнуд бўл, сенга қалбингдаги

нур эваз қилиб берилди, сен қабиҳликларни қўришдан, безовта қиладиган, банд қиладиган нарсаларга қарашдан омондирсан.

Эй дардман инсон, иншооллоҳ тузалурсан, дарҳақиқат сен гуноҳлардан тозаландинг, пок бўлдинг, қалбинг сайқал топди, нафсинг синик бўлди, кибр-ҳаволаринг кетди.

Нега йўқолган нарсалар ҳақида ўйлаб, бор нарсаларга шукр қилмаяпсан, бор неъматни унутиб, йўқ неъматга ҳасрат чекяпсан, одамларга ҳасад қилиб, ўзингдаги нарсалардан ғафлатда қоляпсан?

«Сен дунёда йўловчи – мусофири каби бўлгин». Бир бўлак нон, бир қултум сув, бир қатор кийим, қисқа кунлар, саноқли кечалар... сўнгра бу олам ўз ниҳоясига етур ва... энг бой инсон билан энг фақир инсоннинг қабри баробар бўлур.

Подшоҳ ходимининг ёнига, раҳбар қўриқчисининг ёнига, машхур шоир, номаълум бир фақир билан, бой мискин, фақир, ғамгин билан бирга дафн қилинур. Лекин у қабрларнинг ичидаги ишлар хилма-хил, даражалар бошқа-бошқадир.

Сени кўргани янги кун кириб келар экан, эй улуғ меҳмон, марҳабо дея қарши ол, кейин фарзни адо этиш, вожибларни бажариш, тавбаларни янгилаш билан уни яхшилаб меҳмон қилгин, гуноҳлар, ғамандухлар билан унинг дилини хира қилма, чунки у бошқа қайтиб келмайди.

Ўтмишни эслаган пайтда тарихингнинг ёруғ кунларини ёдга ол, шодмон бўласан. Бугунингни эслагандаги кулиб – битказган ишингни ёдга ол, хурсанд бўласан. Эртани эслаган пайтда чиройли орзуларингни ёдга ол, кунни яхши ният билан кутаётган бўласан.

Узун умр тажрибалардан иборат бойлик, тўпланган билимлар ва маълумотлар омборидир. Ҳар кунингдан ҳаёт фанининг бир дарсини олурсан. Ақл юргизгувчи қавм учун узун умр баракотдир.

Хавф ҳам керак, чунки у сенга тинчликни эслатади, дуога чорлайди, сени талаш-тортишдан тўхтатиб, буюк хатардан огоҳ этади.

Дард ҳам керак, чунки у сенга саломатликни эслатади. У қалбинг ғофиллар уйқусидан уйғонмоғи учун кибр-ҳаво дарахтини таг-томиридан узмоги лозимдир.

Ҳаёт ўзи қисқадир, бас уни қайсарлик билан яна ҳам қисқартирмагин. Дўст оздир, маломат билан уни ҳам йўқотма. Душманлар кўпдир, ёмон хулқинг билан уларнинг саноғини кўпайтирма.

Сен сабр-тоқатда ҳеч бўлмаса чумоли каби бўлгин, у дарахтга юз марта чиқиб, юз марта тушади сўнг яна юқорига чиқади ва чарчамайди ҳам, эринмайди ҳам.

Ит бор уйга фаришталар кирмайди, бас унда шаҳват ва шубҳалар ити жойлашиб олган қалбга сакинат қандай кирсин.

Жанжал мажлисларида қатнашма, чунки ундей мажлисларда дин арzon баҳога сотилур, мурувват ноқулай аҳволга тушар, обрў пасткашлар оёғи билан эзилар.

«(Эй инсонлар), Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда Оллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва Ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилинг!» (Ҳадид сураси, 21-оят). Демак, фақат мусобақа. Замон ўтиб борар, қуёш юриб борар, ой сайр этар, шамол эсаверар, бас, сен ҳам тўхтама, чунки ҳаёт карвони сени кутиб турмас.

**«Ва Парвардигорингиз томонидан бўлғуси мағ-
фиратга ҳамда эни осмонлар ва Ер баробарида
бўлган жаннатга шошилинг!».** (Оли Имрон сура-
си, 133-оят). Осилсанг, баланд дорга осилгин, чунки
улуғлик талон-торождир, ғалаба ҳаргиз олтин товоқ-
да келмайди. Унинг келиши учун қўз ёшлар, қонлар,
бедорликлар, очликлар, мاشаққатлар керак.

Ишчининг пешонасидан оқкан тер бекорчининг
мушки анбаридан покроқдир, меҳнаткашнинг оҳ ури-
ши дангасанинг ўқиган нашидасидан гўзалроқдир.
Очнинг қуруқ нони тўқнинг турли хил таомларидан
лаззатлироқдир.

Ишларда ўз фикрингда туриб олма, ўзгалар билан
маслаҳатлаш, чунки икки кишининг фикри бир ки-
шининг фикридан кучлироқдир, у худди бир-бирига
боғланган сари кучли ва қаттиқ бўлган арқон кабидир.

Сенга қилинган ҳар қандай танқидни адоват деб
қабул қилма, балки танқидчининг мақсадига пар-
во қилмай, танқиднинг ўзидан фойда ол, чунки сен
мақтовдан кўра танқидга кўпроқ муҳтождирсан.

Одамларни таниган инсон роҳат олур. Энди у улар-
нинг мақтовларидан ҳовлиқиб ҳам кетмас, уларнинг
таъналаридан жазавага ҳам тушмас, чунки уларнинг
ризолари ҳам, ғазаблари ҳам тез келур, уларни ҳавойи
нафс ҳаракатта келтирур.

Касаллик – дардлар сени мақсадга етишдан тўсади
деб ўйлама, чунки қанча-қанча фозил бандалар кўр,
кар, шол ва буқрилик дардига йўлиққанларига қара-
масдан улуғликка етганлар. Асосий масала фаолиятда-
дир, жисмларда эмас.

Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло сендан тўсгани, эҳтимол,
яхшилиқдир. Рағбатингни сўндиргани Унинг лутфи-

дир. Мақсадингни кечиктиргани иноятидир. Чунки У сени сендан күра яхшироқ күра олур.

Ҳар ҳафта оиласын билан саёхатта чиқ, ана шунда фарзандларингни күпроқ биласан, ҳаётинг янгиланади, чарчоқларинг кетади.

Бўш қўйилган фикр фожиа томон кетади, ғамаламларни тортади, бас уни бўш қўйма, балки уни фойдали нарсалар билан боғлаб қўйгин.

Энг улуғ йўл – масжид йўлидир, энг тинч кўча – уйга элтгувчи кўчадир, энг қийин туриш султонлар олдида туришдир, энг буюк кўриниш Парвардигорга сажда қилиш ҳолатидаги кўринишдир.

Гўзал оҳангда тиловат қилинаётган Куръонни тинглаш, хузури қалб билан қилинган Оллоҳнинг зикри, ҳалол молдан қилинган инфоқ-эҳсон, фасоҳатли тил билан қилинган ваъзни тинглаш жон роҳати, дил оромидир.

Гўзал хулқ, улуғ атвор қора кўздан ва кўркам юздан ҳамда гулгун чеҳрадан гўзалроқдир. Зеро, маънан гўзаллик шакл гўзаллигидан улуғроқдир.

Яхшилик қилиш баҳтсизлик ҳалокатидан сақлар, ақл девори ҳавои нафс жарликларидан тўсар, тажрибалар тўқмоғи мингта ваъз-насиҳатдан фойдалироқдир.

Кўр одам оламни кўришни истайди, кар одам овозларни эшитишни орзу қиласди, шол эса оёғи билан юришни қўмсайди, соқов инсон сўзларни айтишни орзу қиласди. Сен эса кўряпсан, эшитяпсан, юряпсан, гапиряпсан.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти комил деб ўйлама. Уйи борнинг улови йўқ, аёли борнинг мансаби йўқ, ишта-

ҳаси борнинг таоми йўқ, емиши бор эса ейишдан тўсилган.

Масжид Охират бозоридир, китоб умрбод дўстдир, амал қабрда ҳамроҳдир, улуғ хулқ шараф тожи, карамлилик эса гўзал кийимдир.

Ғазабнок ҳолингда қарор қабул қилма, надомат чекасан. Чунки ғазабнок одамдан тўғри йўл йўқолади, фикр кетади, мушоҳадаси камаяди.

Одамларни ҳурмат қилмай туриб улардан ҳурмат кутма, муваффақиятсизлигингда уларни эмас, ўзингни маломат қил. Инсонлар сени ҳурмат қилишларини истасанг, ўзингни ҳурмат қилгин.

Қасрлар харобага айланишини билган инсон ўз кулбасидан рози бўлмоғи, ипак мато ҳам эскиришига ишонган одам ўзининг йиртилган кийимиға қаноат қилмоғи даркор.

Нафсиға истаган нарсасини берган инсоннинг қалби тўзғир, иши зое кетар, қайғуси кўпаяр, чунки нафс истакларининг чегараси йўқдир, у ёмонликларга буюрувчи, сохтакордир.

Эй ўғлини йўқотган кимса, жаннатдаги ҳамд қасри сен учундир, эй дунё насибасини йўқотган одам, Адн жаннатларидағи насибанг сени кутмоқда.

Уясидан чиқмаган қушнинг ризқи келмас, инида ётган шернинг емиши келмас, уйида бўлган чумолига таоми берилмас, уларнинг ҳаммаси ўз ризқларини излар, сен ҳам улар каби изла, улар каби топурсан.

Улар ажалларидан аввал ўлурлар, ҳар офат-мушибатни кутурлар, ҳар қандай хаёл, овоз, ҳаракатдан қўрқурлар, чунки уларнинг қалблари бўм-бўш, руҳлари парчалангандир.

Сафарга кечикишинг яхшилик, жуфти ҳалолдан маҳрум бўлишинг барака, вазифадан бўшатилишинг фойда бўлса не ажаб, ахир Оллоҳ билур сен билмассан.

Харсанг дараҳтдан, темир харсангдан, олов темирдан, шамол оловдан, иймон эса шамолдан кучлидир.

Сенга етган ҳар қандай оғат унутилмас дарсдир, сенга етган ҳар қандай мусибат хотирангда муҳрланиб қолур. Шунинг учун ҳам улар зеҳнда боқий тургувчи ҳужжатлардир.

Омад қийинчилик, ғусса, жароҳатлар, оҳ уришлар, сиқилишлардан томган томчилардир. Қайғу эса бекорчилик, дангасалик, ожизлик, хорлик ва бекарорликдан томган томчилардир.

Вақтинчалик шуҳратни истаб, абадий гўзал мақтовга, фойдали илмга, солиҳ амалга ҳаракат қилмаган инсон аҳамиятсиз, жўн инсондир.

Модомики, Парвардигорга осий бўлмай, бировга зулм қилмаган экансан, мамнун ҳолда дам ол.

Одамлар уни дуо қилган ҳолда тунини ўтказган одамга яхшилик бўлсин. Одамлар уни дуоибад қилган ҳолда ухлаган одамга ўлим бўлсин. Қалблар уни севгаҳ инсонга жаннат хушхабари бўлсин. Тиллар уни лаънатлаган кимсага ҳалокат бўлсин.

Агар дунё маҳкамасида адолатни топа олмаган бўйсанг қайғурма, Охират маҳкамасида арзингни айт, у ердаги гувоҳлар фаришталар, дъяволар далилли, Қози эса энг яхши хукм қилгувчидир.

«Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Менга куфр келтирмангиз!». (Бақара сураси, 152-оят). Агар зикрнинг фойдаси фақат шундан (Оллоҳ сизни ҳам эслашидан)

иборат бўлганда ҳам, (ваҳоланки, унинг савобу фойдаси саноқсизdir) шунинг ўзи етиб ортади. Ажабо, бу зикр нақадар улуғdir, буюқdir, яқинликдир, шарафдир.

Бахт ҳақида битилган назариётлар, дарсларни ўзи етарли эмасdir, балки ҳаракат, амал, тасарруф лозимdir. Бу худди кунда, сафарда ёки сайлгоҳларга кетаётгандаги юришга ўхшар.

Чивинлар шерга кўп рўбарў бўлишади, унга озор беришмоқчи бўлишади, лекин шер бунга эътибор бермайди, унга қарамайди ҳам, чунки у ўз мақсадлари билан оворадир.

Бадбин инсондан эҳтиёт бўл, агар сен унга гулни кўрсатсанг, у сенга унинг тиконларини кўрсатади, унга сув берсанг, сенга унинг кирларини чиқариб беради, унга қуёшни мақтасанг, унинг иссиқлигидан шикоят қиласди.

Ростдан ҳам саодатни истайсанми? У ҳолда уни узоқдан излама, у ёнингдадир, у ижодкор тафаккурингда, гўзал хаёлингда, яхшиликни ўйлайдиган иродангда, эзгуликни таратувчи қалбингдадир.

Саодат – атир кабидир, ундан ўзингга бир икки томчи суртмай туриб, атрофингдагиларга унинг исини таратса олмайсан.

Бор мусибат шундаки, бизлар ҳар куни юз мартадан кўпроқ Оллоҳдан ўзгалардан қўрқамиш: кечикишдан, хато қилишдан, шошилишдан, фалончи ғазабланиб қолиши, фалончи шубҳага тушишидан қўрқамиш.

Одамларнинг кўплари барча шодлик йўқ бўлувчи, барча қайғу абадий деб эътиқод қиласдилар. Улар шодлик ўлимига ишониб, қайғу ўлимини инкор қиласдилар.

Баъзи одамлар кўр балиқقا ўхшайди, балиқ денгизда экан ўзини кичик бир косадаман деб ўйлади. Бизлар иймон оламида яралдик сўнгра атрофимизни нафрат, хавф, адоват ва қайғу тоғлари билан ўраб олдик.

Бир ҳакимдан сўрашди: «Нега сиз султон олдига бормайсиз, ахир у жуда кўп олтинлар беради». Ҳаким деди: «Мен султон ғазабланиб, бошимни олишидан ва у узилган бошни ўша олтин халталардан бирига солиб, аёлимга ҳадя қилиб жўнатиб юборишидан қўрқаман».

Нега итлар ҳуришини эшитиб, кабутарлар куйини тингламайсан? Нега тунлар қоронғусини кўриб, ой ва юлдузларнинг чиройини мушоҳада қилмайсан? Нега асаларининг чақишидан шикоят қилиб, асалнинг таъмини унутасан?

Отанг Одам қилган гуноҳи учун тавба қилди, бас Оллоҳ таоло уни бандалари орасидан танлаб, пайғамбарликка сайлаб, тўғри йўлга ҳидоят қилди. Унинг белидан пайғамбарлар, шаҳидлар, уламолар, авлиёларни чиқарди, демак у аввалги – гуноҳсиз ҳолатидан кўра, гуноҳ қилиб, тавбасига таянганидан сўнг баландроқ мақомга эришди.

Тўфон вулқон каби бўлганда Нуҳ йиғлаб, хитоб қилди: «Эй олийжаноб, меҳрибон Зот!». Бас, мана шу пайтда кўз очиб юмгунча унга ёрдам келди, бас у ғалаба қозонди, зафар қучди. Аммо коғир бўлганлар эса зиён тортди, мағлуб бўлди.

Довуд ўз гуноҳларини кўз ёшлари билан ювди, унинг тавба кийими оқ рангга айланди, чунки газлама меҳроб олдида тикилган, унинг чевари ишончли эди, унинг кийими сахар пайтида ювилди.

Агар Оллоҳ сендан ғам-андуҳларни кетказишини истасанг, маҳлуқотнинг каттасию кичигидан тама қилишни тўхтат, Оллоҳдан ўзгасидан умид қилма, одамларнинг ҳаммасидан умидсиз бўлиб олгин.

Нафсинг худди идишни бўёвчи суюқликка ўхшайди. Агар нафсинг тақдирдан рози ва баҳтиёр бўлса саодат, эзгулик, гўзалликни кўради. Агар у сиқилган, бадбин бўлса уни баҳтсиз, ёмон ва қабиҳ ҳолда кўрасан.

Маъбудга итоат этиб, борига шукр қилиб, йўғида таскин топсанг мақсадга эришган, барча мақталган истакка етган бўласан.

Қалбида иймон ва зикрдан иборат бўстони, зеҳнида илм ва тажрибалардан иборат боғи бўлган одам дунёдан эриша олмаган нарсасига афсус чекмасин.

Саодат. У қайғу йўқ дегани, кутиш йўқ дегани, кўрқиши тарқ этиш дегани.

Табассум. У ҳалол бўлган сехр, у дўстлик гарови, биродарлик эълонидир. У тинчлик ва муҳаббатни кўтаргувчи нақд рисолатдир. У Соҳиби тақдирдан рози, хотиржам, событқадам эканлигини билдирувчи қабул бўлган садақадир.

Сен учун дунё истакларининг ниҳоя топгувчи чегараси бўлсин. Яшаш учун уй, ўзинг учун муносиб иш, оғирингни енгил қилувчи уловинг бўлиши яхши, аммо тама эшикларини ланг очиб қўйишинг баҳтсизликдир.

Ҳаётингдаги ортиқча нарсалардан ҳатто чўнтағингдаги, ишхонангдаги ортиқча қофоздан ҳам халос бўл! Чунки ҳар бир эҳтиёждан ортиқчаси заарлидир.

Инсонларнинг энг баҳтлиси саҳобалардир, чунки улар қалблар тубига, нозик йўлларга, нафслар вас-

васига шўнғимадилар, балки улар аслни эътиборга олиб, асосий мақсадлар билан машғул бўлдилар.

Диққат-эътиборли бўлмоқлик ва ибодатларни адоқилиш вақтида қалблар ҳозир турмоғи лозим, зеро, амалсиз илмнинг, хушуъсиз намознинг, тадаббурсиз қироатнинг яхшилиги йўқдир.

Дунё нима ўзи? Дунё агар қимматбаҳо кийим бўлса, унга хизматкор бўласан ёки у гўзал жуфти ҳалол бўлса, ўз муҳаббати билан қалбингни азоблайди. Ёки у кўп мол-дунё бўлса, сен унга кўриқчи бўласан. Агар булар дунёнинг шодлиги бўлса, қайғуси қанақа бўлади?

Намозлар вақтлар тартибидир. Демак, ҳар бир намоздан сўнг фойдали иш қилгин.

Отамиз Одам ман қилинган дараҳтдан еб, Парвардигорига осий бўлди, бас бу иши уни жаннатдан ерга туширди. Масалани зоҳири шуки, Одам тўғри, чиройли йўлни тарк этди. Лекин ишнинг оқибати яхшилик ҳамда улуғ фазилатдан иборат бўлди. Бас, Оллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилиб, тўғри йўлга ҳидоят қилди ва уни бандаларининг орасидан танлаб олди. Унинг белидан элчиларни, пайғамбарларни, уламоларни, шаҳидларни, авлиёларни, мужоҳидлар, обидлар, инфоқ қилувчиларни чиқарди. Ўз сўзини баён қилған Оллоҳни поклайман. Унинг аввалги ҳолати соқинлик, ейиш-ичишдан иборат бўлса, (бу ҳозирги ғамандуҳи бўлмаган кўпчилик одамларнинг ҳолатидир) аммо унинг танлаб олиниш, пайғамбарлик, ҳидоятдан кейинги ҳолати эса буюк ҳолат, улуғ манзилат, юксак шараф бўлди.

Довуд алайҳиссалом хато қилганидан сўнг надомат чекиб йиғлади. Унга энг буюк неъмат берилган эди. У Парвардигорига итоатгўй, ўзини хор тутувчи, хушуъ

қилгувчи, қалби синиқ банда эди. Бандаликдан мақсад ҳам шудир. Зеро, Оллоҳга хор-зор бўлмоқ комил бандаликдир.

Қавми Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқариб, унга қарши жанг қилишлари мусулмонларни уларга қарши урушиб савоб топишга, Оллоҳнинг тарафдори бўлишга, У Зотнинг йўлида жонни қурбон қилишга сабаб бўлди. Оллоҳ ўз элчилариға ғалаба берган, мўминларга шаҳидлик мақомини насиб этган ғазотлар сабабли, уларни Наъийм жаннатининг меросхўрлари қилди. Агар кофирлар билан мана бу тўқнашув бўлмаганида мана бундай катта яхшилик, нажот, саховат бўлмаган бўлар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат сабабли Ислом давлатини барпо қилди, ансорларни топди. Иймон қуфр аҳлидан ажралиб қолди. Ўз иймони, ҳижрати, жиҳодида ким содик, ким ёлғончи эканлиги маълум бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари билан биргаликда Уҳуд жангидага мағлуб бўлишларини зоҳирда қалбимиз қабул қилмаса-да, дилимизга қаттиқ ботса-да, лекин шу сабабли тавсифига тил ожиз гўзал ихтиёр ва эзгуликлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга берилди. Бадр жангидага ғалабадан сўнг кўнгли тўқ бўлган саҳобаларнинг катталикларини, ўзига ишонишни, нафсига суюниб қолишини кетказди. Бу жангда Оллоҳ таоло шаҳидлар саййиди бўлмиш Ҳамза, Ислом вакили бўлмиш, Мусъабни, Оллоҳ у ҳақида сўзлаган Жобирнинг отаси – Абдуллоҳ ибн Амри ва бошқаларни шаҳид қилди. Бу жангда мунофиқларларнинг юзи очилди, ишлари ошкора бўлди, Оллоҳ таоло уларнинг сирларини очди, ниқобларини юлиб ташлади...

Нуҳ алайҳиссалом эллик йил кам минг йил ўз даъватининг йўлида озор топди. У сабр қилди, ажр кутди, тавҳид учун бўлган даъватини ёйишда кечаю кундуз, ошкора ва маҳфий давом этди, ҳатто Парвардигори унга нажот берди, душманларини эса тўфон билан ҳалок қилди.

Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланганида Оллоҳ у оловни салқинлик ва омонлик қилди, Иброҳимни Намруддан ҳимоя қилди, унга қавмининг ҳийлала-ридан нажот берди, уни улар устига ғолиб қилди ҳамда унинг Динини ерда абадий қилди.

Фиръавн Мусо алайҳиссаломни чор атрофда пистирмада туриб пойлар, у учун турли фирибларни тўқир, унга озор бериб, қувиб солишда ўз маҳоратини ишга солар эди. Бас, Оллоҳ таоло Мусога ёрдам берди, унга сеҳргарларнинг **«ўйдирма»ларини ютадиган асони** берди. У учун денгизни ёриб, уни – Мусони денгиз орасидан мўъжиза билан кутқарди. Оллоҳ Мусонинг душмани бўлмиш Фиръавнни ҳалок қилиб, шарманда қилди.

Бани Исроил Ийсо алайҳиссалом билан жанг қилдилар, унга унинг обрўси, онаси, элчилиги борасида озорлар беришди ва уни ўлдирмоқчи бўлишди. Шунда Оллоҳ уни Ўзи томон кўтарди, унга улкан қувватни берди. Душманлари эса зиён кўриб қолдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассалламга мушриклар, яхудлар, насронийлар қаттиқ азоб бердилар, у зотга ёлғончи қилиш, истеҳзо, масхара-лаш, ҳақоратлаш, мажнунга, фолбинга, шоир ва сеҳргарга, иғвогарга чиқариш каби турли балоларни ёғдирдилар. Юртларидан қувилди, у зотга қарши жанг қилинди, асҳоблари ўлдирилди, атбоълари қийноқ-

қа солинди, аёлларига тухмат қилинди, турли ма-шаққатларни тотдилар, ... оч қолдилар, фақир, мажруҳ бўлдилар, тишлари синди, бошлари ёрилди, ёрдамчилари бўлмиш Абу Толибни йўқотдилар, ҳамдардлари бўлмиш аёли Ҳадичадан айрилдилар. Қамал қилинди, ҳатто у зот ўз асҳоблари билан дараҳт баргларини ейишга мажбур бўлишди. У зот ҳаётлик чоғида қизлари вафот қилди, ўғли Иброҳим у зотнинг қўлида жон берди. Ухудда мағлуб бўлди. Амакиси Ҳамзанинг тани парчаланди. Ўзи эса турли суиқасдларга тўқнаш келди. Очликдан қорнига тош боғлади. Баъзан ейиш учун арпа нон ёки хурмо ҳам топа олмади. Гусса ютди, изтироб косасини қултумлаб ичди. Яна у зот золимларнинг димоғдорлиги, мутакаббирларнинг инжиқликлари, аъробийларнинг ёмон хулқлари, бойларнинг манмансирашлари, яхудийларнинг гина-адоватлари, мунофиқларнинг макрлари ва инсонларнинг сусткашликлари билан имтиҳон қилинди. Аммо оқибат у зотники эди. Ғалаба ҳамроҳи эди, зафар йўлдоши эди. Оллоҳ динни ғолиб қилди, бандасига ёрдам берди, фирмаларни бир Ўзи парчалади. Душманларини тор-мор қилди, шарманда қилди, ёрдамсиз қолдирди. **«Оллоҳ Ўз ишида ғолибdir (яъни, Уни Ўзи хоҳлаган ишни қилишдан ҳеч ким ман қила олмайди) лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар».** (Юсуф сураси, 21-оят).

Абу Бакр қийинчиликларни кўтариб, дини Ислом йўлида барча машаққатларни енгил санади, молдавлатини инфоқ қилди, обрўсидан кечди, Оллоҳнинг йўлида арzonу қиммат барча нарсасини инфоқ қилди. Ҳатто у зот Сиддиқ лақаби билан зафар топди.

Ҳаётини жиҳод, чиройли амал, зоҳидлик, ўзни қурбон қилиш, тарки дунё, инсонлар орасида адолатни барпо қилиш билан ўтказган зот – Умар ибнул Хаттоб меҳробда ҷоғида ўз қонига беланди.

Усмон Қуръонни тиловат қилаётган ҳолда қурбон қилинди.

Ўзни қурбон қилиш, ғалаба, фидокорлик ва ростгўйлиқдан иборат бўлган улуғ мақомларга эга бўлган Али ибн Абу Талибга масжидда турган ҷоғида хоинлик қилишди.

Хусайн ибн Алини Оллоҳ шаҳидлик мақоми билан сийлади, у зулм ва адоват қиличи билан ўлдирилди.

Олим ва зоҳид бўлган Саъийд ибн Жубайрни Ҳажжож ўлдириб, гуноҳкор ҳолида қолди.

Ибнуз-Зубайрга золим Ҳажжож ибн Юсуфнинг қўлида ҳарамда турган ҳолида шаҳид бўлиш шарафи билан карам қилди.

Ҳақни айтган Аҳмад ибн Ҳанбал қамоққа олинди, қамчиланди ва у аҳли сунна вал-жамоанинг имомига айланди.

Суннатга чорлаган Восиқ имом Аҳмад ибн Наср ал-Ҳазоий Ҳақни айтгани учун ўлдирилди.

Шайхул ислом Ибн Таймийя қамоққа олинди, аҳли-оиласи, дўстлари, китобларидан мосуво қилинди ва Оллоҳунинг номини бутун оламга ёйди.

Имом Абу Ҳанифа Абу Жаъфар ал-Мансур томонидан қозилик мансабини қабул қилмагани учун қамчиланди.

Олимур-Раббоний бўлган Саъийд ибн ал-Мусайибни Мадина амири қамчилади.

Дорул Ҳижрат имоми бўлган Молик ибн Анас Мадина волийси томонидан қамчиланди.

Муҳаддис олим бўлган имом Абдуллоҳ ибн Авинни Билол ибн абий Барда урди.

Агар қувғин, қамоқ, қамчиланиш, ўлдирилиш, озорлар билан имтиҳон қилинган инсонларнинг номини айтишни давом эттираверсак, кўп жойни эгаллайди, сўз кўпаяди. Айтганларимизнинг ўзи ибрат учун ки-фоядир.

Сўнгсўз ўрнида сизга икки дунё саодатини тиловчи биродарингизнинг дуюо саломини қабул қилгайсиз.

Оллоҳим, Сени поклайман, Сенга ҳамд айтаман. Ўзинг ёлғиз Илоҳ эканлигингга гувоҳлик бераман, Сендан мағфират сўрайман, Сенга тавба қиласман.

Ал-Қарний, Шайх Оиз.

Қ-24 Махзун бўлма (Матн) / Шайх Оиз ал-Қарний; араб тилидан З. Мансур таржимаси. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2020. – 240 б.

ISBN 978-9943-25-734-4

**УЎК 28
КБК 86.38**

Диний-маърифий нашр

ШАЙХ ОИЗ АЛ-ҚАРНИЙ

МАҲЗУН БЎЛМА

Иккинчи нашри

Муҳаррир *Л. Игамова*

Рассом-дизайнер *Р. Маликов*

Техник муҳаррир *Л. Хижсова*

Кичик муҳаррир *М. Салимова*

Мусаҳҳид *М. Ишонханова*

Компьютерда саҳифаловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси AI № 158. 14.08.2009.

Босишга 2020 йил 19 февралда рухсат этилди. Бичими $60 \times 90^1 / _{16}$.
Офсет қофози. «Cambria» гарнитурасида оғсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 15,0. Нашр табоғи 12,98.

Адади 5000 нусха. (2-завод). Буюртма № 20-122.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011. Тошкент, Навоий қўчаси, 30.


Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptd.uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

47500



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-734-4

9 789943 257344